Guliston

5
2001





Қорақалпоғистонлик бахши
Зиёда ШАРИПОВА
қимматбаҳо совға эгаси бўлди.



Қирғизистонлик тўқма оқин
Абдували ҲАКИМБЕКОВ.



Бахши-шоирларнинг II-анъанавий Халқаро
кўрик-фестивали иштирокчилари.

Суратларни Қосимжон Ҳасанов олган.

Тарихан жуда қисқа бўлган ўн йиллик даврда ҳаётимизни янгилаш, демократик адолатли давлат ва фуқаролик жамиятининг асосларини яратиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш, юртимизни обод қилиш ва халқаро майдонда обрў қозониш йўлида амалга оширган бунёдкорлик ишларимиз ҳақида бугун ғурур ва ифтихор билан гапиришга ҳақлимиз, десак, бу ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Guliston

5
2001

sentyabr-oktyabr

Ijtimoiy-siyosiy, ilmiy-ommabop va badiiy bezakli jurnal

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Madaniyat ishlari vazirligi

Bosh muharrir –
Tilab MAHMUDOV

Tahrir hay'ati:
Rustam ABDULLAYEV, Bahodir ABDURAHIMOV, Bobur ALIMOV, Otanazar MATYOQUBOV, Mahkam MAHMUDOV, (bosh muharrir o'rinbosari), Alisher MIRZAYEV, Ma'pura NABIYEVA, (mas'ul kotib), Yo'ldosh SULAYMON, Aziz TO'RAYEV, Erkin ERNAZAROV, Ravsan UNUSOV, Muhsin QODIROV, Usmon O'ORABOYEV, Tursunali QO'ZIYEV.

Jurnal 1925 yildan chiqa boshlagan.

Ushbu sonda

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori. Estrada qo'shiqchilik san'atini yanada rivojlantirish to'g'risida 2
Mukarrama MULLAJONOVA. Mustaqillik va demokratik jamiyat 4
Ubaydullo ERGAShYEV. Adolat - ijtimoiy hayot mezoni 6
Akmal SAIDOV. "Avesto" - Sharqning bebaho yogorligi 7
Narziqul ShODIYEV. "Avesto" abadiyati 12
Abduxalil MUHAMMAD o'g'li. Yuksak turmush tarzi uchun 13
Baxtiyor TOLIPOV. Milliy g'oya va iqtisodiy tafakkur 14
Mahammadjon ABDURAHMONOV. O'n yetti qum osti shahri 16
Abdumannon UBAYDULLAYEV. Vatan va insonlar qismati 18
Temur JAMOLOV. Millatlararo totuvlik amalda 19
Jasur RASULTOYEV. Cholg'u sozlar tasnifi 20
Dilbar MAHMUDOVA. Nasibaxonning nasibasi 22
Komiljon RAFIQOV. Xarolьd Lemb ijodida Sharq Uyg'onish davri 25
Muhsin G'ANIYEV. Ota (davomi) 26
Muhammadjon QOZOQBOYEV. Baxshilar anjumani 28
Madina ABDULLAYEVA. Registon uzra mumtoz navolar 30
Qobiljon QOSIMOV. Ijodiy hamkorlik 31
Feruza MIRZAYEVA. Yashnayotgan umid niholi 32
M.QAMBAROV. Eskirib, yangilangan so'zlar 35
Mahmud SATTOR. Ahli dillardan biri 36
Ikrom OTAMUROD. She'rlar 38
Masrur RAHIMJONOV. Ko'ngil nuri 40
OTAULI. Qani mening yulduzim? 42
Ergash OChIL, G'ulom KARIM. "Judolik diyori" manzaralari 44
Sergey NEMSOVICh. Ertaklar malikasi 45
Mahamadali TAGIYEV. Ko'hna tarix guvohi 46
Mamedquli MUSTAFOYEV, Mehriniso RAZZOQOVA. Ozodlik kuychisi 48
Ma'pura NABIYEVA. Xizmati elga manzur 50
Jaloliddin RUMIY. Masnaviy (davomi) 52
Mahmuda ABDULLAYEVA. Orzuli dunyo
(Xonanda Bahodir Rahimov bilan suhbat) 56
Dilbar AYuPOVA. Asliyatdan tarjima 57
Abdug'afur RASULOV. Ijodning jon tomirlari 58
Rustam LATIPOV. Bobur zamoni mulkdorlarining ma'naviy qiyofasi 59
O'.NURTOYEV. Milliy tasviriy san'atimiz kelajagi 60
Abdulla ShER. Diniy-badiiy asarning estetik mohiyati 61
Sharif FAYZULLAYEV. Milliy tarbiya zarurati 62
Bahodir HUSANOV. Inson kamoloti 63
Abdulla BOBOYOROV. Afandining o'g'lini jazolagani (Hazil) 64

Muqovaning birinchi betida:
O'zbekiston televideniesi suxandoni
Nasiba MAQSUDOVA hamkasblari davrasida.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий эстрада қўшиқчилик санъатини ривожлантириш йўлида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Давлат томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилиб, кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар ўртасида эстрада санъатига қизиқиш кучайиб бормоқда, янги-янги ижодий гуруҳлар ва хонандалар майдонга чиқмоқда.

Шу билан бирга, эстрада санъати маданиятини, эстрада ижодкорларининг профессионал малакасини ошириш, ёш санъаткорларнинг ўз иқтидорини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш борасида камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Халқимизни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи етук мусиқий асарлар билан бир қаторда, мутасадди ташкилотлар ва баъзи эстрада жамоалари ҳамда яккахон ижрочиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан заиф қўшиқлар ҳам концерт дастурлари, радио-телеканаллардан ўрин олмоқда, аудио-видео кассеталар орқали тарқатилиб, маънавий тарбия ишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижодий жамоалар ва яккахон ижрочиларнинг фаолияти ва репертуарларини мувофиқлаштириш юзасидан Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадиокомпания», «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси олиб бораётган ишларни қониқарли деб бўлмайди.

Ўзбек миллий мусиқа санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларига йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, эстрада қўшиқчилигининг ютуқ ва тажрибаларини умумлаштириш, соҳа тараққиёти учун зарур имкониятлар яратиш, бадиий юксак асарларни тарғиб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Республика кенг мусиқий жамоатчилик вакиллари, эстрада санъатининг таниқли намояндалари, «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ёзувчилар уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Бадиий академия ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин, унинг таркиби ва Низоми маъқуллансин.

2. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий вазифаси этиб қуйидагилар белгиланган эътиборга олинсин:

— эстрада жамоалари, яккахон ижрочилар ҳамда бошқа санъаткорларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш;

— замонавий эстрада санъатининг ўзбек мусиқа маданияти тараққиётидаги ўрни, ғоявий-бадиий йўналишлари, уни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйғунликда ривожлантириш тамойилларини белгилаш;

— мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, томоша-шоулар, халқ сайиллари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга доир тавсиялар тайёрлаш;

— миллий эстрада санъатининг мониторингини ташкил этиш, соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган турли анжуманлар, илмий-ижодий симпозиумларни мунтазам равишда ўтказиб бориш, ўз даврий нашрларини йўлга қўйиш;

— соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган санъаткорларнинг номзодларини давлат мукофотларига кўрсатиш, ўзининг турли нуфузли мукофотларини таъсис қилиш, эстрада намояндалари, авваламбор, ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, тегишли ўқув юртларига тавсия этиш.

Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси ва бошқа тегишли ижодий ташкилотларга Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг соҳа фаолиятига доир тавсия ва таклифларини эътиборга олиб, амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

3. Эстрада санъатини ривожлантириш борасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси тугатилиб, унинг негизида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг асосий мақсад ва вазифаларини адо этадиган хўжалик ҳисобидаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил этилсин, унинг ишчи аппарати ходимларининг чекланган сони 20 нафар бўлган (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) таркибий тузилмаси ва Низоми тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ишчи аппарати ва ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича разрядларини 2 ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади, унинг мол-мулки, амалдаги барча мажбуриятлари, тузган шартнома ва контрактларининг бажарилиши юзасидан жавобгардир.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг асосий вазифалари Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий мақсадларни амалга ошириш, Кенгаш тавсияларини бажариш, эстрада санъатини ривожлантиришга

қаратилган ташкилий-ижодий ишларни олиб бориш, вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари фаолиятига раҳбарлик қилишдан иборат.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Кенгашга ҳисобот беради ва ўз Низомида белгиланган бошқа вазифаларни амалга оширади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгашининг тавсияси билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади ва мақомига кўра Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари лавозимига тенглаштирилади.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Туркистон» концерт саройига жойлаштирилсин. «Туркистон» концерт саройини давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

4. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарга бадиий хизмат кўрсатиш (концерт қўйиш) билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган махсус рухсатнома (лицензия)лар берувчи ваколатли орган ҳисобланади.

Ушбу фаолият турлари билан шуғулланадиган барча юридик ва жисмоний шахслар икки ой муддатда қайта рўйхатдан ўтказилиб, белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия)лар билан таъминлансин. Мазкур рухсатнома (лицензия)ларни ҳар йили қайтадан расмийлаштириш тартиби жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу соҳада фаолият кўрсатадиган ижодий гуруҳлар ва яккахон ижрочилар фақатгина «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан берилган рухсатнома (лицензия)лар асосида фаолият олиб бориши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга оширувчи, тўйлар, юбилейлар ва бошқа тантаналарга бадиий хизмат кўрсатиш (концерт қўйиш) билан шуғулланувчи барча юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар ва яккахон ижрочилар учун махсус рухсатнома (лицензия)лар бериш тартибини ва лицензиялар матнини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига киритсин.

6. Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қошида ёзувчилар, бастакорлар, мусиқа шарҳловчилари, журналистлар ва жамоатчилик намояндаларидан иборат Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳининг тузилгани маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши Низомида кўзда тутилган дастурий вазифаларни амалга оширади, юридик ва жисмоний шахслар, ижодий жамоалар, гуруҳлар, яккахон ижрочилардан ушбу қарорнинг 4-бандида қайд этилган фаолият турлари билан шуғулланишга махсус рухсатнома (лицензия) олиш учун тушган аризаларни кўриб чиқиб, муҳокама қилади, санъаткорларнинг ижодий нуфузи, маҳорати, профессионал малакаси, репертуар савиясига қараб, уларга хулоса беради. Мазкур гуруҳларнинг хулосаси «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан махсус рухсатнома (лицензия)ни расмийлаштириб бериш учун асос ҳисобланади.

Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи таркиби Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қарорига кўра ҳар йили 30 фоизга янгиланиб бориши инобатга олинсин.

7. Эстрада санъати намояндалари ва ёш ижодкорларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш Кенгаши қошида Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Давлат, жамоат ташкилотлари ҳамда мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, турли муассасалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар ҳам Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлари бўлиши мумкин.

Жамғарманинг молиявий манбалари махсус рухсатнома (лицензия)лар учун тўловлар (солиқлар), ҳомийлик маблағлари ҳамда давлат кўмаги ҳисобидан ташкил топади.

Эстрада санъатини ривожлантиришга ҳомийлик қилиш истагини билдирган ташкилотлар ташаббуси маъқуллансин.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси 2005 йил 1 январга қадар давлат бюджетига олинадиган барча солиқлардан озод этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун унинг ҳисоб рақамига Вазирлар Маҳкамаси заҳира жамғармасидан 50 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

9. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил этилиши муносабати билан илгари «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасида фаолият кўрсатиб келган академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси ҳамда академик ва халқ бадиий жамоалари Маданият ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказилсин ва уларни давлат бюджетидан ҳамда хўжалик ҳисобидаги фаолият тушумларидан молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

Маданият ишлари вазирлиги таркибида 3 штат бирлигидан иборат Академик ва халқ бадиий жамоалари бошқармаси ташкил этилсин.

Молия вазирлиги мазкур 3 штат бирлиги учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратишни назарда тутсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда 1 ой муддатда академик ва халқ бадиий жамоалари учун бино ажратсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликларига бир ой муддатда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари моддий-техник базаси асосида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлинмаларини тузиш, академик ва халқ бадиий жамоаларини ҳудудий маданият ишлари бошқармалари тасарруфига ўтказиш вазифаси топширилсин.

12. Адлия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

13. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов ва Х.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 26 июнь.

A. Navoiy nomidagi
O'z b. Milliy kutubxonasi
Milliy bibliografiya bo'limi

Мустақиллик ва демократик жамият

Ўзбекистонда демократик жамият қуришда халқнинг жипслигини таъминлаш алоҳида сиёсий аҳамият касб этади. Мамлакат ички сиёсатининг барқарорлиги кўп жиҳатдан масаланинг амалда ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Биринчи навбатда демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қабул қилинаётган қонунларнинг амалиётда тўғри бажарилишини таъминлаш ҳаётий заруриятга айланди. Бу каби долзарб муаммоларни ҳал этиш учун мамлакатимизда янги, мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилганлиги ва келажакда бажарилиши лозим бўлган қуйидаги стратегик вазифалар Президентимиз Ислом Каримовнинг қатор асарларида чуқур таҳлил қилинган:

— давлат қурилишини такомиллаштириш;

— сиёсий тузумни эркинлаштириш ва жамиятнинг демократик асосларини вужудга келтириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя этувчи тизимни қувватлаш;

— иқтисодни ислоҳ қилиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш;

— маънавий янгиланиш жараёнини кучайтириш.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган концептуал қарашлардан бири бу — демократик тафаккур, ҳуқуқий тафаккурни фуқаролар онгида шакллантириш масаласидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда демократик жамият ўрнатишдаги бораётган сиёсий жараённинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган эркинликлари, ҳуқуқ ва бурчларининг амалга оширилишига боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли ички сиёсатда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш яхши самара беради. Илмий кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ислоҳотларнинг самараси бўлса-да, ҳамон Ўзбекистонда юқори малакали, замонавий фикрлайдиган, маънавий етук раҳбар кадрларнинг етишмаслиги сиёсий ва ижтимоий тараққиётга халал бераётгани яққол сезилмоқда. Бундай ҳолатни чуқур таҳлил этган ҳолда Президентимиз Ислом Каримов етук кадрларни, аввалambор ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш муаммоларини ҳал этиш масаласи муайян даражада демократик институтларни, жамоат ташкилотлари, нодавлат тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини янада ошириш ва мустаҳкамлашга боғлиқ. Юртбошимиз таъкидлаганидек, фуқаролар жамиятини қуришни демократик институт-муассасаларнинг мавқеини оширишдан бошлаш зарур.

Чунки, демократик институтлар фаолияти сиёсий характерга эга бўлганлиги учун ҳам, улар жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришга ўз таъсирини ўтказади. Шу боисдан, Президентимиз Ислом Каримов ўз асарлари ва нутқларида демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад — кўпчиликни мумкин қадар янги жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақонли эгаларига айлантиришдан иборат эканлигини атрофлича асослаб берди. Бу айни пайтда катта сиёсий ва амалий аҳамиятга эга масаладир.

Айниқса, ҳозирги даврда дунёда турли ғоялар ва мафкуралар ўртасида тортишувлар кучайиб бораётган, муайян миллатнинг, халқнинг онгига, ёшлар онгига салбий таъсир этувчи тарғиботлар авжига чиқаётган бир шароитда миллий ғоя ва мафкуранинг роли ниҳоятда ошиб бормоқда.

Ўз идеалларига эга бўлган халқни ҳеч қачон енгиб бўлмайди. Ўз идеалларига эга миллат ҳар қандай ҳолатда ўзини йўқотмасдан тараққиёт сари бораверади. Бир ярим асрдан кўпроқ бўлган қарамлик даври бизнинг халқимизга жуда қимматга тушди. Давлат суверенитетига эга бўлганимизга ўн йил бўлди. Бир ярим аср муқаддам йўқотган миллий давлатчилигимизни тиклаш йўлида кўпгина ютуқларга эришдик ва эришмоқдамиз. Лекин миллий ғоя ва миллий мафкурани моддий кучга айлантириш учун бизда чуқур билим, тафаккур ва амалий тажриба етишмаётир. Чунки мустабидлик даври қолдикларидан, онгимизга сингиб кетган қарамлик психологиясидан, маънавий қулликдан — мустақил фикрлаш, мустақил сиёсат юритишга ўтиш машаққатлари баъзи маҳаллий раҳбарларни халқдан узоқлаштирмоқда. Тафаккур қуллиги психологияси буларни оддий ижрочига айлантирмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан майдонга ташланган миллий ғоя ва мафкурани яратиш шиори шунчаки оддий ишлардан бўлмас-

дан, балки жамиятни қуришнинг ва уни ривожлантиришнинг муҳим омилидир. «Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир». (Ислом Каримов)

Миллий ғоя ва миллий мафкура аслида бизда мавжуд. Гап ана шу мавжуд мафкуранинг жамиятга, аввало, фуқаролар онгига таъсир этишининг самарадорлигини оширувчи тизимини шакллантириш тўғрисида бормоқда.

Биринчидан, бу тизим орқали фуқаролар онгига мустақилликнинг моҳияти сингдирилади, миллий ўзлигимизни англашимиз кучаяди, миллий қадриятларимиз тикланади, ривожланади, миллий ифтихор ва ғурур амалда ифодасини топади.

Иккинчидан, бу тизим орқали турли сиёсий партиялар, сиёсий кучлар, ижтимоий ҳаракатлар, ижтимоий гуруҳлар қуввати миллат ва давлат манфаатига бўйсундирилади. Акс ҳолда мафкура моддий кучга айланмайди.

Миллат ва давлат манфаатдорлиги принциплари эса ўз навбатида янги жамият ўрнатишнинг муҳим омиллари сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бозор муносабатлари шароитида жамият учун зарур бўлган мафкуранинг моҳиятини И.А.Каримов чуқур таҳлил этди. «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган, дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан», — деб таъкидлайди юртбошимиз. Демак, миллий мафкура жамият аъзоларининг манфаатларини ифода этиш орқали янги демократик жамиятнинг барпо этилиши жараёнига ўз таъсирини ўтказади. Чунки, миллий мафкура жамиятимизда фикрлар, ғоялар ва қарашларнинг хилма-хиллигидан қатъи назар, уларнинг барчаси ягона мақсад сари йўналтирувчи хусусиятга эга.

Миллий ғоя, энг аввало, ёш авлодни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида инсонпарварлик ва одамийлик каби фазилатларни шакллантиришда муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Демак, ижтимоий ва сиёсий омилларнинг жамият ҳаётига таъсир этиш даражаси миллий ғоянинг қанчалик фуқаролар онгига сингдирилиши, миллат, Ватан ва давлат манфаатининг бирламчилиги билан характерланади. Ватанпарварлик миллий ғоянинг асоси бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

— Ватанга, ерга, халққа, меҳнатга муҳаббат. Ўзбекистоннинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва келажаги билан фахрланиш;

— давлат тилини, миллий анъаналарни ва маданиятни чин юракдан сева билиш;

— Ўзбекистоннинг байроғи, герби ва мадҳиясини ҳурмат қилиш;

— жасурлик, талабчанлик ва қатъийлик, фидоийлик;

— ростгўйлик, виждонийлик, ахлоқий поклик;

— халқнинг жанговар ва меҳнат анъаналарини ҳурмат қилиш;

— кексаларга ҳурмат;

— миллий анъаналарни, барча халқларнинг диний қарашларини ҳурмат қилиш;


— миллий давлат, яъни Ўзбекистоннинг бирлиги ва бутунлигини англаб етиш;

— ягона фуқаролик масъулиятини тушуниш.

— Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига эътиқод қўйиш.

Ана шу юқоридаги сифатларнинг шаклланиши мамлакат ички сиёсатининг барқарорлигини таъминлайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий сиёсатнинг ўзаро уйғунлашиб боришини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ватанпарварлик ва инсонпарварлик — инсон маънавий қиёфасининг асосий мезони эканлигини чуқурроқ англашимизда Президентимиз Ислом Каримов асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, юртбошимиз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёшларни Ватанни севишга, унинг ҳимоячилари бўлиб етишишга чақиради. Президентимиз «Биз фидоий ватанпарварларга таянамиз», «Биздан обод ва озод Ватан қолсин», «Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир» каби қатор асарларида фуқароларда ватанпарварлик туйғуларининг тикланишида миллий мустақилликнинг ўрни катта эканлиги ғоясини илгари сурди.



«Миллий ғоя биринчи навбатда, — деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов, — ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши лозим».

Миллий ғоя ўз моҳиятига кўра эл-юртни бирлаштирувчи, буюк мақсадлар сари халқни сафарбар этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш сифати ва унинг самараси, энг аввало, инсонпарварликка боғлиқдир. Ҳар бир инсон руҳиятида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларининг ривожланиши биз яшаб турган жамият барқарорлигининг муҳим кафолатидир.

Мукаррама МУЛЛАЖОНОВА,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси.

Адолат — ижтимоий ҳаёт мезони

Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.
И.А.Каримов

Муайян ижтимоий ҳаёт қўйнида улғайиб вояга етаётган инсонлар ақл-идроқ, ахлоқ-одоб, иймон, эътиқод, одамгарчилик каби ижтимоий адолат қоида-қонунларига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатсалар танланган тузумда, жамиятда барқарорлик, дўстлик, меҳр-оқибат, хуллас умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳукм суриши мумкин. Чунки одамлар ўзаро ижтимоий-маънавий муносабатда бўлиб туришлари жараёнида адолат тамойилларига риоя қилмасдан фаолият кўрсатсалар, унда нафақат кишилик жамияти бир бутун тизим сифатида шаклланмайди, балки инсониятни ўзи ҳам ақлли, онгли мавжудот тариқасида намоён бўлмайди ва табиатнинг оддий бир жонзодига айланиб қолади.

Инсон ижтимоий субъект сифатида жамиятда яшаб фаолият кўрсатар экан, ақл-идрокка, иймон-эътиқодга, бирор кишининг ҳақига хиёнат қилмасдан, кўнглини ранжитмасдан, ҳар бир ишда одамийлик ўлчови асосида ёндошса, муомала маданиятига риоя қилса ижтимоий ҳаётда адолат ҳукм суради ва оқибатда кишилик жамияти қандай тузилишидан қатъи назар ҳамжиҳатлик қарор топиши муқаррар. Шунинг учун ҳам кишилар ўртасидаги ижтимоий-ахлоқий муносабат, мулоқотлар, баҳс-мунозаралар, суҳбатлар ижтимоий ҳаётнинг қон томирлари, генератори бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, кишилик жамиятида яшаб фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг инсонийлик ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, эъзозловчи адолатли сиёсий бошқарувни амалга оширишни ҳаёт тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ёзади: «Буюк аждодларимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч — адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамиятнинг асоси бўлганлигини яхши биламиз. Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди. Эртамикечми фаровон турмушга эришади».

Ижтимоий ҳаётда, кишилик жамияти турмушида тинч-тотувликни, барқарорликни, эркин, озод яшашни таъминлайдиган омил адолат тамойилларига риоя қилиш ҳисобланади. Агар барпо этилган давлат, ўрнатилган ҳокимият, адолат принципига риоя қилмасдан сиёсий бошқарувни амалга оширса унда ижтимоий ҳаёт инқирозга учраши муқаррар. Шунинг учун ҳам, зўравонликка асосланган совет тузуми қулаб, унинг ўрнига барпо этилган мустақил Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётни бошқарув жараёнини адолат ўлчови асосида олиб боришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ҳар бир давлат ва ҳокимият ўз амалий фаолиятида халқнинг, миллатнинг, элатнинг, табақанинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган адолатли сиёсат олиб борса ижтимоий бирдамликни таъминлаш учун замин яратган бўлади. Президентимиз И.А.Каримов тўғри ёзганларидек, «Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир».

Аммо шуни минг афсус билан таъкидлаш лозимки, баъзи жойларда айрим ҳокимлар ўз шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиб, фақат бойлик тўплаш, уруғ-аймоқларини мойли жойларга тайинлаш, вақтларини айш-ишрат-ла кун кечириш билан ўтказмоқдалар.

Президентимиз И.А.Каримов Самарқанд ва Навоий вилоятларида 1998 йилда бўлиб ўтган навбатдан ташқари халқ депутатлари сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтганларидек, «Бошлиқлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий талабларини қондириш, турмушини яхшилаш учун адолатли сиёсат олиб бориш ўрнига, ошна-оғайнигарчиликка, маҳаллийчиликка йўл қўйганликлари, ҳашаматли, икки қаватли шахсий уй-жой қуриш, дабдабали тўйлар ўтказиш билан шуғулланганликлари натижасида омма ўртасида иззат-ҳурматларини бой бериб, халқдан узоқлашиб кетдилар. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда».

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт тирик организм сифатида ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатар экан, унда турли-туман инсонлар гуруҳи, қатламлари яшашлари муқаррар. Гап шундаки, ҳокимият тепасида турган сиёсий шахс, субъект жамиятни бошқариш жараёнида, агар уларни эътиборга олган ҳолда адолатга, тотувликка, ақл-идрокка риоя қилса, унда ижтимоий-сиёсий ҳаётни барқарорлаштиришга замин тайёрлайди ва халқнинг ҳурмат-иззатига сазовор бўлади. Президентимиз И.А.Каримов доно, адолатли сиёсат олиб бораётганлиги туфайли «Жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган оқилона ғояни илгари суриб, ҳаётга татбиқ этишлари натижасида республика ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарорлаштиришга эришилди.

Демак, демократик ва фуқаролик жамияти қураётган бир пайтда ижтимоий-сиёсий ҳаётни барқарорлаштириш учун турмушда жаҳолатга, эҳтиросларга берилмай, балки инсонларни эъзозловчи адолатли муомала маданиятига риоя қилган ҳолда иш олиб борилса, ижтимоий тараққиётга эришамиз.

Бунинг учун биринчи навбатда ҳар бир фуқаро янгича мушоҳада қилиши, Ватан равнақи ва истиқлоли учун фидойи бўлиши, миллий истиқлол ғоясини ўзида мужассамлаштирган, ижтимоий адолат ва муомала маданиятини билувчи, иймонли, эътиқодли бўлиши лозим.

Убайдулло ЭРГАШЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси.



Акмал САИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

«Авесто» — Шарқнинг бебаҳо ёдгорлиги

«Авесто» — Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари қадимий маданиятининг бебаҳо тарихий ёдгорлиги бўлиб, у жаҳон тарихига диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш тасаввурларини англашнинг битмас-туганмас манбаи сифатида кирган. Ушбу нодир ёдгорлик қадимги замонлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳақида, одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулк, никоҳ-оила муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар, жиноят ва жазо, суд ва суд амалиёти масалалари тўғрисида кенг ахборот беради.

«Авесто» зардуштийлик диний-ҳуқуқий китобининг тўплами (мажмуаси) ҳисобланади. Зардуштийлик асосчиси Спитак Спитама Заратуштра (Сипийтмон Зардушт) инсониятга бирон-бир бошқа диндан кўра бевосита ёки билвосита катта таъсир кўрсатган энг қадимги жаҳон динини яратди. Яҳудийлик, насронийлик, ислом, шунингдек, гностик гуруҳлар унинг энг муҳим доктриналарини ўз ичига олган. У будданинг ривожланишига ҳам катта таъсир этган. Зардуштийлик наинки қадимий асрларда, балки Сосонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам расмий дин ҳисобланган, Араб халифалиги ва ислом дини қарор топиши даври қувғинликлар ва сиқувларга қарамай яшаб-верган.

Зардушт полетеизмни (яъни кўпхудоликни) инкор этган ва Аҳура Мазда шахсида ягона тангрини эълон қилган буюк ислоҳотчи сифатида тарихга кирди, у эзгулик ва ёвузлик муросасиз қарама-қарши кураши концепциясини, шунингдек, машҳур ахлоқий учлик: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал бўлиб, бу унинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимотининг асосини ташкил этди.

Зардушт ислоҳоти фақат диний эмас, балки хўжалик ва ижтимоий мақсадларга эришиш учун ҳам қаратилгандир. Синфий жамиятга қадар босқичда шаклланган зардуштийлик уруғдошликдан давлат тузумига ўтиш мафкурасини акс эттириб, ўзида «одилона шоҳлар» ҳукмронлиги остидаги кучли ҳокимият, йирик давлат бирлашмалари, жамият ҳаётини ижтимоий нормалар қатъий тутилганлик воситасида тартибга солиш, тақводорлик тартиби ҳукмронлиги ғоясини илгари сурган.

Зардуштийлик Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бундан кейинги фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурга катта таъсир ўтказган. Унинг концепциялари қатор йирик ғоявий йўналишларнинг таниқли мутафаккирлари давлат-ҳуқуқ таълимотлари учун асос қилиб олинган. Зардуштийлик ахлоқий учлигининг Демокрит таълимотига таъсирини, зардуштийликни чуқур ўрганган Гегель фалсафасида зардуштийлик дуалистик концепциясининг аҳамиятини, буюк ислоҳчи Платон бу таълимот билан танишувини, Заратуштра ҳақида эслатиб ўтган биринчи юнон олимлари, жумладан, Аристотелни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Зардуштийлик замон синовидан ўтган таълимотлардан биридир. Кўп асрлар мобайнида турли халқлар ижтимоий ҳаётида ўз улуғворлиги ва улкан аҳамияти туфайли ва унинг тарафдорларининг қаттиқ таъқиблари ва қувғинликларига, ислом келиши билан дунёвий аҳамиятини йўқотганлигига қарамай, зардуштийлик ҳозирда ҳам форслар томонидан, асосан Эронда ва Ҳиндистонда эътиқод қилиб келинмоқда, улар авлоддан-авлодга эътиқодларини ўз таълимотига, ўз динлари, анъаналарига бериб келаётирлар, ўз ҳаётларида «Авесто» ақидаларига қатъий амал этаётирлар.

«Авесто»нинг жаҳон ҳуқуқ тарихидаги нодир ҳуқуқий ёдгорлик сифатидаги аҳамияти ошишига, унга бўлган илмий қизиқиш вужудга келганлиги ва ундаги мавжуд сиёсий ва ҳуқуқий ғояларни тадқиқ этиш заруряти сабаб бўлди.

«Авесто»даги сиёсий ғоялар

«Авесто» қадимги қисмларининг таҳлили «Авесто» жамияти тўрт бўғинли ташкилот тизими ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради. Уй-оила куйи бўғин бўлган, қолган бўғинларни уруғ, овул, қишлоқ жамоаси, қабила, вилоят, мамлакат ташкил этган. Уй — оилага уй эгаси, уруғга оқсоқол, қабилага — унинг бошлиғи бошчилик қилган. «Меҳр яшт»дан ўрин олган олий йўлбошчи, оила йўлбошчиси, қабила йўлбошчиси ҳақидаги кўрсатмалар характерлидир («Яшт», X, 17-19, 87, 115, «Яшт», XIV, I).

«Авесто» жамияти тўрт табақадан иборат: коҳинлар, жангчилар, чўпонлар-деҳқонлар, ҳунармандлар. Баъзи шарқшунос олимларнинг «Авесто»да фақат дастлабки уч табақа кўрсатилганлиги ҳақидаги фикри баҳслидир. Манбаларни ўрганиш кўрсатишича, «Авесто» жамиятида, шунингдек, ҳунармандлар табақаси ҳам кўрсатилган. «Авесто»да қуллар ҳам тилга олиб ўтилган, лекин улар мустақил бир табақага ажратилмаган.

Ҳокимият — «Авесто»даги асосий

тушунчалардан бири бўлиб, у ўзидан ҳосил бўлган: «эзгу ҳокимият», «аҳмоқ ҳокимият», «тўла ҳокимият тўғрисида берилган» тушунчалар билан бирга, тадқиқотчилар ҳисоб-китобларига кўра, «Гатлар», яъни «Гоҳлар»да 63 марта учрайди.

Зардушт даври — бу уруғдошлик тузилишидаги подачилик ва деҳқончилик қабилалари давридир, унда қабилаларни бирлаштириб, уларни ташқи душманлардан, кўчманчи қабилаларнинг босқинчилик юришларидан ҳимоя қила оладиган бирон-бир давлатчилик, кучли ҳокимият йўқ эди. Шу боис Зардушт кучли ҳокимият ғоясига доимо мурожаат этади, унинг жамиятда фаровон ҳаётни яратиш ва одамларни Аҳриман вужудга келтирган душманлар, ёвуз кучлардан асраш учун унинг зарурлигини ҳимоя қилади. XXXII «Ясна»да Зардушт қўл остидагилар ўз ҳукмдорини билиши, адолат бўйича идора этувчи қудратли ва доно ҳукмдорни беришни сўрайди. Шунга ўхшаш ғоялар Ш, 57, XXX, 4, XXXV, 13, XXII, 5 «Ясна»да, «Яшт» VI, 3 ва бошқаларда мавжуд.

Зардушт таълимоти «Хварно» ёғдусини элтувчи шоҳлар ҳокимиятини ёритиш ғоясини тарғиб қилади. «Авесто»да «Хварно» шоҳ ҳокимияти рамзини билдириб, шоҳлик улуғворлиги билан боғланиб кетади. У ўз эгасига илоҳий фарогатни ва ҳукмронлик учун қонуний ҳуқуқни таъминлайди. «Ясна»да «Хварно» учун жанг-нинг баёни, «Замяд яшт»да «Хварно»нинг шон-шуҳрат шуъласининг афсонавий тарихи келтирилади.

Зардуштийликдаги сиёсий ғояларнинг хусусиятларидан бири уларда барқарор марказлашган бошқарувни, йирик сиёсий бирлашмаларни яратишга бўлган интилишни акс эттирган ҳисобланади. Кучли ҳокимият, тарқоқ воҳаларни ягона давлат тузилмасига айлантириш ғояси — ижтимоий-сиёсий ривожланиш эҳтиёжларини акс эттирганди. «Авесто» зардуштийликдан олдинги вақтга тааллуқли бўлган битта катта бирлашмани қайд этади, шоҳ Виштасп хонадонининг қабилаларнинг вақтинча бирлашуви ва охири фожиали якун топган анъаналарини келтириб ўтади, Виштаспнинг ўзи томонидан шу мақсадлардаги уринишлари ҳақида ҳикоя қилади. «Авесто»да кўпинча биринчи шоҳ Йима «шавкатли мажлислар бошлиғи», «эзгу ҳамжамият бошлиғи» деб аталади. «Вандидод»нинг 1 фаргардида вилоятлар рўйхати келтирилади, улардан биринчи бўлиб «Ийрон Виж» мамлакати — «Арий кенглиги» кўрсатилган, афтидан у бир неча вилоятни ўз ичига олган.

Зардуштнинг сиёсий таълимотини тушуниш учун унинг олам концепцияси муҳим аҳамиятга эгадир, унга кўра, адабий манбаларда илгари сурилган тахминлар бўйича ер шарининг мавжудлик муддати ўн икки минг йил деб белгиланган. Ажратилган вақт тугаши билан янги босқич — ёруғлик ва зулмат кучларининг кураши босқичи бошланади, у Саошьянт авлоди томонидан дунё ва инсониятни қутқариш билан якунланади.

Зардушт таълимоти шоҳ ҳокимиятининг илоҳий келиб чиқиш тарғиботини ўз ичига олган. Юқорида шоҳнинг «Хварно» — нурафшонлик, илоҳий ёғду сочишга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳокимиятнинг илоҳий келиб чиқиши тарғиботи ҳақида «Авесто» томонидан биринчи шоҳ Йима ҳақидаги афсона ҳам гувоҳлик берадики, унинг номи идеал инсоний подшоҳликнинг вужудга келиши билан, унинг ҳукмронлик вақти — одамлар тинчлик ва тотувликда яшайдиган бахтиёр ернинг тузилиши билан нишонланган «олтин аср» ҳақидаги афсона билан боғлиқ. Ҳокимият унинг гуноҳга ботиши билан бирга тугайди. «Замяд яшт» «Хварно» Варган қуши кўринишида Йимадан уч марта кетади.

Биринчи инсоний подшоҳликнинг «Яштлар»даги ва «Вандидод»даги баёни ҳокимиятнинг келиб чиқиши, идеал жамият характери ва бошқалар ҳақидаги қатор масалаларни ойдинлаштиради. Зардуштийликнинг сиёсий ғоялар тизимидаги ҳокимият шакллари тўғрисидаги масала доно адолатли подшо ҳокимиятини тан олиш зулмкор ҳокимиятни рад этиш кўринишида ҳал этилган. Бу унинг таълимотида мустабидлик, зўравонлик, Аҳура Мазда қонунларига бўйсунмаслик, демак, адолатсизлик билан ассоциацияланади.

«Авесто»да маърифий ғоялар, халқ фаровонлиги ҳақида қайғурувчи, Аҳура Мазда қонунлари бўйича идора этувчи маърифатли, доно подшоҳнинг кучли ҳокимияти ғоялари тарғиб қилинади. «Авесто» жамияти ҳаётий фаолиятининг Зардушт тарғиб этган принциплари — машҳур ахлоқий учлик (эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал) ва Аша тимсолидаги ҳаққоний тартиб тантанаси муҳимлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Зардушт Аша билан ўзининг адолатли жамиятни қуришга бўлган умидларини боғлайди, унда муқаддас қонунга риоя этишга асосланган ҳаққоний тартиб ҳукмронлик қилади.

«Авесто»да ҳуқуқий қоидалар

«Авесто»даги мулкий муносабатлар масалаларини парчаланиш босқичида турган, кўпроқ ёки камроқ ривожланган товар-пул муносабатлари, классик тушунчадаги мулкий ҳуқуқ йўқлиги билан характерланувчи «Авесто» жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳисобга олинган ҳолда тадқиқ этиш лозим. «Авесто»даги кўрсатмалар мазмунининг таҳлилидан жамоа деҳқончилиги ҳақида, маҳсулот айирбошлаш ҳақида гап кетиши мумкинлиги равшан бўлади.

Айни чоғда «Вандидод» нормалари одамларнинг кўчмас ва ўрнидан қўзғатиб бўладиган мол-мулклар, ўзлари яшаётган уйларнинг эгалари, экиладиган ерлар ва боғлар, йирик ва майда шоҳли моллар эгалари бўлишган деб ҳисоблашга асос беради. Қайд этиш керакки, мулкчилик ҳуқуқи амалда эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига тортиб олиш, ўтказишни ҳам ўз ичига олади.

«Авесто» шартномалардаги, қонундаги мажбурий муносабатларни ва етказилган зарарни тўлашни тартибга солувчи нормаларни ҳам ўз ичига олган. Мажбуриятлар шакллари сифатида «варуна» номи остидаги тантанали қасамёд ва «митра» деб аталган битим ва шартнома тан олинади. Ҳар иккала ҳолда ҳам ана шу шаклларнинг асосини инсоннинг чин сўзи ташкил этганлигини қайд этиш муҳим. «Авесто»га кўра, Митра шартнома тангрисидир, у ҳаммасини кўради, тузилган шартноманинг бажарилишини кузатади ва уларни бузганлик учун жазолайди. «Меҳр яшт»даги сатрлар характерлидир, уларда битимга, унинг ким билан — иблис, ўзга диндаги ёки одил одам билан тузилганлигидан қатъи назар риоя этиш зарурлиги бевосита кўрсатилади. «Эй авлиё, хоҳ қонунга бўйсунувчи ҳақиқатгўй билан, хоҳ иблис билан тузилган битимни бузма. Чунки, садоқат, (Митрага билдирилган) ҳар иккиси учун — иблисга ҳам, олижаноб ҳам баб-баравар даражада мавжуддир («Яшт», 10, «Меҳр яшт», 2).

«Вандидод»га мувофиқ, шартномалар икки шаклда: оддий сўзлар ва қўлни қўлга ишқалаш, яъни қўл беришиб кўришиш билан тузилган. «Авесто»да ёзма равишда шартномалар тузилганлиги ҳақида эслатмалар йўқ, бу бирмунча кейинроқ замонларда пайдо бўлган. Шартномавий муносабатларнинг хусусиятларидан бири шундан иборат бўлганки, шартноманинг тузилиш шакли ва айрибошлаш нарса-буюмнинг қиймати унинг аҳамиятидан гувоҳлик берган.

«Вандидод» ўзининг IV фаргардида шартномаларнинг олти турини қайд этади. Дастлабки икки тури бир-биридан ташқи шаклига кўра фарқ қилган. «Вандидод» уларни оғзаки ваъда қилиш ва қўл бериб кўришиш билан тузишни буюради. Шартноманинг қолган тури айирбошлов предмети қийматига қараб ажратилади. Чунончи «Вандидод» нормалари бир қорамол боши, бир буқа, туя қиймати, инсон қиймати ва, ниҳоят, энг катта қиймат — ер қиймати каби қимматликлар тоифаларини белгилайди, булар тузиладиган шартноманинг муҳимлиги ва катта баҳоси ҳақида гувоҳлик беради.

«Вандидод»нинг IV фаргард, 4-12-бандлар таҳлили асосида шартномавий муносабатларнинг хусусиятини таъкидлаш мумкин, зеро ҳар бир кейинги битимда аввалги битимдагига қараганда қимматлироқ бўлган объект қўйилган ва у аввалгисининг кафолати сифатида чиққан.

«Вандидод»га мувофиқ, ҳар бир бузилган ёки бажарилмаган шартнома катта қийматдаги янги шартномани тузиш билан алмаштирилиши зарур.

«Вандидод» жазолаш тизими билан шартноманинг бажарилишини кафолатлайди. «Вандидод» мутлақо аниқ қатъий буйруқ шаклида агар бир томон «битимда алдаган бўлса» жисмоний жазолашни қўллашни кўрсатади. IV фаргарднинг 36-53-бандлари оғзаки битимдаги алдаганлик учун 300 марта тиканак билан ва 300 марта калтаклашни, қўл бериб тузилган битимдаги алдаганлик учун 600 марта тиканак билан ва 600 марта калтаклашни белгилайди.

«Вандидод» нормалари, шунингдек, аҳдни бузган кишининг яқин қариндошларининг гуноҳни ювувчи тавба-тазарру кўринишидаги масъулиятни ҳам белгилайди («Вандидод», IV фаргард, 24-35-бандлар). Яқин қариндошларга нисбатан белгиланган жазо чоралари аҳдни бузган кишини жазолашнинг асосий чораларига, жумладан, жисмоний жазолашга қўшимча ҳисобланади.

«Авесто»да шартномадан мажбуриятларнинг бошқа турлари, жумладан, биринчидан, бой бўлиш, иккинчидан, никоҳ тузиш ва учинчидан, доно бўлиш келтирилади («Вандидод», IV фаргард, 126-130-бандлар).

«Вандидод»нинг бир қатор нормалари бошқа шахснинг мол-мулкига, масалан, қўриқчи итнинг яродорлиги натижасида ва шу муносабат билан қўриқланаётган мол-мулк ёки ҳайвонлар подаси ўғирланиши, етказилган зарарни қоплашга доир мажбуриятлар масалаларини тартибга солади.

«Вандидод»га, шунингдек, қонундаги мажбуриятлар, 196-параграфларда тартибга солинган ифлос бўлганнинг покизаловчини кўрсатган хизматлари учун мукофотлаш ёки шифокорнинг хизматлари учун ҳақ тўлаш тартиби аён (VII фаргард, 105-117-бандлар).

«Авесто»да никоҳ-оила муносабатлари масалаларига анчагина эътибор қаратилган.

«Авесто» жамиятида оила пастлашиб борувчи ва ён чизиқлар бўйича кенг қариндошлик алоқаларидаги одамлардан иборат бўлган, топиниши, оилавий мол-мулки, истеъмол ва ишлаб чиқариши умумийлиги, умумий аждоддан келиб чиққанлик билан характерланади.

«Авесто» бўйича қариндошлар гуруҳлари тилга олинади, уларнинг аъзолари Rdbarazdista ёки toxman деб аталади.

«Вандидод» қариндошликнинг тўққиз босқичини қайд этади: 1) ота-оналар; 2) фарзандлар; 3) ака-ука ва опа-сингиллар; 4) бобо ва буви; 5) неваралар; 6) тоғалар ва холалар; 7) амакиваччалар ва аммаваччалар; 8) жиянлар; 9) ака-ука ва опа-сингил неваралари. Зардушт таълимотида қариндошлик муносабатлари оталик, меросхўрлик, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар, қонунларни бузганликдаги жавобгарлик масалаларини тартибга солишда катта аҳамиятга эга бўлган.

«Авесто» оилага жамиятнинг асосий ячейкаси сифатида катта аҳамият берган, жамият мавжудлиги ва фаровонлиги, ижтимоий алоқаларнинг мустаҳкамланиши, ёмонликка қарши кураш, инсон зотининг давом этиши, «Авесто» жамиятининг яшовчанлиги, диннинг ворислиги ва тарқалиши унинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлган. Шунинг учун никоҳ Олий тангри Аҳура Маздага хуш ке-



лувчи иш, никоҳсизлик эса гуноҳ, ёмонлик деб ҳисобланган. Зардушт хотини бор кишининг «хотини бўлмаган кишидан...» устун туришини эълон қилади. «Уй бошлиғининг уй бошлиғи бўлмагандан устунлигини... Оила отасининг болалари бўлмагандан устунлигини...» («Вандидод», IV, 138-141).

Зардуштийлик қўйди-чиқдини, яъни талоқ қилишни қатъиян таъқиқлаган, эр-хотин садоқатини тарғиб этган, бузуқликни, зинокор хотинлар турмуш тарзини лаънатлаган («Яшт», XI, 10-13). «Авесто» виждонсиз, яъни зинокор эркаклар ва аёлларни фарзандли бўлишдек олий инсоний бахтдан маҳрум этиб, уларни бефарзандликка дучор этади, эр-хотинлик садоқатига хиёнат қилганлик учун қаттиқ жазо белгилайди.

Зардуштийлик фақат ҳақиқатгўйлар — Аҳура Мазда издошлари ўртасидаги никоҳларни ёқлаган, ўзга диндагилар билан никоҳларни қатъиян таъқиқлаган. Очиқдан-очиқ таъқиқлар «Вандидод»да мавжуд, ундаги кўрсатмаларга мувофиқ, «тўғрилик уруғини нотўғрилик уруғи билан аралаштирган, девларни қадрловчининг уруғини маздапарастлар уруғи билан, девни у бўлмаган уруғ билан аралаштирувчи киши» Аҳура Маздага энг оғир ранж, энг катта хафагарчилик етказади («Вандидод», XVIII, 125-126). Бундай одамлар «Вандидод»да илонлардан хавфли, бўрилардан қўрқинчли ва ҳоказо деб талқин этилади («Вандидод», XVIII, 127-134).

Бизнинг назаримизда, баъзи таржимонлар томонидан «қариндошлар ўртасидаги никоҳ», «уруғдошлар никоҳи» деб нотўғри таржима қилинган ва шу боис тадқиқотчиларга «Авесто» қон қўшилишга йўл қўяди, деб ҳисоблашга сабабчи бўлган. «Авесто» кўрсатмаларининг тарихий маълумотларни ҳисобга олган ҳолдаги таҳлили бизга «Авесто»да қон қўшиладиган никоҳларга кўрсатмалар йўқ деган хулоса чиқаришимизга олиб келади.

«Вандидод»га кўра, никоҳ муносабатларига кириш учун никоҳ битимини тузиш талаб этилган (IV, 126, 127, 129). «Авесто» томонидан никоҳ ёши белгиланган («Вандидод», XIV, 64-67). Ана шу ёшда балоғатга етган йигитлар ва қизлар диндан хабардор қилинган — конфирмациядан, яъни синовдан ўтганлар. Вояга етганлик ва динни қабул қилганликнинг рамзи деб «кусма» белбоғи саналган, у конфирмациядан, яъни синовдан ўтаётганлар белига боғланган.

«Авесто» бўйича, қизларнинг турмушга чиқиши ҳақида ота-оналари ва васийлари қайғуришлари лозим бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, никоҳ-турмуш қурмоқчи бўлаётганлар истаги натижаси бўлиб, сўнгра у ота-оналар ва васийлар томонидан тасдиқланган. «Вандидод»да ота-оналарнинг қизларига сеп беришлари мажбурияти кўрсатилган, маълум буюмлар рўйхати берилган. «Вандидод»нинг куйидаги кўрсатмалари жуда характерлидир: «Унинг қалбини покиза эътиқод ва муқаддас қонунга мойил қилсин, яхши ёстиқдошга интиқ қилсин... ёш қизалоқни қадди-қомати, ранги-рўйи ҳар жиҳатдан бенуқсон бўлсин... ўн беш ёшли қиз яхши обрў-эътиборга, шаън ва олтин зиракка эга бўлиб, у яхши эътиқодли эрга турмушга берилсин...» («Вандидод», XIV, 64-67).

Никоҳ тузилиши, «Авесто» бўйича, маълум маросимларда амалга оширилган; ёшларга ўгитлар, ёшларга уларнинг биргаликдаги ҳаётида ёрдам кўрсатиш ҳақидаги дуолар қилинган, ҳозиргача ҳам зардуштийлик издошлари томонидан уларга риоя этилиб келинмоқда. «Ясна»дан, Зардушт томонидан ўзининг кенжа қизи Поручистанинг Ямаспа билан никоҳига бағишлаб тузилган «тўй Гата»си («Гоҳлари»), шунингдек, Зардуштнинг бошқа никоҳланаётган жуфтларга мурожаати («Ясна», 53) келтирилади. Бундан ташқари, зардуштийлар томонидан риоя этилаётган, гарчи ҳозирда бирмунча замонавийлаштирилган бўлса-да, тўй анъаналари билан таққосламалар берилади.

Зардуштийлик ҳуқуқий онгда полигам оила шакли маълум бўлмаган, демак, «Авесто» жамиятида оила — моногам шаклида бўлган.

«Авесто»нинг кўрсатмалари эр-хотинларнинг («Виспирад», IV, 20-24), ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан мажбуриятларини, болаларни тарбиялаш режимини етарли равишда тўлақонли белгилаб қўйган.

«Авесто» туғилган ва ҳали туғилмаган болаларнинг ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилади, абортни таъқиқлайди, фақат она, отани эмас, балки абортни қилган кампир ҳам жазоланишини белгилайди («Вандидод», XV, 40-48), аёлнинг Авесто жамиятидаги мавқеини тартибга солиш, ҳақғўй, покиза аёлни шарафлаб, унга «Гимнлар» («Қўшиқлар») куйлайди.

Жиноят ва жазо масалалари бизнинг кунларгача етиб келган «Авесто» қонунчилигида очиқ ва ҳар томонлама тартибга солинган масалалардан бири ҳисобланади. Нормативкўрсатмалар, шунингдек, «Авесто»нинг бошқа қисмларидаги айрим ҳуқуқий йўл-йўриқлар зардуштийликнинг жиноят тушунчаси, унинг субъектлари ва объектлари, айрим турлари, жазо чоралари ва шу каби бошқа масалалардаги регламентациялашнинг кенг манзарасини яратади.

«Вандидод»нинг XV фаргардида жиноятга оид ҳаракатларнинг рўйхати бор: 1) содиқ маздапарастни бошқа эътиқодга, бошқа доктринага мойил қилиш; 2) пода ёки уйни қўриқлаётган итга қарши қаратилган ножўя ҳаракатлар; 3) ҳали болаламаган итни калтаклаш, жароҳат етказиш, мажруҳ этиш; 4) ойнинг маълум кунларидан ташқари эркакнинг аёлга яқинлашиши; 5) эркакнинг ҳомиладор аёл билан жинсий алоқа қилиши, агар бунинг натижасида болага бирон-бир зиён етган бўлса ва ҳ.к.

«Авесто» бўйича, айни бир хил ҳаракатлар; диний маросимлар кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилганлигига қараб қонуний ёки жиноий деб тан олиниши мумкин. Лекин барча маздапараст кучларга қаратилган ножўя ҳаракатлари жиноят деб ҳисобланади.

«Авесто» такрорий жиноятларни кўрсатиб, уларни қилганлик учун янада оғирроқ жазони белгилайди, шу билан бирга жазо чораси такроран амалга оширилган жиноят сонига мутаносиб равишда ошади. У шунингдек, аввалги жиноят жазосини ўтаб бўлмай такрор жиноят қилишни кўзда тутади.

«Авесто»да жиноят субъектлари сифатида одам ҳам, ҳайвон ҳам эътироф этилган. Жиноят субъектлари тушунчаси асосида шахснинг диний мансублиги ётади. Одамлар, жиноятлар субъектлари сифатида диндор — маздачилар ва бошқа фикрловчиларга бўлинади. Энг аввало маздачилар билан қурашаётган барча бошқа маҳҳабчилар жиноят субъектлари бўлган. Ёвузлик отаси бўлган Аҳриман ўзи девларнинг девигина эмас, балки тўғридан-тўғри «Қотил» деб аталган. Маздапарастларга келсак, улар Аҳура Мазда қонунларининг барча ҳоллардаги бузилишларида жиноят субъектлари ҳисобланган.

Қайд этиш лозимки, «Авесто»да табақага тегишлигига қараб жиноятларни дифференциялаш йўқ. Қонунбузар билан бир қаторда унинг яқин қариндошлари ёки оила аъзолари ҳам жиноят субъекти эканлигини тан олувчи кўрсатма ҳам катта қизиқиш уйғотади, улар у билан биргаликда жавобгар бўлиши лозим. Жиноят субъектлари сирасига «Авесто», шунингдек, ҳайвонлар, қушлар, айниқса, йиртқич қушларни киритган. «Авесто»да жиноятнинг субъектив томонлари масалалари

тўлиқ ишлаб чиқилган. Айбни аниқлаш «Авесто» бўйича, жиноятни квалификациялаш, жазони белгилаш учун зарур шарт ҳисобланган. «Авесто» олдиндан ўйлаб, қасддан қилинган жиноятни («Вандидод», IV), биринчи марта ва такроран қилинган жиноятни, «тасодифан», «ихтиёрсиз» яъни ғаразсиз қилинган жиноятдан аниқ фарқлаб қўяди («Вандидод», XIII, 74-82 бандлар). «Авесто» «жаҳл устида ақл қочган» ҳолда қилинган жиноятларни ва оғир жиноят учун жазони аниқ белгилайди, бунда жазони Аҳримандан келиб чиқувчи ёвузлик учун зарур интиқом деб қарайди.

Жазонинг қаттиқлигини, унинг қўрқитувчи характерини (масалан, тиканак қамчи билан 10000 зарба ва 10000 Craoshocarana), унинг содир этилган жиноят даражасига мутаносиб эмаслигини (масалан, ёлғон кўрсатма берганлик учун — 700 марта тиканак қамчин билан зарба ва 700 Craoshocarana) таъкидлаш лозим.

Жазо қуроллари сифатида тиканак қамчинлар ва Craoshocarana кўпроқ, «темир тиғи» эса камроқ тилга олинади («Вандидод», IV, 154-159).

«Авесто»ни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1) Жазо маълум учликни бузганлик шароитларида белгиланади.

2) Ўзга фикрловчилар учун қаттиқ жазо белгиланади.

3) Қаттиқ жазо қасддан қилинган жиноятлар, динга қарши жиноятлар, такрорий жиноятлар учун белгиланади. Бунда жазо такроран қилинган жиноятлар сонига қараб ошади.

4) Жазо бир туринінг бошқаси билан бирга қўшиш характерли ҳисобланади.

5) Баъзи жиноятлар «Авесто» бўйича кечирилмас ҳисобланади.

6) Жиноятларнинг маълум тури учун жамоа жавобгарлиги белгиланган, бунда оила аъзоларидан бирининг гувоҳи қариндошларга ёйилади.

7) «Авесто»да жазодан озод этиш ҳоллари маълум.

«Авесто»да жазолашнинг маълум тизими белгиланган: ўлим жазоси; қамоқхонага маҳкум этиш; жисмоний жазо; гуноҳни ювиш; қондошлик ўчи.

«Авесто»ни ўрганиш жиноятларни қуйидагича классификациялашни таклиф этишга имкон беради: динга қарши жиноят; шахсга қарши жиноят; ҳайвонларга қарши жиноят; мулкий жиноят; ахлоққа қарши жиноят; табиат қучларига қарши жиноят.

Диний жиноятларга «Авесто» бўйича, қабила тангрилари қадимги динига топиниш, яъни эътиқод киради. Зардушт ислоҳоти натижасида улар девлар деб эълон қилинганди. «Вандидод»нинг Аҳура Мазда томонидан яратилган ерлар ва Аҳриманнинг қаршилик кўрсатиши ҳақида ҳикоя қилувчи I фаргардида Аҳриманнинг олий ишонч, яъни маздапараст диндан воз кечиши каби жиноят кўрсатиб ўтилади («Вандидод», I, 59-62). «Авесто» бундай жиноятда қасдлик аломати мавжудлигини кўради. Диний жиноятлар сирасига «Авесто» диндорнинг ўзга диндаги билан никоҳини, жинояткорона қонунга ўқитишни, атарвон, покловчи вазифаларининг ноқонуний бажарилишини киритади, биринчи марта жиноят содир қилган сектантлар учун ўлим жазосини белгилайди, бунда «темир кески» билан танани кесиб ташлашни, танани темир кишанлар билан сиқиб ташлашни, «танани юз баравар инсон бўйидаги баландликдан жарга улоқтиришни», («Вандидод», IV, 150-163), «бошни кесиб ташлашни» («Вандидод», IX, 177-184) аниқравшан кўрсатиб ўтади.

«Авесто» инсон соғлиги ва ҳаётига қарши бўлган жиноятларни батафсил квалификация этиб, шунга мос равишда жазо чораларини белгилайди. «Вандидод» қасддан қилинган ҳужумни, у «Вандидод»да (IV фаргард, 56, 83-89 бандлар) номини олган, жаҳл устидаги ҳужумни (IV фаргард, 55, 74-81 бандлар), зарба бериш учун суиқасдни — («Уруш учун қуролни кўтарган киши ҳужумни оширади») фарқлайди. «Вандидод»нинг IV фаргард 54-банди айбни енгиллаштирувчи икки ҳолатни кўрсатиб ўтади: а) биринчи марта жиноятни содир этиш ва б) ўз айбига икрор бўлиш. Мазкур фаргарднинг 61-69-бандлари agererta ни такроран (саккиз мартага қадар) амалга оширишни, унинг сонига қараб жазо чораси ҳам ошади.

Мулкий жиноятлар қаторида «Авесто» ўғирлик, босқинчилик, қароқчилик ва фирибгарликни атайди, мазҳабчилар биринчи навбатда уларнинг субъектлари бўлади. «Вандидод»нинг бир қатор нормалари фирибгарлик, яъни алдов йўли билан ўзга мулкини эгаллаб олиш каби мулкий жиноятлар турлари тилга олинади («Вандидод», XXIX, I).

«Вандидод» IV фаргардининг 1-3-бандларида бундай дейилади: «Кимки, адолатли илтимоси бор кишининг ана шу илтимосини рад этса, у амалда сўралаётган буюмнинг ўғриси, сўралаётган иньюмнинг ўғрисидир...»

Ахлоққа қарши жиноятлар «Авесто» томонидан энг қатъий қоидалар, бирон-бир ахлоққа зид ва нотабиий ҳаракатларга йўл қўймаслик нуқтаи-назаридан тартибга солинган. Энг разил жиноятлардан бири деб ҳисобланган бесоқолбозлик (гомосексуализм) қаттиқ қораланган («Вандидод», I, 42-43). У кечирилмайдиган жиноят деб эълон қилинган.

«Вандидод»нинг бир қатор нормаларида «Яшт» ва «Ясна»нинг фаргардларида «шарманда эркак ва беҳаё аёл»ни лаънатловчи йўл-йўриқлар аниқ ифодаланган. Чунончи, XVIII фаргарднинг 114-121-бандлари зинокор аёл билан яшаганликни жиноят деб тан олади. Ана шундай оғир жиноятлар сирасига «Авесто» бузуқчиликни киритади, чунки эр-хотин бевафолиги оилани бузади ва оила негизини бўшаштиради, шу билан бирга болалар туғилиши авлодлар насл давомчилари тарбиясини бузади.

Табиат кучларига қарши жиноятлар объекти ер, сув, олов, ўсимлик дунёси ва ҳоказолар бўлган. Улар оғир жиноятлар сирасига кирган, чунки ҳаёт манбаига тажовуз ҳисобланган. Уларни булғаш Авесто жамияти ҳаёт асосини қўпориш билан тенг бўлган. Шу боис «Авесто» улардан фойдаланиш қоидаларини ипидан-игнасигача тартибга солган, уларни булғашга олиб келувчи ҳаракатларга таъқиқларни ва шундай ҳаракатлар учун тегишлича жазоларни белгилаган («Вандидод», 54-83; VIII, 300-310). Ерга алоҳида ғамхўрлик қилинган, уни ифлослантирганлик учун кечирилмайдиган жиноят деб эътироф этишгача қадар бўлган қаттиқ жазо белгиланган («Вандидод», 126-129, 142-146, IV, 10-15, 20-29 ва бошқалар).

Судда ишни кўриш, чамаси, мунозаралашув, яъни мусобақалашув тусида бўлган. Ишни ҳал этишдан олдин қоидабузувчининг айби қатор масалаларни, айбдорлик шаклини — қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайлими, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки такроран қоидани бузганлик, айбдор ўз айбини тан оладими, айбдорнинг диний мансублиги ва бошқалар аниқланади.

Афтидан, мазкур масалаларни аниқлаш учун гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланилган. «Вандидод» гувоҳлик кўрсатмаларини беришнинг маълум қоидаларини — «қасам олтин суви»да қасамёд этишни ўрнатган, ёлғон кўрсатма берганлик қаттиқ жазони — 700 марта тиканли қамчин ва 700 Craoshocarana белгиланган («Вандидод», IV, 164-168).

Манбалар "Авесто" жамиятида «тангри суди» борлигига йўл қўяди.

Зардуштийлик насроний лик, яҳудийлик, будда, исломга ривожланишнинг бундан кейинги сиёсий ва ҳуқуқий ғояларни шакллантиришга катта таъсир ўтказган.

«Авесто» ва абадият

Миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини барча юртдошларимизнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилган бир даврда ўқувчи-талабаларни кўп минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва маънавий мерос ҳамда қадриятларга эга эканлигимизни («Авесто»да баён қилинган маълумот асосида) ҳис этиб яшашга ҳамда уларни бу бойликларга талпинишга ўргатиш жуда муҳимдир. Шу боисдан ҳам ушбу ишда табиий факультетлар таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларга киритилган педагогика-психология, махсус фанлар блокларига кирувчи фанлар ўқув дастурлари, маъруза матнлари, қўлланмалари ҳамда аудиториядан ташқари машғулотлар режалари ва мазмунига ушбу китобда баён қилинган кенг қамровли халқ педагогикаси намуналарини теран акс эттириш ва уларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида қайта ишлаб чиқиш имкониятлари муҳокама қилинади. Айни пайтда табиий фанлар бўйича ноёб билимлар хазинаси ҳисобланган «Авесто» ёзма ёдгорлиги университет таълим тизимида физика, астрономия, биология, кимё ва бошқа фанлар ўқув дастурлари, қўлланмалари ва ҳоказолар мазмунини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида миллийлаштиришни амалга оширишда асқотади. Жумладан, «Авесто»да жамланган астрономияга доир (сана ва йил ҳисоби (тақвимлари), эралар ва уларни келиб чиқиши, турли-туман байрамлар бўйича) бой материалларни астрономия фанининг қатор мавзуларини ўрганиш жараёнида изчил баён қилиш мумкин. Жумладан, «Амалий астрономиянинг вазифалари», «Юлдузлар», «Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракати», «Календарь» ва бошқа мавзуларнинг талабалар маънавиятини шакллантириш бўйича имкониятларини бойитиш ва кенгайтириш мақсадида уларнинг диққат-эътиборини сайёра ва юлдузлар ҳаракатини ўрганиш, Турон заминда яшаган аждодларимизнинг яшаш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқ талабларидан-оловхона (оташкада)ларда ибодат қилиш вақтларини қуёшнинг баландлигига қараб аниқлаш, қуёшнинг ботиш вақтини аниқлаш, экин экиш ва ҳосилни йиғиб олиш муддатларини аниқлаш, ўзга ўлкалар, мамлакатларга адашмай йўл топиб бориш ва ҳоказодан келиб чиққанлигига қаратиш жоиздир. Бу ўринда аждодларимизга тан беришимиз керак. Улар борлиқни кузатиб, вақт оқимининг шу қадар аниқ ҳисоб-китобини чиқаришганки, айни Наврўз куни кун ва тун узунлик фурсати теппа-тенгдир ва 22 мартдан бошлаб кундузги вақт лаҳзамалаҳза узайиб боради. Аждодларимиз томонидан янги йилнинг бошланиши заргарона астрономик аниқлик билан белгиланган. Орадан минг йиллар ўтганлигига қарамай бу ҳақиқатни ўзгартириб бўлмаслигига талабалар диққатини жалб қилиш уларда ўз халқи тарихи, унинг маданияти билан фахрланиш туйғуларини шакллантиради.

«Авесто»да касалликларни фойдали ўсимликлардан тайёрланган дорилар (шира, барг, гул, бута, гиёҳ илдизи) билан, жарроҳлик ва бошқа усуллар ёрдамида даволаш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Шу боисдан ҳам талабаларни «Авесто»да баён қилинган доривор ўсимликлар (заъфарон, коски, кунжут, кўкнори, сипону, зира, пиёз, сиёхдона (седана), савсан, катрон, кайшаҳар, турп, хурмо, сабзи, шакар, асал, зайтун мойи ва бошқалар) билан номманом таништириш бундан 2700 йил илгари ўлкамиз ўсимликлар дунёси ҳақида маълумотлар олишга ва уларни табиатнинг ҳозирги манзараси билан таққослашга имкон яратилади.

Одам анатомияси ва физиологияси фанини ўрганиш жараёнида талабаларга «Авесто»да баён қилинган инсон тузилиши, унинг аъзолари, уларнинг бажарадиган функциялари ҳақида маълумотлар ҳамда аъзоларнинг касалликлари, беморларни даволаш бўйича аждодларимиз қўллаган йўллар ҳақида аниқ материаллар бериш жуда муҳимдир. Шу муносабат билан мазкур фанни ўрганиш жараёнида Буқрот ҳакимнинг қасамёди ҳақидаги фикридан бир неча аср бурун «Авесто»да табибларнинг махсус қасамномаси келтирилганлиги ҳамда табобатда илон ва идиш-жом тасвири ҳам илк бор шу китобда тасвирланганлигига, яъни ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари Рим, Юнон ва Араб табобатидан кўҳнароқ ва узоқроқ тарихга эга эканлигини талабаларга кўрсатиш улар қалбида миллий ғурур-ифтихор туйғуларини уйғотади.

«Педагогик ва тарбиявий ишлар методикаси» фанининг «Педагогиканинг умумий асослари», «Педагогика тарихи асослари», «Дидактика», «Таълим қоидалари», «Тарбия назарияси» ва унинг жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси, эстетик тарбия ва экологик тарбия каби соҳаларни ўрганиш жараёнида талабаларни «Авесто»да баён қилинган бой маънавий-ахлоқий ўгитлар билан, ёш авлодни теран маърифатли қилиб тарбиялашга, маънавий комилликка интилишга, меҳнатсевар, мурувватли бўлишга, касб-ҳунарни ўрганишга, дунёвий билимларни эгаллашга даъват этувчи асарлар билан таништириш учун кенг имкониятлар мавжуддир.

Нарзикул ШОДИЕВ,
Самарқанд давлат университети профессори.

Юксак турмуш тарзи учун

Мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий соҳаларда рўй берган ўзгаришлар ўзбек халқининг турмуш тарзига, шубҳасиз, таъсир қилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларида ўзбек халқининг миллий турмуш тарзига хос хусусиятлар чуқур таҳлил қилинади. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаганимизда ҳам, фуқаролик жамиятини қуришга аҳд қилганимизда ҳам, умуман қабул қилган барча қонунларимизда ҳам ҳудди шу халқнинг турмуш тарзини ҳисобга олиш зарур бўлади.

Ўзбек халқининг миллий турмуш тарзига хос белгиларидан бири оиладаги болаларнинг кўплигидир. Бироқ, шаҳардаги баъзи ўзбек оилаларида болалар камайиб бораётганини кўрамиз. Аммо, барибир фактлар шундан далолат беради, ўзбек оиласи ҳануз кўп болали оила бўлиб қолмоқда. «Аҳоли ўртасида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги ҳам демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятидир, — дейди Ислом Каримов, — маълумки, болалар ва ўсмирлар давлат томонидан ҳимояга айниқса, муҳтождирлар. Россия ва Белорусда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 24 фоиздан сал кўпроғини, Қозоғистонда 33,2 фоизни ташкил қилса, Ўзбекистонда эса 43,1 фоизни ташкил қилади». Республика оиласининг сони 5,5 кишидан иборат бўлиб, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ошади. Ваҳоланки бу кўрсаткич Мустақил Ҳамдўстлик Мамлакатларининг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташкил қилади» (Ислом Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», Тошкент, «Ўзбекистон». 1994 й. 20-бет).

Ўзбек оилаларида болалар ва ўсмирларнинг кўплиги бозор иқтисодиёти шароитида оила иқтисодини таъминлашда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Мана шу масалани муҳокама қилиб, айрим олимлар оилани режалаштириш масаласини кўтариб чиқдилар. Аммо Президентимиз Ислом Каримов бу тадбирга қарши чиқди, у соғлом авлод дастури муҳокамасида сўзлаган нутқида «оилани режалаштириш Ўзбекистон учун маъқул сиёсат эмас», деб айтди.

Ўзбек халқининг болажонлиги одамларнинг руҳига, турмуш тарзига, ҳаётга бўлган муносабатига сингиб кетган. Халқнинг руҳиятига хос бўлган бу хусусиятни камайтириш ёки олиб ташлаш эмас, балки болалар тарбиясига катта эътибор бериш кераклигини уқтириш зарур. Умуман, халқ ўртасида 10-12 фарзанд кўриб, ҳаммасини эсли-хушли, ўқимишли, маданиятли қилиб ўстирган оилалар кўплаб топилади. Бундаги энг муҳим масала эр-хотиннинг ақиллиги, сабру қаноати, фарзандлари учун ибрат бўлишидир.

Ўзбек халқининг турмуш тарзида ярқ этиб кўзга ташланиб турадиган яна бир хусусияти туб аҳолининг ерга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилишидир. Ўзбек халқининг ярмидан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилишини инобатга олсак, бу хусусият ижобий фазилат саналади. Ерга бўлган меҳр, ерни ардоқлаш, ерга яқинроқ бўлишга интилиш асрлардан буён давом этиб келган миллий хусусият бўлиб, мустақиллик йилларида бу борада жуда кўпгина ижобий ишлар қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов асарларида алоҳида таъкидлаб ўтилган халқимиз турмуш тарзига хос яна бир хусусият, бу адолатни чуқур ва нозик ҳис этиш кўникмасидир. Халқимиз қийинчиликка чидайди, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Одамларимиз адолатсизликдан чексиз нафратланиб, узоқ асрлар мобайнида унга қарши курашиб келган. Амир Темурнинг «Куч-адолатдадир» деган чақириғи ҳам шу хусусият билан боғликдир.

Ўзбек халқи миллий турмуш тарзининг яна бир хусусияти ижтимоий жиҳатдан уюшиб яшашга интилишдир.

Ўзбек халқининг миллий турмуш тарзини, маданий ривожланиш даражасини бир қолипга солиш маъқул иш эмас. Хусусан, шаҳар билан қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ўртасида жиддий фарқлар бор. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзида уларнинг оилавий муносабатлари, фарзанд тарбияси, юриш-туриши, кийинишлари билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлар қарор топган. Қишлоқ аҳолиси турмуш тарзининг маданий ривожи шаҳар халқининг маданий турмуш даражасидан анча пастлигини қайд этиб ўтиш керак.

Қишлоқ аҳли турмуш тарзидаги маданий юксалишнинг пастлиги нималар билан боғлиқ?

Биринчидан, шўролар даврида қишлоқ аҳли турмуш даражасини кўтаришга кам эътибор берилганлиги, маънавий инқирознинг кучайиб кетганлигидир.

Бу асоратларни тугатиш учун мустақиллик йилларида кўп чора-тадбирлар кўрилди. Ислом Каримов Президент сифатида иқтисодий ислоҳотларни қишлоқдан бошлашга қарор қилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш устувор соҳа деб эълон қилинди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ аҳлининг томорқалари бир неча бор кенгайтирилди, хусусий мулкчилик, меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Қишлоқлар ободонлаштирилди, ичимлик суви, газ билан таъминлаш яхшиланди. Хуллас, қишлоқ аҳлининг иқтисодий аҳволини яхшилаш, унинг социал, маиший турмуш соҳаларини юксалтириш учун анча ишлар қилинди.

Лекин шунга қарамай, қишлоқ аҳлининг турмуш тарзидаги маданий қолоқлик кўзга ташланиб турибди.

Инсоннинг ақли ва хусусиятига таъсир қилиб, унинг тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш жуда қийин иш. Бу мураккаб бўлмасин, аммо уни баҳариш жамиятимиз тараққиёти учун жуда зарур.


Қишлоқ аҳлининг турмуш тарзини юқори кўтариш учун халақит бераётган омилларга бир назар солайлик. Биринчи зиддият бу шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут билан боғланган. «Биз қишлоқда яшаймиз, бизга бўлаверади» деган тушунча қишлоқ аҳлининг аксарият қисмида сингиб қолган.

Республикамизда турли партиялар бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Аммо бу партияларнинг бирортаси ҳам қишлоқда ҳақиқий иш олиб бормаяпти. Маънавий ва маърифий жамоатчилик марказининг фаолияти ҳам айрим юбилейларни ўтказиш, адабий кечалар ташкил этишдан нарига ўтмаяпти.

Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати бу иш билан шуғулланади, деган умиддамиз.

Демак, қишлоқ одамларининг онгтушунчасини кўтариш, миллий ғоя ва миллий мафкура билан қуроллантириш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт тарзини маданийлаштириш учун барча чора-тадбирларни ишга солиш керак.

Абдухалил МУҲАММАД ўғли.



Бахтиёр ТОЛИПОВ,
Фарғона давлат университети тадқиқотчиси

Миллий ғоя ва иқтисодий тафаккур

Маълумки, жамият тараққиёти бир-бири билан чамбарчас боғланган кўплаб омилларнинг бирлигидан ташкил топади. Оддий одамлар учун бу омиллар яшашдан мақсад сифатида намоён бўлиб, кундалик турмуш тарзи сифатида давом этаверади. Ҳаёт ummonida кимдир чуқуррокда, кимдир юзарокда, кимдир чап қирғоқ бўйлаб, кимдир ўнг қирғоқ бўйлаб сузади, кимдир инон-ихтиёрини шу оқим ҳукмига бериб қўяди, кимдир оқимга қаршилик қилиб, ўз мақсадига қараб сузишга ҳаракат қилади.

Ҳаётнинг жўшқин оқим мавжларида инсоннинг иқтисодий, социал, маънавий орзу-мақсадлари, кураш ва интилишлари акс этиб туради. Бу оқим гирдобида ғарқ бўлиб кетмасдан омон-эсон манзилга етиш учун инсон ақл-идроки ва қобилияти, онг ва тафаккури ривожи ҳамда йўналиши катта роль ўйнайди. Бунда иқтисодий тафаккурнинг аҳамияти алоҳида қимматга эга.

Иқтисодий тафаккур нима? Иқтисодий ҳаётнинг моҳиятини, иқтисодий ривожланишнинг қонун-қоидаларини, ўзига хос томонларини тушуниб етиш, бу иқтисодий назарияларни билиш ва улардан самарали фойдаланиш қобилияти иқтисодий тафаккурни вужудга келтиради. Иқтисодий ривожланиш учун жуда кўпларнинг ҳаракати, куч-ғайрати зарур.

Иқтисодий тафаккурнинг моҳияти ва хусусиятларига қараб унинг уч хил турини кўрсатиб ўтиш мумкин. 1. Оддий кузатиш ва англаш тамойилларига асосланган иқтисодий тафаккур. 2. Чуқур билимлар ва ғояларга асосланган иқтисодий тафаккур. 3. Глобал муаммолар, мураккаб жараёнлар таҳлили билан боғлиқ иқтисодий тафаккур.

Оддий иқтисодий тафаккур аҳолининг аксарият қисми онг-тушунчаларида шаклланган бўлиб, асосан шахсий тажрибалар, фаровонроқ яшашга бўлган интилишлари билан боғлиқ. Деҳқон деҳқончилик сир-асрорларини яхши билиши учун, асрлар давомида ривожланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган тажриба ва анъаналарни ибтидоий тарзда, деҳқонларнинг ўзаро фикр алмашувлари асосида, у ердан, бу ердан эшитган фикр-мулоҳазалар асосида маълум хулосаларга келиши бир зарурият тарзида рўй беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришнинг миллий истиқлол ғояси ишлаб чиқилди. Жумладан, қуйидаги жараёнлар устувор деб ҳисобланади:

1. Одамларнинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартириш, уларда мулкдорлик туйғуларини ривожлантириш.

2. Хусусий мулкчиликка эркинлик бериш, тадбиркорликка кенг йўл очиш.

3. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган тамойилларини қарор топтириш.

Биз ҳозир иқтисодий томон маънавий томонсиз ривожлана олмаслигини тан олган ҳолда, мавзумиз моҳиятидан келиб чиқиб асосий эътиборни иқтисодий тафаккурнинг шаклланишига ва намоён бўлишига қаратамиз.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши ва чуқурлашиб боришида миллий ғоянинг роли катта. Иқтисодий тафаккур жамият иқтисодий ривожланишининг энг муҳим тенденцияларини ўзлаштириш, энг замонавий техника ва технология асосида юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига раҳбарлик қилиш, иқтисодий ва маънавий омилларни уйғунлаштира олишда намоён бўла олса, миллий ғоя худди мана шу иқтисодий тафаккурга муҳим назарий асос бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг истиқболларига илмий, аниқ, равшан йўналиш беради.

Миллий ғоя иқтисодий ва маънавий томонларни боғловчи, уйғунлаштирувчи муҳим бир восита сифатида иқтисоднинг маънавиятга таъсири, маънавиятнинг иқтисодга таъсири меъёрларини ўзида ифодалаб, иқтисодий ривожланишни ҳаракатга келтиради, олға силжитади. Миллий ғоя иқтисодий фаровонлик сари интилувчи барча кучларни ягона мақсадни амалга ошириш учун курашга жалб этади. Натижада ҳар бир инсон қалби ва шуурида келажакка ишонч уйғонади. Бу омилларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш учун аҳамияти катта. Шахсий манфаатдорлик туйғусига эркинлик берилиши натижасида миллий ғоя реал мақсадга айланади.

Юқорида баён этилган умумназарий фикрларни республикамиздаги воқеаларга тадбиқ этиб кўрайлик.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг иқтисодий тафаккурни шакллантириш энг муҳим масала бўлиб қолди. Шуниси ҳақиқатки, иқтисодий тафаккур шаклланиши ва ривожланиши учун меҳнат ҳар қандай сиёсат ва мафкура тазйиқидан халос бўлиб, ўз ички ривожланиш қонунлари асосида тараққий этиб бориши зарур. Бундан ташқари ҳар бир инсонда мулкчилик туйғулари шаклланиб, хусусий мулкка эркинлик берилиши зарур. Мана шу энг муҳим омиллар мавжуд бўлгандагина иқтисодий тафаккурни ривожлантириш мумкин.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг юқорида биз санаб ўтган иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан илк бора томорқа ерлари бир неча марта кенгайтирилди. «Соғлом танда — соғ ақл» дейди халқимиз. Бошқачароқ айтсак, фаровонлик тафаккур ривожига катта турт-

ки беради.

Бозор иқтисодиёти янгича иқтисодий тафаккурни ривожлантиришни тақозо этади. Аммо ҳали халқимиз сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришган бўлсада, аммо руҳий жиҳатдан қарамлик давом этарди. Неча ўн йилликлар ичида одамларимиз мутлақо бошқача тузумда яшади. Меҳнатга муносабат бошқача, мулкка муносабат бошқача, ташаббус асоратда, тадбиркорлик қамоқда, руҳ занжирланган, давлат берганига шукур қилиб яшаш турмуш тарзининг асосий нормаси бўлиб қолганди.

Бундай шароитда миллий ғоянинг ҳам, иқтисодий тафаккурнинг ҳам ривожланиши ҳақида гапбўлиши мумкин эмас эди. Бу асоратлар шунчалик кучли бўлиб, улардан руҳни тозалаш энг машаққатли иш эди. Руҳни тозаламасдан, янги ғоялар билан қуроллантирмасдан тафаккурни ривожлантириб бўлмасди.

Одамларни руҳий асоратлардан халос этиш, уларнинг онг-тушунчасини ўзгартириш учун бошланган кураш мана тўққиз йилдирким, ҳануз давом этмоқда. Янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришнинг қийинчилиги ҳам мана шунда.

Иқтисодий тафаккурнинг шаклланиши тадбиркорлик маданиятини оширади. Тадбиркорлик маданияти, аввало, виждон ва диёнатни талаб қилади, ёлғончилик, фирибгарлик, қинғир-қийшиқ йўллар билан иш битказиш, таъмагирлик ва бошқалар тадбиркорлик маданиятини йўққа чиқаради. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик маданияти жуда юксак, шундан келиб чиқиб иқтисодий тафаккур ҳам замон талабларини ўзида акс эттирган ҳолда намоён бўлмоқда.

Бунда тадбиркорлик маданиятининг пастлиги, жумладан, иқтисодий тафаккур шаклланишининг қийинчиликлари, юқорида айтганимиздек, одамлар онг-тушунчасида қатъий ўрнашиб қолган нотўғри ғояларнинг мавжудлигидадир. Шулардан бирини таҳлил этайлик.

Шўролар ҳокимияти йилларида бойлик ва виждон бир-бирига мутлақо зиддир, деган ғоя онгимизга обдон сингдирилди, бойликка ҳирс қўйсанг виждон, инсоф, диёнатдан воз кечиш керак. Бойлик орттириш дегани бировни алдаш, бировнинг мулкига кўз олайтириш, таъмагирлик билан шуғулланиш деганидир, ҳалол меҳнат билан бойиб бўлмайди деган ғоя онгимизга шунчалик ўрнашиб олганки, ҳозир ҳам кўплаб тадбиркорлар бу касалликдан қутулолмаяптилар.

Дарҳақиқат, виждон, инсоф, диёнатни йўқотмай, бойиб бўладими? Албатта, бўлади, бўладигина эмас, шундай бўлиши керак, ривожланган мамлакатларда, хусусан, Японияда тадбиркорлик маданиятининг, иқтисодий маданиятнинг, иқтисодий тафаккурнинг юқорилиги ҳам худди мана шу омил билан, яъни меҳнат билан, чаққонлик, уддабуронлик, ташаббускорлик, ақлидрокни ишга солиш, чинакам миллий ғояни байроқ қилиб олиш орқали жуда катта иқтисодий юксалишларга эришилмоқда.

Иқтисодий ривожланиш жараёнида адолатсиз меъёрларга таяниш, виждон ва инсоф йўлидан эмас, фирибгарлик йўлидан бориш, бир томондан, тадбиркорлик маданияти, иқтисодий тафаккур ривожига ўта салбий таъсир қилса, иккинчи томондан, инсон онг-тушунчасининг аста-секин ривожланиб бориши, қобилият ва истеъдодининг шаклланишига катта зарар етказади.

Бозор иқтисодиёти инсон олдига шундай талаблар қўяди: елиб-югур, ҳаракат қил, бошни ишлат, етти ўйлаб бир кес, қўлингдан катта ишлар келишига ишон, чуқур фикр қил, фаросат билан иш тут, инсофни йўқотма, бойлик кетидан қувма, одамларга маъқул бўладиган моддий неъматлар етиштириш сир-асрорларини эгалла.

Бизда кўп одамлар ўз-ўзини ривожлантириш йўлларини билмайди, айримларда бунга ишонч йўқ: «Қўлимдан нима ҳам келарди, борига шукур қилиб юраверайлик», деган ўй-хаёлдан қутулолмаслик кўзга ташланади. Ўзига-ўзи ишонмаган, ўзини чинакам шакллантириб, катта натижаларга эришиш мумкинлигини билмаган одамлар осон йўл билан мўмай пул топиш йўлини танлайдилар, натижада фирибгарлик, чайқовчилик авж олиб кетади, чинакам тадбиркорликдан узоқ бўлган олдисотди кенг тарқалади.

Шунинг учун ҳам биз иқтисодий тафаккурнинг ривожланишини миллий ғоя билан боғлаб характерлашга ҳаракат қиляпмиз. Миллий ғоя иқтисодий тафаккур ривожига қайси йўллар билан таъсир қилади?

Биринчидан, миллий ғоя келажак ҳақидаги, фаровон ҳаёт ҳақидаги фикрларни инсон онгига сингдиради, буюк мақсадларни амалга оширишнинг реаллигини кўрсатиб беради. Бироқ, ҳалол тадбиркорларни қийнаб, юлғичлик қилаётган расмий идораларнинг баъзи вакиллари миллий ғояга, халқ ишончига жуда катта зарар келтиради.

Аммо миллий ғоянинг бунёдкорлик кучи ўз-ўзидан намоён бўлавермайди. Миллий ғоянинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг амал қилиш доирасини ва оқибат-натижаларини тўғри белгилаш, бу масалани ҳис қилишнинг биринчи босқичидир. Масаланинг иккинчи босқичи ундан ҳам мураккаброқ жараён бўлиб, бунда миллий ғояни одамлар онги ва қалбига сингдириш вазифаси туради.

Ҳозирги пайтда давлатимиз, жамиятимиз, бутун зиёлилар, раҳбарлар, тадбиркорлар олдидаги муҳим вазифа худди шундан иборатдир.

Юксак ишонч

Айтиш керакки, ҳозирги кунда ёш эстрада хонандаларининг чиқишлари тобора кенгайиб бормоқда. Менинг фикрим бўйича улар аввал фундаменталь билим олиб (эстрада цирк коллежи ва консерваторияни тугатиб), сўнгра катта саҳнага чиқсалар яхшироқ бўларди. Чунки мусиқа сирлари чуқур бўлиб, махсус билим олмасдан унинг тубига етиш қийин.

Президентимиз И.Каримов катта ният билан ёш ижодкорларга эътибор бериб, қувватлаб турибдилар. Шунга жавобан ёшлар ўз билимларини, малакаларини ошириб ҳукумат билдирган ишончи оқлашлари керак.

Ю. ТЎРАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Тошкент Давлат Консерваторияси доценти



Рақсга тиров олганда...

Ўн етти қум ости шаҳри

ёхуд А.З.Валидийнинг тарих илмидаги бир жасорати



Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) ўтган асрнинг жаҳон илм аҳли, айниқса тарихчи, туркшунос, шарқшунос, адабиётшунос олимлари эътирофига сазовор бўлган инсон сифатида мўътабар номи унинг асарларида ва ҳамкасблари хотирасида, ўз халқи орасида сақланиб қолган. Айниқса, унинг Ўрта Осиё туркий халқлари тарихининг энг узоқ ўтмишидан тортиб, яқин мозийга қадар ёзган асарлари илм-фанимиз учун жуда қимматлидир.

А.З.Валидий шахсий ҳаёти қанчалик зафарларга, муваффақиятларга, ютуқларга, қурашлар ва ғалабаларга бой бўлса, унинг зиддиятли, фожиали қирралари ҳам оз эмас эди. Унинг илмий фаолиятида ҳам худди шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Тарих илмидаги катта ва хайрли ишлари шўролар даври мафкурасининг беаёв ғайриилмий қатағонлигига учради. Лекин, кучли ирода соҳиби бўлган олим, халқининг келажагига, қолаверса ўзининг танлаган йўли тўғри эканлигига ишонгани туфайли, барча қийинчиликларни енгиб, истибдод тузумига қарши юзма-юз туриб, мардонавор курашларда ўзини кўрсата олди.

Закий Валидий илмда «Туркий халқларнинг буюк муаррихи» деган юксак мақомга сазовор бўлса, «коммунистик тартиб» ижодкорлари ва «доҳий»лари уни «босмачилар доҳийси», «аксилинқилобий буржуа миллатчиси» деб қораладилар.

Шўро даври матбуот саҳифаларида «Валидовшина», «Аксилинқилобий валидовчилик» каби иборалар тез-тез учраб турар эди. Лекин, Валидийнинг ҳам, ўша давр «доҳий»лари фаолиятини фош қилувчи фикрлар тўғри ва ҳаққоний бўлган. Масалан, у Лениннинг миллий сиёсат борасидаги найрангларини иккиюзламачилик ва ахлоқсизлик деб айблайди.

А.З.Валидий ўқимишли, маърифатли оилада тарбия топди. Унинг отаси анча илмли бўлиб, ислом қадриятларига эътиқоди юқори бўлган одам эди. Бошқирдистоннинг Кузен овулида отасининг мадрасаси ҳам бор эди. Закий ҳам хат-саводини ана шу мадрасада чиқарган эди. У ёшлигида араб, форс ва рус тилларини яхши ўрганиб улгурган эди.

Закий биринчи мақоласи эълон қилинганда эндигина ўн саккиз ёшга тўлган эди. Бу мақола 1908 йилда «Ислом дунёси» сарлавҳаси остида, Аштархон (Астрахан) шаҳрида эълон қилинди. Унинг сўнгги «Ўғизнома» достони ҳақидаги йирик тадқиқоти вафотидан икки йил кейин (1972) Истанбулда турк тилида нашр қилинди. З.Валидий «Ўғизнома» тадқиқотининг сўнгги сатрларини бетоблик пайтида, касалхонада айтиб туриб ёздирган эди.

Биз мазкур мақолада Аҳмад Закий Валидийнинг Туркистон тарихига оид бўлган бир муҳим асари «Ўн етти қум ости шаҳри ва Садри Мақсудий бей» (Истанбул, 1934, 62 б. турк тилида) номли китоби олимнинг тарих илмидаги бир жасорати ҳақида, аниқроғи, Туркистон тарихини ёритишда баъзи нуфузли олимлар, раҳбарларнинг нотўғри, ғайриилмий концепцияларини илмий асосли фош қилганлиги ҳақида сўз юритмоқчимиз.

1932 йили Анқара шаҳрида тарих илмига бағишланган конгресс бўлиб ўтди. Ана шу йиғилишнинг иккинчи куни, 3 июлда Истанбул университети туркий халқлар тарихи профессори А.З.Валидий маъруза қилди. Валидий маърузасининг асосий матни аввалроқ конгресс ташкилотчиларига топширилганлиги учун бу маърузадан ўрин олган асосий фикрлардан кўпчиликнинг хабари бор эди. Бу эса, айнан Валидийнинг Туркистон тарихига оид бўлган жиддий, илмий асосли хулосаларига қарши «ҳужум» қилиш ниятида бўлганларга олдиндан тайёргарлик кўриш учун қулай шароит берган эди.

Бу конгрессда Туркия Президенти Мустафо Камол шахсан иштирок этган эди.

А.З.Валидийнинг илмий мақолалари билан Мустафо Камол ҳам доим қизиқиб, ўрганиб борган. Валидийнинг 1914 йилда Истанбулда эълон қилинган «Ибн Холдун назарида ислом ҳукуматларининг истиқболлари» («Билги» мажмуаси, № 7) номли мақоласи ҳақида 1930 йили Анқарада Мустафо Камол билан бўлган бир тантанали учрашувда мунозара бўлган эди. Дастурхон устида Мустафо Камол бирданига «Профессорнинг мақоласини олиб келинг» деб қолди, — дея хотирлайди Валидий. Бир неча вақтдан сўнг, Отатурк кутубхонасидан «Билги» мажмуасини олиб келишди. Билдимки, Отатурк мақоламни диққат билан ўқиган. Ўша жойда баъзи жойларини тушунтириб беришни сўраган эди, Отатуркнинг эътиборидан хайратда қолдим. Мустафо Камол «Кўрдингизми, сизнинг мақолангизни ҳали келмасингиздан аввал ҳам ўқиганмиз», — деган.

А.З.Валидий илгари сурган фикрларга қарши, «катта сиёсат»га хизмат қилиш учун бел боғлаган олимларнинг чиқишлари гулдурос олқишлар остида бўлди. Энг ачинарлиси, Мустафо Камол Отатурк сўзга чиққанларнинг «қўполлик»ларига эътибор бермай, «менинг миллат олдида камситилишимга имкон яратиб берди», — деб ранжиган эди Валидий. Бундай фикрларни А.З.Валидий ўзининг Истанбулда 1934 йили эълон қилинган «Ўн етти қум ости шаҳри ва Садри Мақсудий бей» номли рисоласида илмий асосда фош қилди. Валидий ёзадики, — узоқ тарихий даврларда туркий қавмларнинг Ўрта Осиё ҳудудларидан кўчиш сабаби — бу кучли қурғоқчиликларнинг содир бўлиши ғоясига қарши ўлароқ, бу кўчишларнинг асосий сабаби аҳоли сонининг кўпайишидадир — деган фикрни илгари сурдим: «...Менинг фикрларимни нотўғри, деганлардан ҳимоя қилиш учун ўша дақиқаларда имкон бўлмади».

Бу конгрессда Валидийнинг чиқишларига, мардлигига, кўпчилик қойил қолса ҳам, уни қўллаб ҳеч ким мунозарага чиқмади. Ҳаттоки, «қурғоқчилик» концепциясини нотўғри деб билувчи олим Фуад Кёпрулу ҳам бетараф туришни маъқул кўрди. Асли ҳукуқшунос Садри Мақсудий эса, — деб ёзади Валидий, — биринчи марта 1924 йили Анқарада «тарихчи» сифатида ўртага чиқиб «Туркий халқлар тарихининг талқинлари» мавзуидаги маърузасида ўзини Олтин Ўрда «патриот»и қилиб кўрсатди.

Валидий Туркистон тарихини яхши билганлиги, бу юртга улуғ бир эътиқоди ва муҳаббати туфайли ўтмишга, тарихга енгил-елпи ёндошганларга нисбатан муросасиз бўлган. Шунинг учун у «ҳаётда бир маротаба бўлса ҳам, Туркистонга бориб кўриш эҳтиёжини

ҳис қилмаган бу «муаррих»ларга мен 1924 йил Берлинда бу муаззам юртларга бориб, унинг тоғларига чирмашиб, қабилаю-қавмлар орасида бўлиб, уларнинг анъаналарини ўрганишганларида, тарихимизнинг бундай нозик томонларига муносабатлари мутлақо бошқача бўлишини айтган эдим», — дейди.

Шахсан, А.З.Валидийга келсак, у Россия итоатида яшаётган туркий халқлар, айниқса, Туркистон тарихини ёшлик даврида жуда яхши ўрганиб чиққан эди. Шунинг учун ҳам у «Тарихни, ўтмишни билишдан асосий мақсад халқимизнинг ҳозирги ҳаётини баҳолай олиш, тушуниш учун ўрганишдан иборатдир», деб ёзган эди.

Ҳақиқатан ҳам 1913-1914-йилларда-ги илмий сафарлар чоғида Закий Валидий Туркистон ва Бухоронинг энг чекка қир ва адирларидаги қишлоқларда бўлиб, у ерда яшаётган қадимий тарихий урф-анъаналарга бой бўлган туркий қавмлар орасида шахсан яшаб, тўпланган кўп маълумотларини кейинги тадқиқотларида ўз ўрнига қўйди.

А.З.Валидий Туркистонда «Қум остида қолган шаҳарлар» — Ўтрор, Жанд, Сус, Янгикент, Сиғноқ, Отлоқ, Отбош, Олмалиқ, Болосоғун, Талос, Қулон, Барсхон, Суёб, Нузкент, Суткент, Илибалиқ ва Шелжи каби қадимги шаҳарлар хусусида илмий баҳс юритади. Гап шундаки, юқорида номлари келтирилган шаҳарлар гўёки, қурғоқчиликлар оқибатида вайронгарчиликларга дучор бўлиб йўқ бўлиб кетган ёки умуман бўлмаган, деган ноилмий чиқишларга илмий асосли жавоб беради.

Бу шаҳарлар асосан Сирдарё бўйларида жойлашган бўлиб, тарихда баъзилари турли номларда юритилган. «Буларнинг бирортаси, — дейди Валидий, — қум остида қолган эмас. Йўқ бўлиб кетганларнинг жойлари аниқ бўлиб, улар ўрнида ҳозир янги шаҳар ва шаҳарчалар, қишлоқлар пайдо бўлган. Ўтрор Тошкент темир йўли ёқасида жойлашган. Маҳсулдор ерлардан иборат у ерда қумнинг ўзи йўқ. Фақат шаҳар XVII асрда сиёсий воқеалар сабабли тарк этилгандир. Жанд харобаси ҳам қум остида эмас, Оқмачит яқинида бўлиб, Жонқалъа деб номланган жойдир, XVI асрда тарк этилган. Янгикент, Сиғноқ, Суткент ҳам Сирдарё бўйларида серҳосил, унумдор ерларда жойлашган. Бу шаҳарлар ҳам XVI асрларда сиёсий сабаблардан ташлаб кетилган».

Закий Валидий яна шу мақоласида ёзадики, «Отлоқ, Шелжи ва Талос шаҳарлари ҳозирги Талос дарёси ҳавзасида жойлашган, Туркистоннинг энг ҳосилдор ва семиз ерлари сирасига киради. Талос Отлоқ ва Шелжи шаҳарлари рус шаҳарларига айланган. Барсхон эса қум саҳросидан жуда узоқда, Тянь-Шань тизмалари орасида, Иссиққўл бўйида, ҳозир Барсхон номли дарёнинг оқимида жойлашган. Қулон ҳозирги Турксиб темир йўлидаги Арту бекатидир. Нузкент эса, ҳозир Беловодск деб русча ном билан юритилади. Болосоғун ҳозирги Тўқмоқдир. Унинг шимолроғида, Чу дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган, ерлари ҳам серҳосил ва унумдордир. Араб манбаларида жуда кўп қайд этилган Отбош шаҳри Тянь-Шаннинг худди шу ном билан юритиладиган адирликларида жойлашган. Олмалиқ ва Или-балиқ шаҳарлари эса Или дарёси ҳавзаларидадир. Сус шаҳри Сибирда жойлашган деган англашилмовчилик бор. Шаҳарни Истахрий ва Ибн Хавкал Тошкентга яқин дейишса, Мақдисий Исфижоб Сайрам вилоятининг Талос ҳавзасида деб кўрсатади».

Биз юқорида айтиб ўтган тарих конгрессида Садри Мақсудий тарихни сохталаштириб, олимликка даъво қилади. Талос шаҳри унинг даъвосига кўра, кетма-кет қурғоқчиликлар оқибатида харобага айланиб, қум қатламлари остида қолиб, ҳозир қаердалиги номаълум бўлган шаҳарлардан биридир, дейди. Валидий эса, бу шаҳар қадимги манбалардан ҳам маълум бўлиб, турли даврларда номлари ўзгариб турганлигини айтади. Қолаверса, шаҳар ҳақида 1858 йили қозоқ олими Чўқон Султон Валихонов биринчи марта ёзиб, ўз фикрларини илгари сурган. Бундан ташқари, шаҳарнинг географик ўрни ва қўшни шаҳарлардан қанчалик масофада жойлашганлигини хитой, араб, форс ва турк манбалари тасдиқлагандир.

Бунинг исботи учун Оврупо олимларига мурожаат қилиш шарт эмас. «Чунки, — дейди Валидий, — Ал-Беруний бу шаҳар (Талос)нинг бўйи, эни, даража ва дақиқаларигача аниқлаган. Жуғрофий олимлардан Мақдисий ва Идрисийлар бу шаҳарни ҳозирги Сайрам билан ҳозирги Меркий (Беркий) шаҳарлари оралиғидаги катта савдо йўлида жойлашган шаҳар бўлиб, гўзал табиатли, бахаво, кенг шаҳар деб айтишган». А.З.Валидий бу шаҳарнинг ҳозирги иқтисодий аҳволи ва географик ўрнини кўрсатиш билан бирга, тарихий обидалари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар беради. Шаҳар Авлиё Ота номини қорахонийлар даврида олган бўлиб, маҳаллий туркий қавмлар муқаддас билган икки мозор билан боғлиқдир. Бу мозорлардан бири — «Кичик авлиё» деб юритилиб, 660-йили вафот этган «Улуғ Билга хоқон» мозори эканлигини кўрсатувчи тош ёзуви ҳам мавжуддир. «Катта авлиё» номи билан машҳур бўлган мозордаги авлиё Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлар китобида «Буроқхон ўғли Авлиё ота ўғли Қорахон» деб номланади. Ҳар икки мозорнинг устида ғиштдан қилинган мақбара мавжуд. XVII асрда яшаган туркистонлик буюк олим Маҳмуд ибн Вали тарих ва географияга доир «Баҳрул-асрор» асарида бу мозор ҳақида тўхталади.

Хуллас, биргина Талос шаҳри мисолида Валидий ҳар томонлама илмий асослаб «...ҳеч қайси даврда шаҳар қум тепаликлари остида қолган сувсиз жой эмас»лигини кўрсатиб беради.


Валидий юқорида номлари зикр этилган барча шаҳарларнинг ҳеч қачон, ҳеч бир даврда қурғоқчилик туфайли, қум босиб, вайронгарчиликларга айланмаганлигини изоҳлаб, Мақсудий каби «муаррих»ларнинг бир вақтлар буюк туркий маданиятнинг марказлари бўлган шаҳарлар ўрнида бугун қум ва шамолдан бошқа ҳеч нарса йўқ — деган даъволарини рад этади.

А.З.Валидий конгрессдан сўнг университет профессорлик лавозимидан истеъфога чиқиб, Вена шаҳрига келади. Бу ерда бир вақтнинг ўзида университетда талаба сифатида диплом олиш учун ўқийди ва фан доктори илмий даражаси учун диссертация ҳимоясини бажаришга ҳам тўғри келди. Сабаби конгрессда дунё зътироф этган олимни ғанимлари университет маълумоти йўқ, мадраса маълумоти билан талабаларга сабоқ бериш ҳуқуқи йўқ дейишдан ҳам тортинишмаган эди. Шундай қилиб, Валидий 42 ёшда талабалик курсисида ўтиришга эди.

А.З.Валидий Туркистон, туркий халқлари тарихига нисбатан буюк бир эътиқоди ва муҳаббати туфайли улкан тарихий-илмий мерос қолдириб кетди. У тарих илми софлиги учун доим курашиб келган. Айниқса, у, Ўрта Осиё халқлари тарихини сохталаштирувчиларга муросасиз эди. У ўзбек халқининг ўтмиши, урф-одатларини жуда севган ва ҳар доим ҳурмат-эътибор билан қараган. Чунки олимнинг илмий, фалсафий дунёқарашлари шаклланишида буюк мутафаккирлар Ал Беруний, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқа алломалар мероси муҳим ўрин тутади. Зеро, олимнинг зътироф этишича, «Туркистон тарихини унинг қир-адирларига тирмашиб, қишлоқма-қишлоқ юриб, халқ орасида бўлиб ёзиш керак». Олимнинг илмий меросини ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш, Ўзбекистон тарихининг айрим қирраларини холис ёритиш истиқлол учун хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Чунки олим Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг энг йирик кутубхоналарида ойлар, йиллар, ўн йиллар давомида туркий дунёнинг тарихига оид бўлган жуда кўпманбавий маълумотлар тўплаб, тадқиқ қилиб, эълон қилган асарларидан ҳозир ҳам манба сифатида фойдаланиш мумкин ва зарур деб ўйлаймиз.

Маҳаммаджон АБДУРАҲМОНОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети.

A.Navoiy nomidagi O'z R DA kutubxonasi Milliy bibliografiya bo'limi



Ватан ва инсонлар қисмати

Ўзбек кинематографчилари яратган «Қисмат» фильмининг қаҳрамонлари СССРнинг парчаланиши жараёнида бошига оғир мусибатлар тушган ватандошларимиздир. Фильмда уларнинг машаққатли ҳаёт йўллари, дуч келган тўсиқлар, тортган ғам-ғуссалари-ю шодликлари тасвирланган.

Фильм муаллифи Ж.Исҳоқов, постановкачи режиссёрлар А.Акбархўжаев, А.Исмоиловлар, рассом С.Зиёмуҳаммедов, композитор М.Маҳмудов иккинчи минг йиллик якунланиши арафасида миллатимиз драмасини умумлаштириб, унга ижодкорлар сифатида ўз баҳоларини беришга, муносабатларини очиқ айтишга ҳаракат қилганлар.

Кинематографистлар фильмда жуда кўп мавзуларни ўртага ташласалар-да, унинг бош мавзуси мустақил Ўзбекистоннинг авиаторлари жаҳон мамлакатлари билан алоқа ўрнатиши, янги авиамаршрутларни ўзлаштириши ва дадил қадамларини бошқаларга билдиришдир. Фильмда мавзулар кўп қатламли ва бир-бирига боғланиб кетган. Фильмнинг асосий қаҳрамонларидан бўлмиш Қурбон Қурбонов образини таниқли актёр Эркин Комилов ниҳоятда ишонарли тарзда талқин этади. Фильмнинг дастлабки кадрлари азобуқубатларни енгиб ўтган Шерали — Беҳзод Муҳаммадкаримов янги ҳаёт, янги уфқлар сари дадил қадамлар билан бораётганидан бошланади. Уйидан аэропортга етиб келгунга қадар Шералида замонамиз фуқаросига, янги шаклланаётган авлод ва миллат вакилига хос чизгиларни кўрамиз ва у томошабин эътиборини ўзига қаратади. Актёр талқинидаги қаҳрамон замонавий ўзбек зиёлисининг ташқи ва ички маданиятини мужассам этган, босиқ, ўзига ишонган, камгап, шу билан бирга сермулоҳаза инсон.

Киноактриса Тамара Шокирова Шералининг умр йўлдоши, мулойим, келишган, истараси иссиқ, шу билан бирга меҳрибон, кези келганда шаддод ва садоқатли аёл — Шоҳиста ролини ўйнаган.

Фильмда, юзаки қараганда, эркаклар образига нисбатан аёллар образи бирмунча заиф ижро этилгандай туюлади. Лекин ҳар бир аёл образи томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади. Шералининг онаси айнан шундай, мукаммал образдир. Актриса Дилбар Исмоилова фариштадай гўзал ва меҳрибон аёл рамзини ўз қаҳрамони Моҳира сажиясида кўрсата олган. Оғир ҳаёт синовлари — эрининг оламдан ўтиши, ўғлининг қамалиши, қариндош-у дўстларнинг ундан юз ўгириши силласини қуритса-да, аммо у таслим бўлмайди.

Шунингдек, Бахтиёр Қосимов гавдалантирган Ваҳоб ва иккинчи учувчи Мирзабек Холмедовлар фильм бош қаҳрамони билан беллашадиган даражадаги образлардир.

«Қисмат» фильмининг бадиий услуби воқеаларни жўнгина намойиш этишдан иборат эмас. Фильмда томошабин кўз ўнгида юз берган ҳодисалар, ўтмишда яшаган юртдошлар тақдири бадиий публицистик жанрда тақдим этилиб, ўз ечимини шунга монанд шаклда топган. Фильмнинг мураккаб томони бадиий ижродаги кечинмалар билан ҳужжатли кадрларнинг уйғунлаштирилиши, уларнинг бири иккинчисини инкор этмайдиган меъёрларнинг топилишидадир. Бу жиҳатдан ижодкорлар ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришганлар. Улар қўллаган услуб замонавий кинотехникадаги имкониятлар билан мос келган. Жаҳон киноси усталари қўллаётган техник кашфиётлар намуналарини бу фильмда ҳам кўриш мумкин.

«Қисмат» фильмининг ютуқлари қаторида ундаги баъзи камчиликларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, матбуот конференциясида қатнашган журналистлар саволлари, муносабатлари қиёмига етмагандай. Журналист Одри ва Шерали муносабатлари, гарчи режиссёрлар шу эпизодларнинг салмоғини оширишга уринишган бўлсалар-да бирмунча юзаки ҳал этилган. Лекин адолат юзасидан айтиш керакки, кейинги йиллар ичида тақдим этилган фильмларнинг ижрочилик санъатидаги ютуқлари кўзга яққол ташланмоқда. «Ўзбекфильм» студияси ўз мавқеини тикламоқда, десак муболаға бўлмайди.

Абдуманнон УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, профессор.

Уйғур халқи билан ўзбек халқи ташқи кўриниши, тили, урф-одат, удумлари, ҳатто адабиёт ва санъат, тарихларининг ўхшашликлари билан дунёдаги энг яқин халқлар қаторига киради. Қаерда бўлмасин, бу икки халқ ака-ука, тоға-жиян, қудаанда, устоз-шогирд, дўст-биродар бўлиб яшаб келган. Шунинг учун бу қондош ва қариндош халқларнинг тўйи ҳам, азаси ҳам бир-бирисиз ўтмайди. Ана шу ҳаётий яқинлик сабаб ўзбеклар элида таълим олиб, элга танилган уйғур олимлари, шоир, ёзувчилари, санъаткор, зиёлиларнинг саноғига етиш, ҳақиқатан ҳам қийин.

Бу қутлуғ анъана бундан бир неча юз йиллар илгари шаклланган бўлиб, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Уйғуристоннинг Шарқ илми ўчоғига айланган даврларга бориб тақалади.

Ўтган минг йилликнинг IX асрида Қорахонийлар давридан бошлаб, XIX асргача, шу қадимий шаҳри азимларда яшаб, ижод қилган, насл-насаби ўзбек ёки уйғур халқига мансуб бўлган алломалар: буюк олим, файласуф, шоир Абу Наср Форобий, буюк олим ва тилшунос Маҳмуд Қошғарий, машҳур олим, мутафаккир, шоир ва ёзувчи Юсуф Хос Ҳожиб, буюк шоир Ҳожа Аҳмад Яссавий, Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакий, Атоий, Саккокий, халқпарвар шоир Убайдулло Лутфий, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий, буюк шоҳ ва шоирлар Бобур ва Саидхон, ажойиб шоир ва тарихчилар Мирза Ҳайдар Дуғлат, Оминнисохон, Муҳаммад Сиддиқ Залилий, Машраб, Абдураҳим Низорий, Мусо Сарёмий, Билол Нозим ва Фурқатлардир. Бу буюк олим ва шоирларнинг ижод қилган асарларини ўқиган киши аждодларининг илгари сурган гуманистик ғояларни англаб етган бўлади. Бу машҳур мутафаккирларнинг бебаҳо, тенги йўқ бойликлари барча туркий халқларнинг маънавий юксалишига хизмат қилган. Бундан ташқари улар дунё маданиятига ҳам салмоқли ҳисса қўшган.

Ана шу улуғ инсонларнинг авлодлари бўлмиш ўзбек ва уйғур халқи отабоболарининг удумларига содиқ қолган ҳолда қайси давлатнинг табаалигида яшамасин, қандай ҳукумат ва сиёсатнинг таъсирида бўлишмасин, қариндош ва қардошлик алоқаларини давом эттириб келмоқдалар.

XX асрнинг иккинчи ярмида таълим олган ва илмий фаолиятини давом эттираётган уйғур олимлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар асосан 1960-1965 йиллардан бошлаб, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳар хил илмий-тадқиқот институтларида, олий таълим даргоҳларида, ўзбек олимларининг раҳбарлигида илм-фан фидойилари бўлиб етишганлар.

Уйғур олимлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг илмий-тадқиқот инс-

Миллатлараро тотувлик амалда



титутлари лабораторияларида кичик илмий ходимликдан лаборатория мудирлигигача, институт директорлигидан Ўзбекистон Фанлар Академияси президиумининг аъзоси ва бўлим бошлиғи вазифаларигача, олий ўқув юртларида ўқитувчи-доцентликдан кафедра мудири, профессорликкача, факультет деканидан проректорликкача бўлган лавозимларда фаолият кўрсатиб, фан ва техника тараққиёти, ёш авлодга билим беришдек шарафли вазифаларда фаол қатнашиб келмоқдалар.

Ўзбекистондан етиши чиққан уйғур олимлари таркибида 5 нафар академик, 12 нафар фан доктори, 80 дан ошиқ фан номзодлари бўлиб, улар илм-фаннинг 16 соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бордилар. Уларнинг баъзилари ижтимоий фанларнинг вакили бўлса, бошқалари табиий фанлар билан шуғулланди. Уйғур олимларининг умумий сони 93 дан ортиқ бўлиб, айни вақтда уларнинг 70 дан кўпроғи фаолият кўрсатиб келмоқда. Юқорида зикр қилинган олимларнинг 40 фоиздан кўпроғи тақдир тақозоси билан Хитой Халқ Республикасининг Синцзян Уйғур автономиясидан мамлакатимизга кўчиб келиб, турғун бўлиб қолган. Уларнинг таркибида 1 академик, 5 нафар фан доктори, 40 га яқин фан номзодлари бор.

Улар: Ўзбекистон Фанлар Академияси президиумининг аъзоси, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, техника ва математика фанлари доктори, профессор Ёрмуҳаммад Мубораков, филология фанлари доктори, профессор Муродбек Ҳамроев, халқаро Педагогика Фанлари Академиясининг академиги, педагогика фанлари доктори, профессор Ҳамид Телашев, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаров, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Леким Иброҳимов, филология фанлари доктори Ҳанифа Солиҳова, фан номзодлари — Осим Боқиев, Исроил Исмоилов, Ҳамидхон Исмоилов, Усмон Мамадохунов, Аблай Муҳамадиев, Ҳаким Носиров, Гулнисо Назарова, Дилшод Райҳонов, Исроил Рўзибоқиев, Рўзи Қодирий, Дилбар Рўзиева, Фарҳод Ҳамроев, тадқиқотчи Муҳаммад Зоҳидов.

Тарих фанлари бўйича: фан докторлари Телман Сатторов, Аҳад Хўжаев, фан номзодлари Абдухолиқ Айитбоев, Анвар Бўтахожаев, Худойберди Жонбоқиев, Омонбек Жалилов, Маҳмуд Қутлуғов, Илвира Мамедова, Марям Мамедова, Турсун Раҳимов, Эргаш Тўхтиев, Азиз Худойбердиев ва бошқалар.

Физика ва математика фанлари соҳасида: фан доктори Абдурашид Алиев, фан номзодлари Мурод Обидов, Абдулла Бараев, Эркин Зуфаров, Абдуллажон Каримов, Светлана Мамедова, Саиджон Ниёзов, Мирҳад Турғунов, Эркин Ҳасанов.

Иқтисод фанлари соҳасида: фан докторлари Шован Аблакова, Эдуард Раҳимов, фан номзодлари Қодир Хўжамёров, Абдужаббор Қодиров, Маъруф Мамедов, Ҳасанохун Мусаев, Аҳмаджон Турсунов.

Тиббиёт фанлари соҳасида: фан докторлари Флора Мамедова, Руслан Рўзибоқиев, фан номзодлари Сониям Аббосова, Роҳила Боқиева, Султон Бўсақов, Гулнора Иброҳимова, Нури Мамедова.

Техника фанлари соҳасида: фан номзодлари Баграш Иминов, Камолиддин Каримбоев, Гавҳар Қурбонова, Мақсум Қурбонниёзов, Қаҳрамон Мансуров, Меҳри Нурўзова, Муҳаббат Сатторова.

Биология фанлари соҳасида: фан номзодлари Темур Жамолов, Маҳмуд Қосимов, Илмирахон Маваева, Рўзи Муҳаммадиев, Бовдун Ниёзов, Абдумажид Рўзибоқиев.

Химия фанлари соҳасида: фан номзодлари Олиям Набиева, Зиловиддин Усмонов, Раҳматжон Рўзиқулов, Зайнаб Ҳошимова, Абдураим Шарифжонов.

Геология фанлари соҳасида: фан номзодлари Есинжон Иминов, Муҳаммад Мансуров, Дилшод Миралиев, Роза Назирова.

Ҳуқуқшунослик фанлари соҳасида: фан номзодлари Баҳохун Жонбоқиев, Абликим Зулеров, Алишер Тўхтасинов, Абдукодир Тўхтаохунов.

Фалсафа фанлари соҳасида: фан доктори Абдулаҳад Қаҳҳоров, фан номзодлари Наримон Баратов, Ботир Қосимов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари соҳасида: фан номзодлари Музаффар Азизов, Баҳром Азизов, Имр Ҳасанов, Шукур Темуров.

Педагогика фанлари соҳасида: фан номзодлари Телман Баратов, Нажод Қаҳҳоров, Олимжон Ҳамроев.

Санъатшунослик фанлари соҳасида: фан номзоди Абдулазиз Ҳошимов. Жуғрофия фанлари номзоди Марс Носиров. Психология фанлари номзоди Насриддин Яҳёевлар.

Уйғур олимларининг ижодлари, фан ва техникага қўшган янгиликлари, республикамизда танилиб, амалиётга тадбиқ қилиниши билан бирга чет эл олимларига ҳам яқиндан таниш. Улар ишлаб чиққан айрим технологияларга бошқа давлатларда қизиқиш кучаймоқда.


Уйғур олимлари республикамизда ва чет элларда ўтказиладиган илмий анжуманларга, фан ва техника ютуқларига бағишланган кўргазмаларга илмий маърузалари билан фаол қатнашиб келмоқда, Уларнинг ёзган илмий мақолалари, китоблари ва яратган технологиялари Ўзбекистон матбуотида ва бошқа чет эл матбуот нашрларида ҳам кенг ёритилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда яшаб келаётган уйғур халқининг маънавий ўсишини шундан кўришимиз мумкинки, ҳар бир уйғур оиласида бир неча нафар олий маълумотли мутахассисларни учратишимиз мумкин. Улар шоир, ёзувчи, журналист, педагог, шифокор, муҳандис, агроном, санъаткор, рассом, иқтисодчи, тадбиркор ва бошқа кўп соҳа мутахассислари.

Мустақиллик шарофати билан кўплаб уйғур олимлари ва зиёлиларининг фан, техника, маориф ва ишлаб чиқаришда кўрсатган хизматлари учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан юқори баҳоланиб, Давлат мукофоти, орден ва медаллар билан тақдирланганлар.

Улар республикамиз халқ хўжалигининг ҳар хил соҳаларида фаолият кўрсатиб, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Темур ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон Уйғур маданий маркази олимлар кенгашининг раҳбари, биология фанлари номзоди.



Чолғу созлар таснифи

Чолғу созларининг хомашёси, тузилиши, созланиши, техник-ижровий ва мусиқий оҳангдорлик имкониятлари маълум бир халқ мусиқий тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жам этади. Чолғучилик санъатини тўла-тўкис тасаввур қилиш учун унинг фақат тараққиёт жараёнлари, чолғу имкониятларининг ўзига хос хусусиятлари, куй шакли, асар мазмуни, бадиий-эстетик қирраларини ўрганиб қолмасдан, созларнинг у ёки бу халқ маданий ҳаётидаги ўрни, мавжуд давр ижтимоий муҳитига боғланган тарзда ўрганилиши лозим. У ёки бу чолғунинг бирор давр ва ижтимоий муҳит учун «яроқсизлиги» ёки, аксинча, «яроқлилиги» юқорида зикр этилган тамойиллар асосида ўрганилади. Истеъмолдан чиққанлари ёхуд истеъмолга қайта кирганларини, янгиларини махсус гуруҳларга бўлиш асосида қайси халқ ёки элатга тегишли эканлиги аниқланади. Шу боисдан ҳам чолғу созлари муайян халқ ёки элат ҳаёти, турмуш шароити, улар мусиқий дунёсини ифода қилувчи товуш воситаси сифатида ўрганилиб, тасниф қилиниб турилиши муҳим жараён ҳисобланади.

Чолғу созлар таснифи билан мутахассислар узоқ асрлардан буён шуғулланиб келадилар. Чолғуларнинг илк тузилишига оид бўлган қадимий тасниф металл, тош, тери, ипак, қовоқ, бамбук, ёғоч, лой каби хомашёлар асосида тузилган бўлиб, хитойликларга тегишлидир. Форобий (873-950) чолғуларни улар тараттан товушларига нисбатан таснифлаган. Унинг нуқтаи-назари бўйича ўша даврда кенг тарқалган уд ва танбур созлари торларининг мензура бўйлаб бўлинишлари асосида бир-бирларига яқин ҳисобланган. Турли найсимон пуфлама чолғу созлари ҳам мазкур қараш орқали гуруҳлаштирилган.

Ребоб чолғу созини Форобий торларнинг айрим қисмларида тебраниш орқали товуш ҳосил қилувчи чолғулар сирасига киритган.

Аллома арфа, маъзоиф ва нузҳани фақат очиқ торлари садоланувчи чолғулар гуруҳига ажратган. Зеро, чолғуларни мусиқий-тузилиш даражаси бўйича таснифлаш анча илгари вақтлардан бери маълум. Асли севилиялик бўлган Исидор (560-640) мусиқани товуш чиқариш тарзига мувофиқ 1) гармоник (овоз орқали ҳосил бўладиган товуш); 2) органик (узвий-пуфлама чолғулар) ва 3) ритмик (урма ва торли) бўлакларга ажратади.

Боэцийнинг тизимлаштирувчи тадқиқига кўра, чолғу созлар пайларни тортиш, пуфлаш, сув ёки зарб ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Унинг тизимига кўра Кассиодорнинг (VI аср) таснифлаш аломати мантиқий жиҳатдан изчил туюлади. У урма созларнинг фақат қаттиқ жисмларга уриб чалинадиган турларини, торли чолғуларнинг мизроблиларини, пуфлама чолғулар гуруҳини ҳам ажратиб ўрганади.

Абу Али ибн Сино таснифида чолғу созлари лўнда қилиб, торли, пуфлама ва урма чолғулар гуруҳларига бўлиб чиқилган. Ушбу таснифда торли чолғу созларининг тирнама ва камонли, пуфлама турлари чолғуларнинг ёғочли, мисли ва ҳоказо турлари ҳақида ҳам маълумот берилган. Шарқ мусиқашунослигидан ташқари Оврупо чолғушунослигида ҳам ҳозирги кунларгача мазкур таснифдан унумли фойдаланиб келинади. Грохео (XIII аср охири XIV аср боши) чолғуларни (мусиқий-тузилиш аломатларидан бирмунча фарқлироқ тарзда) уларнинг товуш ҳосил қилиш тарзига қараб, торли ва ҳарбий байрамлар, мусобақаларда иштирок қилувчи пуфлама ва урма, деб белгилайди.

Амир Темурнинг замондоши Абдулқодир Мароғий чолғу созларини 1) инсон томоғи (энг такомиллашган чолғу сози сифатида); 2) торли чолғулар; 3) пуфлама чолғуларга бўлиб чиқади.

Муҳим чолғулар қаторига урма чолғулар ҳам киритилади. Торли ва пуфлама чолғулар навбатдаги кичик ўхшаш гуруҳларга бўлинади:

1) Товуш баландлиги қайд қилинадиган чолғулар (мучейедат), қайсики тон баландлиги бармоқлар ёрдамида торларга ёки пуфлама чолғулар тешикчаларининг босилиши ҳисобига олинади.

2) Эркин чолғулар (мутлагат) — ташқи томонидан тешикчалари бўлмаган пуфлама созлар. Уларда товушқатор бармоқлар ёрдамисиз, пуфлаш йўли билан ҳосил қилинади. Ва, ниҳоят, ҳар бир тори фақат битта товуш берувчи торли тирнама чолғулар бор. Биринчи кичик гуруҳга кирувчи созлар мизробли ва камонли чолғуларга бўлинади.

Муҳаммад ал Омулий (XIV аср) ўзининг мусиқага бағишланган рисоласида чолғу созларини а) пуфлама, б) торли гуруҳларга бўлади.

Мароғий ҳам, Омулий ҳам ўз таснифларида урма ва ўз-ўзидан товуш ҳосил қиладиган чолғу созлари ҳақида маълумот бермайдилар. А.Ражабов ёзишича, Муҳаммад Нурасад

Жасур РАСУЛТОЕВ

Чишти (XVII аср) ўз давридаги чолғуларнинг тузилиши (конструкция) ва товуш хусусиятларига қараб тўрт туркумга ажратади.

Сўнгги уйғониш даврининг йирик олими М.Преториус ўзининг «Синтагма музикум» номли асарида чолғу созларининг бажарадиган вазифалари асосида, унга маълум бўлган аристократик мусиқий амалиётга таяниб, чолғуларнинг ўзига хос таснифини вазифали (муҳимлари) ва безакли (зийнатлилари) бўлинишларга ажратади.

Рус композиторлари М.Глинка ва Н.А.Римский-Корсаковлар ҳам ўз таснифларида қисман шу йўлни тутганлар. Глинка чолғуларнинг 1-гуруҳига литаврапар ва мисдан ишланган пуфлама чолғуларни, 2-гуруҳига ёғочдан ишланган пуфлама чолғуларни, 3-гуруҳига камонли (илоншакл) чолғуларни, 4-гуруҳига эса «оркестрнинг зийнати» деб ҳисобланган рожок (бурғуча), арфа ва бошқа чолғуларни киритади. Римский-Корсаков чолғуларни учга бўлган ҳолда, уларни оҳангдор, урма ва жарангли гуруҳлар сирасига ажратади. Бундан ташқари, чолғуларнинг созланиш хусусиятларига оид бўлган а) ўзгармас ва аниқ интонацияли; б) ўзгарувчан ёки эркин интонацияли; в) деярли аниқ интонацияли чолғуларга бўладиган таснифлар ҳам мавжуд.

Чолғуларнинг мусиқий амалиётдаги мезони билан уларнинг табиатдаги мавжудлигини боғлашга қаратилган таснифлар Ф.Геварт ва Г.Берлиозлар томонидан ишлаб чиқилган. Ф.Геварт ҳам чолғуларни торли, пуфлама ва урма гуруҳларга бўлади. Г.Берлиоз эса пуфлама чолғуларни а) тилли ва б) тилсиз, в) клавишли, мисдан ишланган амбушюрали, ёғочдан ишланган амбушюрали чолғуларга ва д) инсон овозларига ажратади.

Дунёнинг Оврупо ва Овруподан ташқарида бўлган мусиқий олами чолғуларининг ҳар ёқлама (универсал) тизимига В.Маийон томонидан асос солинган. Унинг тадқиқи бўйича асосий белги — товуш манбаи (тебратувчи) ҳисобланади. Шу асосда чолғу созларини ўзи садоланувчилар (табиий қайишқоқ тебранишли); гардишлилар (тебранувчи ўрнида тери тортилган); торлилар (тебратувчи ўрнида торлар) ва пуфлаш (тебратувчи ўрнида сиқилган ҳаво) ёрдамида садоланувчилар, деган хулоса билан тўрт туркумга бўлади. В.Маийон тизими негизи асосида Хорнбостел ва Закснинг ўз даврига нисбатан ниҳоятда изчил ва аниқланган белгилари билан у ёки бу чолғулар туркуми хусусиятлари мавжудлигини ажратиб турувчи, батафсил, ҳар томонлама, тузилиши пухта бўлган чолғулар таснифи вужудга келади.

Натижада биринчи белги бўйича, жойлашув тартибига кўра, чолғулар а) идиофонлар (ўз-ўзига урилиши натижасида товуш чиқарувчи уйрўзғор буюмлари), б) мембранафонлар (гардишига ёки товуш хонасига тери тортилган чолғулар), хордафонлар (торли чолғулар), аэрофонлар (пуфлама чолғулар) деб, тўрт туркумга бўлиб тадқиқ қилинган. Хорнбостел — Закс таснифлари бугунги кунда чолғушунослар орасида кенг тарқалган ва кенг қўлланилиб келинади. Ушбу таснифдан сўнг пайдо бўлган таснифлар аслида ана шу тадқиқотнинг кенгайтирилганлари, безатилганлари ёхуд маҳаллийликдан келиб чиқиб, ўзгартирилганларидир. Улар орасида Т.Нордлиднинг умумий тизимлаштирувчи ва хордафонлар таснифи, К.Айзиковитчнинг ҳиндуларга хос, шунингдек Л.Ленгнинг словаклар, П.Чисталёвнинг комилар, Т.Тамперенинг эстонлар, М.Тодоровнинг болгарлар, Р.Галайскаянинг русларга тегишли чолғулар таснифлари ва бошқа ишлар мавжуд.

Хорнбостел — Закс таснифига имкон қадар батафсил ва ҳар тарафлама таянган ҳолда Г.Дрегер ўз таснифини беради.

Дрегер чолғу созларини таснифлашда уларнинг мусиқий имкониятларини, яъни уларнинг бир товушликми ёки кўп товушлик, товуш чўзими, диапозони, кучи, унинг ҳаракати ва тусини (тембрини) ҳисобга олиш даркор, дейди.

Яна бир қатор ўзига хос таркибга ва боскичларга эга бўлган таснифлар ҳам бор. Булар орасида энг қизиқарлиси, ҳозирги кунда кўпчиликка таниш бўлмаган П.Зимин тизими десак бўлади. Зиминда дастлабки белги товуш ҳосил қилиш бўлиб, чолғу созлари олти туркумга бўлинган: урма, тиркама, ишқалама, виродинамик, газли-ишқалама ва урма газли чолғулар.

К.Квитка биринчи бўлиб чолғу созларини вазифаларига кўра таснифқилган. Созшунос А.Шефнер чолғуларни ижтимоий ҳолат асосида таснифлашга уриниб кўрган бўлса, Р.Садоков қадимги Хоразм харобаларидан топилган, лойдан қуйдириб ишланган ҳайкалчаларнинг қўлларида тасвирлаган чолғуларга таяниб таснифлайди. Ўз навбатида Адбул Карим Қора кейинги йилларда Жазоирда муомалада бўлган чолғу созларини кўпчилик мутахассислар қатори, торли, урма ва пуфлама чолғуларга ажратади.

60 йилдан зиёдроқ илгари В.Беляев Ўзбекистонда мавжуд бўлган ўзбек чолғу созларини таснифлаштирган эди. У мазкур тадқиқот давомида ўзбек чолғу созлари қаторига турли Шарқ халқлари ва Оврупо ҳарбий чолғулари: мис тарелкалар, учбурчак, катта ва кичик барабанлар, труба, скрипка, дўлан рубоби, сетор, чортор, панжтор, шаштор, дудук ва тутак чолғуларини қўшиб, ўзига хос қурама чолғулардан ташкил топган созлар йиғиндисидан фойдаланган. В.Беляев ўзбек чолғу созларини бошқа халқлар чолғулари ҳисобига бойитган бўлса, О.Бочкарёва аксинча, (анча илгари муомаладан чиққан қўбиз ҳисобига тўлдирганлигини ҳисобга олмаганда) чолғулар сафини қисқартириб, уд, суяк чангқўбиз, шувилдоқ каби созларни ўз эътиборидан тушириб қолдиради.

Ф.Карометли 70-йилларнинг бошида ўзбек чолғу созларини урма, пуфлама ва камонли чолғуларга ажратган ҳолда уларнинг амалда фойдаланиш мезонлари билан аниқ табиатини ўзаро мувофиқлаштирган ҳолда таснифлайди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ҳудудида ўзбек халқ чолғулари ва чолғу ўрнида фойдаланиладиган истеъмолдаги уй-рўзғор буюмлари Хорнбостел — Закс услуби асосида тўрт туркумга ажратиб, таснифқилинганда қуйидаги кўринишга эга бўлади.

1) идиофонлар (ўз-ўзига урилиши натижасида товуш чиқарувчи уй-рўзғор буюмлари). Қошиқ, қайроқ, ликоп, сафоил, патнис, мис ёки тунука лаган, занг, суяк чангқўбиз;

2) мембранафонлар (товушхона ёки гардишига тери қопланган чолғулар). Қўш ноғора, рез ноғора, доира, кепчик;

3) хордафонлар (торли чолғулар) — қонун, чанг, қашқар рубоби, афғон рубоби, уд, танбур, сато, ғижжак, дутор, дўмбира;

4) аэрофонлар (пуфлама чолғулар) — қўшнай, қўл сози (гармон) ғаровнай (чўпон най), сурнай, карнай, шувилдоқ (шувиллоқ) ҳамда махсус номларга эга бўлмаган, ҳайвонлар, паррандалар шаклларидаги лойдан ишланган чолғулар.

Айни пайтда, биз томонимиздан мазкур таҳлиллар асосида ўзбек чолғу созларининг тўлиқ тавсифи, маҳаллий хусусиятлари ва ижрочилар табиати акс этган тизимли таснифлойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.



Насибахоннинг насибаси

...Ниҳоят, Насибахон шошиб-пишиб кириб келди. Съёмкада ушланиб қолган экан. Суҳбатлашиш учун ҳолироқ жой излаб, хонадан чиқдик. Қатор эшиклардан унисини очамиз, бунисига қараймиз. Барчаси банд. «Ассалом, Ўзбекистон» дам олиш дастури ижодкорлари учун ажратилган чоғроқ хонага қайтамиз. Дастур тайёрлайдиган ходимлар, журналистлар олтмишга яқин. Тўғри, уларнинг ҳаммалари бир пайтда йиғилишмайди, гуруҳларга бўлиниб ишлашади. Телевидениеда ишлашнинг хусусияти шунақа. Ишхона ҳам, уй ҳам баравар ижод масканига айланиб кетади.

— Бизнинг фаолиятимизда, — дейди Насибахон, — қийин жиҳатлар кўп. Аммо энг қийини суҳбатдош танлаш, томошабинга манзур бўлиш... Ана шуларни назарда тутиб ранг-барангликка интиламан... Қанчалик ширин бўлмасин, ҳар куни бир хил таомни ейавериш жонга текканидек, бир хилликдан томошабин зерикади. Фахриддин Умаров, Озод Шарофиддинов, Турсуной Содиқова, Ҳусан Шарипов сингари халқимиз суйган инсонлар билан ҳамкорликда олиб борган дастурларимизни томошабинларга энг ёққан кўрсатувлар деб қараганимизда ҳам шу дастурлар қайта кўрсатилгудек бўлса, аввалгидай таассурот уйғотмайди. Томошабинлар ҳар гал янги гап, янги суҳбатдош, янги қўшиқ, янги ахборот кутадилар...

— Кўрсатувларингизда, асосан, кимларга, нималарга асосланасиз?

— Халқимизга. Талантли халқимизга. Мавзуни халқдан оламиз ва халққа қайтарамиз. Телевидение редакциялари орасида энг кўп хат «Ассалом, Ўзбекистон»га келади. Заркент, Ховос, Қумқўрғон, Хонқа одамлари ҳақидаги кўрсатувларимиз ўша ерликларнинг илтимослари туфайли тайёрланган эди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, биз кўрсатув ижодкорлари тонгни Ховосда кутиб олдик. Ҳовли-кўчаларни чиннидек супуриб, шакароблаб сув сепаётган келинчаклар, тандирда нон ёпаётган момолар, қўй-қўзиси, қора молларини подага ҳайдаб кетаётган чўпонлар... Одамлар билан жонли мулоқотлар томошабинларга жуда маъқул келади.

— Олдиндан режалаштирилмаган, балки сизнинг ҳаётий кузатувларингиз ва ундан олган таассуротларингиз туфайли тайёрланган кўрсатувлар ҳам бўлганми?

— Бўлган... Ҳаёт жуда ранг-баранг. У кутилмаган воқеалар ва таассуротларга бой. Мен энг сўнгги бир воқеа ҳақида гапира қолай. Қизим шаҳримизнинг Лабзак даҳасидан ҳовли-жой олганди. Уникига бориб келаётганда йўл-йўлакай аҳлат иси анқиб ётган бир тепаликни аста-секин обод бўлаётгани, боғ-роғга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. Боғбонини суриштирсам, 9-қаватда яшайдиган кампир билан чол экан. Улар қишни қиш, ёзни ёз демай, қўлларида кетмон, белкурак билан тўрт сотих ерни ўзлаштиришибди. Дастлаб боғни 9-қаватдан шланка орқали суғоришибди. Невараларини ишга солишибди. Боғ яшнай бошлагач, кўни-қўшнилар ҳам ёрдам бера бошлашибди. Тез орада кичкина боғда қулупнайдан тортиб, сабзи-карамгача, анжир-шафтолидан тортиб, гилосу

кўкатларгача ҳосилга кирибди.

... Сен ерга меҳр берсанг, у ҳам сенга меҳр қайтаради. Бойлик тортиқ этади. Тиниб-тинчимас қарияларимиз ҳақидаги ўша кўрсатувим ана шундай таассуротларнинг натижаси эди. Кўрсатув кўп қаватли уйларда яшовчиларга ўз ҳовли-саҳниларини ободонлаштиришда анчагина ибрат бўлди, деб ўйлайман. Чол билан кампир оламдан ўтиб кетишди, лекин улардан яшнаган боғ, яхши ном қолди.

— «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувининг сиз ишлайдиган шанба дастурида албатта суҳбатдош бўлади. Бунга эҳтиёж нимада?

— Шанба дастури, аввало, дам олиш куни экани билан ажралиб туради. Шундай экан, ижоди ранг-баранг, элга таниқли одамларни суҳбатдош сифатида жалб этилиши кўрсатувга жон киритади, уларнинг ижодий ишларидан намуналар кўрсатувни янада очиб юборади, жонлантиради...

— Суҳбатдош билан ишлаш осонми?

— Осон эмас. Лекин кўрсатувни сермазмун ва томошабинга манзур бўлари даражада ранг-баранг қилиш истаги ҳар қандай қийинчиликдан устун. Бунда аввало суҳбатдошнинг ҳаёти, ижодий фаолиятини яхши билишинг керак. Суҳбатдошлар ҳар хил бўладилар. Эркин, таъсирчан гапирадиган одам ҳам камера қаршисида сўзини йўқотиб қўйиши мумкин. Суҳбатдошингни юки сени ҳам босиб қўймаслиги керак. Суҳбатдош ижодининг қайсидир қирралари, ибратли ёки қизиқарли жиҳатларидан гап очиб, уни мулоқотга тортиш, гапни гапга қовуштириб юбориш даркор.

— Суҳбатдошлар сизга нима берди?

— Саволингизга жавоб беришдан олдин бир нарсани айтмоқчиман. «Ассалом, Ўзбекистон!» тонгги дам олиш кўрсатувига ўтиб, мен ўзимни янада янги туғилгандек ҳис этдим. Сухандон учун бу кўрсатувнинг ўзига хос юки бор. Эътибор берган бўлсангиз илгарилари иш фаолиятимиз бошқачароқ эди. Сухандон ёзиб берилган матндан бир қадам ҳам четга чиқа олмасди. Сухандондан ташқи чирой ва тайёр матнни томошабинга чиройли ўқиб етказиш, нотиқликдан бўлак нарса талаб қилинмасди. Эндиликда бошқачароқ. Замондошларимиз сухандондан жонли мулоқотни кутмоқда. Тайёр матнларни эмас, балки ўзлари иштирок этган воқеа-ҳодисалар ҳақида муаллифлик кўрсатувлари олиб боришга даъват этмоқда. Зеҳни ўткир, дунёқараши кенг, билимдон суҳандонлар тележурналист сифатида кўрина бошладилар. Мен ана шу ижодий жараённи босиб ўтдим. Ўзаро суҳбатлар мени чиниқтирди, шакллантирди, маънавий бойитди. Бир шоир ёки адибани кўрсатувга таклиф қилар эканман, унинг ижодини ўқишим, лоақал тўрт қатор шеърини ёд олишим керак. Олим ҳақида гапиришдан олдин унинг ихтиролари ҳақида маълум бир тасаввурга эга бўлиш керак. Бир қишлоқ, бирор маҳалла одамлари ҳақида ҳикоя қилар экансиз, урф-одатлари, удумлари, қадриятларидан хабардор бўлсангизгина саволжавобларда ўзингизни дадил ва эркин тутасиз, муаммоларга ўша жой одамларининг кўзлари билан қарайсиз. Улар ҳақида ҳикоя қилаётиб, сиз ўзингизнинг билим ва савиянгиз, муаллифлик салоҳиятингиз, маданиятингизни ҳам намоён этасиз. Айтмоқчиманки, журналистларга катта эркинлик берилди. Ўз ички имкониятлари кенг, салоҳиятли, талантли ижодкорлар қанот ёзиб ишлайдиган давр келди. Ажойиб суҳбатдош кўрсатув давомидагина эмас, балки бутун ҳаётингиз давомида сизга ҳамроҳ, дўст, биродар бўлиб қолади. Ҳеч бўлмаганда улардан эшитган ибратли сўзлар, фикр-мулоҳазалар қалбингизнинг бир чеккасида ўйнаб туради.

«Куй-қўшиқ янграб турган хонадоннинг деворлар қуламас эмиш. У хонадон соҳибларининг ранги сира сарғаймас эмиш» деганди кўрсатувларимиздан бирида Ҳусан ака Шарипов. Ўшандан буён бу сўзлар кўнглимда гоҳ уҳлайди, гоҳ тонг отиши билан уйғонади... Назаримда бу куй ва қўшиққа берилган ҳам оддий, ҳам баланд баҳодир.

Эл севган хонанда Юлдуз Усмонова билан қилган суҳбатимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. У менга доимо илҳом бериб туришига ишонаман. У нафақат ширин хонанда, балки ҳаёт ва унинг сабоқларидан ўзига хос хулосалар чиқарадиган фикрли, ўйчан инсон ҳам экан. Шуниси ибратлики, у бу туйғуларини ҳам куйлайди, ҳам сўзда ифодалай билади: "Дўстим хиёнатидан, рақибим ақлидан лолман, — деганди у ўша суҳбатда. — Итимнинг кўзларига қаранг, у доимо ғилтиллаб туради. Йиғласам, менга қўшилиб йиғлайди, кулсам кулади... — гапида давом этди Юлдуз. — Баъзида дўст деб тутинганларинг, яқинларингдан кўрмайсан бу меҳр-оқибатни..."

— Кўрсатувни олиб борувчининг оғир юки ҳақида гапирган эдингиз. Бу қандай юк?

— Бу катта масъулият. Икки соат давом этадиган кўрсатувни тайёрлашда камида 10-12 ижодкор иштирок этади. Улар бир ҳафта мобайнида елиб-югуриб тайёрлаган маҳсулотни ёлғиз сухандонгина юзага олиб чиқиши керак. Негаки, ошни пиширганлар парда орқасида қолишади. Бу оғир юк... Шунинг учун ҳам очиғини айтсам, кўрсатув пайтида кўрсатувдан бўлак ҳеч нарса ҳаёлимга келмайди. Дастур ёзиб олингач, оғир юкдан қутилгандек ўзимни енгил ҳис этаман. Эртасига яна янги мавзу, яна янги ижодий тўлғоқ...

Тележурналист, ажойиб сухандон Насибахон Мақсудованинг мухлислари кўп. Мен ҳам шулардан бириман. Унинг «Бойчечак», «Ғунчаой» кўрсатувларидан тортиб, пахтакорлар, ишчи-хизматчилар даврасида ҳам кўрганман. Шаҳарлар тарихи ҳақидаги ҳикояларини эшитганман. Энг муҳими, у томошабинлардан келадиган хатларга ҳеч вақт бефарқ бўлмаган. Ҳамма журналистнинг ҳам шахсан ўз номига хат келавермайди. Унга азбаройи ишонишганидан ёзишади... «Бизда табиий газ йўқ, ичимлик тоза сув етишмайди...» деб ёзишибди бир гуруҳ меҳнат аҳли. Бундай ишлар билан шуғулланиш Насибахоннинг бевосита вазифаси эмас. У бу шикоят хатларини тегишли ташкилотларга жўнатиш билан кифояланса ҳам бўларди. Йўқ, у бундай қилолмайди. Унга ишониб, ёрдам сўраб хат йўллаган одамлар ёнига етиб боради, ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўради. Муаммони ўрганади ва масалани тегишли ташкилотлар олдига кўндаланг қилиб қўяди. Балки бу муаммо бугун, эрта ҳал бўлмас. Лекин индинга, албатта, ўз ечимини топади. Бу борадаги мутасадди ташкилотларнинг сўзини олади, ўзи назорат қилади ва масалани ҳал этмагунча тиниб-тинчимайди...

— ...Тонг саҳардан туриб ҳовлиларга сув сепиб, супуратётган келинчаклар, борлигингизга шукур. Бу сизнинг чиройингиз, одобингиздан нишона. Сизни тарбия қилган, вояга етказган ота-онангизга минг раҳмат. Муқаддас рамазон ойларингиз муборак бўлсин! Қайнота-қайнонасига саҳарлик, оғиз очишга чиройли дастурхон ҳозирлаб елиб-югуриб хизмат қилаётган келинчаклар, ана қаранг сизларга Оллоҳнинг савоблари ёғилаётир...Бу хизматларингиз ажрини олаётганингиз бўлса ажаб эмас,— дея субҳидам кўрсатувини бошлайди Насибахон. Кейин бир ибратли хонадон келинининг ибратли ишлари ҳақида олинган лавҳалар, қайнона-келин тотувлигига доир ҳикматлар сандиғи очилади, очилаверади...

Сухандон бир оғиз ширин сўз билан ўнлаб, юзлаб келинчакларни хайрли ишларга, одамийликка даъват этади. Қайнона-келинлар ўртасидаги меҳр-оқибат ипларини маҳкамроқ боғлайди. Насибахон Мақсудова ижодий ютуқларида унинг юмшоқ, меҳрибон, ҳозиржавоб табиатини кўраман. Ҳамкасбларидан Мунисхон, Дилафрузхон, Толибжон, Фахриддин, Абдулазиз, Ҳасанбой каби ўнлаб сухандону ва бошқа ижодий ходимлар Насибахон ҳақида оғизларидан бол томиб сўзлашлари замирида ҳам унинг ана шу инсоний хислатлари мевасини туяман. У ҳамкасблари, дўсту биродарлари, қариндош-уруғлари даврасидагина эмас, ўз оиласида ҳам суюкли инсон. Йўқса, ёлғиз ўғли Отабек «Келинингиз ўзингизга ўхшаган бўлсин, она-



жон» деярмиди?!

Худога шукур, қизлари Барнохон билан Гўзалой бир уйнинг бекаси бўлиб, тиниб-тинчиб ўтиришибди. Улардан уч невара кўрган. Куёвларини ўғлидек кўради. Қуда-андалар қариндошдек яқин бўлиб кетишган. Бунга минг бор шукур қилади. У қизларига ўз турмуши билан ибрат бўлган. Чаққон, уддабурон, хушфеъл онадан онасидан ҳам ўткирроқ қизлар туғилиши табиий бир ҳол. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида «Онасини кўриб, қизини ол», деган мақол бежиз машҳур бўлиб кетмаган.

Шу ерда яна бир муҳим нуқтага келдим. Насибахоннинг оила аъзоларининг ҳаммаларини бир шингилдан бўлсада тилга олдимку, умр йўлдоши Аноriддин Аминов ҳақида нима дейишимни, у ҳақда эшитганларимдан қай бирини айтишни билмай турибман. Оиладаги жуфтлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирини тушуниш... Бу оғир ва нозик масала. Буни қарангки, бу борада ҳам Насибахоннинг бахти кулган экан. Унинг оиласини яқиндан билган дўсту қариндошлари «Анориддин ака сизни ниҳоятда ҳурмат қиладилар, эъзозлайдилар» деб ҳавас билан гапиришади. Насибахон буни яхши билади. Балки, у умр йўлдошини ундан-да ортиқроқ кўрар, у ҳақда ундан-да кўпроқ ўйлар... Ахир, қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Умр йўлдошидан кўраётган иззат-ҳурматлари ана шу хислатларига жавобдир.

Яна бир сирни очай. Насибахон Мақсудова машҳур шифокорлар Мақсудовлар оиласига мансуб. Унинг отаси ва уч амакиси медицина фанлари докторлари, профессорлар бўлишган. Мақсудовлар авлодида икки юз киши шифокор. Ёлғиз Насибахонгина тележурналист. Айтишадику, одам насибаси сочилган жойга қараб интиларкан. Унга Ўзбекистон телевидениеси даргоҳида устоз деб қарайдилар, уни соғинадилар, кутадилар, маслаҳат сўрайдилар, хат ёзадилар, қўнғироқ қиладилар, меҳмонга таклиф қиладилар ва энг муҳими, ҳар шанба тонгги экранда чиқишини орзиқиб-орзиқиб кутадилар. Бу унинг ҳаётдан олаётган неъматлари, насибалари. Насибахон эл-юрт меҳри, эътиборини ҳамма нарсадан ортиқ кўради.

Дилбар МАҲМУДОВА.

Муҳим қарор

Эстрада мусиқаси ҳам ижодиётнинг қатламларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам ўзининг тарихий илдизлари, ривожланиш мезонлари, миллий йўналишлари ва турланиш асосларига эгадир. Шу нуқтаи назардан ўзбек эстрада мусиқаси ҳам ўзининг омиллари ва анъаналарини шакллантирган муайян жанр ҳисобланади.

Ўзбекона эстрада (кўпчилик учун саҳна орқали ижро этиладиган оммабоп мусиқа) XX асрнинг ўрталарига келиб, умумбашарий йўналишларга хос бўлган, услубга мослашган кўринишида шаклланди. Бу эса машҳур эстрада хонандаси Ботир Зокиров номи билан боғлиқ. Халқимиз ана шу ижодкор бошлаган янги услубни ушбу жанрнинг рамзий маънодаги қиёфаси сифатида қабул қилган десак адашмаган бўламиз. Чунки, унинг ижоди ва ижроси ҳозиргача, ёшларимизга ва авлодларимизга ҳар томонлама ўрнак бўлиб келмоқда.

Эстрада мусиқасининг ривожи эса бу йўналишнинг, бизнинг тушунчамизда, бузилишига, жаҳон мусиқа андозаларида эса турли халқлар эстрада мусиқаси билан бойишига сабаб бўлади. Биз чет эл мусиқий шакл ёки намуналарини ижро этилишига қарши эмасмиз. Лекин, уларни турли йўлга солиб, қориштириб ижро этишдаги «бузуқ» ижро намуналари юзага келиши ачинарлидир.

Мана 10 йилдирки, шу масалага ойдинлик киритиш хусусида иш олиб борилмоқда. Охирги бир йил мобайнида яратилаётган асарлар энди ўзини мустақил ўзбекона йўлини топаётгандек. (Бу ерда ҳаваскорона тақлидий асарлар бундан мустасно). Ижодкорларга 2-3 йил давомидаги давлатимизнинг ишонч мурожаатлари, қарорлари ва кўрсатилаётган улкан имкониятлар ўз ижобий самарасини кўрсатаётгандек. Бу эса эстрада мусиқасининг келажагини белгилаб берувчи омиллардир. Лекин, чаласавод ижроларга эътибор билан ёндашилаётганлиги ва тарғиб этилаётганлиги ачинарлидир. Зеро, эстрада мусиқасида ҳам анъана, салоҳият, маънавият, бадиият ва тартибият мужассамланган. Қайсики асар шу хусусиятларни ифода этар экан, шубҳасиз ўзбек эстрада мусиқасининг дурдонаси бўлиши муқаррар.

«Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарор дурдона асарлар яратилишига катта туртки бўлади, деб умид қиламиз.

Соибжон БЕГМАТОВ,
мусиқашунос.

Эътироф

Эстрада санъати, айниқса, эстрада қўшиқчилиги республикамизда кундан-кунга ўз мухлисларини кўпроқ топиб, халқимиз орасида янада кенгроқ тарқаляпти. Шунинг учун санъатнинг бу турига ҳукуматимиз томонидан жиддий эътибор берилиши табиий ҳол. М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясида эстрада бўлими очилганига 5 йилдан зиёдроқ вақт ўтган бўлса, бу йўналишда ўқув даргоҳида сезиларли ютуқларга эришилганлигини эътироф этишим керак. Агар консерваторияга келган абитуриентларни таққослайдиган бўлсак, ўқишни хоҳлайдиган ёшлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Нафақат сони, тайёргарлик сифати ҳам танлаш имкониятини бераяпти. Республика «Ниҳол» мукофотининг совриндори Севара Назархон, халқаро танловлар совриндори «Сидерис» гуруҳи аъзолари ҳам эстрада бўлимида таҳсил оляптилар. 2001 йилнинг май ойида «Туркистон» саройида М.Ашрафий номидаги ТДКнинг эстрада бўлими талабаларининг концерти бўлиб ўтди. Концерт кенг жамоатчиликда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, бўлимнинг «Биг-бэнд» оркестрининг чиқиши кўпчиликни тўлқинлантириб юборди. Ўзбекистон халқ артисти, «Ялла» гуруҳининг раҳбари Фаррух Зокиров оркестрни чин дилдан табриклади.

Ўйлайманки, ҳукуматимизнинг эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган янги қарори ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, бу санъатнинг ривожига ўз таъсирини кўрсатади.

Нодим НОРХЎЖАЕВ,
бастакор.



Харольд Лэмб ижодида Шарқ Уйғониш даври

Ўтган асрларданоқ ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари Ғарб китобхонлари ва зиёлилари наздида катта обрў-эътиборга эга бўлганлар. Бизга маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари XVII асрдан бошлаб, бир неча бор Европа тилларига таржима ва нашр қилинган. Ҳатто Америка қитъасига ҳам етиб борган. Америкалик ёзувчи Харольд Лэмбнинг «Йўлбарс Бобур» асари 1961 йилда Нью-Йоркда чоп этилди. Харольд Лэмб (1892-1962) Нью-Джерсида туғилиб, Колумбия университетининг шарқшунослик факультетини битирган, араб ва форс тилларини аъло даражада билган. У ўз ҳаётининг асосий даврини Осиё, Россия ва Яқин Шарқ маданияти ҳамда тарихини ўрганишга бағишлади. Уни Шарқ тарихи ва маданиятида IX-XV аср Уйғониш даври кўпроқ қизиқтирган. (Бу муаллифларнинг асарлари иттифоқ даврида таъқиқланган эди).

Шарқ халқлари жаҳон цивилизациясига Рудакий, Фирдавсий, Ҳайём, Саъдий, Ҳофиз, Беруний, Ибн Сино, Форобий, Хоразмий, Навоий, Темур, Улуғбек, Бобур каби буюк гуманистларни етиштириб берган.

Америка ёзувчиси Х.Лэмб ўз ижодини Шарқнинг гуллаб-яшнаган даврига қаратди. Адабий фаолиятини «Нью-Йорк Таймс» газетасида бошлаган журналист Харольд Лэмбнинг муваффақияти ҳаммани ҳайрон қолдирарди. Журналнинг бош муҳаррири Артур Хофман бўлажак ёзувчига ўз ихтиёрига биноан мавзу танлаб мақолалар ёзишга рухсат берди. Х.Лэмбнинг мақола ва тарихий инсолари саёҳат ва тадқиқотларга асосланар эди. Халқ оғзаки ижодини, адабиётни, ўша ҳудудлар урф-одатларини қунт билан ўрганади. Унинг асарларини АҚШда ривожланган биографик романлар жанрига киритиш мумкин. Харольд Лэмбнинг ижоди биографик жанр усталари Стефан Цвейг, Андре Моруа, Ирвинг Стоун китоблари билан ҳамоҳанг. «Чингизхон» (1927), «Темур заминни қақшатар» (1928), «Хочдорлар», 1-том, «Темир одамлар ва авлиёлар» (1930), 2 том, «Ислом алангаси» (1931), «Умар Ҳайём», «Ҳаёт» (1934) каби асарлари нашр қилинган. Умар Ҳайёмнинг биографиясига асосланган «Форс мозаикаси» 1943 йили «Хейл» нашриётида чоп этилади ва кенг жамоатчиликнинг Умар Ҳайёмга бўлган қизиқишини ифода этади. «Йўлбарс Бобур» романи рус тилига таржима қилинган.

Бобур ҳақида бугунги кунга қадар 50 га яқин монография, китоб ва бадиий асарлар чоп этилган. Темурийлар, жумладан, Бобур ҳаёти ва ижодини чет эл адабиёти материаллари асосида ўрганиш биз учун ушбу кунларда, маданиятимиз ва тарихимизни қайта англаётган пайтда жуда долзарбдир.

1912 йили инглиз адибаси Флор Энни Стиллнинг «Тож кийган дарвеш» романи дунёга келди. Роман Бобур шахсига бағишланган ёркин асарлар сирасига киради. Бу романда инглиз ёзувчиси буюк инсоннинг ҳаёти ҳақида сўз юритади. Роман, муаллиф таъкидлашича, Бобур мемуарларини ўрганиш натижасида ёзилган. Роман муаллифи Ҳиндистонда узоқ вақт яшаган. Бу эса Бобурнинг исми XX аср бошида ҳам машҳур эканлигидан далолат беради. Роман сўзбошисида у шундай дейди: «Ҳазрат Бобур ўз ҳаётида кўпларнинг хатоларини кечирганидек, менинг хатоларимни ҳам кечириб энг содиқ ва ҳақиқий мухлисасидан мурувватини дариғ тутмас, деган умиддаман». «Бобурнома»нинг 460 йиллиги арафасида «Шарқ юлдузи» журналининг 1990 йил 10-сонида ушбу романдан таржима чоп этилган.

Комилжон РАФИҚОВ,
Тошкент давлат юридик институти доценти, филология фанлари номзоди.

Ота



(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Дадамлар ҳақида гап кетадиган бўлса, таниш-билишлар: «Ғанижон ака ҳаётликларидаёқ ўзларига ҳайкал ўрнатиб кетганлар», — дейишади. Шунда падари бузруквоимизнинг «Дуторчилар ансамбли»ни ташкил этганларини, унга раҳбарлик қилганларини назарда тутадилар.

Тўғри, дадамлар бу ансамблни ташкил этишларида, унинг концерт дастурларини тузишларида, уларда мумтоз, анъанавий ва замонавий ашула, куй, қўшиқ, лапар ва бошқа мусиқий асарлар билан тўлдириш ҳамда неча-неча бор уни янгиланишига озмунча куч, меҳнат сарф қилганларми, ўзларининг бой билим, ажойиб маҳорат ва катта тажрибаларидан озмунча фойдаланганларми?!

Ахир уларнинг иқтидорли созанда, истеъдодли бастакор, ажойиб сўз устаси, зўр ташкилотчи ва бир неча ансамбллар раҳбари бўлганликлари, халқимизнинг унутилаёзган мусиқий меросини тиклашдаги хизматлари ва, ниҳоят, шунча фарзандни тарбиялаб вояга етказганлари ўзларига ўрнатиб кетган «ҳайкаллари» эмасми?! Мен қўлдан келганича фикр юритар эканман, замонамизнинг ажойиб санъаткор ва олимлари таассурот, хотираларидан намуналарни далил сифатида келтиришга ҳаракат қиламан.

Дадамлар санъаткор бўлганликлари ва уларнинг ижод фаолиятларидан воқиф бўлганим учун, аввал ижодкор ҳаёти билан боғлиқ бўлган баъзи умумий мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Санъаткор ҳаёти, ижоди ва фаолияти билан таниш бўлмаган ва шу сабабли унга юзаки қарайдиган кишининг тасаввурида бундай ҳаёт ёрқин ва қийинчиликларсиз ўтади, муваффақият, олқиш ва гулларга бурканган, шон-шуҳратга тўла, ташвишу ғамлардан узоқ бўлиб туюлади. Гўл санъаткор унда-мунда концертда чиқиб қўяди-ю, қолган вақтларда эса бекор, билганича ўйнаб-кулиб, ялло қилиб юради.

Бундай нотўғри фикрлар томошабинларнинг фақат саҳнадаги ҳаётдан воқиф бўлмай, унинг ортида нималар кечаётганидан бехабарликларидан келиб чиқади. Ахир ижодий тайёргарлик жараёни билан боғлиқ ҳаракат, интилиш ва изланишлар у ерда ўтади, томошабин фақат уларнинг натижаси, ижро этилаётган асардан хабардор бўлади.

Ҳа, санъатнинг ўз қонун-қоида ва талаблари, ўзига яраша меҳнат-машаққатлари бор. Асар етук ва таъсирли чиқиши учун, аввало, ижодкорнинг ўзи истеъдодли, қобилиятли, ўта сезгир, ноёзик дид эгаси бўлиши, бутун кучи, маҳорати, диққат-эътибори, фикр-мулоҳазаларини санъат асари яратилишига сафарбар эта олиши лозим. Бу талабларга амал қила олган, ушбу ўзига хос имтиҳонлардан муваффақиятли ўта олган одамгина бу соҳада ўз ўрнини топа олади, ўта олмагани эса бошқа соҳани танлашга мажбур бўлади.

Дадамлар ҳам шундай мураккаб ва айни пайтда жуда нафис соҳани танлаганлар ва ҳаёт имтиҳонларидан муваффақиятли ўта олганларини кўрсатади. Дадамларнинг бу касбни танлашлари тасодиф бўлган эмас, унинг ўз сабаб-важлари бўлган.

Қуш уясида кўрганини қилади, деганларича бор экан. Дадамлар уйларида оталарининг моҳирона дутор чертишлари, акаларининг ихлос билан камон тортишларини кўрганлар, санъат ва санъаткорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитганлар. Буларнинг бари эса падари бузруквоимизнинг мусиқа соҳасида олган илк сабоқлари ва созандалик каби қийин касбнинг таркибидаги ўта мураккаб соҳани — ғижжакчиликни танлашга сабаб бўлган.

Бу касбнинг мураккаблиги, энг аввало, бу сознинг мураккаб ва ўта ноёзик экани билан боғлиқдир. Зеро, ғижжак ҳаво ҳароратига ниҳоятда сезгир экани билан созандани қийнаб қўяди. Чунки, кун иссиқ бўлса ғижжак қорнига қопланган балиқ териси юмшаб соз пардалари кўтарилади. Кун совиб кетса, тери тиришиб соз пардалари тушиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун созанда ўз чолғусини қайта-қайта созлашга мажбур бўлади.

Ғижжакда куй чалишнинг қийинлиги сабабларидан бири, унинг дастасида, мусиқа пардаларининг белгилари қўйилмаганлигидир. Шунинг учун чолғучининг ўзи уларни аниқ топа олиши лозим.

«Созанда бармоқлари ўта сезгир бўлиши керак, акс ҳолда ғижжак пардаларини аниқ топа олмайди, — дейди Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси халқ чолғулари кафедраси доценти Қаҳрамон Назиров, — натижада куй бузилиши турган гап. Бармоқ ғижжак дастаси устидан ўтган симлардаги пардалардан салгина тепага чиқиб ё салгина тушиб кетса борми, куй янграшида ноаниқлик, ғализлик пайдо бўлиб, қулоққа ёмон эшитилади».

Дадам раҳматлининг болалик чоғларидаги шўхлиги ғижжак созини яхши кўришларига сира халақит берган эмас. Ғижжакда бирор янги куйни эшитиб қолсалар ҳамма ишларини йиғиштириб қўйиб, гўё сеҳрланиб қолгандек, қимирламай, бутун вужудлари билан шу куйни тинглар, сўнг уни ўзлари ҳам чалиб кўришга уринар эканлар. Бунда уларга акалари ёрдам берарканлар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, одамнинг болалик чоғларидаги таассуротлари жуда кучли, ёрқин, ажойиб, таъсирли бўлади ва кўпйиллар, баъзида эса умрбод сақланиб қолади. Шу сабабли ҳам бу ёшда тўпланган билим, ҳосил қилинган кўникма ва сабоқлар қанчалик даражада пишиқ ва етук бўлса, шунчалик даражада кейинги фаолиятлари учун мустаҳкам замин, пойдевор ва ҳатто муваффақият гарови бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дадам устоз масаласида ҳам омади чопган киши бўлганлар. Чунки ўша даврдаги ажойиб мураббий, моҳир устоз ва созанда Собиржон Сиддиқовдан таълим-тарбия олганлар.

— Собиржон акани кўрмаганман, лекин тариху таърифини жуда кўп эшитганман, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Ҳотамов. — У одам камонга ҳаддан ташқари даражада пеш бўлган экан. Шу сабабли

Андижондаги эски санъаткорлар Собиржон ака ҳақида: «Бунақа созанда дунёга камдан-кам келади», — деб оғзиларини тўлдириб гапирардилар. Ғанижон акам ҳам: «Орифхон, Собиржон акани кўрмагансиз-да, у киши жуда бўлак созанда эдилар», — деб ўксинардилар.

Устоз шогирднинг дилига йўл топа олган тақдирдагина бу соҳада муваффақиятга эришиш мумкин. Собиржон ака ўзларининг хушфеъл, хушмуомалалари, моҳирона камон тортишлари билан дадамларнинг диққат-эътиборларини тортибгина қолмай, отамизда ўзларига нисбатан қаттиқ ҳурматни уйғота олганлар. Шу сабабли дадамлар устозларининг айтганларини диққат билан тинглашга, сўзларини дилларига жо қилиб, топшириқларини тўла адо этишга, дарсларда эшитган, кўрганларини ўзларига сингдиришга ҳаракат қилган эканлар.

Дадамлар Собиржон ака чалган куйларни эшитиб, мамнун бўлибгина қолмай, балки тақлид қилишга, эшитганларини яхшилаб ёдларида сақлаб қолишга ҳаракат қилган эканлар. Қисқа қилиб, отамиз раҳматли қўллаган иборалардан фойдаланиб гапирадиган бўлсам, дадамлар ўз устозларининг «этакларидан» маҳкам ушлаб олиб, чалганларини чалиб, билганларининг барини яхшилаб ўрганиб, пишиқ созанда сифатида катта санъатга кириб келганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, дадамлар ўзлари устида ишлашни ҳеч қачон тўхтатмаганлар. Интилувчан ва қизиқувчан бўлганликлари учун кейинчалик, шогирдлик муддатлари ўтиб, ўзларининг мустақил созандалик фаолиятларини бошлаб юборган кезларида ҳам имкон бўлди дегунча, фурсатни бой бермай бошқа асарни ўрганиб олишга ҳаракат қилган эканлар. Жумладан, оркестр ва ансамбларда биргаликда ишлаб келган катта санъаткорлардан ашула, куй, қўшиқларнинг ижро этилиши йўлларини сўраб-суриштириш орқали ҳам ўрганишларини қўймас, эшитган асарларини ғижжакда такрорларканлар.

— Муқимий номидаги театрда мусиқачилар ертўласида ўтирганларида ҳам, танаффус пайтларида ҳам бекор турмасдилар. Жумладан, Ашурали акадан: «Фалон нарса қандай, пистон нарса қандай бўлар эди?» — деб сўраганлари ҳали-ҳали ёдимда, — дейди Орифхон Ҳотамов. — Ғанижон ака имкон бўлган пайтида мен билганларимдан: Муҳиддин ҳожи, Ашурали Юсупов, Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон Умурзоқов, Жўрахон Султонов ва бошқа созанда ҳамда хонандалардан шундай йўл билан ҳам асарларни ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Дадамлар раҳматли ўз мақсадлари сари астойдил интилганлари учун ҳам халқимизнинг мусиқий меросига оид бўлган кўплаб асарларни яхши ўзлаштириб, ўзларида сақлай олганлар.

— Ғанижон ака қўпкатта устозларни кўрган, улар билан кўплаб мулоқотларда бўлган, концерт, тўй-томошаларда ашула, қўшиқларига ғижжакда жўр бўлганликлари учун ёдларида кўп нарсаларни сақлаб қолганлар. Жумладан, Андижон мушкилоти йўлларини, ғижжакда ижро этиладиган сурнай йўлларини, қўйинг-чи кўплаб ашула, куй-қўшиқларни мукаммал билар эди. Ўша ўтмиш замондан қолган асарларнинг кўпини Ғанижон ака қўлидан келганича ёш созанда-хонандаларга етказиб ўргатиб кетган. Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин, буларнинг бари сира эсимиздан чиқмайди, — дейди Орифхон Ҳотамов.

Ҳа, дадамлар маданий меросимиздан яхши хабардор эдилар, мерос ҳақида гап кетса албатта, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ажойиб мисоллар келтирганларини кўп кўрганман.

Бу гапга ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Кунлардан бир кун бир танишимиз уйланадиган бўлиб, келин томонни унинг уйига олиб боришимга тўғри келди. Хотин-қизлар билан лиқ тўлган автобусдаги жимжитликдан таъсирланиб: «Наҳотки, шунча хотин-қизлардан бирортанглар ёр-ёрни билмасанглар?» — деб уларни гижгижлаб, ўз бошимга текинга «оғриқ» сотиб олгандим, ўшанда. Чунки улардан биттасигина ёр-ёрни ўзи билганича, яъни чала-чулпа қилиб бошлаб кетди... Умрим бино бўлиб ёр-ёрнинг бундай айтилишини бошқа эшитган эмасман.

Мен буларнинг барини дадамларга сўзлаб берганимда, улар бунга ўз муносабатларини билдирдилар, мумтоз, анъанавий, тўй-маросим куй-қўшиқлари унутилишидан ўксиндилар-да, сўнг бир жумла, бир жумла қилиб: «Андижонда ёр-ёр бундай айтилади... Марғилонда бундай айтилади. Қўқонда бундай айтилади... Тошкентда бундай айтилади....» — деб, бир қанча ёр-ёрлардан намуналарни хиргойи қилдилар. Санаб чиқиб, дадамлар ўшанда ёр-ёрнинг йигирмадан ортиқ хилларини айтганларига амин бўлдим. Шунда ўзимча: «Ҳа, ҳали бисотларида кўп нарса бор экан», — деб қўйдим.

Муҳсин ҒАНИЕВ.

Эзгуликка чорловчи санъат

Очиғини айтсам, ушбу қарор барча санъаткорлар учун дастуриламал бўлади, деб ўйлайман.

Кейинги пайтларда кўп жойларда миллий эстрадамиз, унинг истиқболи ҳақида турли фикрлар айтилди ва айтилмоқда. Ижобийдан кўра салбий фикрлар анчагина. Бундай гаплар мухлислар учун оддий гапдир балким, лекин санъаткорни, санъатнинг «қаттиқ» нонини ёяётганларни ўйлашга, мушоҳада қилишга чақиради. Радиотелевидение орқали берилаётган куй-қўшиқлар барчага бирдек манзур бўлаяпти, деб айтиш қийин. Юракка етиб борадиган қўшиқдан кўра тишга тегадигани анчагина... Қарор шундай қўшиқларга барҳам беради, деб ўйлайман.

Мен истардимки, матбуотда, радиотелевидениеда қўшиқлар ҳақида очиқ гаплар айтилса, езилса, тез-тез давра суҳбатлари бериб борилса. Бунда етук мутахассислар, мусиқашунослар, шоирлар, хонандалар, оддий мухлислар ҳам иштирок этсалар-да, ўз фикрларини айтсалар. «Айрим хонандаларнинг баъзи қўшиқлари» демай, аниқ бир хонанданинг мана бу қўшиғи, деган фикрлар билдирилса, яхши бўлар эди. Балким, ўша хонанданинг, ўша шоирнинг ўзини ҳам шу суҳбатга чақириш мумкиндир.

Яна бир фикрим. Маълумки, қўшиқчилик соҳасида кўплаб танловлар ўтказилмоқда. Булар жуда катта тайёргарлик билан ўтади. Танлов ғолиблари эълон қилинади, шу билан тамом. Уларнинг келгусидаги фаолиятлари билан ҳеч ким қизиқмайди. Ҳолбуки, Ғиёс Бойтоев, Муҳриддин Ҳолиқов, Оҳунжон Мадалиевни ҳам шундай танловлар элга танитган эди.

Қарорнинг яна бир ижобий томони тўйларда фақат махсус рухсатнома (лицензия)си бўлган хонанда ҳамда гуруҳларнинг иштирок этиш масаласидир. Шу орқали балки, турли-туман «санъаткор»лардан, уларнинг бемаза, «севдим, куйдим, ўлдим» қабилидаги «қўшиқ»ларидан қутилармиз.

Лицензия олаётган хонанда ёки гуруҳ ижодини баҳолашда шоирлар, бастакорлар, мухлислар, ҳаттоки, тилшунослар ҳам фаол иштирок этсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Хуллас, ушбу қарор ўзбек миллий эстрадамизни юксалтиради, уни барча севиб тинглайдиган санъатга айлантиради, деб ўйлайман.

Руфатилла ҚОСИМОВ.

Бахтилар анжумани



Узоқ ўтмишда юзага келган сўз санъати кишилик жамиятининг барча босқичларида жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда инсоннинг яшаш учун ўз атрофидаги дунёни ўзлаштириши ва ўрганиши жараёнида ривожланди. Халқ бадиий тафаккури меваларида меҳнаткашларнинг адолат тантанаси учун кураши, яхши, бахтли замон ҳақидаги орзу-армонлари билан бирга унинг меҳр-шафқати, қаҳр-ғазаби, тадбиркорлиги, бой турмуш тажрибаси, донолиги, инсоний фазилатлари тасвирланган. Халқ оғзаки ижоди асрлар давомида қанчаданқанча авлодларни юксак инсоний ғоялар руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда.

Халқимизнинг бой фольклор меросини сақлаш, бойитиш ва келажак авлодларга етказишда бахши-шоирларнинг ўрни катта. Халқ орасида «Алпомиш», «Гўрўғли», «Равшанхон», «Авазхон», «Ширин билан Шакар», «Балогардон» каби юзлаб достонлар, эртак ва топишмоқлар истеъдодли бахши-шоирлар томонидан айтилган, тўпланган, сақланган ва бойитилган. Халқимизнинг қадим замонлардан ҳозиргача бўлган турмуш тарзи, унинг адолатсизликка, ёвузликка нафрати, шу билан бирга, бахтли, саодатли ҳаёт ҳақидаги орзу ва истаклари, муҳаббат, вафо рамзлари бахши-шоирларнинг сўз жавҳарлари орқали акс эттирилган ва улар ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўлмас халқ қўшиқлари ва достонларини ижодий ўзлаштириб, моҳирона ижро этувчи ажойиб шеърият соҳибларидан Эргаш Жуманбулбул ўғли, Муҳаммад Жомурод ўғли, Пўлкан, Ислом шоир Назар ўғли, Бекмурод Жўравой ўғли сингари халқ оғзаки ижодкорларининг бу соҳадаги фаолиятлари таҳсинга сазовор. Уларни халқимиз доимо меҳр билан севиб эслайди ва улар ижодини эъзозлайди.

Инсонни руҳий жиҳатдан покламай, унинг онг ва тафаккурини юксалтирмай, иймон-эътиқоди ва виждонини уйғотмасдан туриб, баркамол жамиятни барпо этиб бўлмайди. Буларнинг барчасига маънавият орқали эришилади. «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, — дейди юртбошимиз ўз маърузаларида, — ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғликдир».

Республикамизда Соғлом авлод йили, Аёллар йили, Оналар ва болалар йили каби тадбирларнинг эълон қилиниши ва амалга оширилишида чуқур маъно бор.

Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази томонидан мунтазам ўтказилиб келинаётган қатор маданий-оммавий тадбирлар, ўқув-семинарлар, илмий-амалий анжуманлар, фольклор-этнографик ансамбллари, алла қўшиғи ижрочилари, миллий дорбозлар, анъанавий цирк санъати ҳамда ҳаваскор қўғирчоқ театрлари жамоаларининг анъанавий республика кўрик-фестивалари халқ ҳаваскорлик ижодиёти ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида 1999 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта фольклор асарлари ижрочиларининг халқаро кўрик-фестивали ўтказилмоқда. Энг яхши ижодкорларнинг асарларини ёзиб олиш, улар ҳақида теле-видеофильмлар чиқариш режалаштирилган.

Шу йилнинг 23-25 май кунлари Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-ус-

лубият маркази, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармалари ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Ўрта Осиё республикаларининг бахши-шоирлари ва оқинлари иштирокида II анъанавий халқаро кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

Кўрик-фестивалда Қирғизистондан машҳур оқинлар Абдували Ҳакимбеков, Тўрабой Орзубоев, Надамбек Айтматов, Қорақалпоғистондан машҳур бахши-жировлар Турғунбой Қаландаров, Бахтберген Сиримбетов, Зиёда Шарипова каби 60 дан зиёд бахши-шоирлар, оқинжировлар қатнашдилар. Улар она тилларида халқ достонларидан парчалар, термалар ва айтишувлар ижро этиб, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар.

Сурхондарё вилояти Зобитлар уйида кўрик-фестивалнинг тантанали очилиши бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Сурхондарё вилояти ҳокими муовини Қувондиқ Мадатовлар қатнашчиларга ижодий беллашувларда муваффақият тиладилар.

Бахши-шоирлар ва оқинларнинг II халқаро кўрик-фестивалининг ташкилий жиҳатдан юқори бадиий савияда ўтишида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бошчилигида турли мутасадди ташкилотлар ҳомийлик кўрсатдилар.

Кўрик-фестиваль ғолибларининг якунловчи томошаси «Алпомиш» достонининг бош қаҳрамонлари туғилиб ўсган Бойсун туманидаги Тўда қишлоғининг тоғ ёнбағрида катта тантаналар билан ўтди. Сурхондарё вилоятида бахшичиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган ёш бахши-шоирларга устозлик қилаётган, юқори савиядаги ижрочилик маҳоратини кўрсатган Боборайим бахши Маматмуродов (Денов туманидан) олий ўрин совриндори бўлди.

Етук бахши-шоирлар ва оқинлардан Сурхондарё вилоятидан Абдуназар Поёнов биринчи ўринни, Хоразм вилоятидан Қаландар бахши Норматов, Қашқадарё вилоятидан Абдуқаҳҳор бахши Раҳимов, Қирғизистондан Абдували Ҳакимбеков, Тўрабой Орзубоев ва Надамбек Айтматовларга иккинчи ўрин берилди. Қашқадарё вилоятидан Абдумурод Раҳимов, Сурхондарё вилоятидан Исмоил Анваров, Қорақалпоғистондан Зиёда Шарипова, Самарқанд вилоятидан Зиёдулла бахши Исломов, Қорақалпоғистондан Бахтберген Сиримбетовлар учинчи ўринларни олишга муяссар бўлдилар.

Бу ғолиблардан ташқари қорақалпоғистонлик Турғунбой Қаландаров «Энг кекса ижрочи» мукофотини, хоразмлик Достонбек Қаландар бахши ўғли Норматов ва сирдарёлик ёш ижрочи Дилмурод Саидмуродовларга «Энг ёш ижрочи» унвонлари берилиб, уларга дипломлар, фахрий ёрлиқлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Иштирокчилардан 5 кишига рағбатлантирувчи мукофот берилди.

Кўрик-фестиваль кунлари таниқли фольклоршунос олимлар, бахши-шоирлар ва оқинлар иштирокида «Ҳозирги давр бахшичилик санъати» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурасул Иброҳимов «Сурхондарё фольклори ва бахшичилик санъати ҳақида», фольклоршунос олимлар Маматқул Жўраев «Алпомиш» достонининг тарихий манбалари, Шомирза Турдимов «Гўрўғли» достони ҳақида илмий мулоҳазалар, Саид Алимов «Жанубий Ўзбекистон бахшичилик мактаби хусусида» каби мавзуларда маърузалар қилдилар. Илмий-амалий анжуман якунида фестиваль қатнашчиларининг мутахассис олимлар билан бахшичилик санъатини янада ривожлантириш, жойларда бахшичилик мактаблари ташкил этиш ҳамда Бахши-шоирлар ва оқинларнинг халқаро ассосциациясини тузиш ҳамда кўрик-фестиваль Низомига айрим ўзгаришлар киритилиши лозимлиги ҳақида ўз таклифлари ва фикр-мулоҳазалари айтилди.

Халқ достонларини барча халқлар ҳамма замонларда севиб эшитган. Бу достонлар оҳангларига халқимизнинг адолат ва ҳақиқатга, енгилмасликка интилиш, қаҳрамонлик орзу, умидлари сингдирилган.

Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОЕВ,
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият марказининг бўлим мудири.

Сизни кутавериб толди кўзларим

Сиз ҳеч қачон келмайсиз қайтиб,
Баҳорлар қайтади,
Йиллар ҳам.
Кузда маъюс қўшиқлар айтиб
Япроқлар узилар дилда ғам.

Сиз ҳеч қачон келмайсиз энди,
Шодликлар солмайсиз юракка.
Лойқа хаёлни суви тинди,
Сароб бахтни кузатиб якка.

Сиз ҳеч қачон келмайсиз энди,
Қайғулар солдингиз бошимга.
О, ёлғизликдан йиғлар қалбим,
Соғинчлар айланар кўз ёшга.

Сиз ҳеч қачон келмайсиз, эркам,
Дилимни қоғозга ёраман.
Метин бардошим тугаган дам,
Баҳорга айланиб бораман.

Сиз ҳеч қачон келмайсиз энди.

* * *

Ёлғиз шоирнинг...

Сизни нуқсонингиз
кўринмас кўзга,
Севгимни сеҳридан
боғланган кўзим.
Қаламим учидан тўкилган сўзга
Оллоҳнинг олдида жавобгар ўзим:

Оташ шеърингиздан эрийди юрак,
Ҳижроннинг, кўз ёшнинг
борлиги ёлғон.
Дийдорингиз кўрмоқ энг
олий тилак,
Ишончим кўксимга қамалган туғён.

Рашкнинг оловидан дилим куяди,
Юзимга томади аламлар ёши.
Соғинчнинг кўксига бошим қўяди,
Тугайди тоқатни метин бардоши.

Ширин хаёллар умидга паноҳдир,
Хаёлим сераҳраз, хиёл паришон.
Сизни унутмоқ ҳам оғир гуноҳдир,
Яна хаёлларим бошлар сиз томон.

Баҳор бинафшадан
кетолмас кечиб,
Тунлари ёзаман безовта, бедор.
Севгингиз келтирган
ғамлардан ичиб,
Жимгина яшайман,
кўнглимда сиз бор.

Ишончим йўқолмас, ишончим омон,
Қачондир келасиз манзилим эслаб.
Соғиниб кутаман, келмасангиз гар
Мен сизни топаман, баҳордай
излаб.

Саодат ОЛИМОВА,
Самарқанд.

Регистон узра мумтоз наволар

Кўҳна ва навқирон Самарқанд ҳамиша абадий гўзаллиги билан одамларни мафтун этади. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрами арафасида бу кўҳна шаҳарнинг асрий чинорлар билан безанган боғу хиёбонлари, гавжум кўчалари яна бир бор ўзининг чиройини намоён этди. Жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган санъаткорлар ва мумтоз мусиқа мухлислари анъанавий «Шарқ тароналари» III халқаро фестивалига тўпландилар.

Учинчи бор ўтказилаётган халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими 25 август оқшомида — Самарқанднинг машҳур Регистон майдонида бўлиб ўтди. Фестиваль иштирокчиларига Президент Ислом Каримов қутлов йўллади. Унда "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали халқаро миқёсда эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёсидаги кўплаб санъат намоёндаларини ҳам ўзига жалб этаётгани алоҳида таъкидланади.

Регистон майдонидаги саҳна атрофи халқимизнинг анъанавий турмуш тарзи манзаралари, она заминимиз саховатини намойиш этувчи ноз-неъматлар билан бойитилгани барчани қойил қолдирди. Бир ёнда раққосалар хироми, яна бир ёнда эса чевар қизлар, гиламдўз келинчаклар... Бошқа томонда эса тандирлар қурилиб, Самарқанднинг машҳур нонлари ёпилмоқда.

Буларнинг барчаси томошабинлар, фестиваль аҳли кўз ўнгида намоён бўлгани анжуман файзига файз қўшди.

ЮНЕСКО вакили Айково хоним, фестиваль ҳайъатининг раиси Хан Мьюнг Хи янги асрда одамлар тафаккурини ўзгартириш, инсонпарварлик ғояларининг улар юрагида чуқур илдиз отишида Самарқанд фестивалининг беқиёс ўрни ҳақида сўзладилар.

Халқаро мусиқа байрамига ташриф буюрган бадиий жамоалар, таниқли санъаткорлар ҳар куни Регистон майдонида ўтадиган «Энг яхши миллий қўшиқ ижрочиси» танлови дастуридан ташқари Самарқанд ва унинг атрофидаги туманларнинг боғ-роғларида, «Мўъжиза» амфитеатри, «Шоирлар боғи», «Ёшлик» боғида ўз санъатларини намойиш этдилар. «Афросиёб» меҳмонхонаси мажлислар залида эса турли мамлакатлардан ташриф буюрган мусиқашунос олимлар иштирокида халқаро анжуман ўтказилди.

Фестиваль дастурининг ҳар бир куни унутилмас бўлди. Непал, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Италия, Ҳиндистон ва Ўзбекистон санъаткорларини томошабинлар қизғин кутиб олдилар. Айниқса, Туркия ва Ҳиндистон хонандалари ва раққослари ўз санъатларини намойиш этганда майдон олқишларга тўлди. Турк ва озарбойжон хонандалари ижро этган мумтоз ашулалар, ҳинд санъаткорларининг қилич устидаги рақслари фестиваль аҳлини ҳаяжонга солди. Дастур ниҳоясида Ўзбекистон санъаткорлари саҳнага чиқдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зулайҳо Бойхонова «Самарқанд ушшоғи» ашуласини қиёмига етказиб ижро этди. Катта ашула ижрочилари томонидан айтилган «Топмадим» ашуласи ҳам олқишлар билан кутиб олинди.

Фестиваль ҳайъати қарорига кўра фестиваль ғолиблари қуйидагича тақдирландилар:

Гран при муносиб номзодлар топилмаганлиги сабабли берилмади.

I даражали мукофот — Соҳибжон Ниёзов ва Абдунаби Иброҳимов (Ўзбекистон), Олим Гасимов (Озарбойжон);

II даражали мукофот — Мадҳушри Рамсондер Бадалтжавҳарий (Ҳиндистон), "Лашари" гуруҳи (Грузия);


III даражали мукофот — Нохиде Токгўз (Туркия), Халқ мусиқа асбоблари музейи қошидаги ижодий гуруҳ (Греция).

Махсус мукофотлар:

ЮНЕСКО мукофоти — «Олтой» гуруҳи (Россия), «Чолғучилар» гуруҳи (Қирғизистон).

Фестиваль Ташкилий қўмитасининг мукофоти — «Анган ал-шабаб» гуруҳи (Миср Араб Республикаси)га берилди.

Мадина АБДУЛЛАЕВА.



Ижодий ҳамкорлик

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихига назар ташласак, халқимизнинг бугунги ва келажак авлодлари учун илм-фан, адабиёт ва санъат, меъморчилик ҳам миллий ҳунармандчиликнинг барча соҳаларига оид жуда улкан мерос қолдириб кетганлигининг гувоҳи бўламиз.

Шундай экан, халқ даҳоси яратган ва йиллар давомида шаклланган бу ноёб меросни ўрганиш, уни асраб-авайлаш, бугунги ҳамда келажак авлодни ундан бахраманд этиш барчамизнинг бурчимиздир. Ўзбекистон мустақил бўлиб, қадриятларимиз қад ростлаётган пайтда бунинг аҳамияти беқиёс даражада ошди. Миллий қадриятларни тиклаш ва маънавиятни юксалтириш борасида юртбошимизнинг шахсий ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари туфайли республикамизда жуда катта хайрли ишлар қилинмоқда.

Республикамиз пойтахти Тошкентда ва бошқа шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида жуда катта қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу иморатларда ўзига яраша ганч, ёғоч, тош ўймакорлик, наққошлик, деворий миниатюра, витраж ва бошқа безак ишлари амалга оширилмоқда. Меъморчиликдаги бундай безак ишлари тобора кўпайиб бормоқда ва замондошларимизнинг кундалик эҳтиёжига айланмоқда.

«Усто» бирлашмаси халқ усталари, ҳайкалтарош, график рассомлари томонидан шу йилларда бажарилган безак ишлари салобати, безакларнинг хамоҳанглиги билан маданий юксалишнинг ёрқин намунаси бўлмоқда.

Тошкент шаҳар Ҳокимияти биноси, Олий Мажлис биноси, Тошкент давлат цирки, Самарқанддаги ал-Бухорий мажмуаси, Тошкентдаги 1941-45 йилларда халок бўлган ўзбекистонлик аскарларга қурилган Хотира майдони, Самарқанддаги Ҳокимият биноси, Амир Темур ва темурийлар музейи биноси, Тошкентдаги Сайлгоҳ кўчасидаги миллий чойхона айвони, Фарғона ва Қувадаги ал-Фарғоний мажмуаси, Урганч шаҳридаги Жалолиддин Мангуберди мажмуаси, Тошкентдаги Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳайкаллари. Бу иншоотлар ҳаммаси ўзбек миллий меъморчилик санъати ва ҳунармандчилигининг гуркираб ривожланаётганидан дарак беради.

Афсуски, кейинги вақтларда меъмор лойиҳачи ва амалий безак санъати усталари, ҳайкалтарошлари, график рассомлар билан ҳамкорлик камайиб кетган. Аввал лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳа бўйича иншоот қурилади, сўнг унга халқ усталари безак ишларини бажаришга жалб этилади, натижада бу иншоотлардаги шакл мувозанати, миллий уйғунлик ва мутаносиблик ҳолатлари камайиб бормоқда.

Тошкентдаги Муқимий номли театр ҳамда Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет катта театри биносининг қурилиши ўзбек халқининг маданий ҳаётида, қолаверса, меъморчилик билан узвий боғланган бадиий, амалий безак санъати соҳасида бир мўъжиза бўлди. Ўзбекистон халқ усталарининг ҳамкорликда буюк меъморий обидалар яратишга ҳар доим қодир эканлигининг амалдаги намойиши бўлди.

Алишер Навоий номли театр биноси лойиҳасининг ижодкори академик меъмор Алексей Викторович Шчусев эди. У бино лойиҳасини тузишда Шарқ ва Европанинг жамоат бинолари қурилишидаги илғор анъаналарни ҳисобга олган ва дадил лойиҳа таклиф этган. У бадиий безак ишларида, деворий монументал асарларида ўз маҳоратларини кўрсатишлари учун усталарга тўла имконият яратиб берган Чингиз Аҳмаровнинг деворий монументал безаклари, Ўрол Тансиқбоевнинг ўзига хос манзаралари ҳар бир санъат мухлисига завқ бағишлаб келмоқда. Яна бир қувонарли ва фахрланарли томони шундаки, меъмор А.Шчусев бинонинг деворлари, пештоқ ва шипларини миллий анъаналар асосида сайқаллаш қўлидан келадиган усталарга ишониб топширган. Усталарнинг истак ва мулоҳазаларига самимийлик билан қулоқ солган, маслаҳатларини имконияти борича инобатга олган. Айни чоғда эскизларнинг бадиий сифатига жиддий эътибор берган. Қарс икки қўлдан, деганларидек, ҳар томонлама ижодий ҳамкорлик ёрқин самарасини кўрсатган.

Ўзбек меъморларидан ва халқ усталаридан Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, Шамсиддин Ғафуров, Мақсуд Қосимов, Қодиржон Ҳайдаров, Саидмаҳмуд Норқўзиев, Рўзмат Машарипов, Абдулла Болтаев, Маҳмуд Усмонов, Жалил Ҳакимов ва бошқа усталар иншоотларга такрорланмас миллий хусусиятларни киритишда яқиндан ёрдам берганлар.

Халқ усталари ва меъморларнинг мустақиллик давридаги муваффақиятлари ва ўзбек миллий санъати ҳамда архитектурасининг истиқболи бизни қуйидаги фикр-мулоҳазаларга олиб келди:

1. Меъморларнинг янги лойиҳаларда умуминсоний қадриятларни ва миллийликни сақлаш учун халқ усталари, ҳайкалтарошлари, рассомлари билан ҳамкорлик қилишини жонлаштириш.

2. Меъморчилик лойиҳаларини кўриб тасдиқлаш жараёнида ва тўла бажарилган ишларни қабул қилиш учун меъмор, ҳайкалтарош, рассомлар ва халқ амалий санъати усталаридан иборат республика эксперт кенгашини тузиш.

3. Мустақиллик, Наврўз ва Хотира кунларини нишонлаш арафасида йилига бир марта энг яхши меъмор, уста, ҳайкалтарош, рассом танловини ва кўргазмасини ўтказиш ҳамда ғолибларни рағбатлантириш.

4. Ёш меъмор, ҳайкалтарош, рассом, амалий санъат усталарининг малакасини ошириш, унутилган мактабларни тиклаш учун «Усто-шогирд» мактабларини очиш ва уларнинг фаолиятига шарт-шароитлар яратиш.

5. Ўзбекистонлик кекса ва вафот этган меъморлар, халқ усталари хотирасини абадийлаштириш учун ташкилотларда ижодий анжуман, конференциялар ўтказиш, китоблар нашр этиш, радио, телевидениеда, газета ва журналларда тарғиб қилиш.

6. Хорижий мамлакатларда миллий санъат ва меъморчилигимизни тарғиб этиш мақсадида буюртмалар қабул қилиш, миллий чойхона, ошхона, саройлар, элчихоналар биносини миллий услубда қуриш ва безатиш.

7. Меъморчилик университети талабаларини Ўзбекистон тарихий обидаларини ўрганиш халқ амалий санъати турлари бўйича амалий машғулотларни дастурга киритиш, шу билан бирга халқ усталари ижоди билан яқиндан танишиш учун амалий санъат усталарининг ижодхоналарига экскурсиялар уюштириш, тез-тез халқ усталари билан учрашувлар ўтказиш.

Бундай ҳамкорлик ва тадбирлар, ташвиқот ишлари меъмор ва халқ усталаримиз ижодий изланишларига кенг имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг республикамиз Президенти ва ҳукумати томонидан халқ миллий қадриятларини тиклаш ва юзага чиқаришга, халқимиз маданияти ва санъатининг ривожланишига катта аҳамият берила бошланди. Жумладан, меъморчилик ва амалий санъат бўйича ижод қилувчи санъат усталари ва уста меъморларнинг ижодий изланишларига кенг йўл очилди.

Ўзбек халқининг энг яхши бадиий анъаналари абадийдир. Бу анъаналар халқнинг турмуш шароитларига қараб ўзгариши билан бирга, ўзларининг миллий асосларини ҳеч қачон йўқотмайдилар. Халқнинг мана шу энг яхши анъаналаридан фойдаланиш, янги вазифалар ҳамда талабларга мувофиқ ижодий ўзгаришлар ўзбек санъати ва меъморчилигини муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шартидир.

Қобилжон ҚОСИМОВ,
«Усто» бирлашмаси бош директор муовини.

Яшнаётган умид ниҳоли

Ёш мусаввир Камолжоннинг болалик, ўсмирлик даври Шайх Хованди Тахур туманининг азалдан обод ва сўлим гўшаларидан бири, шаҳар марказидан унча узоқ бўлмаган Сирли масжид маҳалласида, кўҳна ва навқирон пойтахтимиз қоқ ўртасидан оқиб ўтиб, унинг ҳуснига ҳусн бағишлаётган Бўзсув анҳори соҳиллари, Мустақиллик майдони кенгликлари, беғубор осмони, теваракатрофидаги азим дарахтлари бағрида ўтди. Болаликдан турфа оламни кузатиш, унинг рангин жилоларини кўнгилга жо қилиб бориш мурғак дилида чуқур из қолдирганини кейинчалик намоён этди...

Камолжон Бобоев 5-8-синфларда ўқиркан, П.Беньков номидаги рассомлик билим юрти қошидаги тўгаракка ҳафтасига уч марта қатнарди. У шундай кунлари уйига тетик, хурсанд бўлиб қайтарди. Оқшомлари акаси, ота-онасига чизаётган расмлари ҳақида, ўтмишнинг машҳур мусаввирлари тўғрисида сўзлаб беришни, улар эса тинглашни яхши кўрардилар.

Ёзги таътил ойларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Нурота каби тарихий шаҳарларга, ўша йиллар Ўзбекистон телерадиокомпаниясида мухбир бўлиб ишлаётган отаси Элдор Бобоев хизмат сафарлари чоғларида ўғлини ўзи билан бирга олиб кетарди. Асл ўзликни англаш — она юртни англашдан бошланади, деб бежиз айтишмайди-ку...

Ота ва ўғил эртаксимон шаҳар кўчаларида кўпинча тонг маҳали сайр қилиб, кўҳна обидаларни томоша қилишар, амалий санъат усталари расталарини бирга айланишарди. Мадрасалар, миноралар, мақбаралар пойида уларга маҳлиё бўлиш, меъморлари ҳақидаги жиддий мулоҳотлар болакайга жуда ҳам ёқарди...

Мустақиллик шарофати ила чоп этила бошлаган Ватан тарихи, унинг бой маданиятига доир адабиётларни ихлос билан мутолаа қилиш, тинимсиз расм чизиш ўспиринниинг суюкли машғулотига айланди.

Ёшликдан ўзбек ва рус тилларини яхши билган Камолжон Оврупо рангтасвир санъатига, Шарқ миниатюра санъатига оид жиддий адабиётларни ҳам мағзини чақиб ўқий олар, таҳлил қилиб, зеҳнини чархларди.

Мумтоз мусаввирлар ижоди ва қадриятларимизнинг кучли таъсирида бирин-кетин «Ойдин кеча», «Хива миноралари», «Тонг юлдузи», «Дўппифурушлар растаси», «Ўймакор уста» асарлари дунёга келди.

Санъат-интернатда ўқиб юрган йиллари етакчи руҳий кайфият, интилиш Камолжонни машҳур ўзбек мусаввири Алишер Мирзаев билан яқинлаштирди.

Асарларининг жон томири миллий заминдан қувват олиб улғайган, маҳоратли мусаввир, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев ҳамда ижод оламига энди кириб келаётган Камол Бобоев ўртасидаги муносабатлар устоз ва шогирдликнинг энг яхши анъаналарига садоқат руҳида ривож топди.

Устозидаги тажриба ва шогирддаги тиришқоқлик ўз самарасини бера бошлади. К.Бобоев 1995 йил республика санъат-интернатида диплом иши ёқлар экан, унинг «Болалигим кўчалари» туркумига кирувчи график асарлари тенгдошлари, устозларида яхши таассурот қолдирди. Туркумни унинг илк ижоди ва болалик даврининг якуни, бадиий ифодаси десак бўлади. Ёш истеъдод ҳиссиётлари, самимияти билан йўғрилган ажиб тасвирлар тамошабинни беихтиёр болалик «кўчаси»нинг ширин ва беғубор оламига чорлайди.

К.Бобоев Камолиддин Баҳзод номидаги Рангтасвир ва дизайн институтига имтиҳон топшириб, Маҳобатли рангтасвир бўлимида ўқий бошлади. Бирон кунни расм чизишсиз ўтказмасликни одат қилган Камолжон ҳар тонг институтга биринчи бўлиб келар, устахонани охирги бўлиб тарк этарди. Касбига ихлоси баландлиги билан ажралиб турадиган, асосли билимга чанқоқ бу талабанинг тенгқурлари орасида ўз ўрни борлиги тез биланиб қолди.

Институт кўргазмаларида намойиш этилган машқлари, акварель, мойбўёқ асарлари нафақат тенгқурлари, балки юқори курс талабалари диққатини ҳам ўзига жалб этар, мунозараларга сабаб бўларди.

1996 йилнинг куз ойлари...

Ёш рассом Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг Марказий кўргазма залида мўйқалам асарлари билан илк бор қатнашиб, юраги ширин орзулардан ҳапқириб юрган чоғлари... мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси томонидан тасвирий санъат соҳасида билим олиш мақсадида олис Италияга юбориладиган муносиб номзодлар танланаётгани ҳақида хабар топди.

Ёш мусаввир нуфузли ҳайъат аъзолари ҳукмига энг сара асарларини ҳавола қилди. Танлов босқичидан муваффақиятли ўтган тўрт нафар ёш ижодкор билан биргаликда итальян тилини ўрганди. Ниҳоят, Туркистон саройида катта умид боғлаб, энг муносиб ёшларни олис ўлкаларга кузатишга бағишланган тантанали кеча ҳам бўлиб ўтди...

Ана шу унутилмас кечада иштирок этганлар қатори сўз олиб юртбошимизга, халқимизга ўз миннатдорчилигини изҳор этаркан, Камолжон: «Мен халқимни билимга, зиёга чанқоқлиги, янгиликка интилувчанлиги учун севаман. Келгусида, доимо унинг шаънига фақат шараф келтирадиган, муносиб фарзанд бўлиб яшашга ҳаракат қиламан», деган эди...

Орадан ойлар, йиллар ўтди...

Мана уч йилдирки, К.Бобоев Италиянинг Ломбардия вилоятида жойлашган Комо шаҳридаги Алдо Галли номидаги Тасвирий санъат академиясида аъло баҳолар билан таҳсил олмоқда. Академиядаги ижодий муҳит, ҳавас қилгулик шарт-шароитлар изланувчан талабага ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Унинг Италияга бағишланган «Кўнгил соҳиллари», «Ҳайрат», «Генуя бандаргоҳида», «Кунчиқардаги уфқ», «Ой нурига ғарқ қоялар», «Кўл орти», «Комо балиқчилари», «Биллур қирғоқлар» каби ўнлаб катта-кичик мойбўёқ ва акварель асарлари у ердаги талабчан



мураббийлар, санъатсеварлар эътиборини тортди.

Инсониятга даҳо мусаввирларни етказиб берган заминда суйган касби сир-асрорларини қониб эгаллашни катта бахт деб билган Камолжон ўз сўзи устидан чиқмоқда. Ҳали талаба эканига қарамай, шу вақтга қадар Италиянинг турли шаҳарларидаги кўргазмаларда Ўзбекистондан олиб борган асарларини, шунингдек янги ижод намуналарини дадил намойиш этишга журъат этди. Жумладан, 1999 йилнинг апрель ойида Сиена вилоятининг Клози шаҳрида ўтказилган маҳобатли рангтасвир байналмилал кўрик-танловида (ўлчамлари 2мх3м бўлган) «Этрусслар ўлкаси» мавзуидаги асари билан иштирок этди. Нуфузли ҳайъат мазкур асарни фахрли 3 ўринга лойиқ деб топди.

Олис юртдан келган ёш рассомнинг ижод намуналари санъатшуносларнинг таҳсинига лойиқ бўлди.

1999 йилнинг июнь ойида Нова Миланеза (Милан) шаҳридаги "Витторио Вивиани" санъат академияси қошида ташкил этилган «Акварель рангтасвир» асарлари кўрик-танловида иштирок этибди. Бу анъанавий кўрик-танловда ёш мусаввир К.Бобоев асарлари Академиянинг олтин нишонига сазовор бўлди. Унинг бир неча асарлари доимий сақланиш учун Академия жамғармасига тақдим этилди. Ватанига, халқига бўлган муҳаббат, тинимсиз меҳнат ўз натижасини берди. Умид ниҳоли униб, ўз бўйи-бастини, кўркини кўрсатди.

2000 йилнинг март-апрель ойлари Леццено шаҳрида «Алдо Галли» санъат академиясида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар асарларидан иборат «Ўзбекистон рангтасвири намуналаридан» деб номланган кўргазмада ҳам фаол қатнашди.

2000 йил апрель ойида Кадораго шаҳрида «Ҳар бир хонадонга девор тасвир» шиори остида ўтган кўрик-танловда «Икки фариштa» (ўлчамлари 2мх3м бўлган) маҳобатли рангтасвир асари билан иштирок этди.

2000 йил май ойида Комо шаҳрида санъат билимгоҳининг юбилейи муносабати билан «Кардинал Феррари» саройида ташкил этилган йирик кўргазмада Алдо Галли номидаги академиянинг энг пешқадам талабалари қаторида ижод намуналари билан иштирок қилди. Унинг рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва сополдан ясалган асарлари санъатсевар томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Шундан кейин К.Бобоев Ломбардия ҳудудида ўтказилаётган барча кўрик-танловларга доим таклиф этиладиган бўлди.

2000 йилнинг декабрь ойида «Рим — 2000 ёшда» шиори остида ўтказилаётган тадбирлар муносабати билан Кассина Риццарди шаҳрида, шу шаҳар ҳокимининг ҳомийлиги остида илк бор шахсий кўргазмасини ташкил этди.

У ҳозирда ана шу шаҳарда «Ўзбекистон ва Италия ёки кўнгил соҳиллари» деб аталадиган янги шахсий асарлар кўргазмасига тадорик кўрмоқда.

Айни кунлари эса, Милан яқинидаги шаҳарлардан бири саналмиш кўҳна Лецценодаги ўрта санъат мактабининг кўргазма залида рангтасвир санъати шайдолари ёш ўзбек мусаввирининг «Шарқ эртаги», «Она ер бахти», «Наврўз», «Юртни қўмсаб», «Мирзо Бобур», «Сўқоқ ранглари», шунингдек «Комо фасллари» туркумига кирган асарларни томоша қилмоқдалар.

Ёш мўйқалам соҳиби К.Бобоевнинг Шарқ ва Оврупо тасвирий санъати синтези ҳосиласидан иборат бўлган ўзига хос, ажиб асарлари кўп сонли томошабинларга манзур, улар рангтасвир ихлосмандларида ўлкамиз маданияти ва тарихига, халқимизнинг турмуш тарзига нисбатан катта қизиқиш уйғотяпти. Кўргазмалардан кейин кетма-кет Комо шаҳри маҳаллий телевидениесига асарлар муаллифини бир неча марта таклиф этилиши ҳам бундан далолат бериб турибди.

Халқларни бир-бирига яқинлаштириш, улар ўртасидаги ўзаро ишончни янада мустаҳкамлашда санъатнинг аҳамияти беқиёс. Ўлкамизнинг таниқли мусаввирлари асарлари билан ёнма-ён Италиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси меҳмонхонасини эндиликда унинг «Ишкомли ҳовли» асари ҳам безаб турибди.

Камолжон ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини тарғиб қилиш, улуғ сиймолари билан италияликларни таништириш ишига имкон қадар улуш қўшиб келаяпти. Комо шаҳри телевидениеси кўрсатувларида Самарқанд, Хива, Бухоро обидалари, халқимиз табиати, урф-одатлари ва, албатта, мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонда юз бераётган улкан ўзгаришлар, маънавий янгиланишлар ҳақида соф итальян тилида сўзлаб берди.

Ҳамкорлик ришталари ила янада яқин бўлиб қолган олис Италияда юртдошимизнинг талабалик йиллари шундай мароқли ва самарали ўтмоқда. Камолжон бўш вақтларида мамлакат бўйлаб саёҳат қилишга, Италиянинг даҳо мусаввирлари руҳи поклари қўйилган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга ҳаракат қилади. Дам олиш соатларини эса улар ҳақида итальян тилида битилган ноёб адабиётларни ўқишга сарфлайди. Ўзбекистонни, уйини қўмсаган чоғларида машҳур созанда Турғун Алиматовнинг танбур, сатода ижро этган афсонавий куйларини мириқиб тинглашни яхши кўради.

Олис Алп тоғлари этагида ястанган Ломбардия вилоятининг сўлим гўшаси Комо шаҳрида халқ санъати дурдоналаридан, ўлмас анъаналаридан баҳра олиб, ўзбек йигитларига хос одоб ва сабр-тоқат билан мусаввирлик сир-асрорларини ўрганаётган умидли рассом К.Бобоев ижоди кундан-кун шу зайлда сайқал топмоқда, куч-қувватга кирмоқда.

Феруза МИРЗАЕВА.

Сўфий Оллоҳёр ижодида поэтик санъатлар

Сўфий Оллоҳёр асарлари халқона мазмуни ва оҳанглари, соддалиги ва ҳозир ҳам деярлик луғатсиз тушунарлилиги билан ажралиб туради. Таниқли адабиётшунос А.Ҳайитметовнинг мумтоз адабиётимиз шоирларининг тили ҳақидаги қарашлари бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз. Мухтарам олимнинг фикрича, ўзбек адабиёти тарихида бир адабий тил доирасида шартли равишда икки услубий йўналиш кўзга ташланади. Булардан бири Аҳмад Яссавий асос солган Туркистон услуби, иккинчиси эса Навоий асос солган Хуросон услубидир. А. Ҳайитметов ўз фикрини давом эттириб ёзади:

«Ўзбек шеърияти соҳасида Туркистон услуби Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Бобур, Машраб, Сўфий Оллоҳёр, Турди, Аваз, Муқимий, Завқий ижодларида бугун ҳам фаол истеъмолда бўлган жонли халқ тилига яқин туришга интилишда кўринса, Хуросон услуби Навоий, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Комил каби шоирлар ижодида анъанавий мавзуларга, образларга кенг ўрин беришда, уларга форсий адабиёт ва форсий тил таъсирининг ниҳоятда кучлилигида намоён бўлади».[1]

Демак, Сўфий Оллоҳёр Аҳмад Яссавий асос солган Туркистон услубининг вакили бўлиб, унинг шеъриятидаги тил бойликлари халққа тушунарли, энг муҳими шоирнинг ўзи жонли халқ тилига яқин туришга интилганлиги билан эътиборни тортади.

Сўфий Оллоҳёр мухаммасларидан бирида шундай сатрлар мавжуд:

Не жафоларға мани гардун
гирифтор айлади,
Бошима меҳнат солиб, халқ
олдида хор айлади,
Фикр ила иттек кўнглимни
зангор айлади,
Қайсига сундим иликим, даҳр
ани хор айлади,
Қайси осон ишни тутдим, они
душвор айлади.

Сўфий Оллоҳёр билан Вафоий шеърларининг халқ тилига яқинлиги ва тушунарлилиги дараражасини муқояса этамиз. Сўфий Оллоҳёр қаламига мансуб парчада ҳам «гардун», «гирифтор», «душвор» каби форсий сўзлар қўлланилади. Аммо бу сўзлар ўқувчига тушунарли бўлиб, улар ўзбек тили бойлигига айланган, ўзбек тилидаги сўзлар билан тенгма-тенг, аралаш ҳолатда қўлланиб келинади. Вафоий мухаммасининг бандида эса «ғамфизода», «сақфи ҳубоб», «шарру фасод» каби сўзларни тушуниш учун албатта луғатларга мурожаат этишга тўғри келади. Вафоий шеърида «рўз», «номурод», «рох» каби яна форсийча сўзлар мавжудки, унинг шеъриятида форсий ва арабий сўзларни ишлатишга мойиллик кучлилигидан далолат беради.

Бир адабий тил доирасида ўзига хос услубий йўналишларнинг мавжудлиги яна бир муҳим хулосага келишга имкон беради: Хуросон адабий услубида форсий ва арабий сўзлар кўпроқ қўлланилади, Туркистон адабий услубида эса турли туркий сўзларнинг қориштқ ҳолида қўлланишини сезиш мумкин. Масалан, Сўфий Оллоҳёр шеъриятида Озарбойжон тилига ҳамоҳанглик ёки Хоразм шевасига хос сўз ҳамда ибораларбериган. Мисолларга мурожаат этайлик:

Жон чекиб, ғусса ютиб, то
жигаринг қон ўлмаз,
Мақсадинг ҳосил ўлиб,
мушкулинг осон ўлмаз.
Бошини доша уриб дона
элакдин ўтмай,
Мушт емай, ўт ичина
солмасалар нон ўлмаз.

Келтирилган парчада ғазалнинг радифига айланган «ўлмаз» ўзбек тилида «бўлмас» маъносини ифодалайди. Шунингдек, «доша» сўзи «тошга» мазмунини беради. Жўналиш келишигининг қўшимчаси «га»нинг «г»си тушиб қолиши ҳам Озарбойжон ва Хоразм шевасига хос хусусиятидир. Бундай мисоллар Сўфий Оллоҳёр шеъриятида тез-тез кўзга ташланади. Шоир услубидаги бундай тил ифодалари унинг Фузулий шеърияти билан яқиндан таниш бўлганлигини кўрсатади.

Бадиий асар тилида шоир турли тил бойликларидан фойдаланиши, халқ шевасига хос сўз ва ибораларни қўллаши унинг маҳоратини белгилайдиган бирламчи унсурдир. Шу билан бирга шоирнинг истеъдоди ва маҳорати тилнинг бадиий имкониятларидан фойдаланиши билан ҳам белгиланади. Тилнинг бадиий имконияти унинг маърифийлигини, таъсирчанлигини ҳам очади. Ҳаётда гўзалликнинг кўринишлари кўп. Лекин шоир уларнинг ҳаммасини тил воситасида акс эттиради. Шу жиҳатдан қараганда, Сўфий Оллоҳёр лирикасининг бадиияти унинг маҳоратини, истеъдодини ва ўзига хос услубини белгилашга хизмат қилади.

Бадиийлик кенг тушунчадир. Шеъриятда бирор шоирнинг бадиий маҳоратини аниқлаш унинг ғоявий нияти, ҳаётий қарашларини, эстетик мақсадини англаш натижасида эришилади. Бадиий адабиётда образ ва образлилик тасвирий нутқ демакдир. Поэтик тасвир Шарқ адабиётида ўзига хос анъанага эга. Шоирлар инсоннинг табиатга, жамиятга ва илоҳиётга муносабатларини ҳам образларда акс эттирадилар.

Кўзларингму наргиси шаҳлодур,
эй писта даҳан,
Нозу дардингдур фузун, бас, сан
нечук беорсан.

Боғу бўстонлар аро ҳеч
кўрмадим сендек пари,
Эй жафожў, демадинг кимсан,
нечук афғорсан.

Ўртаб Оллоҳёрни ҳар дамда
ҳижрон ўтига,
Раҳм этибон сўрмадинг ҳолим,
нечук дилдорсан?

Келтирилган байтлар ошиқнинг ҳаётий муҳаббатга етишиш йўлидаги ишқий кечинмалари маҳсулидир. Унда биз аниқ лирик қаҳрамон-ошиқнинг ўз қалбига муҳаббат учқунини солган маъшуқани ҳаётдаги мавжудотлар воситасида таърифлашини кўрамиз. Бу гўзал шунчалик нозикки, мисоли лола. Киприклари ошиқни ўзига ром этади, шу боис у сеҳргарга ўхшайди. Кўзи оҳудай дилни ром этса, тиши дур каби товланади. Сочи узун, қадамлари қисқа. Бу гўзалнинг ошиқ қалбини тирнаш қасди бормики, боғда унинг кўз олдидан хиромон ўтади. Кўзлари шаҳло, оғзи шунчалик торки, очилган пистага ўхшайди. Газалда келтирилган бундай ўхшатиш ва истиоралар ҳаётий заминга эгадир.

Нилуфар ОЛЛОҲЁРОВА,
Ўзбекистон Фанлар Академияси
Самарқанд бўлими тадқиқотчиси.

[1] А.Ҳайитметов. "Ўзбек адабиётида халқчил услуб ҳақида". "Ўзбек тили ва адабиёти", 1993, №2, 5-бет

эскириб, янгиланган сўзлар

Ижтимоий алоқа воситаси бўлган тилда ҳам эскириш ва янгиланиш рўй бериб туради. Бундай ҳодиса, айниқса, луғат бойлигида, бошқачароқ айтганда, сўзлар хазинасида яққолроқ кўзга ташланади.

Ҳозирги пайтда ўзбек тилининг луғат бойлигида юз мингдан ортиқроқ сўз ва атама мавжуд. Бу жуда буюк хазинадир. Бироқ уларнинг барчасидан ҳам фойдаланилавермайди. Чунки сўзларнинг бир талайи эскирган бўлиб, ҳозирда камдан-кам ишлатилади. Негаки, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги у ёки бу воқеа-ҳодисалар инсоннинг яшаш фаолияти билан боғлиқ. Сўзлар турли сабабларга кўра «ҳаёт саҳнаси»дан тушиб қолади. Бинобарин, уларни англатувчи луғавий бирликлар ҳам қўлланмай қўяди: сас (товуш, овоз), оқча (пул), очун (жаҳон, дунё), қофила (карвон), сабий (гўдак), чечак (гул) каби қатор сўзлар мана шулар жумласидандир. Тилшунослик илмида архаизмлар деб аталадиган бу каби луғавий бирликлар оғзаки нутқда, мулоқотимизда ишлатилмайди. Бироқ бадиий адабиётда — яъни роману қиссалар, драмаю комедияларда архаизмлардан нутққа кўтаринкилик, назокатлилик руҳини, тантанаворликни таъминлаш ёки нутққа ҳазил-мутойиба, пичинг, киноя, масхара руҳини бериш мақсадларида фойдаланилади.

Энг муҳими шундаки, айрим архаизмлар у ёки бу омилларга кўра, эскирганлик «қобиғи»дан ажралиб чиқиб, янгилик сари юз тутади. Аниқроқ қилиб айтганда, расмий манбалар (масалан, илмий тадқиқотлар, луғатлар)да эскирган сўзлар қаторига киритилган айрим луғавий бирликлар нофаолликдан фаолликка ўтади, умумистеъмолдаги сўзларга айланиб қолади. Бундай ҳолатни яқин ўтмишдаги бадиий асарлар намунасида яққол кўриш мумкин. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида баракали ижод қилган Чўлпон, А.Қодирий, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ҳ.Шамс каби ёзувчиларнинг насрий асарларида ўз ифодасини топган қатор сўзларнинг бир талайи мана шундай жараённи бошидан кечирди.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин ўлкамиз Россияга қарам бўлгач, ниҳоят, бу ерда ҳам Шўро ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг она тилимизга русча-байналмилал деб аталмиш луғавий қатлам бўтана селдай оқиб кела бошлади. Шуниси ҳам борки, вақти-вақти билан бундай ўзлашмаларнинг айримлари ўрнида ўзбекчасини (уларнинг кўпи аслида форс-тожикча ёхуд арабий бўлишидан қатъи назар) қўллашга ҳам уриниб кўрилди. Бироқ бу каби ўзбекона сўзлар ўрнига «ихтиёрийлик», «оғачилик» шиори остида (баъзи ҳолларда эса мажбуран) русчасини ишлатишга эришилди. Аниқ далилларга мурожаат қиламиз.

«Баъзан жамоа шўроси ҳам ялпи мажлисларини шу ерда ўтказарди. Лекин ўйин-кулги йўқ, ҳамма иш билан банд, жамоа раиси Каримов худди қоровулдай қоқилиб турибди». Ҳ.Шамснинг «Душман» романидан келтирган бу матнлардаги жамоа луғавий бирлиги 90-йилларгача эскирган деб ҳисобланди ва бадиий асарларда ишлатилмай қўйилди. Унинг ўрнида коллектив сўзидан фойдаланиб келинди. Ҳозирда эса жамоа сўзи «тирилди». Эндиликда жамоа хўжалиги, жамоа аъзоси кабилар фаоллик касб этди.

Яна бир янгилик шундан иборатки, ҳозирди жамоа сўзи «спортнинг алоҳида тури бўйича бирга ҳаракат қилиш учун тузилган спортчилар гуруҳи» маъносини ифодалаб келган команда сўзини ҳам қисиб чиқарди ва уни архаизмга айлантирди, ўзи фаоллик касб этди: «Пахтакор» жамоаси, курашчилар жамоаси каби.

Ўзбек давлатчилиги тарихида вазир, амир, бек сўзлари қўлланилган. Масалан, Ҳусайн Бойқаро салтанатида амир, амирул умаро (бош вазир) дейилган бўлса, Умархон даврида бош вазир Қосим деган киши беклар беги эди.

Шўро ҳокимияти даврида вазир сўзи «министр» атамаси билан алмашди. Ҳатто таниқли тилшунос олимларимиздан бири ўзбек тилига давлат мақоми берилган йили матбуотда «министр» сўзини сақлаб қолишга чорловчи мақола билан ҳам чиқди.

Маълумки, ҳозир бу сўз яна «вазир» атамаси билан алмашди; «бек» сўзи ўрнига «вилоят ҳокими» тушунчаси қарор топди.

Хулоса қилиб айтганда, эскирган деб ҳисобланган сўзлар ҳам луғат бойлигимизнинг таркибий бир қисми сифатида ҳаётда, адабиётда яшаб келмоқда. Улар ҳақидаги айрим маълумотлар, тилимизда рўй бераётган қизиқ-қизиқ ҳодисалар барчани қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

М.ҚАМБАРОВ,
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси.

Мустақиллик ва ўзбек тилининг равнақи

Орадан йиллар ўтиб ўзбек халқи ўзининг асрий орзуси — мустақилликка эришгач, яна тил борасида янгиланиш, ўзгаришлар юз бермоқда. Илм-фан, маданият, санъат соҳаларига янгидан-янги атамалар, лексик бирликлар кириб келмоқда, бир пайтлар тил сандиғига тушиб кетган истилоҳлар эса давр талаблари остида қайтадан фаоллашмоқда.

Бир томондан олиб қараганимизда, телекс, телефакс, биржа, менежмент, аудио-видео, аэробус каби лексик бирликларнинг ўзбек тилига кириб, ўзининг ўрнини топиб қолиши қонуний бир ҳол саналадиким, бунинг сабабларини халқимизнинг, мустақил Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқлар ва мамлакатлар билан қилаётган иқтисодий ва маданий алоқаларидан изламоқ, кидирмоқ керак. Ҳатто буларнинг айримлари умумхалқ лексикасига айланаёзди.

Иккинчи томондан олиб қараганимизда эса вазир, ҳоким, муҳр, чилангар, дастур сингари сўзларимиз фаоллашди, тилимизда янгича маъно касб этди. Худди шу гапларни бугун бор овозимиз билан иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган атамаларга нисбатан ҳам айтишимиз мумкин. Ҳозирги ижтимоий ҳаётимизнинг асосий йўналишини иқтисодиёт соҳасидаги туб ислоҳотлар белгилаётган ушбу дақиқаларда мазкур соҳа билан боғлиқ атамаларга кўйилаётган замон талаблари қатъий ва ўзгачадир. Иқтисодиёт билан боғлиқ атамаларни кузатиб, биз шундай хулосаларга келдик:

1. Атамаларнинг асосий қисми миллий тил қолипида бўлиши керак, бироқ уни ўта суньийлаштириб юборишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Бунда биз дунё тилларидаги термин ясашнинг усул — андозаларини чуқур ўрганишимиз ва улардан унумли фойдаланишимиз зарур.

Америкалик олим Карозерс кашф этган суньий тўқимани номлаш учун матбуотда 350 та сўз тавсия қилинган эди, шундан нейлон сўзи танлаб олинди, чунки бу сўз шакли ва таркиби жиҳатидан роун (ипак), каттон (пахта) сўзларига яқин эди. Кейинчалик шу усул билан 300 дан ортиқ янги лексик бирликлар яратилди. Ўзбекистон шароитида шундай тўқималарни нега бу қўшимча билан ясамаймиз?! Ҳолбуки, минерология соҳасида авиценит (Ибн Сино), берунит (Беруний), ферганит каби атамалар кенг ишлатилади-ку?! Мана шу тажрибаларни иқтисодий атамаларга ҳам татбиқ этиб кўриш керак.

2. Иқтисодиёт борасида дунёда олдинги ўринларга чиқиб олган айрим халқларнинг тилларида ишлатиладиган ҳамда бугунги кунда халқаро терминга айланган бартер, брокер туридаги сўзларга яхшиси тегмаслик керак.

Абдулҳай СОБИРОВ,
Андижон давлат университети «Ўзбек тилшунослиги» кафедраси мудири, доцент.

Маҳмуд САТТОР

Аҳли дилларидан бири

Ёшлик қайтиб келмайди, аммо йигитлик фасли, умр баҳори кўнгилларда абадий яшайверади.

Маҳкам Андижоний бадиий, илмий асарлари кўпчиликка яхши таниш бўлган журналист, ёзувчи, танқидчи, педагог, адабиётшунос, дин ва фалсафа олими, 40 йилдан буён ўзбек миллий маданияти равнақига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. У Асаканинг Қадим қишлоғида туғилиб, Андижон шаҳрида Муқимий номидаги 29-мактабда ўқиган. Муаллимлари Одилжон ака, Нафиса опа, Раиса опани, Шекспир, Дюма, Чўлпон китобларини ўқитган Ҳабибахон опани, Тургенев, Пушкин, Лермонтовга меҳр уйғотган рус адабиёти муаллимаси Ольга Никитичнани миннатдорлик билан эслайди. Онаси Ширмоной отин ўғлига, Тошкентга шеърий мактублар юборар эди.

Ишлаган даргоҳлари: «Совет Ўзбекистони» газетаси, «Гулистон» журнали, «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», Адабиёт ва санъат нашриётлари, Театр ва рассомлик институти, Ёзувчилар уюшмаси, Маданият институти, «Мулоқот» журнали... Устоз 60 ёши арафасида тузган «Аҳли дил» китобида завқли, пурмаъно умрининг энг яхши меваларидан яна бир боғ ўстирибди.

У қаерда бўлса, ўрта бўғинда ишлади. Катта ҳам, кичик ҳам бўлмади, униб, ўсди — кам бўлмади. У ўртада туриб ҳамиша икки қутбни — кекса ва ёш авлодни бир-бирига боғлаб келди. Ҳозир ҳам шундай. Мўйсафид адиб ҳам, ёш ҳаваскор шоир ҳам Маҳкам Андижонийнинг дўсти, сирдоши.

Камина ҳам Маҳкам Маҳмуднинг меҳри, мурувватидан баҳраманд бўлган юзлаб (лоф эмас!) шогирдларидан бириман. Мустақиллик йилларида уч марта газетада эълон қилинган мукофотлар рўйхатини ўқиб, кўнглим чоғ бўлган. «Ҳукуматнинг отасига раҳмат» деганман. Бир гал Маҳмуд Саъдий «Хизмат кўрсатган журналист» бўлганида, иккинчи-учинчи марта Маҳкам Маҳмуд, Шерали Турдиев каби камтарин, заҳматкаш олимлар, шоирлар орден олганида...

Маҳкам Маҳмуд мақола ва бадеалар, шеър ва ҳикоялар, тарихий қиссалару фантастик асарлар, адабий-танқидий мақолалар, кино, мусиқа, рассомчилик, дин, фалсафага доир ҳамда бадиий, тарихий, фантастик, илмий китоблар ижодкори. Андижоний асарларини жамласангиз 10 жилддан ошади.

Кейинги 40 йил давомида ўзбек адабиётшунослиги, журналистикаси соҳасида, умуммиллий маданият йўриғида нимаики муаммо кўтарилиб, баҳс-мунозара бўлса, уларнинг барчасига Маҳкам Маҳмуд ўз муносабатини билдирган.

Маҳкам ака етмишинчи йилларнинг бошларида «Гулистон» журналида мутафаккир шоир ва адиб Асқад Мухтор, тил ва таҳрир, бадиий таржима устаси Ваҳоб Рўзиматов раҳбарлигида ишлади. Ўша йиллари «Гулистон» журналининг тиражи 200.000 дан ошган. Аввалги муҳаррир Иброҳим Раҳим котиблар Султон Акбарий, Сайёр, Рустам Раҳмонга хос миллий ранг ва оҳанглар давом этар, энди журналда янги авлод ижодкорлари — Маҳмуд Саъдий, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сиёев, Эркин Аъзам, Аҳмад Аъзам, Анвар Эшонов, Маҳкам Маҳмуд, Абдулла Шер, Саъдулла Аҳмад, Сулаймон Раҳмон ғайрат, шижоат, мафтунлик билан ишлар эдилар. Журнал ижодий жамоаси 1972 йилни бошидан охиригача, 12 та сонни Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллигига бағишладилар. Ўша кунлари «Гулистон» журнали таҳририятига Беруний мероси билан шуғулланган барча олимлар келар, редакция хоналари ЮНЕСКО филиалини эслатар эди. Шу кайфиятда Маҳкам Маҳмуд «Беруний Журжонда» номли тарихий қиссасини ёзди ва ундан парчалар эълон қилди.

Маҳкам Маҳмуднинг хонадони «Меҳрибонлик уйи» каби бугунги ўзбек адабиётининг барча намояндалари ва журналистика вакилларига истисносиз дастурхон ёзиб, насиба берган. Мурод Хидир унинг Зиё Саид кўчасидаги «участкаси» қурилишига «Навоий театрида ҳам бунчалар кўп ижод вакиллари иштирок этмаган» деб барчамизни кулдирган эди. Булар орасида атоқли олим ва бинокор уста Тўлқин Расулов, Тоҳир Малик, Азим Суюн, Мурод, Йўлдош Эшбек, Ботир Норбой, Ҳамдам Содиқов, камина, Нурмуҳаммад Холлиев, Суннат Аҳмедов, Асқар Қосим, Муҳаммадали ва бошқалар бор эди.

Маҳкам аканинг «Мен — мен эсман», «Тескарикўзлар сайёраси», «Бибихоним», «Мангу куй излаб» асарлари кўпчиликка маълум. Дарвеш олим вафодор ва заҳматкаш рафиқаси Ойдин опа билан 3 ўғил, 2 қизни дунёга келтириб, тарбиялашди. Бу фарзандлар кўз ўнгимизда ўсиб-улғайишди. Маҳкам ака Андижондан кекса онасини кўчириб келиб, йигирма йиллар давомида парвариш қилди.

Шуларнинг орасида ўнлаб бўлажак олим, шоир, ёзувчиларга раҳнамолик қилди. Мусофирларнинг бошини силади. Ўз уй дафтарида рўйхатга олиб, нону туз берди. Ўзбекистоннинг энг бой, ноёб зиё масканларидан бўлган шахсий кутубхонасидан баҳраманд қилди. Истеъдодлар тарбияси билан мунтазам машғул бўлди. Бугун улар фан арбоблари, машҳур ёзувчи, шоир, журналистлар бўлиб етишган...

Каминани ёшлигимда «Ўқитувчи» нашриётига бошлаб кириб, нашриёт директори, яна бир нодир инсон — Наримон Ҳотамовга таништирган, бизни ака-ука қилиб қўйган одам ҳам шу Маҳкам ака. Устознинг тавсияси билан узоқ йиллар нашриётнинг педагогика редакциясига бошчилик қилиб, кўпдан-кўп ажойиб китоблар чиқардик. Шу ерда ҳам устоз биз билан ҳамкорлик қилиб, Н.Г.Чернишевскийнинг «Танланган педагогик асарлар»ини таржима қилиб берди.

Бир куни Маҳкам ака тарихчи муҳаррир Наим Норқуловни ва каминани чақириб, ижодий топшириқ берди. «Миркарим Осим деган адибни танийсизми, асарларини ўқиганмисиз?» деб сўради. Ўта камтарин, хокисор, заҳматкаш адиб, «Ўтрор», «Широқ», «Тўмарис», «Зулмат ичра нур» асарлари муаллифи Миркарим Осимнинг номи барчамизга болаликдан таниш эди. Маҳкам ака: «Шу одамни топиб, яхшилаб танишиб, ҳаёти ва ижоди ҳақида китоб ёзасизлар, бу ишга директоримиз Ҳамид ака ҳам рози, режага киритдик», деди. Биз бу таклифдан шодландик.

Қалбимизга Ватан меҳрини жо қилган Миркарим Осим билан суҳбатларимиз ҳаётимиздаги энг масъуд дамлар эди. Китобни ёзиб тугатдик. Маҳкам ака худди ўзи ёзгандай қувонди. Тез орада бу китоб босилиб чиқди. Миркарим Осим ҳаётлигида кўрган ўзи ҳақидаги биринчи китоб

эди бу.

Шу китоб шарофати билан Маҳкам ака менга яна ижодий топшириқ берди. «Ўзбек болалар прозасида ватанпарварлик» мавзуи. Бу мавзуда мен иккита китоб ёзиб чиқариб, кандидатлик диссертациясини ёқладим.

Маҳкам ака тинимсиз ижод қилар, йил ора янги китоблари чиқиб турарди. Тўйлар, саёҳатлар, сўлим боғлардаги зиёфатлар орасида ёзган «Абадият лаҳзалари», «Талант ва ижод фалсафаси», «Мангу куй излаб», «Ҳайрат ва тафаккур» китоблари босилиб чиқди. Устоз энг қийин таржималарга қўл урар эди. У Арастунинг «Поэтика» асарини (Уммат ака Тўйчиев билан ҳамкорликда) таржима қилиб, шарҳлади. В.Г.Белинскийнинг «Адабий орзулар» номли тўпламини тузиб, атоқли ва ёш таржимонларни жалб этди. Устози Бўрибой Аҳмедовга Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро» асарини, шоир Чустийга адиб Собир Термизий ғазалларини, Наим Норқулга Зайниддин Восифийнинг «Бадоеул-вақое» асарини таржима қилишни топширди. Булар мана шу дурдона асарлар таржимасини қойилмақом қилиб адо этдилар.

Буюк озар шоири Насимий ғазалларини ўзбекчага таржима қилмай, аслида, озар туркийсида чиқарилгани учун Маҳкам акани совет мафкурасига кўра, «пантуркист» деб айблаб, муҳокама қилиб, маъмурий жазо беришди.

Маҳкам ака бу гапларга парво қилмай, Арасту, Бальзак, Стефан Цвейг, Оскар Уайльд, Андерсен, Вашингтон Ирвинг, Жорж Санд асарларини таржима қилиб чиқараверди. Бадиий таржима ишига каминани ҳам жалб этди. Таржима бўлими мудири, ажойиб инсон Носир Содиқов билан таништирди. Оқибатда араб адиби Нажиб Маҳфузнинг «Ёмғир остидаги муҳаббат» қиссаси, баъзи бошқа асарлар камина таржимасида босилиб чиқди.

Маҳкам аканинг раҳмдил, юмшоқ табиатли, меҳрибон инсон ва айни пайтда қатъиятли, иродаси мустаҳкам, кўпни кўрган, тажрибали шахслигини кўрсатувчи бир воқеани эслатиб ўтаман. 1980 йили бир гуруҳ ижодкорлар Маҳкам ака бошчилигида Китобга сафар қилдик. Болалик жўраларим ўғиллари қўлини ҳалоллаш тўйларида иштирок этдик. Паландара қишлоғига чиққанда отамнинг мозорини зиёрат қилиш мақсадида фотиҳага тўхталдик.

Мозорот томондан бир малла ит шаҳд билан биз томон отилиб келди. Шу пайт Маҳкам ака худди итнинг эгасидек: «И-я, Тилло, Тилло! Безовта бўлма, яхши ниятда, фотиҳа қилгани келдик!» деган эди, кучук думини ликиллатиб келиб, Маҳкам аканинг оёқларига бош қўйди. Шу алпозда дуои фотиҳа ўқилгач, то қишлоқ охирлагунча «Тилло» бизни, тўғрироғи, Маҳкам акани кузатиб бориб, хомуш хайрлашди. Дўстимиз Нормўмин Очил шу воқеани эслаб ёзган мақоласини «Маҳкам ака бошини силаган баъзи шогирдлари шу Тилло-чалик чиқмади» деб маъюс тугатган.



Икки ижодкор дўст — Миқти САФАРОВ ва Маҳкам МАҲМУДОВ. 1960 йиллар.

Маҳкам Маҳмуд ҳаётидан латифанамо воқеаларни унинг шогирдлари — Шодмонбек Отабоев, Нормўмин Очиловлар яхши ёзишган. Хусусан, адибнинг паришонлигию, ҳардамхаёллиги хусусида масалан, машинасини борган жойида унутиб қолдиришини, ҳатто меҳмонга бориб, ўғлини унутиб келганлигини айтиб юришади. Бу бегубор инсоннинг айни пайтда, фавқулодда тиниқ хотираси, отнинг калласидек юраги борлигига бир неча бор гувоҳ бўлганман. 80-йиллар бошларида ҳозирда номдор журналистлардан бири «Ўзбекистон» нашриётида дастёрлик қилар, кечки журналистикада ўқирди. Маҳкам ака менинг хонамдан («Ўқитувчи» нашриёти) ўша замон олий ва ўрта махсус таълим вазири академик олимга қўнғироқ қилди. Омадига, тўғри вазирнинг ўзига боғланди. Ўртада шундай суҳбат бўлиб ўтди:

— Бир талантли журналист кечкида ўқиб, нашриётда муҳаррирлик қиляпти. Шу болани кундузги бўлимга ўтиб ўқишига декан ва ректор рози, сиз ҳам кўмаклашсангиз, илтимос! Яна бир истеъдоднинг рўёбга чиқишига сабабчи бўлардингиз...

— Ўғил бола бўлса, иложи йўқ. Унинг армияси бор. Мен бу ишга аралашолмайман! — деди катта раҳбар кескин оҳангда. Маҳкам аканинг жаҳли чиқиб кетди:

— Шу бир талабанинг ишини ҳал қилолмасангиз, нима қилиб вазир бўлиб ўтирибсиз?! — деб телефон дастагини қўйиб қўйди.

Ўшанда Маҳкам аканинг дили қаттиқ оғриган эканми, бир ойга қолмай, вазир ишдан бўшади. Шогирд устозлар ёрдамида Москва университетига ўтиб кетди.

Бу — ҳозирги нуфузли бир газетанинг бош муҳаррири Исмат Хушев эди.

... Маҳкам ака «Тошкент ҳақиқати» газетасига борса мушкул воқеанинг устидан чиқибди. Кекса фронтчи шоир Тўра Жуман бўлим муҳаррири Шавкат Туробни қийин-қистовга олиб, «Бу шеърларимни босиб чиқарасан!» деб турган экан.

— Маҳкам ака, қаранг, манови одам мени қийнаяпти, — зорланди Шавкат Туроб. — Шуларни эълон қилиб бўладими?!

Олим бир даста шеърни тез ўқиб чиқиб, 3-4 тасининг устига белги қўйиб, тасдиқлаб берди.

— Шавкатбек, мана шуларини босса бўлади, — деди шогирдига, сўнг: — Энди биродар, ўйлаб кўринг, бу одам Шахрисабздан чиқиб, Берлингача жанг қилиб борган. Бу кишидан Гитлер ҳам қочиб қутилмаган, — деди.

— Тўғри, Гитлер ҳам ўлиб қутилган, — деди жангчи шоир.

Маҳкам ака шундай одамки, уни яхши ҳам, ёмон ҳам бирдай ҳурматлайди. Чунки у ҳамманинг ўз ҳақиқати борлигини кўра ва англай олади.

Дашт билан кириб келган шоир



Рости, бир гиёҳнинг қатқалоқ ерда бирмунча сабза уришидан ҳам қийналадиган «тор»лар орасида бу қадар «кенглик» қаёқдан, деб ўйлаган кезларим ҳам бўлди. Мамлакатнинг энг олис гўшасида ҳали биров бир сатр шеърини ҳам ўқимаган (тан олиш у ёқда турсин) қишлоқи ҳаваскор шоирда «йилт» этган истеъдод учқунини пайқаган шоир ёмби топгандек яйраб кетганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Ёшлар бежиз Икром Отамуродни севмайдилар. Унинг атрофида шунчаки ҳавасбозлик учун жам бўлмайдилар. Мардона холислик, устозларча ғамхўрлик, биродарона иссиқлик, ростгўйлик ва ҳалоллик — Икром Отамуроднинг шоир ва инсон сифатида эл орасида, ҳақиқий адабиёт ихлосмандлари даврасида сарбаланд қилади.

Тиғдек бурро, чечаклардек рангин ва соф миллий инжазабон шеърларида одам боласининг энг мураккаб ички туғёнларини, эътиқод ва муҳаббатни оғир-босиқ пардаларда куйлай бошлаган хирадманд шоир оғамиз қутлуғ 50 ёшга тўлди.

Бағрингиз Дашт кенгликларига тўлсин, улуғвор саҳроларимизнинг мусаффо ҳавоси умрингиз ва гўзал шеърларингизни тарк қилмасин, Икром ака!

❀ ❀ ❀

Эй Дашт, сенинг ҳокинг шўрмас
шаккардир.
Ҳар боланг Темур ё Султон
Ҳайдардир.

Худо — бир, жаннатни ҳавас
қилмасмен,
Жаннат сенда, сенда рўзи
маҳшардир.

Сувсиз, садоқатли сардобаларинг
Қақраган бўлса-да ҳавзи Кавсардир.

Хожа Муборакда Хожага дегил
Ки, ошиқлар ҳоли кун-кун баттардир.

Боргил, Занжирсарой туфроғидан сўр,
Бу шоир валийми ё қаландардир?

Қашқадарё дашти Карбало бўлса,
Икром Отамурод Дашти Акбардир.

Асқар МАҲКАМ.

Таомилга кўра шоирларнинг умрини сархисоб қилмайдилар. Яна гап борки, шоирлар қаримайдилар. Бурун замонларда эса, шоирлар ўлмайдилар, дегич эдилар!

Икром Отамурод илк марта ўзбек шеъриятига ўлжасона жаҳд ва шиддат билан Даштни олиб кирди. «Дашт» десангиз шоир лабларида тулпор лабларининг титроғи, нигоҳида дашт кенгликлари, қатто манглайида ажабтовур саҳролар намоён бўлади.

Мен шоир Икром Отамуроднинг росмана «кенглиги»дан ҳайратда эдим.

Икром ОТАМУРОД

❀ ❀ ❀

Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг
сиғдирар,
канглум, ким ҳам сенинг кўтарар
ройинг?!
Биргина ўзингсан ўзингга ярар,
биргина ўзингсан ўзингга сойим.

Канглум, сен кимга ҳар юрагинг
тўкиб,
канглум, сен кимга ҳам
бўшатардинг дил?!
Биргина ўзинг ўзингнинг бағрингга
чўкиб,
биргина ўзинг ўзингнинг
дилдошингсан, бил.

Канглум, сен кимдан ҳам кутасан
малҳам,
канглум, сен кимдан ҳам нажот
истайсан?!
Биргина ўзинг ўзингга ҳамдам,
биргина ўзинг ўзингга сайсан.

Канглум, ким ҳам сенинг
ғамларингга кор,
канглум, ким ҳам сенинг
доғларингга ён?!
Биргина ўзингга ўзинг изтирор,
биргина ўзингга ўзинг бирри ён.

Канглум, сен деб ким ҳам ютади
зорлик,
канглум, сен деб ким ҳам хаёли
сунут?!
Биргина ўзингсан ўзингда борлиқ,
биргина ўзингсан ўзингда унут.

Канглум, ким ҳам сенинг ҳаддинг
сиғдирар,
канглум, ким ҳам сенинг кўтарар
ройинг?!
Биргина ўзингсан ўзингга ярар,
биргина ўзингсан ўзингга сойим.

Канглум... канг.. лум...

❀ ❀ ❀

Кўпкарида юрган от
сафдан чиқди. Қариди.
Чоғи келмаса-да, бот,
кўниколмас барибир.

Талпинади тўдага,
соғинади майдонни.
Тушаверар ёдига
пишқириб юрган они.

Чўти олмайди, афсус,
йўллар олис сезилар.
Ич-ичидан тортиб сус,
ич-ичидан эзилар.

Қўзғалади бир ғужур,
имкон ён бермайди, оҳ!
Танин канадай ғажир
алам зирқираб, э воҳ!

Қалқир баланд ҳавоза,
ирғишлар арғумоқлар.
Улоқ — катта овоза,
борган сайин йироқлар.

Йироқлар борган сайин
жунбушга тўлган майдон.
Хаёлин олиб тайин,
ҳолига қилиб ҳайрон.

Шовурлар элас-элас
тикон янглиғ санчилар.

Иффат ва назокат йўқолмасин

Юрагида қотган сас —
кўзларини қамчилар...
Кўпкарида юрган от
сафдан чиқди. Қариди.
Чоғи келмаса-да, бот,
кўниколмас барибир...

❀ ❀ ❀

Нигоҳларим сени излайди фақат,
нигоҳларим сени қидириб толар.
Соғинч кўзларима экади тоқат,
соғинч кўзларима иморат солар.

Саболар совурган гулларнинг
чанги —
саболар танида хилланган чошлар.
Канглум — соғинчларнинг синиққан
ранги,
канглум — соғинчлара сув тутган
ташна.

Бағримда армоннинг ўскун сайри
лиқ,
бағримда армоннинг йўллари
ингроқ.
Мени суюб кангул берди айрилиқ,
мени суюб меҳр кўргузди фироқ.

Интизор бир умид паймонаси хун,
интизор бир умид ёқар жонга ўт.
Жоним кипригига осилади ун,
жоним юрагига санчилар сукут.

Нигоҳларим сени излайди фақат,
нигоҳларим сени қидириб толар.
Соғинч кўзларима экади тоқат,
соғинч кўзларима иморат солар.

❀ ❀ ❀

Сен келдинг. Қатқалоқ йўлларнинг
гардлари тўкилди соғинчим.
Узилди интизор йилларнинг
сепини қавиган боғичи.

Нимадир титранди кўксимнинг
бирров
армонлар гуллаган ерида.
Эриди дилимда қирлаган қиров,
пўст ташлаб гиналар эриди.

Кўзимдан сачради жовдираб —
фироғинг куйдирган сочқилар
сўлим.
Наҳотки қаршимда турибсан қараб,
соғинчим тахтининг санами-гулим?!

Сен келдинг. Қайтди ажиб бир
тусда
юрагимга ишқнинг тафтлари.
Хўрсиниб, сочларинг силар оҳиста
қовжираган соғинч кафтлари.

Сен келдинг. Қатқалоқ йўлларнинг
гардлари тўкилди соғинчим.
Узилди интизор йилларнинг
сепини қавиган боғичи...

Ижтимоий тараққиётда, илм-фан, маданият ва санъат соҳасида аёлларнинг мавқеи алоҳида ўринни эгаллайди. Аёл маънавияти нодир ва бетакрордир. Билимли, ақлли, одобли аёлларнинг кўпайиши жамият бойлигидир.

Жисмонан ва маънан етук, ақл-заковатли авлодни вояга етказиш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган энг яхши урф-одатларимиз асосида ёшларни миллат, халқ ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш анъанага айланиб қолди. Сароймулкхоним (Бибихоним), Гавҳаршодбегим, Гулбаданбегим, Кенагасбегим, Нодирабегим, Зебунисо ва Шарқнинг бошқа буюк аёллари замондошлариниёқ ҳайратга солган эди.

Аёл ҳақида, унинг ички олами ҳақида ёзиш жуда қийин. Мирзо Улуғбек айтганларидек, аёллар ўқиб адо қилиб бўлмайдиган сирли бир китоб. Уларни мақтаганда ҳам, танқид қилганда ҳам мезон битта — аёллик фазилати кўзда тутилмоғи зарур. Аёллар ва эркаклар ўртасидаги муносабатлар оила учун ҳам, жамият учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Оллоҳ аёл ва эркакни ҳаётнинг давомийлиги — наслининг давомийлиги учун яратган. Наслни давом эттиришнинг эса ўзига хос қонуниятлари бор. Уни муҳаббат асосида давом эттирмоқ керак.

Муҳаббат — кучли, эҳтиросли, самимий, бегараз, дўстона яқинлик. Бу яқинлик ҳадеганда пайдо бўлавермайди. Бунинг учун улар бир-бирига кўнгил қўйиши, бир-бирини эъзозлаши зарур. Муҳаббатга сазоворлик катта бахт, айни вақтда синов ҳамдир. Афсуски, бугунги кунда муҳаббатга бефарқлик кучаймоқда. Шаҳарлик аёллар қишлоқ аёлларига нисбатан ташқи томондан жозибали кўриниши мумкин. Афсуски, кўп ҳолларда ташқи қиёфа, сурат билан руҳ ўзаро мутаносиб келавермайди. Жуда кўп аёлларимизда мусаффо туйғулар етишмайди. Бир қарашда кўркам кўринганларнинг ички дунёси камбағаллиги муомала жараёнида яққол кўзга ташланиб қолади. Асрлар давомида Шарқ аёлларининг асл қиёфасида барқ урган малоҳат, назокат, ибо, ҳаё ноёблашиб кетмаяптими, деган шубҳага борамиз, баъзан. Табиат бахш этган аёллик фазилатлари шунчалик зарурми, шунга шунча ваҳимами, дерсиз. Бироқ бундай ҳолатга лоқайдларча томошабин бўлиб туриш ҳам инсофдан эмас.

Муҳаббатсиз оилада ҳаловат бўлмас. Оилада ҳаловат йўқ, демак жамиятда ҳаловат бўлмоғи душвор. Арзимаган нарсадан уруш, жанжал, сал нарсадан қўйди-чиқдилар. Буларнинг ҳаммаси оиланинг муҳаббат асосига қурилмаганида! Муҳаббат сўна бошлаган оилада фарзандлар учун жуда кўп нохушликлар пайдо бўлади. Бундай оилада соғлом, бакамол авлод вояга етмайди.

Биз аёлларни эъзозлаймиз, уларни энг ширин исмлар билан чақирамиз, уларга таъзим қиламиз. Аммо улар орасида бағритош, калтафаҳм, маънавий қашшоқ аёллар ҳам, шон-шуҳрат йўлида хиёнаткорликдан қайтмайдиганлари ҳам борлигини ўйлаганда юрагинг орқага тортиб кетади.

Бозор иқтисодига ўтиш даврида баъзи аёлларни тадбиркорлик билан пул топиш мағрурлантириб юборди. Улар иқтисодий қарамликдан қутулиб, мустақилликни суиистеъмол қила бошладилар. Эрдан устун бўлишга интилиш кўпларни фазлу назокатдан йироқлаштирди, натижада эркаксифат аёллар кўпайиб бораётганга ўхшайди.

Айниқса, аёлларнинг олибсотарлик билан шуғулланишлари соғлиғига ҳам, маънавий дунёсига ҳам соя ташламоқда. Моддий қийинчиликлар кўп, аммо барибир аёллик, иффати ва назокати ҳамма нарсадан устун. Кўп ҳолатда бу ишга эркакларнинг ўзи сабабчи бўлмоқда. У аёлини узоқ сафарларга пул топиш учун юборишга ор қилиши зарур.

Аёллик фазилатларидан маҳрум бўлиб қолиш бахтсизликдир.

Фахриддин ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона.

Кўнгил

Жаҳон адабиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ижтимоий-бадиий тафаккур камолотида алоҳида бир босқич бўлиб қолган Аббосийлар даври араб адабиёти мавзуи беҳад теран, серқирра ва сертармоқ. Ушбу давр бадиий тафаккуридаги сифат ўзгаришлари, хусусан, табиат, жамият, инсон сингари боқий масалаларни тушуниш ҳамда тушунтиришдаги ўзига хос хусусиятлар, беш асрдан ортиқ (750-1258 йил) ҳукм сурган Аббосийлар даври адабиётининг тараққиёти, бу адабий-маданий мероснинг жаҳон халқлари цивилизациясида тутган ўрни ва роли, хусусан, Шарқ ва Ғарб, Европа маънавий ҳаётига таъсири, адабий жанрлар ривожида тутган аҳамияти (ишқ-муҳаббат лирикаси, жавонмардлик-рицарлик достонлари ва романлари, аҳлоқий-дидактик ҳикоятлар ва ҳ.к.) жаҳон адабиётшунослигининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келди. Бу даврда илм-фан, адабиёт, санъат ва ҳ.к. айниқса ривожланди. Чунончи, Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид ва биродари Муҳаммад ибн Ҳорун ҳамда ўғли Ҳорун ибн Муҳаммад, шунингдек зурриётлари — Жаъфар ибн Ҳорун, Муҳаммад ибн Жаъфар, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳорун подшоҳлик қилган йилларда бадиий адабиётнинг гўзал намуналари ижод қилинди.

Аббосийлар даври араб адабиёти ва унинг етакчи намоёндаларининг ижодий мероси хусусида кўплаб тадқиқотлар қилинган. Ва янада бисёр илмий изланишлар олиб борилгуси. Зеро, жаҳон адабиёти илмида араб мумтоз адабиёти тарихи алоҳида бир йўналишни, ёруғ ва нодир саҳифаларни ташкил этади.

Ғарбий Европа, рус ва ўзбек олимлари ҳам қадимги арабшунослик фани ривожига сезиларли ҳисса қўшдилар. Натижада, шарқшунослик илмида мумтоз араб адабиётшунослиги мустақил йўналишга эга бўлган фан тармоғига айланди.

Араб ярим оролида жоҳилиятдан воз кечиш, исломнинг қарор топиши муносабати билан шеърият оламидаги, бадиий тафаккур табиатидаги ўзгаришлар моҳиятини кўздан кечирадиган бўлсак, унинг жанрлари таркиби кенгайди (қасиданинг фахрия, мадҳия, васфия сингари жанр турлари вужудга келди). Шеъриятга янги мавзуларнинг кириб келиши табиатга, кишилик жамиятига ва инсонга, тириклик моҳияти — ҳаётга бўлган янгича муносабатлар, поэтик туйғу ва кечинмаларнинг, кайфият ва ўй-фикрларнинг оҳори тўкилмаган янгича маъноларини юзага келтирди.

Профессор Исматилло Абдуллаев «Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» асари таржимасининг илмий тадқиқот қисмида ёзишича, қасиданинг жанр табиатида мадҳия, васфия, фахрия билан баробар марсия, ҳажвия каби бадиий идрок ва ифода унсурлари ҳам яхлит уйғунликда ўз аксини топди. Яъни, раавият, уржуза, ғазал сингари лирика жанрлари қаторида қасида жанри ҳам шоирларнинг онги ва дунёқарашида, тушунча ва тасаввурида Олам ва Одам сир-синоатларини тушуниш ҳамда тушунтиришда поэзиянинг етакчи жанрларидан бирига айланди.

Аббосийлар даври маънавий маданияти, маънавий-интеллектуал мероси серқирра олмосга ўхшайди. Ҳар бир давр авлоди унинг янги-янги қирраларини кашф этаверади. Маънавий эҳтиёжига яраша унинг ёғдуларидан баҳраманд бўлаверади. Шу боисдан ҳам адабий ёдгорликларни, маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик қадриятларни офтоб шуълаларига қиёслашади. У авлодларнинг кўзларига нур, кўнглига қўр бағишлайверади. Боиси, шуъла-нур асло қаримайди.

Инсон тавсифи

Инсон бу оламнинг олий ҳилқати саналади. Одам ноёб ва нодир гўзаллик ҳодисаси. Шу боисдан инсон барча санъат турлари қатори бадиий адабиётнинг ҳам бош ўрганиш манбаи. Сўз санъати вужудга келган ўлис-олис замонлардан бери инсон феъли ва фаолиятининг сир-синоатларини англаш, уларни тушуниш ҳамда тушунтиришга интилиш шоир-ёзувчиларнинг бош мақсади бўлиб келди.

Шарқ адабиётининг билимдони И.М. Фильштинский «Мумтоз араб адабиёти» китобида ёзади: «...Илк бор инсон характери хусусиятларига ҳамда унинг туйғулари, кечинмалари табиатини билишга, тушунишга бўлган қизиқиш алоҳида йўналиш касб этди». Хусусан, инсон шахсиятида шаклланган иймон-эътиқодлилик, яхшилик, эзгулик, фозиллик, гўзаллик, мардлик, камтаринлик, сабр-қаноатлилик сингари олижаноб хислат-фазилатлар билан баробар фаолияти мобайнида намоён бўладиган

Маънавият хазинаси

Муҳандиским, бу қаср обод қилди,
Бу янглиғ тарҳни бунёд қилди.
Алишер Навоий

Туркий халқлар қадимий маданиятининг жаҳон тараққиётидаги ўрни салмоқлидир. Қадимий маданият марказлари Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Фарғона, Шаҳрисабз каби шаҳарлар ҳануз умумбашарият маданий хазинасидаги ўрнини йўқотмаган.

«Халқимизнинг асарлар оша яшаб келган анъаналари, — деган эди Президентимиз И.А. Каримов, — урф-одатлари, тили ва руҳий яқинлиги негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалбига ва онгига етказиш, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим».

Демак, маънавияти йўқ жамият ҳам, миллат ҳам ўзлигини йўқотади. Ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда аждодларимиз қолдирган меъморчилик обидалари катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги тарихий обидаларни кўрар эканмиз, қалбимизда маънавият хазиналари бирма-бир очилаётгандай бўлади.

Ҳозирда биз касб-ҳунар коллежларида, тўгаракларда, умумий ўрта мактабларда, лицейларда ва олий ўқув юртларида ўқувчи-талабаларга ҳунар ва санъат сирларини ўргатмоқдамиз. Лекин уларга аждодларимизнинг маънавий меросини кўнгилдагидек ўргатмаяпмиз. Бунинг

нури

ёмонлик, хасислик, адоват, хусумат, хунуклик, нодонлик, ёвузлик ва ҳ.к. иллатлар ҳақида шеърлар, ривоятлар, ҳикоялар битилди. Булар одамлар табиатидаги кўринмас, қоронғу аломатлар сифатида таъкидланиш билан баробар, инсонни маънавий комилликка, яъни ҳам фикрий, ҳам руҳий етукликка етакловчи олижаноб фазилатларга соя солувчи, қора куядек кемирувчи унсурлар сифатида бадиий идрок ва ифода этилади.

Сўз санъати бўлмиш бадиий адабиёт, хусусан шеърият инсоннинг юксак маънавий комиллик мақомига мансуб хислатларини улуғлайди, васф этади. Ана шундай олижаноб сифатларга тўғаноқ бўлган иллатларни, инсон феъли ва фаолиятидаги қусурларни инкор қилади. Уларни бартараф этишга кўмаклашади.

Туйғуларнинг бадиий талқини

Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ёзади: «Яхшиликнинг ўтиб кетганида яхшилик йўқ, албатта. Яхшилик — ўтиб кетмайдиган ҳодисадир. Шунга ўхшаш тугаб кетадиган ёмонлик ҳам ёмонлик эмас, албатта. Ёмонлик унинг давомини истайдиган кишининг ёмонлигидир».

Аббосийлар даври адабиёти асарларидан келтириладиган шеърий намуналарда лирик қаҳрамонларнинг кўнгил бойликларини акс эттириш ва ана шу маънавий жавоҳирлар, хусусан, яхшилик қилиш, меҳр-муҳаббат, илм-фазл эгаси бўлиш ва ҳ.к. хусусиятлар инсон табиатининг ўзига хослигини кўрсатиш билан баробар, маънавий комиллик мақомига етишишнинг муҳим шартлари сифатида тавсифланади. Яъни, бадиий онгда ахлоқий жиҳатлар биринчи ўринга чиққанлигини кузатиш мумкин. Унинг муҳим ва устувор хусусияти сифатида зоҳирий ҳамда ботиний гўзаллик уйғунлигига етишишдир. Инсон кўнгли ахлоқий фазилатлар билан қанчалик зийнатланар экан, унинг ботинидаги ушбу жавоҳирлар ақли-шуури орқали, кўзлари ва сўзлари орқали ўзлигини намоён этади.

Инсонга чексиз-чегарасиз имкониятлар берилган. Руҳий бойликлар берилган. Бу нарсалар унинг кўнглига жойланган эзгу амаллари, гўзал хулқ-атвори, гўзал амалий ишлари, қутлуғ яратувчилик юмушларидир. У ўзининг ақлий фаолияти (илм эгаллаши, маърифат тарқатиши ва ҳ.к.) ёки жисмоний меҳнати билан (боғлар барпо этиш, кўприклар қуриши сингари) пешонасига битилган хайрли амалларни ўз ҳаёти — тириклиги бадалида зоҳир этар экан.

Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад, Абул-Аббос Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Маъмуний, Абул-Қосим Али ибн Аҳмад ибн Мабрук аз-Завзаний, Абу Абдуллоҳ ал-Ғаввос, Абу Ҳотим ал Варроқ, Абу Мансур ал Жувайний, Абу Жаъфар ал Баҳҳос, Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Сулаймон ва ҳоказолар асарларида муштарак бир хусусият бор. Булар ижодида инсоннинг ботиний ва зоҳирий ҳаётидаги бирлик, бир мағизнинг икки бўлаги сингари яхлитлик маънавий комилликнинг етакчи аломатлари сифатида бадиий идрок этилади.

Демак, инсондаги ахлоқий фазилатлар, яъни, яхшилик қилиш, ҳаёт гўзалликларидан баҳра олиш сингари жиҳатлар унинг кўнгли соғломлигидан далолатдир. Бу, демак, инсон ўзига иноъом этилган илоҳий фазилатларни ўз тириклиги давомида, фаолияти мобайнида намоён эта борар экан, руҳан покланади. Маънавий комиллик мақомига эриша боради.

Энди, ёмон феълли, хунук ҳулқ-атворли, ноқис-бадбин жиҳатли одамларнинг юриш-туриши ва фаолияти эса кўнгил касаллигидан, дейилади. Кўнгил ҳолатларининг касаллиги ўзидан-ўзи тузалиб қоладиган нарса эмас. Халқимиз иборaси билан айтганда, инсон ўз умри бадалида экканини ўриб олади.

Абул-Аббос Аҳмад ибн Исҳоқ ёзади: «Эй, бахтимнинг камлиги учун мени маломат қилувчи, хатти-ҳаракатимни кўриб турибсан, маломат қилишдан тўхтагин. Агар, эътибор берган бўлсанг, бойлигим оз бўлса, бу тақдирдандир, мендан эмас». Шоир Абул-Ҳасан Умар ибн Абу Умар ас-Сажзий ан-Навқоний шеърларидаги ушбу фикрлар ҳам бир-бирини тўлдиради: «Агар дунё бизники бўлганда эди, дунёни ва ундаги нарсаларнинг ҳаммасини сенга сочқи қилиб юборган бўлардик».

Реал дунё инсон учун берилган бир синов. Инсон ўзига ато этилган умри мобайнида ана шу синовдан қанчалик муваффақиятли ўта олса кўнглига жойланган маънавий комиллик хусусиятларини кўз-кўз этиш ҳидоятига сазовор бўлади.

Масрур РАҲИМЖОНОВ,
Тошкент давлат Шарқшунослик институти.

сабаблари кўпдир.

Биринчидан, аждодларимиз қолдирган маънавий меросимиз бўлган меъморчилик обидаларини архитекторлар, санъатшунослар ўрганишидан ташқари педагоглар, мураббийлар ҳам яхши ўрганиши ва тарбия мақсадларида фойдаланиши зарур. Ахир, «Меъморлик — бу ҳам жаҳон йилномасидир, қачонлардир тинган қўшиқдир, нақл-ривоятлар, ҳалок бўлган аждодлар унутилган вақтда обидалар тилга киради», — деган эди рус ёзувчиси Н.В.Гоголь.

Иккинчидан, меъморлик обидаларига бағишланган илмий-оммабоп адабиётлар етишмайди. Г.А.Пугаченкова, Л.Ремпель, П.Зоҳидов китоблари маънавий тарбия учун хизмат қилса-да, бу адабиётлар ҳали барчага етарли эмас.

Учинчидан, меъмор усталар ижоди ҳақида ва уларнинг мактаблари ҳамда бажариш технологияси ҳақида рисола ва альбомлар етишмайди.

Тўртинчидан, ҳар бир меъморлик обидалари ҳақида афсона, ривоят ва бошқалар тўпланиб бир тизимга келтирилмаган. Бундай халқ оғзаки ижоди турларидан ҳар бир дарсда унумли фойдаланиш керак.

Бешинчидан, меъморлик обидаларига саёҳатлар етарли олиб борилмаяпти ва ҳоказо.

Аждодларимиз бизга қолдирган меъморлик обидаларини кўрар эканмиз, улар унсиз, ўз дардини, ўз гўзаллигини, сурати-ю сийратини бизга куйлаётгандай туйилади. Лекин биз уларнинг унсиз овозини эшитиш учун шакл ва рангларни ўқиш калитини ўрганишимиз керак. Келажагимиз бўлган ёшларга бу обидаларнинг гўзаллиги сирларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдирган Бибихоним масжиди пештоқида нақл қилиб ёзилган: «Дунё ўткинчидир, вақтни саодатликка бахшида этинг» сўзлари одамларни олижанобликка, гўзалликка, инсонийликка даъват қилади.

Жамшид ЖЎРАЕВ.

Истиқлол йилларида фаол ижод қилаётган ёзувчиларимиздан бири Отаули (Раҳимжон Отаев) «Тилсим» (Туркистон достони), «Элчи» ва «Улус» романларидан кейин замонавий мавзуда яна бир янги асар ёзди. Асарда зиёли замондошимиз,мантиқшунос олим Аҳмадали Бобожонов ва унинг Америка Қўшма Штатларида таҳсил кўраётган ўғли Акбаралининг маънавий дунёси,инсоний қисмати ва феъл-атвори ёритилади.

Қани менинг юлдузим?

Ҳуқуқшунослар даврасида таниқли олим Ҳамидулла Худоёров кечки овқатдан кейин одатдагидек ҳовлисидаги гулзор ёнига қўйилган тебранма ўриндиққа ўтириб, оҳиста тебранган кўйи осмон тўла юлдузларга кўз тикди. Олис юлдузлар! Ғуж-ғуж юлдузлар. Порлоғу хира, улкану митти юлдузлар. Туркум юлдузлар. Якка-ёлғиз юлдузлар...

Аввалари у ўзини митти юлдузга менгзар эди. Кейинги йилларда кўпроқ ҳов анови тўлин ой ёнида чарақлаб-чақнаб турган ёруғ, лекин якка-ёлғиз юлдузга ўхшатади. Ёнида қуёшдан қувват олиб, нафис жилва қилган тўлин ой! Лекин ўзи... ойга яқинликка қаноат қилмай, қуёшга талпиниб етолмай, ёлғизликка чидаёлмай турган юлдуз! Ой билан сирлашолмайди, юлдузларга қўшилолмайди, учар юлдуздек учиб кетолмайди, хуллас ёлғизликка маҳкум, Ҳаққа муштоқ бир юлдуз!...

Ҳа, Ҳамидулла Худоёров бир умр Ҳаққа интилиб яшади. Жаноби Ҳаққа етишнинг энг тўғри йўли деб билгани боис, ўсмирлигидаёқ ҳуқуқ фанини танлади. Мана, ҳуқуқшунослик фанининг улкан чинори бўлганда ҳам, бу юртдаги энг ёш чинори бўлади. Лекин Ҳаққа ета олдими, ёлғизликдан қутулдими?..

Айтиш мумкинки, Ҳамидулла Худоёров бутун умр яккаланиб, ёлғизликни дил-дилдан ҳис қилиб яшади. Ёдида, эс-ҳушини эндигина таний бошлаган кезлари, ўзидан салгина ёши каттароқ болалар ошиқ ўйнар эканлар, кўпинча уни жеркиб ташлардилар: «Сен, тирранча, ўйинимизга халақит бермай, нарироқ тур! Майли, бир четда томоша қилиб тура қол!» Уч-тўрт яшар болакай арзини туққан онасидан бошқа кимга ҳам айтарди дейсиз. Онаси унинг арз-додини эшитгач, бағрига босиб эркалаб суярди-да, насиҳат қиларди: «Сен катталар билан эмас, ўз тенг-тўшларинг билан ўйна-да, кўзим!». Салдан кейин тағин онасига арзи ҳол қиларди: «Тенг-тўшларим ҳам қаторларига қўшмай, мени яккалаб қўяяпти, энди нима қилай, ойижон?» Ойисининг жавоби тайин эди: «Демак, улар ёмон болалар экан! Сен яхши боласан-ку, кўзичоғим, яхши болаларга қўшилиб ўйнай қол!» Кунлар ўтиб онасининг қошига бошқачароқ арзи ҳол билан келадиган бўлди: «Ошиғим кетма-кет олчи туриб, ҳамма ошиқларини ютиб олувдим, энди яхши болаларингиз ҳам... алам қилганидан менга кун бермаяпти! Нима қилай, ойи?..» Бу гал ҳам ойисининг жавоби тайин эди: «Демак, улар ютуқни кўролмайдиган бахиллар экан! Сен уларни зиқналигу хасислик билан ўзингга баттар ёвлаштирмай, сахийлик билан дўстлаштир-да, ўғлим!..».

Ҳамидулла Худоёров «ота ўғил» бўлиб эмас, «она ўғил» бўлиб улғайди. Бунинг устига, оиланинг кенжаси бўлганидан кейин, «Кенжатой эркатой» экан, онаси уни эркалаб-суйиб, булоқ бошига ҳам, меҳмонга ҳам, тўй-томошаларга ҳам кўпинча ёнида олиб юрарди. Она-болани ёнма-ён кўрган қариндошлару ҳамқишлоқлар аввало Ҳамидулладан айланиб-ўргилардилар: «Вой, мунча ёқимтой бу кенжатойингиз? Мунча кўзга яқин, кўзмунчоғи қани?» Одам боласи, айниқса, болакай ҳамиша яхши гапнинг гадоси экан, бундай гиргиттон бўлишлар Ҳамидуллага жуда-жуда хуш ёқар эди. Назарида олам гулистон, одам боласи мисоли фаришта, ҳамма азизу мукаррам, инсоний тирикликнинг турган-битгани шодлик-хуррамлик, бахт-саодат эди. Лекин у балоғат ёшига етмай туриб... онасини тупроққа қўйди. Бунинг устига, қишлоқни суяб турган устунлардан бири, боринги, биринчиси — раис отаси пайғамбар ёшига етиб, ўз ихтиёри билан нафақага чиқди. Қарилик гаштини «сура бошлади». Ана ўшанда Ҳамидулла аксарият одамларнинг ўзига аввалгидек меҳр-мурувват назари билан эмас, нописандлик билан истеҳзоли қарашларини ҳис қилди. Аввалари тўй-тантаналарда тенг-тўшлари билан қозон тепасига бориб қолгудек бўлса, ошпазнинг ёнидаги Фармонқул баковул уни эркалаб-суйиб, каттакон бир иликни қўлига ушлатиб юборар эди. Энди «Қани, оёқ остида ўралашмай, туёғингни шиқиллатиб қол-чи!» дея ҳайдайдиган бўлди. Ҳамидулланинг қалбида бундай кутилмаган ўзгариш, бундай ноҳақликларга қарши беадад бир исён-норозилик ҳисси илк бор туғилиб, кун сайин, ой сайин, йил сайин кучайиб борди. Дейлик, синфдошлари билан далага чиқиб пахта терар экан, аввалгари «Ие,ие, полвон, сизга далада нима бор?» дея эркалаб-суйиб уйга қайтариб юборадиган ўқитувчиларининг энди, аксинча, «Нима, сенинг шохинг борми?! Кўп қатори, йўқ, бошқалардан кўпроқ пахта термагунингча даладан чиқмайсан — чиқармайман!» дея зуғум қилишларини кўриб исёни янада кучайди. Ўрта мактабни олтин медаль билан битирди — бунга унинг ҳар жиҳатдан ҳаққи бор эди, зотан, мактабнинг энг аълочи ўқувчиси эди у! Лекин шугина олтин медаль ҳам Ҳамидуллага жуда-жуда қимматга тушди. Аввалига ўқитувчиларнинг, айниқса, синф раҳбарининг «Шу болага энди... бошқа муносиброқ номзод йўқми экан?» қабилидаги иккиланишлари, кейин — олтин медални оладиган бўлганидан кейин худди уларнинг чўнтагидан олаётгандек, синфдошларининг унга янада кучлироқ истеҳзою таҳқир назари билан нописандларча қарашлари ёнган юрагига баттар ўт ёққандек бўлди. Бу қанақаси? Нега ,унга меҳр-мурувват назари билан эмас, ақалли холис-бегараз кўз билан қаровчилар тобора камайиб боряпти? Нега? Нега? Ахир, у на синфдошлари, на ўқитувчилари, на ҳамқишлоқлари — ҳеч кимнинг арпасини хом ўргани йўқ-ку! Некбинларнинг қишлоғими бу, ё бадбинларнинг?! Қишлоқ тўла, қишлоқдаги одамларнинг қоп-қора кўзлари тўла меҳр-муҳаббатми,ё нафрат?! Наҳотки шу мўъжаз қишлоқ эмас, улкан шаҳар, улуғ мамлакат, жумла жаҳоннинг аҳвол-руҳияси ҳам айнан шундай бўлса?!

Ҳамидулла Тошкентдек шаҳри азимга келди. Тошкент Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга киргач, дастлабки хулосани чиқарди: йўқ, бу

оламда бадбинларга нисбатан некбинлар кўпроқ экан! Ахир, ана шундоқкина кўз ўнгида не-не отликлар ўзларининг сояпарвар ўғил-қизларини зарию зўри билан жойлаёлмаган энг бозори чаққон ўкишга у ўз кучи, ўз билими билан кира олди-ку! Демак,бадбинларнинг «Ёлғончи дунё бу! Ернинг бўлган-тургани ёлғон, ҳақиқат — осмонда!» қабилидаги фалсафа сўкишлари ёлғон экан! Ер юзида ҳам ҳақиқат бор экан! Ер билан осмон ўртасида муаллақ қолганлар учун осмон — йироқ, ер — қаттиқ бўлса бордир, бироқ шу она заминга Антейдек икки оёғимни маҳкам тираб осмонга учишга ва ер юзида Ҳақни қарор топтиришга астойдил жидду жахд қилган одамга Ҳақиқат ерда ҳам, осмонда ҳам бор экан! Ҳаққа завол йўқ экан! Интилганга толе ёр, чинакам ҳақсуярга Ҳақдан ўзгаси бекор экан!...

Университетдаги беш йиллик таҳсил, талабалик — олтин даври Ҳамидулла учун ҳуқуқшунослик фани ummonining туб-тубига шўнғишгина эмас, аввало Ҳақни таниш ва ўз ҳуқуқини — ўз-ўзининг бир инсоний ҳаққи-ҳуқуқини билиш йиллари бўлди. Хусусан, бир билгани шу бўлдики, атроф-жавонибга астойдил синчиклаб қараганингиз сайин сизни ўргимчак тўрларидек ўраб-чирмаб олган сонсиз-саноқсиз ноҳақликлар тобора аниқ-равшан кўринаверар экан, кўриначерар экан. Ҳатто «Мен кўриб турган шу оддийгина кўзга аён ноҳақликни нахотки ўзимдан бошқа ҳеч ким кўрмаётган бўлса?!» дея қаттиқ ҳайрат-таажжубга тушиб қолар экансан, киши! Университетни қизил диплом билан битиргандан кейин уч собиқ курсдош аспирантурага имтиҳон топширар эканлар, энди йўлдош-кўлдош бир уй, бир даҳлиздан иборат кулбачада ижара турдилар. Уйда — яқиндагина турмуш қурган Ойбек ва Ойдиндан иборат ойдеккина оила. Даҳлизда эса, ўзи, ёлғиз... Тўғрироғи, юлдузлар орасида танҳо-ягона митти, аммо келажаги порлоқ юлдуз, бироқ ичкаридаги Ойбек билан Ойдиннинг оиласига нисбатан олиб қаралганда, ким билади, бу ойдек оила, нурафшон шахри азим, серқуёш ўлка, кенг очуну чексиз оламдаги ўрнини қандай таърифлаб, айни лаҳзалардаги аҳвол-руҳиясини ифодалаб бўлади? Уйдагилар кулганида даҳлиздагилар тиржайибди, деганларидек, шу аҳволда аспирантурага кирар-кирмас тўппа-тўғри Гурланга бориб, умрида ўз кишлоғидан узоқроқни кўрмаган-билмаган ёшгина қизалоққа уйланиб, уни ҳам худди ана ўша даҳлизга олиб келса-чи? Бунисини нима деб аташ, қандай таърифлаш керак? «Ўзи сиғмас инига, ғалвир боғлар думига» дебми? Ё жўнгина «Қўш оила» ё анча аниқроқ «Иккинчи даражали оила» дебми? Шу аҳволда... бир томондан — диплом иши «Ҳақ» деган бир рисола тарзида босилиб чиқиб, ўзбек тилини она тилим деб билган ҳар бир тирик жонни ҳайратга солиб, айримларни эса, ҳангу манг қилиб турса! Иккинчи томонда — тўнғич қизи «Ҳақ!» деб дунёга келса! Бу икки ҳақнинг ўртасидаги ҳақсуяр жон, ижарадаги даҳлизда қўним топган иккинчи даражали оила бошлиғи... нима қилсин? Ўз аҳвол-руҳиясини қай тилдаги, қайси сўз билан, кимга, қандай ифодаласин? Ўзининг энг оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқини қонуний йўл билан кимларнинг олдида қай тарзда ҳаққоний довлаб чиқсин? Яна қай тарзда довюраклик қилсин?!

Шу орада дорилфунунда ҳуқуқшунослик фани асосларидан ўзига сабоқ бериб кўзини очган дилтортар акахонларидан бири ижара уйга хабар олиб келди. Мазмуни шундайки, бизнинг биномиздаги бир хоналик уйнинг якка-ёлғиз соҳибаси юртини кўмсаб, уйини топшириб кўчиб кетган, шу уйга қизиқ устида сиз эга чиқсангиз — чиқдингиз, йўқса бошқа бировлар эга чиқади! Ҳамидулла аввалига иккилланди: нима бу? Хайрихоҳларча маслаҳатлари ё ғаламисларча қутқуми? Чинакам меҳрибонликми ё меҳр шамойилидаги бир бало? Башарти хайрихоҳларча маслаҳат бўлса, бу маслаҳатга биноан тутган йўли... қонуний ҳаққи-ҳуқуқини довлаб чиқишми, ё жиноятми? Нима қилса Ҳақ йўлини тутган бўлади: маслаҳатга амал қилсами? Ва ё ота юрти — Хоразмга, борингки, боболари юрти — Қашқадарёга бошини олиб, оёғи етгунча кетсинми? Ўйлай-ўйлай, иккилана-иккилана, ахийри акахони жонкуярларча маслаҳат берганидек йўл тутишга аҳду қарор қилди. Ҳаммаси кутганидан зиёда — худди хамирдан қил суғургандек ҳал бўлди. Энг муҳими — бир хона бўлса-да, шу шаҳри азимда ва шу Ўзбекистоннинг пойтахтида тўп қўйиб-палак ёзгулик бир мустаҳкам бошпанаси, ўз уйи ўлан тўшаги — Ватанига эга бўлди!


Сирасини айтганда, Ҳамидулла Худоёров анови шаҳри азимдаги ўттиз йиллик ҳаёти мобайнида бир эмас, икки марта ўзининг қонуний ҳаққи-ҳуқуқини бир қарашда ўта дағаллик билан ўзгалар қўлидан тортиб-юлиб олишга мажбур бўлди. Биринчи марта — ўша бир хонали эгасиз уйга эга чиққанида! Иккинчи марта — ўша бир хонали уйда ўзидан кўпайиб, бири — беш, ўзи билан қўшиб ҳисоблаганда, олти жон бўлганида, орадан ўн йилча ўтиб... Бу орада ўзи мисли кўрилмаган шов-шувлар билан номздликни ҳимоя қилди, тадқиқоти китоб бўлиб босилди, бошқа ҳар бир китоби-ю мақоласи атрофида қизғин баҳс-мунозаралар авжига чиққан, докторлик иши ҳам ҳимояга қарийб тайёр... Хуллас, «Энг истеъдодли ёш ҳуқуқшунос олим» эканига ҳеч кимда, ҳаттоки энг кўролмайдиган, кўришни истамайдиган, кўргани — кўзи, отгани — ўқи йўқ рақибларида ҳам зиғирча шак-шубҳа қолмаган! Шу орада шаҳар марказида ҳуқуқшунос олимлар учун махсус бир бино қурилди. Қирқ хонадондан иборат бу маҳобатли бинодан уй олувчилар рўйхатига Ҳамидулла Худоёров олти кишилик оиласи билан сиғмай қолди. Тўғрироғи, аллакимлар сиғдирмадилар! Ана ўшанда Ҳамидулла, бу гал энди икки жон эмас, олти жонни ортидан эргаштириб, ўзига берилиши лозим бўлган қонуний уйга ғайриқонуний ҳужум бошлади. Бир карра қулф бузиб, қулфбузарлик тажрибасига ҳам туппа-тузук эга бўлган эканми, эндигина битиб, эрта-индин тақсимланиши керак бўлган хонадонлардан бирининг эшигини оппа-осон очиб, ичкарига бостириб кирди. Тусмол қилганидек, беш хонали эмас, уч хонали экан! Шунисига ҳам шукур! Шаҳар чеккасидаги бир хона қаёқда-ю, шаҳар марказидаги уч хона қаёқда! Донишмандликда беназир халқ уқтирганидек, беш қўлни баравар оғизга тиқавериш яхши эмас-да!

Ўзбекистон давлат мустақиллиги йилларида унинг жон олиб-жон бериб чеккан заҳмат-машаққатлари, тортган риёзатлари, жамики меҳнатлари муносиб қадрланди: ўзбек халқи тарихидаги энг ёш академик бўлди. Оиласи манови данғиллама дала ҳовлида эмин-эркин яшаб турибди. Ота-боболари юрти — Хоразм ва Қашқа воҳаларида кўрган ҳурмат-эҳтиромлари-ю минган учқур бедовларининг таърифига-ку сўз йўқ! Бас шундай экан, энди ҳамма гап не бир устозлари етти ухлаб тушларида ҳам кўрмаган бундай иззат-икромга муносиб бўлиб, ўзбек ҳуқуқшунослик фани яловини мустақил Ўзбекистон давлатининг байроғидек тобора юксакроқларга кўтармоқ керак, тамом-вассалом!

Ҳамидулла Худоёров тебранма ўриндикдан шахд билан туриб, ўзини қушдек енгил ҳис қилган ҳолда чаққон одимлаган кўйи уйига йўл олди. Ҳордиғини чиқариб, шу аснода ўйлайдиганини ўйлаб бўлди, энди навбат ишга, — ёзишга!..

ОТАУЛИ.

«Жудолик диёри»



Муроджон Мансуров қисса ва роман жанрларида баракали ижод қилиб келаётган адибларимиздан биридир. Ўз вақтида ёзувчининг «Ҳамманинг яшагиси келади» қиссаси адабий жамоатчилик ва китобхонлар ўртасида кенг тарқалган эди. Ундан кейин адибнинг бир қатор асарлари нашр этилди, аммо назаримизда, булар орасида «Жудолик диёри» романи алоҳида ўрин тутади.

Асар фалсафий мазмун асосига қурилган. Бу романнинг номиданоқ кўринади — «Жудолик диёри». Тасаввуфий таълимот намояндалари бу дунёга мажозий олам сифатини бериб, уни ҳақиқий олам йўлида бир кўприкка ўхшатадилар. Асарда ҳар қанча қатағонларга қарамай, ўзлигини йўқотмаган, қалбидаги маърифат зиёсини сақлаб қолган, эътиқоди бутун инсонлар билан дину диёнатдан юз ўгирган ва зулмзўрлик, хиёнат йўлига кирган иймони заиф кишилар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Бири — дунёнинг устуворлигини таъминласа, иккинчиси — уни таназзулга бошлайди. Бири — адолат тимсоли, иккинчиси — разолат рамзи. Иймонсиз кишилар учун муқаддас тушунчалар йўқ. Шунинг учун улар ватанни ҳам, халқини ҳам, ҳатто ота-онаси-ю, қариндош-уруғларини ҳам арзимас нарсалар эвазига сотиб юбораверади. «Худодан қўрқмагандан қўрқ!» дейди бу ҳақда асар қаҳрамонларидан бири Қўлдошхўжа. Акмал ўрис билан Олимнинг хатти-ҳаракатлари бунинг яққол исботи. Бундай образлар ўзбек адабиётида кўп. Шунга қарамай, М.Мансур қаҳрамонлари улар силсиласида ўзига муносиб ўрин топа олади.

Асарда салбий қаҳрамонларни ортиқча қоралаш йўқ. Қаҳрамонлар бу муқаддас юртни босиб олиб, халқни эзган, хўрлаган, қирғин қилган энг ёвуз душманларни ҳам, бу душманга садоқат кўрсатиб, ўз халқига хиёнат қилаётган манқурт миллатдошларини ҳам, бошқа катта-кичик айбу гуноҳларни ҳам — барча-барчасини Худога соладилар ва айни пайтда, ўзлари ҳам гуноҳ ишлардан қўрқадилар. Асар асосан ҳикоячи Мақсудхўжа тилидан ёзилган. Дастлабки боблар мутолааси пайтида асар Мақсудхўжанинг болалигига бағишланган ва у воқеалар марказида туради, деган хаёлга борамиз. Аммо бобдан бобга ўтган сайин асарнинг бош қаҳрамони Султонмурод экани англашила боради. Муаллиф бош қаҳрамонни кўпам таъриф-тавсиф қилмайди. Асарда Султонмуроднинг Оқсарой ва Гўри Амирларни тавоф қилгани, Олой маликаси Қурбонжон додхоҳ ва ўтмишда Шарқий Туркистонда мустақил давлат барпо этган Ёқуббеклар тарихи билан қизиққанига ишора бор. Бундан кўринадики, Султонмуроднинг ўша давр сиёсатига кўра жиноят деб баҳоланадиган хатти-ҳаракатлари шунчаки аламзадалик оқибатида, кўр-кўрона бўлмай, балки мустаҳкам маънавий асосга, чуқур мазмун-моҳиятга эгадир. Султонмурод ва унинг йигитлари ҳақидаги ҳикоялар, ҳақиқатда ўз вақтида шундай бир гуруҳ бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, ишонарли бўлиб, асло реал заминдан узилган эмас. Бу гуруҳ амалга оширган тадбирлар ўша даврдаги мустабид тузумга қарши умумхалқ норозилигининг оқибати сифатида намоён бўлади. Октябрь тўнтаришидан кейин бир неча йиллар давом этган Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати гарчанд бостирилган бўлса-да, истиқлол ғояси халқнинг энг яхши фарзандлари қалбини ҳеч қачон тарк этмаган. Мустабид ҳокимият зулми энг авж олган даврларда унга турли воситалар билан қаршилик кўрсатиш, ҳатто қуролли кураш бошлаш каби режалар фикру хаёлини банд этган одамлар бўлган, албатта.

Асарнинг фазилатларидан бири унда қаҳрамонларнинг мақсад ва интилишлари ўзбек халқининг миллий қадриятлари нуқтаи назаридан ёритилганидир. Ҳатто ёвузликка қаршилик кўрсатилганда ҳам адолат мезонлари бузилмасин, бирон кимса ноҳақ жабр кўрмасин, деган ғоя илгари сурилади. Адиб Тошкент, унинг атрофлари ҳам бир вақтлари гўзал жойлар бўлганлиги, уни мустабид тузум, калтафаҳм одамлар маҳв этганлигини тасвирлайди. Табиатни бу даражада оёқости қилмай туриб ҳам шаҳарни кенгайтириш, замонавий тараққиёт талабларини адо этиш мумкин эди. Афсуски, собиқ тузум табиат ва инсон билан ҳисоблашмас эди.

«Жудолик диёри» адабиётимизда истиқлол даврида ёзилган бошқа яхши асарлар каби ўзбек романининг бугунги даражаси ва яқин келажакдаги тараққиёти ҳақидаги адабий баҳс ва мушоҳадаларга мавзу бўла олади.

Эргаш ОЧИЛ,
Ғулом КАРИМ,
Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари институти.

Эртаклар маликаси

Болалар китобларининг мусаввири — иллюстрациячи ва безовчи Ф.Башарова, айни пайтда, дастгоҳли графика билан ҳам шуғулланади. Ў бахти кулган ижодкор авлод вакили. Мусаввирлик унинг қонида бор. Ў Ўзбекистон халқ рассоми Қутлуғ Башаровнинг қизи. Феруза нинг илк устози ҳам, ҳозирги мураббиси ҳам, асосан, отаси бўлиб қолди. Машҳур мусаввир қизига китобни безаш, кўчирилган босма расм-эстампбилан ишлашни, ғояларга ижодий ёндашиш, фикрлаш ва фикрни ифодалаш ҳақида илк сабоқларни ўргатди.

Феруза эсини танибдики, расм чизиш билан шуғулланиб келади. Ёш қизалоқнинг биринчи машғулоти чизиш бўлса, иккинчи машғулоти эртаклар тинглаш эди. Ёш Феруза эртаклар дунёсида завқ-шавққа тўлар, фантазия ва тасаввур оламига ғарқ бўларди.

Аввало бадиий билим юрти, кейинроқ Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўқиб юрган кезларидаёқ ёш ижодкор тасвирдаги китобийликдан «юз ўгирди» ва санъатда ўз йўли ҳамда ўз ижодий ифодаси, тилини топишга интилди.

Дастгоҳли графикада ҳам, китоб графикасида ҳам мусаввир ўзининг бутун фикр ва туйғуларини ифода воситаси сифатида акс эттиришга интилади. Феруза китобни безаётганда асосий восита сифатида унинг сюжетига ёпишиб олмайди. Балки масалага жуда кенг доирада ёндашади. У классицизм, романтизм, ҳатто Шарқ миниатюраларига мурожаат этишдан, бу борада олмонлар, нидерландияликлар тўплаган тажрибаларга мурожаат этишдан ҳам чўчимайди.

Бўлажак мусаввир билим юртида ўз диплом ишини аълога ёқлайди. Айни шу пайтларда у Гайратийнинг «Тутиқуш» деган китобини безаётган эди. Институтда эса Афуксиниди устахонасида литография билан шуғулланади. Ўша пайтларда унинг хаёлини А.Пушкиннинг кичкина фожиалари тортади. Феруза шу асар мавзуида литографик варақалар яратади. Шу дамларда ёқ Ф.Башарова, асосан, халқ ижоди намуналари бўлган — «Афғон эртаклари», «Ипак йўли», «Рангли ёмғир», «Чўлпон», «Сеҳрли кутича», «Муҳаббат» ва бошқа китобларни безаш устида иш олиб бораётган эди.

Ёш мусаввир диплом ишини институтда ҳам аълога ёқлаб, олийгоҳни муваффақиятли тугатади. Унинг диплом иши бир туркумдаги литография ҳажмига хос — «Ибтидо», «Карнайчи», «Давр, олға», «Шукрона», «Оналик» асарлари эди.

Феруза нинг «Шарқ оҳанглари» триптихи унинг институтни тугаллаган йиллари маҳсулидир. Мавзу композициясини ифода этишда ўзига хос янгилик ҳисобланган икки рангли мазкур литография ранглар уйғунлиги ва фон ифодаси устида ишлаш борасида эътиборга молик. Кришна машшоқлари ва раққосалари Шарқ овозини, унинг ғоят мураккаб мушторак жиҳатларини ифода этади. Мана шу асарда мусаввирнинг маҳаллий бадиий ижодга иштиёқи ва, айни пайтда, жаҳон санъати тажрибаларига, миниатюра санъати туфайли Машриқ тўғрисида пайдо бўлган юксак ва гўзал тасаввурларга, безаклар ифодаси ва халқ қўшиқчилигига жонли муносабати, қизиқиши намоён бўлади.

Варақаларидаги расмлар Афросиёб, Панжикент ва айни замонда Болиқтепа деворий расмлари билан қиёсланади ва алоҳида умумий ифода касб этади. Ферузанинг ушбу расмини томоша қилар экансиз, Шарқнинг азалий урф-одатлари, ўзига хос удум ва анъаналари, гўзаллиги кўз олдингизда қайта жонлангандек бўлади.



Феруза Алишер Навоийнинг «Хамса»сига бағишлаб бешта литографик (тошбосма) варақа яратди ва уларни «Хамса»нинг бешта китоби номлари билан атади.

Мусаввир Навоий ижодига мурожаат қилар экан, сўзсиз романтик услубни танлайди. Ў яратган образларнинг энг нафис товланишлари, ранглари, ифода услублари буюк шоирнинг замондоши, беназир мусаввир Камолиддин Беҳзод асарларига ҳамоҳангдир.

Феруза шуни яхши биладики, Шарқнинг тасвирий санъати услуб жиҳатидан муштарак, бироқ услубни у турли йўлларнинг яхлитлиги сифатида эмас, балки маънавий бирлик сифатида қабул қилади. Мусаввир санъатида ортиқча ҳашамларга ружу қўйиш каби ҳолатлар йўқ, унинг образлари содда, самимий, бироқ улар тимсолида шоирона ҳаяжон ва ҳақиқий мусаввирнинг теран ҳис-туйғулари мужассам.

Ф. Башарова асарларига мурожаат этар экансиз, аввало унинг Шарқ турмуш тарзини, ўзига хос жиҳатларини, миллий донишмандлик, ахлоқ-одоб қоидаларини яхши билиши кўзга ташланади. Романтик тоифадаги ижодкорлар сирасига киритувчи Феруза Башарова ўзининг лирик Машриқини воқелик ва анъанавийлик асосида яратади.

Феруза китоблар безакларига жанр ўзига хосликларини ҳисобга олиб, заруратнуқтаи назаридан ёндошади. Ў ёзувчининг ўзига хос тафаккур оламини мураккаблаштириш йўлидан бормайди, балки тасвирдаги воқеликни ҳаётдаги ифодасини яратган ёзувчи тафаккур кенгликларига аниқлик бахш этади.

Болалар китоблари устида ишлашда Ферузахон ўзига хос ифода усулини кашф этди ва эртакларнинг сеҳрли оламига шу йўл билан кириб борди. У «Василий Сухомлинский ҳикоялари», «Халқ эртаклари», «Қуёшли қўшиқ», «Қушлар байрами», Қизилиштоннинг соҳибжамолникига ташрифи», «Боланинг туши», «Бедана», «Қор афсонаси», «Алифбе», «Ёғоч қўғирчоқнинг саргузаштлари», «Жаҳон халқлари эртаклари» каби китобларини ана шундай безади.

Мазкур китоблар орасида, айниқса «Халқ эртаклари» кўзни қувонтиради. Айниқса, Шарққа хос бўлган бўёқлар ва тасвир воситалари ҳеч бир китобхонни лоқайд қолдирмайди.

«Қушлар байрами» китобида мусаввир фантазияси яна ҳам яққол намоён бўлган. Шунингдек, «Товус, от», «Боланинг туши» каби китобларидаги безаклар ғоят нозик ифодага бой.

«Алифбе»ни безаш ҳар қандай мусаввирга ҳам насиб бўлмайдиган бахт. Янгича, лотин ҳарфдаги «Алифбе» безакларини Феруза Башарова яратди. Бу ҳолнинг яна ҳам муҳим жиҳатлари бор. Яъни, «Алифбе»нинг ҳар бир ҳарфи бу китобда бир образ бўлиб ҳисобланади. Китобда ҳарфлар ўз номининг илк ҳарфи билан боғлиқ буюмлар, жониворлар орқали берилади. Шу боис мазкур китоб бир олам ижодий меҳнатни ўзида мужассам этган.Ф.Башарова шу каби япон, индонезия, вьетнам, қозоқ, хитой халқ эртакларини ҳам безади.

Китоб безаш ишлари қунт билан амалга ошириладиган, ғоят узоқ вақт талаб этадиган машаққатли меҳнатдир. Муҳими, Ферузахон ўз ижодига алоҳида масъулият билан қарайди.

Ф. Башарова бугун эртакчи-мусаввир, дастгоҳли графика устаси сифатида ўз мамлакатидан узоқ-узоқларга ҳам таниқлидир. У кўпгина республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси.

Феруза Башарова ҳозир айни балоғат палласидаги ижодкор. Ў ўз мухлислари, китобхонлар учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Сергей НЕМЦОВИЧ,
санъатшунос,
Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси қошидаги ижодий уюшма аъзоси.

Кўҳна тарих гувоҳи

(Оқ-Қорадарё сув айиргичи)

Самарқанд шаҳрига яқинлашиб борарканмиз, Чўпонота тепалигининг ён бағрида, Зарафшон дарёсида қад кўтарган улкан иншоотга кўзимиз тушади. Ундан сал нарироқда эса ўтмишдан ёдгорлик сифатида бир равоқ турибди. Равоқ қад кўтарган жойда Зарафшон дарёси иккига, ўнгда Оқ ва сўлда Қорадарёга ажралади. Бир вақтлар қурилган ушбу иншоот Оқдарё ва Қорадарёга сувни тақсимлаб берган.

Тарихий манбалар бу ерда улкан сув иншооти — сув айиргич қурилгани тўғрисида хабар беради. Мумтоз шоир ва тарихчи Камолиддин Бинойий «Шайбонийнома» асарида ёзишича, 1502 йили Шайбонийхон лашкарлари билан Бухородан Самарқандга қайтар экан, Кўҳак (Зарафшон дарёси шундай деб аталарди) дарёсининг соҳилига тушади. Шунда у дарё устига қурилган кўприкнинг бузилиб кетганини кўради. Дарёдан кечиб, нариги соҳилга ўтиш жуда қийин эди. Шунинг учун Шайбонийхон вазирларидан бирига ўша жойда янги кўприк қуришни буюради. Қурилишга барча лашкарлар сафарбар этилади. Дарёни тўсиш учун харсанг тошлар ва шох-шаббаларни босиб, тўғон қилинади. Бироқ шиддатли оқим ташланган тўсиқларни оқизиб кетаверади. Иш бошида турган Шайбонийхон лашкарлари тўғон қуришнинг уддасидан чиқа олмаслигига кўзи етади ва Самарқанддан муҳандислар чақиртиради. Муҳандислар дарёни тўсиш ва янги кўприк қуриш лойиҳасини ишлаб чиқишади. Тўғон қурилиб, дарё тўсилгач, орадан бир ой ўтар-ўтмас 1502 йилнинг ноябрь ойида кўприк ҳам битказилади. Бу кўприк айни вақтда сув айиргич иншооти ҳам эди.

Хўш, бу иншоот аввал нечта равоқдан иборат эди? Сув айиргич қандай бошқарилган? Шундай улкан иншоот қачон ва қандай сабаблар оқибатида вайрон бўлган? Бу масалалар кўп тадқиқотчилар, архитекторлар, ирригаторлар ва археологлар диққатини жалб этди.

1962 йили тарихчи олим А.Муҳаммаджонов Шайбонийхон сув айиргич-кўпригидан ёдгорлик бўлиб қолган ёлғиз равоқни ўрганиш жараёнида унинг ёнида иккинчи ва учинчи равоқларнинг пойдеворини топишга эришди. Олим ушбу иншоотнинг аслида қандай бўлганини қуйидагича таърифлайди: Зарафшон дарёсига

«Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда деҳқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради».

Ислом КАРИМОВ

қурилган бу сув айиргич-кўприкнинг катта-кичиклиги ва нечта равоқдан иборат бўлганлиги ҳозирча маълум эмас. Лекин Чўпонота яқинида дарёнинг ҳозирги кенглигини ҳисобга олганда, кўприк узунлиги 200 метрдан ошиқ бўлгани шубҳасиз. Зарафшоннинг сўл қирғоғида сақланиб қолган ягона равоқнинг ҳажмига қараганда, у дастлаб етти равоқдан иборат бўлган. Даврлар ўтиши билан сув айиргич-кўприк бузила бошлаган. Лекин унинг айнан қачон бузила бошланганини аниқ айтиш қийин.

1841-1842 йилларда Бухорога келган рус дипломатик миссиясининг қатнашчиси, кон инженери Ф.Богословский Самарқанд яқинида қадимий кўприкдан қолган уч равоқ харобасини кўрганлигини ёзган эди. Ўша учта равоқ остидан Зарафшоннинг Қорадарё шохобчаси оқиб ўтган. Темир йўл қурилиши пайтида, кучли силкиниш натижасида ҳамда 1898 йилнинг август ойида Самарқандда рўй берган кучли зилзила оқибатида равоқлар бирин-сирин қулаган. Шундай қилиб, Шайбонийхон қурдирган сув айиргич-кўприкдан ҳозир битта равоқ сақланиб қолган, холос.

Шайбонийхон сув айиргич-кўпригининг дастлабки ҳолатини шундай тасаввур қилиш мумкин: дарёнинг 200 метрдан ошиқроқ кенгликдаги соҳили ёнма-ён қурилган еттита равоқ ва улар устига ётқизилган кўприк билан бир-бирига туташтирилган. Равоқларнинг кенглиги, эни ва баландлиги ҳар хил бўлган. Ҳар қайси равоқ орасига ўрнатилган устун уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаган. Кўприкнинг эни чамаси етти метрча бўлган. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўприкнинг икки чети — баландлиги ҳам, қалинлиги ҳам 1 метр ғишт девор билан ўралган. Зарафшон шу кўприк остидан ўтиши билан иккига — ўнг қаноти Оқдарё, сўл қаноти Қорадарё ўзанига бўлинган. Бу иншоотнинг сув айиргич деб аталишининг боиси ҳам шунда.

Кўприкни қуришда, асосан, пишиқ ғишт ишлатилган. Ўша давр қурувчилари цемент нималигини билишмасди. Шу сабабли қурувчилар бириктирувчи қоришма сифатида ўсимлик кули, ганч, оҳак кабиларни ишлатишган.

XVI-XVII асрларда ва эҳтимол ундан кейин ҳам Зарафшон дарёсининг суви инженерлик типида қурилган ана шу ажойиб сув иншооти ёрдамида тақсимланиб турган.

Мустамлакачилик даврида Оқдарё билан Қорадарё сувлари вақтинчалик тўғонлар ёрдамида тақсим қилинадиган бўлди. Тўғон тўсиқларининг узунлиги уч ярим километр, қалинлиги тўрт метрга яқин, баландлиги бир ярим метрча бўлиб, асосан шох-

шаббалар, буталар, хашак, шағал ва тошлардан кўтарилган.

Уч-тўрт минг киши ўн кеча-кундуз тинмай меҳнат қилиб кўтарган тўғонни баҳорги ва ёзги сув тошқини ювиб кетарди. Шунинг учун уни ҳар йили қайта тиклашга тўғри келарди. Масалан: 1871 йили тўғон уч марта тузатилди. Бу оғир ва машаққатли ишни бир ярим мингдан зиёд киши ўн кун деганда тамомлаган. Бинобарин, Оқдарё ва Қорадарё сувларини тақсимлаш кўп меҳнат ва харажат билан амалга оширилган эди.

Бунинг асосий сабаби, муҳим стратегик ҳомашё бўлган пахта саноатини ривожлантириш эди. Масалани ойдинлаштириш учун қуйидаги рақамларга эътибор берайлик. Агар 1885 йилда пахта майдони 41,4 минг танобни ташкил қилган бўлса, 1915 йилга келиб у 541,9 минг танобга етди, яъни 13 баробарга ўсди. Ўлка Россиянинг асосий пахта базасига айланди.

Зарафшон водийсида 1890 йилда рус инженер-ирригаторлари ёрдамида Оқдарё ва Қорадарё тўғони ўрнига ёғоч ускуналардан ишланган сув айиргичи қурилган эди. 1909 йилда бу сув айиргич ҳам ишдан чиқади. Энди Зарафшон дарёси сувини бошқариш учун янада мукаммалроқ сув айиргич иншооти қуриш фикри туғилади.

1910 йили янгидан Оқдарё ва Қорадарё сув айиргичи қурилади. Оқдарё ўзани сув остидаги 360 квадрат метр ва Қорадарё ўзани томонидаги 3800 квадрат метр ҳажмдаги сатҳга ичига тош солинган ёғоч яшиклар ётқизилади. Бу иншоотнинг олдингилардан афзаллик томони шунда эдики, сувнинг паст-баландлигини ғов-тўсиқлар билан бошқариш бирмунча осонлашди. Лекин, у ҳам узоқ бардош беролмади, 1920 йилга келиб ишдан чиқди. Бор-йўғи ўн йил фойдаланилган бўлишига қарамай, ҳар йили у қайта тузатилиб турилди. Кейинчалик, мамлакат иқтисодий томондан анча танг аҳволда қолиб, иншоотга етарлича маблағ ажратилмаганлиги сабабли, 1921 йили у бутунлай вайрон бўлди.

Лекин, Зарафшон дарёси этагидаги ўнлаб қишлоқларга сув керак эди. Сув айиргич бузилгандан кейин дарёнинг кўп суви асосан бир ўзан бўйлаб оқиб, иккинчи ўзанга эса сув кам чиқадиган бўлиб қолди. Оқдарё ва Қорадарё билан Оқдарё, Пайариқ, Митон, Қорадарё ва қисман Жомбой туманлари таъминланар ва 52 минг гектар ер суғориларди. Шунинг учун



сув айиргич-кўприкни қандай бўлмасин қайта тиклаш зарур эди. Иншоотни тиклаш ишида самарқандликлар билан бирга бухороликлар ҳам жонбозлик кўрсатишди. Ниҳоят 1923 йили аввалгиларига қараганда анча пишиқ, баҳорги сув тошқинларига бардош берадиган ва унинг устига транспорт воситалари ўтишига ҳам мосланган мустаҳкам сув айиргич-кўприк қуриб битказилди. Иншоотни тиклаш ишларида баъзи камчиликлар бўлган. Аввало, тўғон ва тўсиқлар мустаҳкам бўлмаганлиги сабабли сув иккала ўзанга мўлжалдаги миқдорда тақсимланмасди. Шундан кейин кўприкни ва Қорадарёнинг чап қирғоғидан ўтадиган темир йўл изини тошқин ювиб кетмаслиги учун 1935 йили сув айиргич капитал таъмирланди.

Бора-бора Оқдарё ва Қорадарё сув айиргичи яна бузила бошлади. 50 йил давомида иншоот ўн марта таъмирланиб, қайта тикланди. Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш ва суғориш иншоотлари ҳолатини яхшилаш ҳамда янги ерларни ўзлаштириш учун Оқдарё ва Қорадарё сув айиргичини қайтадан қуриш керак эди.

«Средазгипроводхлопок» институтининг бош инженери Н.М. Бугаков раҳбарлигида Оқдарё ва Қорадарё сув айиргичининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур лойиҳага кўра, Оқдарё ва Қорадарё сув айиргичини бутунлай қайтадан, замонавий қурилиш материаллари билан бунёд этиш кўзда тутилади.

Бу улкан иншоот қуриб битказилгандан кейин у Зарафшон воҳасидаги 85 минг гектарга яқин майдонга сув чиқариш имконини берди.

1967 йили Зарафшон сув айиргич қурилиши бошлаб юборилди. Бу улкан иншоот асосан, бетон ва темир бетондан қурилди. Сув айиргич битгач, Зарафшон дарёси Қорадарё, Марказий Миёнқалъа канали, Қаландар, Қурбонобод шохобчалари ҳамда Оқдарё каби бешта тармоққа бўлинди. Бу ерга Зарафшон дарёсини жиловлашда жонбозлик кўрсатган кишилар шарафига ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорлик баландлиги 18 метрлик улкан харсанг тошдан иборат бўлиб, қуйи қисмига Зарафшон дарёсининг сувини жиловлашда хизмат кўрсатган ва умрини қақраган ерларга оби ҳаёт чиқариш учун бахш этган одамларнинг номлари битилди.

Қадим замонлардан бери Зарафшон водийсида яшаган деҳқонлар оддий сепоялар ёрдамида дарёни тўсиб, ариқ ва каналларга сув оқизишга уринганлар. Қанчадан-қанча оғир меҳнат эвазига қурилган тўғонларни эса сув тошқини оқизиб кетган. Шўх дарё қанча одамларни ўз комига тортган. Неча асрлар давомида аҳвол шундай давом этди. Ҳозирда ҳақиқий инженерлик типида ва замонавий қурилиш материаллари билан улкан тўғон қурилиб, Зарафшон дарёсининг суви бойланди ва, ниҳоят, уни ҳар йили тиклашга ҳожат қолмади.

Бунёд этилган улкан сув айиргичда дарё суви пўлат дарвозалар ёрдамида тартибга солиб турилади ва тўғон автоматика ва телемеханика воситалари билан бошқарилади. Сув оқимини тақсимлаш жараёни бошқарув пультидан идора қилинади.

Маҳамадали ТАГИЕВ,
тарих фанлари номзоди.

Озодлик куйчиси

Дилшод ўтмади ҳаргиз шод деб замондин,
Барно ўтдим йиғлаб, фарёд деб замондин.

XIX охири XX аср бошларида яшаган Дилшод Барно ижодида Ватан тақдири ва истиқболи, эркинлик, ҳуррият ва миллий истиқлол учун кураш туйғуси алоҳида аҳамият касб этиб, у эркинликни ва адолатни куйлади, қарамлик ва мутеъликдан қутулишни, озодликни орзу қилди.

Туркистон Русия томонидан босиб олингач, хонликлар ўз мустақиллигидан бутунлай маҳрум бўлдилар. Маҳаллий халқ учун мустақиллик ўтмишга айланди. Фитрат «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир», деб таъкидлаган эди.

Туркистонда мустамлакачилик зулми, иқтисодий, синфий-сиёсий, миллий азоб-уқубат ва таҳқирлашлар, маҳаллий ҳукмдорлар томонидан қилинган адолатсизлик ва ноҳақликлар барча ерли халқнинг қаҳр-ғазабини ошириб юборди.

Бу эса Туркистонда ерли халқнинг мустамлакачилик сиёсати, камситилишга қарши маърифатчилик ҳаракатини кучайтириб юборди. У асосан халқни янги маданият, маърифатга чақиришга, миллатни уйғотишга янгиланаётган маънавиятни эгаллашга йўналтирилган эди.

XIX асрнинг охири XX аср бошида Туркистон халқлари қатор талантли олиму олималар, шоиру шоиралар, педагоглар, журналистларни етиштириб чиқарди, улар халқимизнинг умумий маданий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди.

Бу даврда Аҳмад Дониш, Бердақ, Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Маҳзуна, Муқимий, Феруз, Фурқат, Завқий каби олим, шоирлар ўз даврининг муҳим масалаларини кўтариб чиқдилар ва халқни илм-фан, маърифатни эгаллашга ундадилар.

Ўзбек ҳамда тожик тилларида ижод этган бу шоиранинг ҳаёт йўли ва тақдири анча мураккаб кечди.

У 1800 йили Ўратепада дунёга келди. Шоира Дилшоднинг таржимаи ҳоли қизиқарли ва ўзгача, ўз сўзлари ва Сулаймонқул Рожий томонидан шоира девонидаги кириш сўзида берилган маълумотлар орқали тикланган.

«Муҳожирлар тарихи» асарида шоира ўз номи Дилшод, адабий тахаллуси эса Барно эканлигини таъкидлайди. Сулаймонқул Рожий «Мунтаҳаб ул-ашъори Барно»да Дилшоднинг туғилган йили ҳижрий 1215 йил эканлигини айтади. Умархоннинг Ўратепага ҳужуми ҳижрий 1232 йилнинг кузи, яъни 1816 йилнинг ноябрь ойларига тўғри келади. Асирга олинган вақтда у 17 ёшда экан. Шоира томонидан берилган турли саналарни таққослаганда унинг туғилган йилини аниқлаш мумкин. Демак, 1816 йилнинг кузида асирга олинган, айнан шу вақтда у 17 ёшда бўлган, туғилган йили эса 1800 йилнинг май-декабрь ойларига тўғри келади.

Шоира юз йилдан ортиқ умр кўриб, тахминан 1905-1906 йилларда вафот этган (М.Қодирова. Дилшод. Танланган асарлар. Т., Ғафур Ғулом нашриёти. 1972 й., 6-бет).

Шоира 1816 йилдан то умрининг охиригача Қўқонда яшади. Қўқонди латифни «мулку макон» , ўзини эса унга «фарзанд» деб билди. Ҳар икки тилда ижод этиб, ҳар икки халқ адабиётини янги маъно ва оҳанглар билан бойитди. Шоира бир шеърида ўз асарлари ҳақида хабар бериб, мингдан ортиқ ғазал ёзганлигини айтган:

Ўзум битдим мингдин ортиқ ғазални,
Зикр этиб ўтдим охир азални.
Минг уч юзда кузга етди баҳорим,
Билмадимким қачон келгай наҳорим.

Ҳозиргача унинг учта қўлёзма асари қўлга киритилиб, илм аҳлига 142 шеър (шундан 91 таси ўзбек тилида, 51 таси тожикча) ва «Муҳожирлар тарихи» тарихий-бадиий эсдалик асарининг тўлиқ бўлмаган ўзбекча-тожикча нусхалари сақланиб қолган.

«Ўзбек тилидаги ғазалларининг кўплиги шунинг учун бўлса керак, — деб ёзади душанбелик олим А.Мухторов, — у 80 йил Қўқонда ўзбеклар орасида яшади. Шунга кўра шоиранинг ижодий мероси тожик ва ўзбек халқлари учун бир хилда қимматлидир».

1887-1888 йилларда ёзилган деб тахмин қилинаётган «Муҳожирлар тарихи» асари фақат Дилшод ҳаётинигина эмас, балки, умуман бу давр қалам аҳли, шоиранинг ўзи кўрган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалар ва тарихий жараёнлар, жумладан, Қўқон хонлигидаги ижтимоий ва маданий ҳаёт ҳақида жуда қизиқарли ва қимматли маълумотлар бера олади. Шоира жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенгсизлигини таъкидлаб, уларни озодликка чақиради:

Аё эй Истравшан халқи, уйғон,
ухлама ҳаргиз,
Сени аҳволинга беҳад ўзум ҳайрон бўлуб кетдим.

Шоира шеърияти учун хос бўлган энг муҳим хусусият озодлик мотивидир. Ҳатто, шоира шеъриятидаги интим оҳанглар ҳам бора-бора бош масалага — Ватан ва инсон озодлиги масаласига қўшилиб кетади:

Сочим сумбул деюрлар бу таним тоғида ҳилпирган,
Деюрман ушбу жорубим ила юртим супурғоним.
Қошим меҳроби ичра саждa қилмоқ истади ёрим,
Дедим кўргилки, бу икки жаҳон қурмини суртгоним.
Кўзим ойнасига термулиб турса агар кимса,
Кўрур эл кулфатини фитратида ўй суртгоним.
Юзимда товланур бу қип-қизил қон олма монанд,
Билингким, кўп шаҳидлар қонидан юзимга сургоним.
Лабим лаълига боқма, бу юракдин томчидур асли,
Аламдан қон қусуб эрдим, лабимда боқий қолгоний.
Деюрлар тишларинг, Барно, мисоли дур ё олмос,
Бу тиш мижгон ўқидек, зулм қилгувчига отгоним.

Деҳқонга мадҳлар битган забардаст шоира «Қуръон сўзи, ислом кўзи фақат оғизда» бўлган зиддиятли замонда ғазабга келди:

Олма-анору мевалар кони,
Аммо мевага зор боғбони,
Бугдой нонини кўрмас деҳқони,
Пахта экади — йиртиқ чопони.

Ўз даврининг бошқа маърифатпарварлари сингари Дилшод ҳам оғир ва аянчли аҳволдан қутулишнинг асосий йўлларидан бири меҳнаткаш халқни саводли қилиш, илм-маърифатни ўргатиш эканлигини теран ҳис қилди.

Дилшод ўз мактабида қизларни тарбиялар, уларга хат-савод ўргатар, уларни чуқур билим эгаси қилиб тарбиялашга интилар эди. Шу билан бирга истеъдодли қизларга ўзбек-тожик классик адабиёти намояндаларининг асарларини ўргатар, уларни эстетик руҳда тарбиялаб, ўз даврининг илғор кишилари қилиб етиштиришга ҳаракат қилар эди.

Дилшод маърифатли қайнонасининг ишларини давом эттириб, мактабда муаллималик қилган. «Мен, — дейди Дилшод — 88 ёшимгача ойнаксиз хат кўриб, мактабдорлик қилдим. 51 йил мактаб тутиб аъло, авсат (ўрта), ҳисобда 23 талаба тутиб, 891 қизни саводли қилдим. Алардин қарийб тўртдан бири табъи назмлари бор эрди... боз аввал охир икки юздан ортиқ назмхон шоиралар таълим олиб чиққан эрди...»

Дилшод ўз даврини ва ундаги зулмни кўз олдига келтирган ҳолда унинг қачон йўқолиши тўғрисида кўп қайғурар эди. Аммо унга аниқ жавобни билмас, «Қандай йўл билан?» деган саволга ҳам очиқ-ойдин жавоб бермаган. Бироқ «Муҳожирлар тарихи» асаридан ва унинг шеърларидан маълумки, бу муаммони бир киши эмас, балки ҳамманинг биргаликда, ҳатто аёллар иштирокидаги ҳаракатлари билан ҳал қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурган.

Инсон келажакда, албатта, зулмдан, адолатсизликдан батамом халос бўлади, деган ҳаётбахш ғоя Дилшод ижодидан мустаҳкам ўрин олди:

Ҳокимларга итоат, офатга рози,
Қачонгача қилмоқ керак бу хилда тоқат.

Осойишта ва оромбахш ҳаётга интилган шоира ўз ватандоши, дугоналари, дўстларига мурожаат этиб, ҳароратли қалбининг кетма-кет умидбахш туйғуларини ифода этади:

Эй ватандош, ҳамфикр,
ҳамзикримиз, ҳамхоналар,
Бирга ўйнайлик, кулайлик жўралар,
дугоналар.
Пардани очинг, чиройингиз
кўрунсун эл аро,
Шаъми рухсорингиза куйсун кўриб
парвоналар.
Куйлангиз озодлик мазмунида сиз
беибо,
Тингласун Тошканд, Хўжанд, Хўқанд
ҳам Фарғоналар.
Соз олинг мутрибалар, Барно
ғазални бошласун,
Мовароуннаҳр аро парвоз этиб
тароналар.

Озодликка, эркинликка чанқоқлик унинг шеърида шеърига ўтган сари кучайиб борди.

Дилшод «Камина ва замон аҳли ул орзуйимда бўлғон замонларни кўролмас. Аммо, ёш авлод ва ўрта замона аҳли ул замонга мушарраф ўлурлар», деган сўзларида озодлик ғояси шоира дунёқарашида муҳим ўрин тутганлигини билдиради.

Мамедқули МУСТАФОЕВ,
профессор;
Меҳринисо РАЗЗОҚОВА,
тадқиқотчи.

Эркинлик ва шахс маънавияти

Эркинлик масаласи фалсафий тушунча сифатида жуда қадимдан аҳли донишни баҳс-мунозарага чорлаб келмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бинобарин, эркинлик таъминланган жамиятда фикр ривожланади. Фикр ривожланиши эса жамиятнинг кучли бўлиши гаровидир.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, адолатли, маданиятли жамият шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолиси бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма тенгҳуқуқли бўлади, ҳар ким ўзи истаган ва танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифа...» эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндошадиган, айни замонда, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак. Инсон ҳар ишида ирода эркинлигига эга бўлмаса, ҳаётда оқилона, мустақил йўл излашга чорасиз қолади, унинг эътиқоди ҳам заифлашади, бирор ишни бажаришда иккиланиш, ишончсизлик кайфиятлари кучаяди. Агар инсон зўравонлик, тазйиқ таъсирида бўлса, ўз эътиқоди, ҳаётий, мақсадларини очиқ ифода эта олмайди.

Бинобарин, кишининг том маънодаги эркинлиги ҳар қандай тазйиқдан ҳоли ҳамда барча манфаат, хоҳиш ва истаклардан юқори турмоғи керак. Инсониятнинг энг буюк ғояларидан бири — шахс эркинлиги ғояси ўтмишда Ғарб мутафаккирларинигина эмас, балки Алишер Навоий, Беруний, ал Хоразмий, Ибн Сино сингари халқимизнинг кўпгина даҳоларини ҳам қизиқтирган.

Маълумки, Уйғониш даври файласуфлари Шарль Монтескье, Жан-Жак Руссо, Жон Локклардан анчагина олдин, яъни XII асрдаёқ буюк аждодларимиз шахс эркинлиги ғоясини илгари сурганлар. Бугунги кунда аждодларимиз орзу қилган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш бизнинг авлодларимиз зиммасига тушган шарафли вазифага айланди. Зотан, халқ озодлиги ва шахс озодлиги давлатимизнинг буюк ғалабаси, ҳуқуқий фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир.

Зеро, эркин халқ ва эркин инсонгина иқтисодий бунёдкорлик ишларига, илм-фанда, маданиятда, замонавий ишлаб чиқаришда зафарларга эриша олади.

Ўзбекистонда ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури жамиятимиз ҳаётининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларини янада эркинлаштириш муаммоларини яхлит ҳал этишга қаратилган.

Инсон ҳурлик, мустақиллик, тенглик, шахс эрки, фикрлар хилма-хиллиги, ҳамжиҳатлик ҳукм сурадиган жамият аъзоси ўлароқ, айнан мана шу қадриятлар руҳи билан нафас олади, ўйлайди ва ҳаракат этади. Демак, ҳар қандай фаолият аввало шахс эрки билан боғлиқдир. Зеро тазйиқ ва таъқиб йўли билан кишиларнинг ахлоқий камолотига эришиб бўлмайди.

Ақидапарастлар, террористлар ўзларини қанчалик «эркин» кишилар деб ҳисобламасинлар, амалда улар чет эллик пулдор корчалонларнинг малайи, ўзларининг тор шахсий манфаатлари, бир сўз билан айтганда, ўз жиғилдонларининг қулидир. Улар динни ҳам, қонунни ҳам қадрламайдилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган ягона хулоса шундаки, биз аввало ёшларни ҳудди шундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолишидан сақлашимиз зарур. Бунинг учун эса эркин шахс маънавиятини ҳар томонлама юксалтириш, миллий ва диний ахлоқий қадриятларни ёшлар онгу шуурига сингдириб бориш зарур, Президентимиз айтганидек, «ўлмас миллий қадриятларимиз ҳам мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлмоғи лозим».

Ана шунда том маънодаги эркинликни қўлга киритиш ва шахс маънавияти, жамият фаровонлигини юксалтириш мумкин.

Одилжон ТОҲИРОВ.

Хизмати элга манзур

Машҳура Исроилова — қўли енгил, юрагида ўти бор, ғайратли, меҳрибон шифокор. У ёш авлод саломатлигини сақлаш, дардлардан фориғ қилиш йўлида Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти гўдак болалар асаб касалликлари бўлимида узоқ йиллардан буён фидокорона меҳнат қилмоқда. Оғир касали бор неча-неча ўнлаб болалар, гўдаклар унинг қўлидан шифо топиб, соғлом ўсмоқдалар.

— Машҳура опа, сиз раҳбарлик қилаётган ушбу даргоҳда кўпроқ неча ёшдаги беморлар шифо топадилар?

— Бўлимимиз 30 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳомилалик пайтида, туғиш даврида, туғишдан кейин асорат олган бир ойдан бир ярим ёшгача бўлган болажонлар шифо топадилар. Маълумки, бола она қорнида уч ойлик бўлгунга қадар шаклланади, сўнг қолган даврда ривожланади.Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шунинг учун оналар ҳомиладорлик кезларида тўғри овқатланишлари, вақтида дам олишлари жуда муҳим. Биз келаётган оналарнинг барчаси билан суҳбатлар ўтказамиз. Ёш-ёш келинчаклар пулимиз йўқ, қайнонам рухсат бермайдилар, деб шифохонага ётмасликка ҳаракат қилишади. Баъзилари эса «Болам юриб кетди», деб даволанишни охирига етказишмайди. Кейин орадан бир-икки йил фурсат ўтказиб, боламни тили чиқмаяпти, деб яна маслаҳат сўраб келишади. Баъзи бир зийрак оналар боласи қайси қўли билан ўйинчоққа интилаётганини, боласи овқатни яхши чайнаяптими, ютаяптими, ҳаммасини билиб, дарров уни тузатишга, даволашга ҳаракат қилишади. Бундай ҳолатларни кўрсам жуда севиниб кетаман. Бизда беморлар шу ернинг ўзида физиотерапевтик усуллар билан даволаниш имкониятига эгалар.

Биз оналар билан суҳбатимизда қариндош-уруғлар никоҳидан туғилган болалар ўртасида ногиронлар кўпбўлишини, авлоддан-авлодга ўтадиган ирсий касалликлар тўғрисида ҳам тушунчалар берамиз.

Президентимиз бежиз бу йилни Оналар ва болалар йили деб номламадилар. Бу йил истиқлолимизнинг 10 йиллиги шодиёналари нишонланди. Болалар бизнинг келажагимиз. Оналар ва болалар йилида она ҳам, бола ҳам соғлом туғилсин!

«Она ва бола Дастури»да «она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, ... она ва болани парвариш қилиш тизимини яратиш» муҳим вазифа қилиб қўйилган. Биз аҳил жамоамиз билан ана шу шарафли вазифани амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз.

— Машҳура опа, ҳар бир касбнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Лекин шифокорнинг масъулияти юз карра кўпроқ деб ўйлайман. Шифокорга инсон ҳаёти ишониб топширилади. Биз биламизки, катта ёшдаги беморлар қаери оғриётганлигини айта оладилар. Ёш болалар эса инжиқлик қилиб,йиғлайди,қаери касаллигини айтолмайди. Сиз нима учун шундай оғир ва мураккаб ишни танлагансиз?

— Тиббиётга бўлган қизиқиш менда жуда ёшлигимданоқ уйғонган. Отам, раҳматли профессор Шомурод Шорасулович Шомансуров болалар асаб касаллиги шифокори бўлганлар. Шу сабабли уйимиздан беморларнинг кети узилмасди. Дардига шифо топиб кетган беморларнинг кўзларидаги қувонч мени шу касбга меҳримни уйғотган бўлса ажаб эмас. Оиламизда катта қизим мени изимдан кетиб, ҳозирда болалар асаб касаллиги шифокори касбини ўрганмоқда.

Мен эса бир она сифатида унинг бу танлаган йўлидан ниҳоятда хурсандман.

— Ҳаётингизда биронта оғир касални ўлимдан олиб қолганмисиз? Шу болалар ҳозир тирикми?

— Шифокорлик касби доимо масъулият ва жонбозлик талаб этади. Ҳаётим ва фаолиятим мобайнида кўпмарта оғир беморлар ҳаётини сақлаб қолишга тўғри келган. Бўлимимизда асаб касаллиги бўлган 1 ёшгача кичкин-

Тунларни тонгларга улаган аёл

Иссиқ жонмиз, баъзи-баъзида танамизнинг аллақаерларидир оғриб туради. Оқ халатли, ширин сўз шифокорларни фақат ана шундай дамлардагина эслаймиз.

Зимфира Барсовна Рафиқова Қорақалпоғистонда туғилган, Тошкент Шифокорлар малакасини ошириш институтининг болалар асаб касалликлари кафедрасида доцент бўлиб ишлайди. «Болаларда аффектив-респиратор хуружлари» деган мавзуда илмий изланишлар олиб бормоқда. Уни бугунги кун тиббиётининг равнақи, долзарб масалалари ва уларнинг ечими кўпроқ ўйлантиради. У илм ривожи йўлида не-не тунларни оппоқ тонгларга улайди.

— Зимфира опа, сизни шифокор бўлишга ундаган нарса нима?

— мени шифокор бўлишга ундаган нарса болажонларга бўлган муҳаббатдир. Жуда ёшлигимдан оқ халат кийган шифокорларга ҳавас билан қарардим ва катта бўлганимда албатта болалар дўхтири бўламан деб қалбимга тугиб қўйгандим. Шу ният билан Тошкент Педиатрия тиббиёт олийгоҳига кириб, 1975 йилда муваффақиятли тамомлаганман. Аввал болалар шифокори бўлиб ишладим, сўнг 1982 йилда марҳум профессор Ш.Шомансуров билан учрашиб, у инсон



тойлар даволанишади.

Ўзингизга маълум, гўдак ёшидаги болалар соғлиғига алоҳида эътибор талаб қилинади. Ҳозир туппа-тузук бўлган бемор бир зумда аҳволи оғирлашиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатлар иш тажрибамда жуда кўпучраган. Ҳозирда, Аллоҳга шукур, бундай беморларимиз ўйнаб, кулиб, соғлом ўсишяпти.

— Шифокор учун энг муҳими нима деб ҳисоблайсиз?

— Менимча шифокор учун энг зарур хусусият - бу касбга садоқат ва меҳр-муҳаббат. Ўз касбини астойдил севган одамгина ўз касбига содиқ бўла олади. Яна бир фазилат-ширин сўзли бўлиш ва рост гапириш. Тўғри, касб юзасидан баъзан шундай ҳоллар бўладики, беморга ёлғон гапиришга ҳам тўғри келади, лекин бу бемор соғлиғи йўлида бўлса - менимча гуноҳ эмас. Энг ёмони, бемор дилини оғритиш, ундан фақат моддий манфаат кўзлашдир. Афсуски,бугунги кун тиббиётига тасодифан кириб қолган шахслар ҳам йўқ эмас. Истардимки, бундай кимсалар ўз вақтида бошқа йўл топиб, истеъдодли ёшларга ўз жойларини бўшатиб берсинлар.

— Узингиз шифокор сифатида бирон бир янгиликни топганмисиз?

— Шифокорнинг оддий иш куни ҳам изланишдан иборат. Беморларни турли хил касалликлардан даволаш жараёнида шу даво усулларини мўътадиллаштириш, яъни дори-дармонларни бир бири билан бирга қўллашнинг самараси бўйича унча-мунча янги таклифларим бор ва улар амалиётда кенг татбиқ қилинаяпти.

— Сиз учун энг яхши совға нима?

— Мен учун энг яхши совғами? Чин дилдан айтилган илиқ сўз, миннатдорчилик, дил изҳори мен учун энг яхши совға.

— Қандай орзуларингиз бор?

— Орзуларим кўп. Шуларнинг ичида энг каттаси раҳматли отам Шомурод Шомансуровнинг рўёбга чиқаролмаган орзуларини амалга оширишдир.Бу ҳам бўлса шаҳримизда барча ёшдаги болаларга ихтисослаштирилган неврологик ёрдам кўрсата оладиган Болалар Неврология марказини очиш. Ахир шундай марказлар кўпайса, аввалambор бундан халқимиз ва давлатимиз катта наф кўради. Соғлом авлодни тарбиялаш ва соғломлаштиришдаги катта қадам бўлади, болалар орасида касалланиш, ногиронлик, ўлим ҳолатининг камайишига сабаб бўларди.

— Мусиқани тинглашга вақт топасизми? Қайси хонанданинг қўшиғини кўпроқ тинглаб ором оласиз?

— Муножот Йўлчиевaнинг «Муножот» қўшиғини жуда ёқтираман. Муножотхоннинг қўшиқларидаги дард, оҳанг ва самимийлик менга ёқади.

— Сизга ҳам самимий, юракдан қилган суҳбатингиз учун ташаккур билдирамиз. Ишонамизки, келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлоднинг саломатлиги йўлида куч-ғайратингизни аямайсиз.

Суҳбатдош:
Маълура НАБИЕВА.

таклифи ва оқ фотиҳаси-ла болалар асаб касаллиги шифокори бўлдим. «Ҳозирги болалар бошқача, жуда асабий», деган сўзларни тез-тез эшитиб тураман. Биласизми, аслида бола она қорнида бўлганидан бошлаб ота-она ўзларини аччиқ-тизиқ гаплардан, асабийлашишлардан тийилмоқлари даркор. Ҳомиладор аёлнинг асаби бузилса, ҳаёти нотинч бўлса, бўлажак фарзанди ҳам қоринда безовталаниб, саломатлигига таъсир қилади. Болаларнинг нимжон, баъзан асаби бўш, йиғлоқи бўлиб туғилишининг сабаби ҳам ана шунда! Фарзандларимизни соғлом, ақл-заковатли, қувноқ, хушхўлқ қилиб тарбиялаш ҳаммамизнинг асосий мақсадимиз. Бу —замон талаби. Зеро, келажак ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом авлодникидир!

— Муаллим, тикувчи, ҳисобчи хато қилса, орадан бирмунча вақт ўтиб бу хатони тузатиш мумкиндир, аммо шифокорнинг биргина, арзимас хатоси инсон ҳаётига тенг. Сиз ўз фаолиятингизда кичик бўлса ҳам хатога йўл қўйганмисиз ва бу хато қандай сабоқлар берган? Умуман болалар шифокорининг вазифаси нималардан иборат деб биласиз, фақат гўдак танасини даволашми ёки...

— Ҳақиқатан ҳам юқоридаги сўзларингиз юз фоизга тўғри. Лекин шифокорнинг йўл қўйган хатоси жиноят, ўнглаб бўлмас хато бўлиб ҳисобланади. Ўз касбини севган ва унга масъулият билан қарайдиган шифокор хатога йўл қўймайди. Менинг иш тажрибамда бундай ҳолат юз бермаган. Болалар шифокори нафақат бола танасини, балки аввалambор онанинг, сўнг бемор боланинг қалбини, танасини даволаши шарт. Ахир халқимизда бир оғиз сўз билан илонни инидан, пичоқни қинидан чиқариш мумкин, деган мақол бор-ку. Шу сабабли, аввало шифокор ширин сўзли бўлиши керак.

— Бугунги кунда шифокор бўлмоқчи бўлган ёшларга ўз тилакларингизни билдирсангиз?

— Бугунги кун ёшлари кўпроқ ўқишсин, кўпроқ ўз устларида ишлашсин ва хорижий тилларни мукаммал ўрганишсин, танлаган касбларига меҳр-муҳаббат қўйишсин.

Бундан ташқари ҳали давоси ўйлаб топилмаган баъзи бир ўсмали, юрак-қон томир ва насл касалликлари ҳамда бошқаларга тезроқ даво топилса, тиббиётимиз янада юқори чўққиларга эришса дейман.

МОҲИНУР.



Маснавий

Жалолиддин РУМИЙ

Маснавий

Кимиёсозаст, чй бувад кимиё?
Мўъжизабахшаст, чй бувад симиё?

Таржима

Кимиёсоз — У, нимадир кимиё?
Мўъжизабахш — У, нимадир симиё?

Лисоний таржима

Худованд кимёгардир. Бироқ, кимиё нима? Яъни, Худонинг қудрати қаёқдаю кимиёгарлик қаёқда? Худо анбиёга мўъжизалар берди. Бироқ, мўъжизалар қошида симиё илми нима демак?..

Бу қаёқдаю у қаёқда?..

Шарҳ

Кимиёсоз, яъни иксир яратувчи (арабча «иксир», юнонча «иксерион» — ҳаётбахш шарбат. Бу сўз арабчадан инглизчага «эликсир» тарзида ўзлашган).

Кимиё шундай илмдирки, унинг воситасида мис тиллога, қўрғошин кумушга айланади. Байтда бу тушунчалар истиора сифатида қўлланилган, яъни Ҳақ таъоло валоят ва нубувватнинг ботиний кимиёси орқали одамзот вужудидаги куфру исён мисини тавҳид ва тоатнинг соф олтинига айлантиради.

Симиё — сеҳр-жоду илми бўлиб, унинг воситасида хорикулодда ишларни амалга ошириш ва табиат устидан ҳукмрон бўлиш мумкин. Бу илм риёзат, завқ ва кашф орқали кўлга киритилади. Мутолаа, далолатлар бу илмга кор қилмайди, яъни илм олиш йўли билан унга эришиш мумкин эмас. Ушбу илмнинг муҳим бўлимларидан бири «ҳарфлар сирини билиш»дир. Бу билим асосида «Асмои ҳусно» (Оллоҳнинг 99 исми) ва илоҳий калималар ётади. Шу йўл билан табиат олами устидан тасарруф ўрнатилади. Бу тасарруф юқорида қайд қилинган ҳарфларнинг сир-асрори ва хусусиятларини англаш орқали амалга ошади. Симиё илмининг донишмандлари тўрт хил мизож ва табиатдан келиб чиққан ҳолда ҳарфларни тўртга тақсим қилганлар: оловлик, ҳаволик, сувлик ва тупроқлик ҳарфлар.

Аллома Шамсиддин Маҳмуд Омилий (ҳижрий VIII аср) симиё илмини таърифларкан ёзади: «Бу илм воситасида ғайритабиий ишларни бажариш мумкин. Масалан, иложи топилмаган касалликни руҳлардан мадад истаб, даволашади. Бироқ бу илм осонликча қўлга киритилмайди. Аввало, шахс унинг хусусида ҳеч қандай шак-шубҳага бормаслиги; сирларини фош этмаслиги; бадкирдор одамларга ўргатмаслиги лозим. Зеро, ёмон одамлар бу илмдан ўзларининг фасод ишларида фойдаланишади. Симиё илмининг толиби кечаларни риёзат билан ўтказади. Қуёшнинг қаҳри қаттиқ. Унинг қаҳри билан арвоҳ тенг кела олмайди. Шунингдек, бу илм хайрли ишлар учун қўлланилмоғи керак. Зеро, оламнинг асоси яхшиликдир. Толиб ҳам зоҳирий ва ҳам ботиний томондан пок бўлмоғи; қирқ кун сурункасига рўза тутмоғи ва ҳайвоний муносабатларни буткул тарк этмоғи лозим. Симиё илмининг муҳим шартларидан бири нужум фанини (хусусан, аҳкомий нужумни), юлдузларнинг таркиби ва хосияти, буржлар, ой манзилларини яхши билмоқликдир».

Маснавий

Ин сано гуфтан зи ман, тарки саност,
К-ин далили ҳастӣ ва ҳастӣ хатост.
Пеши ҳасти ў бибояд нест буд,
Чист ҳастӣ пеши ӯ? кӯру кабуд.
Гар набудӣ кӯр, аз ў бигдохтӣ,
Гармии хуршедро бишнохтӣ.
В-ар набудӣ ў кабуд аз таъзият,
Кай фусурдӣ ҳамчу ях ин ноҳият?

Таржима

Мен сано айтдим. Эмасдир бу сано,
Борлиғимга бир далил: борлиқ — хато.
Борлиғи наздида йўқ бўлмоқ керак,
Наздида борлиқ нима? Кўрлик ва шак.
Сен агар кўр бўлмасанг ёнгай эдинг,
Ҳам қуёш тафтида тоблангай эдинг.
Йўқ бўлиб, гар тутмасанг мотам ва сур.
Қошида муз қотмагайсан бир умр.

Лисоний таржима

Менинг мадҳ ва сано айтмоғим аслида мадҳ ва санони тарк айламоғимдир. Зеро, ҳамд-сано айтмоқ соликнинг хатоси ва ҳушёрлигидан далолат беради. Сано ҳали «мен» вужудининг боқий эканини; Ҳақ ва халқ ўртасида жудолик мавжуд эканини тасдиқ этади. (Оллоҳ шаънига ҳамд-сано келтириш ҳамд айтгувчи мавжудияти, яъни ҳали моддий шаклда борлигини, унинг фано мақомига етмаганини исботлайди).

Худонинг вужуди муқобилида фано — йўқ бўлмоқ керак. Ҳақдан ўзга вужуднинг Ҳақ вужуди қошида қанчалик қиммати бор?

Аслида ҳеч қандай қимматга эга эмас, яъни у ноқис ва норасодир.

Моддий вужуд сўқир бўлмаса, Ҳақ вужуди наздида ёниб, муз каби сувга айланиб кетади. Моддий, яъни Ҳақдан айро вужуд йўқлик ва фано лаззатини тотиб кўрмаган; азодор ва толғин эмас экан, бундай вужуд Ҳақдан жудолиги боисдан бирламчи илоҳий моҳиятидан узоқлашади. Ҳақ файзи ва ижоди воситасида илоҳий жавҳарга лиммо-лим вужудни моҳиятан сув (яъни, илоҳийлик)дан иборат музга қиёслаш мумкин.

Вазирнинг бу мақрдаги нуқсони

Маснавий

Ҳамчу шаҳ нодон ва ғофил буд вазир,
Панжа мезад бо Қадими ногузир.
Бо чунон Қодир Худое к-аз адам,
Сад чу олам ҳаст гардонд ба дам.
Сад чу олам дар назар пайдо кунад,
Чунки чашматро ба худ бийно кунад.
Гар жаҳон пешат бўзургу

бебунест.
Пеши қудрат заррае медон,
ки нест.
Ин жаҳон худ ҳабси жонҳои
шумост,
Ҳин равед он сӯ, ки саҳрои
шумост.
Ин жаҳон маҳдуду он худ беҳадаст,
Нақшу суврат пеши он маънӣ сад
аст.

Таржима

Шоҳ каби нодон эди ғофил вазир,
Панжа урди у Қадим Ҳаққа, ахир.
Қодир Оллоҳким адамдан дамда
юз
Бу каби олам қилиб пайдо тўкис.
Ўз-ўзингга кўзларинг очгай Худо.
Ҳам назарда юз бу олам пурзиё.
Гар жаҳон наздингда поёнсиз
ва бас.
Лек, қудрат қошида зарра эмас.
Жонингизга бу жаҳон зиндон эрур,
Йўл солинг, ул ёнки бепоён эрур.
Бу жаҳон тордир ва ул ён беадад,
Нақшу суврат маънига девор
фақат.

Лисоний таржима

Вазир ҳам жуҳуд шоҳи каби нодон ва ғофил эди. Зеро, у қадим ва азалий Худога қарши жанг эълон қилди. Амр ва иродасига шаксиз бўйинсуниш ўрнига панжа урди.

Нодон вазир бир дамда адам — йўқликдан бу оламга ўхшаш юз оламни бино қилиши мумкин бўлган зотга нисбатан душманлик ва хусумат йўлини тутди.

Агар Худойи таъоло сенинг кўзларингни ўзининг маърифати нури билан ёритса, шубҳасиз, нигоҳларинг бу дунё асрорларини мушоҳада қилади. Кўнгил кўзини оч, то кўриш мумкин бўлмаган ҳодисаларни кўргайсан.

(Ҳақ таъоло солик кўзларини ўз зот ва сифоти маърифатининг нури билан равшан айласа, у бу ҳис оламидан ўзиб, жабарут, малакут ва лоҳут оламларини томоша қилади).

Агар бу дунё сенинг назарингда улуғ ва интиҳосиздир, бироқ азал ва қадим Худонинг қудрати наздида зарра каби ҳечдир.

Бу олам сизнинг руҳ ва жонингиз зиндони. Огоҳ бўлинг. Сиз учун буюк саҳродек кенг томонларга юзланинг. Жон аслида ёлғиз бўлиб, ўз оламида ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқдир. Баданга кирганидан сўнг у ҳис-туйғуга муҳтож бўлиб қолади. Шу боис тан зиндондир. Жон токи жисм ичида экан, унинг хушлиги, осудалиги чеклангандир. Бироқ руҳий лаззатнинг чегараси йўқ.

Бу жаҳон маҳдуд — тор. У жаҳон кенг — ҳудудсиз. Дунёнинг нақш ва сурати у олам муқобилида девор, яъни тўсиқдир.

Шарҳ

«Панжа урмоқ» — кимгадир ташланмоқ, хусусмат сақламоқ, урушмоқ.

«Қадим» — Худойи таъоло.

«Адам» — йўқлик. Ҳақнинг илмий сурати. Ҳаракатсиз буюклик. Ибн Арабийнинг ақидасига кўра, адам — ҳаракатсиз буюклик ҳарчанд сифатга эгадир, бироқ вужудсиздир яъни, жисми йўқ, ғайри моддий ҳодиса. Унинг фикрича, мутлоқ адамга ижод хос эмас. Адамга ишорат қилинмайди. У ҳақда хабар бериш ҳам мумкин эмас. Йўқ бўлган, яъни маъдум хусусида шундай дейилган: «Ал маъдуму ла юхбару анҳу» (Йўқлик ҳақида хабар берилмайди). Хоқоний ёзади:

Лабидан нишона қайда? Ва дилимда сўз қаёқда?
Ки адамдан келмас асло на нишону на хабарлар.

Мавлоно назарида «адам» сўзи ушбу маънога эга:

Адам ул наздидаким маъдани
жондир адам, охир,
Вале ул жон эмас, у ғусса била ғам
била хордир.

Шайх Аттор дейди:

Вужуд ўт, адам била бўл,
Ки адам номи адамдир.
Бил яқийн адам биладир,
Неки бу вужудда маъмур.

«Дам» агар «он» маъносини ифода этса, маълум бўладики, бу нуқтада мақсад Ҳақ тажаллийсидир. Худонинг «Аз Зоҳир» исми мартабасида «дам» унинг зуҳуроти, яъни намоён бўлишидир. Ибн Арабийнинг ақидасига кўра, «олам зуҳуротининг мабдаъи (ибтидоси)дир». Уни «нафасур Раҳмон», (Раҳмоннинг нафаси) деганлар.

Маснавий

Сад ҳазорон найзаи Фиръавнро
Даршикаст аз Мусии бо як асо.



Суратларни Р.ЭРМАТОВ чизган

Сад ҳазорон тибби Жолинус буд.
Пеши Ийсо ва дамаш афсус буд.
Сад ҳазорон дафтари ашъор буд,
Пеши ҳарфи уммияш ор буд.

Таржима

Неча юз минг найзасин
Фиръавннинг,
Синдириб Мусо асоси барини.
Неча юз минг тибби Жолинус эди,
Ийса наздида бари афсус эди.
Неча юз минг дафтари ашъор эди,
Уммий ҳарфи бирла шармсор эди.

Лисоний таржима

Фиръавннинг юз минглаб найзасини Мусонинг (а.) маъно оламига даҳлдор биргина асоси синдирди. Зеро, Мусонинг (а.) қудрати безавол илоҳий қудрат сарчашмасидан бахрамаид эди.

Жолинус (Гиппократ)нинг тиб илмига доир юз минглаб далолат ва бурҳонлари Ийсонинг (а.) ботиний табобати олдида беҳуда бўлиб қоларди.

Юз минглаб шеър дафтарлари бир уммий (саводсиз) зотнинг каломи наздида бекор бўларди.

Шарҳ

Фиръавн аҳли сувратпарастлар тоифасига мансуб бўлиб, Мусо (а.) аҳли маъно ва ботин аҳлидандирлар. Юқоридаги байт Оллоҳнинг чексиз илмидан далолат беради. Унинг намунаси анбиёлар мўъжизаси. Ийсо (а.) мўъжизаси билан боғлиқ воқеа Қуръони каримнинг «Оли Имрон» сураси, 49-оятида шундай баён этилади: «Анний ахлуқу лакум минат тийни каҳайатит тойри фаанфуху фийҳи фаякувну тойрон биизниллаҳи». («Тупроқдан сиз учун қуш ҳайкалини яратаман ва унга дам ураман. Токи Худонинг изни билан қушга айлансин»). Ҳазрат Масиҳ (а.) Оллоҳ изни билан иложсиз беморларга шифо бахш этарди.

Замонасининг машҳур шоирлари ўз шеърларини Қуръонга муқояса қилаканлар, уялиб қолардилар.

Ҳазрат Мавлоно мазкур уч байтда моддий ва зоҳирий қудратни ботиний маънавий қудрат билан муқояса қилади. Фираъвн, Жолинус ва араб шоирлари моддий қудрат намунаси бўлиб, Ҳазрат Мусо (а.), Ийсо (а.) ва Муҳаммад (а.с.в.) маънавий қудрат намунасидир.

Маснавий

Бо чунин ғолиб Худованде касе
Чун намирад? Гар набошад у хасе.
Бас дили чун кўҳро ангехт ў,
Мурғи зийрак бо ду по овехт ў.
Фахму хотир тез кардан нест рох,
Жуз шикаста менагирад фарзи
шоҳ.
Эй, басе ганж огунони кунжков.
К-он хаёл андешро шуд риши гов
Гови кй буд то ту риши ў шавй,
Хок чй буд то ҳашиши ў шавй.
Чун зане аз кори бад шуд
рўйзард,
Масх кард ўро Худову Зуҳра кард.

Таржима

Бу қадар ғолиб Худованд наздида,
Недир ўлмоқ? Недур ўлмоқ
аслида.
Кўнгли тоғларни қилиб
вайроналар,
Неча зийрак қушни-да ҳайроналар.
Фаҳму идрок бирла йўл йўқдир
анга.
У боқар кўнгли синиқ девонага.
Қанча аҳли давлату кунжковлар,
Ул хаёл қошида бўлди говлар.
Гов надирким сен унга бўлсанг
соқол,
Хок не, бўлсанг қуруқ ўтлар мисол.
Гар аёл ўз қилмишидан ор этар,
Ҳақ уни масх айлару Зуҳро этар.

Лисоний таржима

«Ғолиб» ва «Қоҳир» сифатларига эга бўлган Худонинг наздида инсон ҳаёти қанчалик қимматга эга? Бундай зотга нечук борлиғимизни фидо эта олмаймиз? Албатта, инсон, агар у алланечук хору хос бўлмаса, ўзини бахш этади.

Қоҳир Худованд ўз ақл ва тадбири билан ғурурланадиган қудратли қалбларни суғуриб ташлайди, ҳар нечук ақл-тафаккур соҳибини у қанчалик ҳушёр ва тадбиркор бўлмасин тақдир ҳамда қазо қўллари билан чарх уриб ўйнатади.

Ақллилик, зийраклик, фаҳму фаросат бизни Худога томон элтмайди. Ул шоҳнинг фазлу карами ёлғиз шикаста дилларга муяссар бўлади.

Қанчадан-қанча давлат ва ҳашамат соҳиблари хаёл ва андиша соҳиби бўлмиш Ҳақ таъоло қошида зеру забун бўлдилар.

Сен кимнинг сигирига (форс тилида — гов) тобеъ ва мўтеъ бўлдинг? Сен кимнинг тупроғида қуриган алафга айландинг? Аёл ўзининг ножўя қилмишидан ор қилди. Худо уни масх этди ва Зуҳро юлдузига мубаддал қилди.

Шарҳ

Зийрак қуш — бир ақидага кўра икки оёғи билан дарахтга осилган ва баланд овозда «ҳақ-ҳақ» деб садо чиқарувчи қуш. Айримлар ушбу иборани тўтига нисбат берганлар. Овчилар найни икки учидан ип тортиб икки ёнга боғлаб қўйишаркан. Тўти найга қўнгач, най айланиб кетади. Қулаб кетишдан хавфсираган қуш жон ҳолатда найга ёпишиб олади ва шундай қилиб овчининг тузоғига илинади. Бу хулоса Валий Муҳаммад Акбарободийнинг шарҳидан келтирилди.


Зоҳиран бу таъбир «Ҳудҳуд ва зоғ» ёхуд «Қуш ва сайёд» каби қадимий ҳикояларга тегишли бўлиши мумкин. Зийраклик ва тамаъгирлик осмоний қисмат қошида ҳеч нарса эмас.

Акбарободий давом этиб, ёзади: «Тоғдек кўнгил» иборасидан мурод урфон арбоблари ва виждон асҳобларининг қалбидир. Бу зотларнинг қалби шак-шубҳа ва ваҳм тўфонларида ўз ўрнидан силжимайди. Зийрак қуш эса, ақл-тафаккур аҳлидан киноя. Бу тоифа зотлар ўз ақллари домига бир умр гирифтордирлар.

Юқоридаги байтларда Мавлоно Ҳақ таъолонинг инсоний ҳистуйғуларга тасарруфини баён қилган эди. Ушбу байтларда Мавлоно Яратгувчининг жон ва дилларга ҳукмрон эканини таъкидламоқда. Худованд тоғдек вазмин ва улуғвор қалбларни ҳам ғазаб ва шаҳват олови таъсирида ўрнидан қўзғатиб, сомон парчаси каби бодлар қўйнида саргардон қилади. Одамзот ҳар қанча зийрак ва ўткир ақл соҳиби бўлмасин, у ҳавою ҳавас, ботил фикрлар домида қолиши мумкин. Худованд моддий ҳодисаларгагина ҳоким бўлмай, жон ва тафаккуримиз ҳам унинг тасарруфида. Зоҳиран мазкур байт ушбу оятга ишора қилади:

«Ваъламу анналлоҳа яҳувлу байнал маръи ва қолбиҳи».

«Шубҳасиз, Оллоҳ ҳар бир одам ва



унинг қалби оралиғини эгаллаб туради» («Анфол» сураси, 24-оят. А.Мансур тарж.)

Сўфийлар дунё амалларида зийраклик ва ҳушёрликни писанд қилмайдилар. Уларнинг тасаввуридаги зийраклик бу охират ишларига жидду жаҳд қилмоқ ва ботинни пок этмоқдир. Шунингдек, зийраклик билан душман устидан музаффар бўлмоқ, турли мунозара ва муноқаша ҳам ҳудбинликдан бошқа нарса эмас. Яратилиш (мабдаъ) ва тавҳид мавзуидаги бош-адоқсиз баҳсу талошлар ҳам сўфийлар учун аҳамиятсиз. Ҳақни танимоқ амал ва мужоҳадани зиёда қилмоқдир. Ақлтафаккур, далил ва бурҳонлар Ҳаққа етишишнинг йўли эмас. Васл йўли бу — нафсга қарши жиҳод қилиш ва ботинни пок тутмоқ. Қанчадан-қанча файласуфлар умр бўйи мудом баҳслашдилар ва ўлим олдида ҳам ўз шубҳа-гумонларидан қутулмадилар. Шикастадиллик ва тазарру аслида ғурур мояси бўлган баҳсу талошлардан самаралидир. Бу хусусда қудсий ҳадис шундай дейди: «Ана индал мункасироти қулубуҳум мин ажлий» («Мен кўнгли синиқларим билан биргаман»).

Қанчадан-қанча давлатмандлар ниҳоят ўзларидан-да ожиз кимсалар дастида оддий дастгоҳга айландилар. «Кунжков» ибораси «Маснавий»нинг бир неча ўринларида истифода қилинади. Бу ибора тиниб-тинчимас, бесаранжом, топқир кимсаларга нисбатан қўлланилади. Акбароболий ёзади: «Неча аҳли давлат ўз нодонликлари боисидан вазир домига илинган эдилар».

«Масх» сўзи бир сувратнинг бошқа бир хунукроқ сувратга айланишини англатади. Яъни, бир инсон руҳининг ўзига ўхшаш бир ҳайвон жисмига кўчиши. Албатта, бу таносух фалсафасига тааллуқли фикр. Уларнинг назарида қўрқмас кишининг руҳи арслон танасига кўчиб ўтар эмиш. Таносух аҳлининг эътиқодига кўра, камол ва нуқс орасидаги нафслар самовий жисмга ёхуд ўзига монанд бир ҳодисага қовушадилар.

Мазкур байт ўз пархезкорликлари ва тақводорликлари билан ғурурланган Ҳорут ва Морут исмлари фаришталар хусусида. Ҳудованд уларга одамда мавжуд бўлган нафс ва шаҳватни берди. Сўнг заминга, одамлар жамоасига туширди. Улар Зуҳра исмли соҳибжамол аёлнинг домига илиндилар. Шароб ичдилар, қон тўкдилар ва зино қилдилар. Зуҳра улардан Исми Аъзамни ўрганди ва осмонга парвоз қилди. Оллоҳ бу соҳибжамолни Зуҳро юлдузга айлантирди.

Зуҳра — бу аёл атрофидаги можаронинг илдизлари ғоят теран. Эронликлар Ноҳид, юнонликлар Афродита, румликлар Внус деб номлаган Зуҳра хусусида «Тафсири Табарий», «Тафсири Абул Футуҳ» ва «Қасасул анбиё» китобларида маълумот берилган. Бу қисса Шарқдан Юнон ва Румга борди. Қадимги финиқийлар Астрата деб номлаган бу аёл энг пок ва завол билмас қудрат тимсолига айланган. Бир ривоятга кўра Зуҳра осмондан сув юзига тушган шуъладан бино бўлди. Бу ривоят қадимги эронликларга хос. Эронда Ноҳид шаънига ибодатхона тикланган бўлиб, Ардашер Бобоконнинг (мелодий 226-241) бобоси бу ибодатхонага нозир экан. Одамлар Ноҳидга қурбонликлар келтиришган.

Маснавий

Авратеро Зуҳра кардан масх буд,
Хоку гил гаштан чи бошад, эй ануд?
Руҳ мебурдат сўи чархи барин,
Сўи обу гил шудй дар асфалин.
Хештанро масх кардй з-ин суфул,
З-он вужуде, ки буд он рашки укул.
Пас бубин к-ин масх кардан чун бувад,
Пеши он масх ин бағоят дун бувад.

Таржима

Масх ила аврат бўлур Зуҳра агар,
Хоку гил бўлмоқ недир, эй фитнагар.
Руҳ сени элтар эди осмон сари,
Сув ва тупроққа беландинг сарсари.
Бу вужудга рашк этар эрди малак,
Масх этиб хор айладинг, хору ҳалак.
Боқ, нечукдир масх қилмоқ аслида,
Бул сенинг масхинг бағоят пастда.

Лисоний таржима

Агар бир аёлни Зуҳро юлдузига айлантирмоқ масх бўлса, хоки туробга айланмоқ масх эмасми, эй фитна солгувчи зот!

Руҳинг сени руҳоният осмони, юксак дунёларга томон тортади, сен эса ўзингни тубанлик чоҳларига ташлайсан.

Ўзингни моддиёт пастлиги билан масх қилдинг, ҳолбуки сенинг жисминг улуғлик ва шарофат нуқтаи назаридан осмоний ақллар ва фаришталар рашкига сабаб бўлгувчи эди.

Энди эса боққил, масх қилмоқ қандай бўлади. Ўша бадкирдор аёл — Зуҳра масх бўлди ва нурли юлдузга айланди-да осмон авжидан жой олди. Инсон масхи эса сув ва тупроққа айланиб кетмоқдир. Хўш, қай бир масхнинг даражаси баланд-роқ?

Шарҳ

Аврат — уят ва ор-номусга сабаб бўлгувчи нарса; яширин сақланиш яхшироқ бўлган узв, аъзо. Мажозий маънода аёлни англатади.

Масх одатда шакл ва сувратнинг ўзгаришидир. Бироқ сўфийлар наздида инсоннинг ботини, қалби, руҳияти ва малаклиги ҳам масх бўлиб, бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга, чунончи, малакутлик (лоҳутлик) сифатидан инсоний (носутлик) сифатига томон ўзгариши мумкин. Сўфийлар бу ҳолни «ботин масхи» ёхуд «қалб масхи» деб номлаганлар. Зеро, инсон тадрижан ўзи истаган сувратга, шаклга киради. Тасаввур қилинг, киши сафарга чиқар экан, сафар асбобини муносиб тарзда тайёрлайди, чунончи, шароит тақозосига кўра от, туя ёхуд бошқа улов билан йўлга чиқишга ҳозирлик кўради. Агар бордию бегона манзилда узоқ муддат мусофиратда қолиб кетса, ўша муҳитга мослаша боради, яъни муқим халқнинг тил, урф-одат ва анъаналарини секин-аста ўзига сингдиради. Ўша юртда доимий тарзда яшаб қолса, ўз миллатини ҳам фаромуш қилиши мумкин. Одам бирор нарсага рағбат кўрсатса, ўзининг фикр ва амалини ҳам унга мослаштиради. Аёлга кўнгил боғлаган кимсада ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Эр аёлнинг эътиборини қозонмоқ мақсадида мулойим ва хушхулқ бўлишга ҳаракат қилади. Гап-сўзида, амалларида зарофат пайдо бўлади. Ҳатто дунё молига ҳирс қўйган кимсалар бошда ҳарчанд инсоний қиёфаларини йўқотмаган бўлсалар-да, ниҳоят тош ва тупроқ хислатини ўзларида ҳосил қиладилар. Мол ва мансабни қўлга киритмоқ йўлида ҳар нечук қабоҳатдан тап тортмайдилар. Ҳатто ўз аҳли оилаларига ҳам шафқат қилмайдилар. Мол-дунёларини янада зиёда қилиш учун энг азиз кишиларини ўз қўллари билан қатл қиладилар. Молу дунё ҳирси уларда даставвал мавжуд бўлган инсонийликни масх этади, ёвуз дарранда қиёфасига солади. Сўфийлар бундай ўзгаришни «қалб масхи» ёхуд «ботин масхи» дейдилар.

Ҳазрат Мавлоно юқоридаги байтларда сувратга ва шакл-шамоилнинг масх бўлиши хусусида баҳс қилган бўлсалар, қуйидаги байтларда ботин масхи хусусида сўз юритмоқдалар.

Ботин масхини илм аҳли ҳам ўз равишларича шарҳ этганлар. Инсон ўз табиий феълияти билан бошқа бир инсондан фарқ қилади. Агар феъл-хўйда у дарранда бўлса, сувратда одам, маънода йиртқичдир.

Мутаржим —
Аскар МАҲКАМ

Шарҳлар —
Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОНИЙ,
Бадиъуззамон ФУРУЗОНФАР.



Ўрзулли дунё

(Хонанда Баҳодир Раҳимов билан суҳбат)

Қўшиқнинг ижодкори ким?

— Қўшиқнинг эгаси уни севиб тинглаган мухлис.

Хонанда Баҳодир Раҳимов билан суҳбатимиз ана шундай бошланди.

— Унинг макони мухлиснинг қалби, юрагининг тўри. Қалби гўзал инсоннинг ҳис-туйғулари ҳам гўзалдир. Шу гўзал фазилатлар ила қўшиқни янги бир мўъжизавий дунё деб қабул қилмоқ мумкин. Уни чаман ичра гўзаллик деб тушунмоқ керак. Уни севиб тингламоқ керак.

Қўшиқ бир гул, ошиғи эса мухлис. Гул ўз ифори билан атрофдагиларни ўзига чорласа, қўшиқ мусиқаси, оҳанги, ноласи ила мухлисни ўзига тортади.

— Халқимиз санъатсевар халқ. Санъатни тушунадиган, қадрлайдиган халқ. Шу билан бирга санъаткор ҳурматини ҳам жойига қўядиган халқ. Лекин ҳар бир хонанда улар кўнглини топа оляптими? Улар кутганидек қўшиқ айтяптими?

— Мухлис кўнглига йўл топиш, қўшиқлари билан улар қалбида яшаш ҳар бир хонанданинг дил истаги. Лекин ҳозирги кун мухлислари ўта зукко, талабчан. Енгил-елпи қўшиқ билан уларни ҳушнуд қилиш қийин. Мухлис сизга қалбидан аста-секинлик билан жой беради, қўшиқларингиз ёқмаса у сизни тезда хотирасидан ўчириб юборади.

— Хонанданинг ижодига қараб, устозига баҳо бериш мумкин. Устозим фалон санъаткор деб айтиш осон. Лекин...

— Саволингизга тушундим. Ҳозирги кунда қўшиқчилик санъатида устоз-шогирдлик анъанаси бироз оқсамоқда. Ёш хонанда-созандалардан «устозинг ким?» деб сўрашади. Жавоб доимо бир хил. «Олий ўқув юртида фалончилардан сабоқ олдим. Шулар менинг устозим». Энди аҳамият беринг. Хонанда олий гоҳда 4-5 йил ўқийди. Ўқитувчиларини устоз деб санаб ўтяпти. Тўғри. Лекин жавобни бир ўйлаб кўринг-а, санъаткор бўлиш учун 4-5 йиллик муддат кам эмасми. Бунинг учун 15-20 йил керак, назаримда. Етук санъаткор бўлиш учун балки бир умр ҳам камлик қилар.

Бизда Фахриддин Умаровдек етук санъаткорнинг Ҳожиакбар Ҳамидовдек шогирди бор. Ҳақиқий устоз-шогирд деб шуларни айтса бўлади. Улар иккови ҳам бундан доимо фахрланадилар. Лекин ҳозир бундай устоз-шогирдлар кам. Устоз ёнида туриб, унга жўровоз бўлиш шогирд учун катта масъулият, ҳаяжон, шу билан бирга, бир имтиҳон-ку.

Мен Фаттоҳхон Мамадалиевдек олижаноб инсонни устоз деб билдим. Улардан кўп нарса ўргандим ва яна ўрганаётган эдим. Афсуски, бу ишлар поёнига етмади...

Айни кунларда эса ёш, аммо устоз дея эргашадиган, ундан кўп нарса ўрганса арзийдиган инсон Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машрабжон Эрматов билан ижодий ҳамкорлик қиляпман.

Шу ўринда яна бир мулоҳазам. Суҳандон қиз таништиряпти: «Навбат ёш санъаткор фалончиевга». Ўша «санъаткор»нинг ёши 30 ёшлар нари-берисида. Репертуарида 5-6 қўшиғи бор, ҳолос, лекин номи санъаткор.

Санъаткор сўзи — улуғ сўз. Унинг юки оғир. Хонанда 3-4 қўшиқ билан элга танилиб, дарровгина санъаткор бўлиб қоляпти. Бу номга эришмоқ учун, назаримда кўп йиллар керагов.

— Саҳнага илк бора чиққанингизда ҳаяжонлангансиз, албатта. Орадан йиллар ўтди, кўплаб саҳналарда куйладингиз. Ҳозир ҳам мухлислар салобати босадими?

— Албатта. Агар мухлислар салобати босмаса, билингки у хонанда эмас. Устозимнинг бир ўгитлари доимо ёдимда. «Зал тугул, ҳаттоки овоз ёзиш студиясининг ҳам салобати боссин». Албатта илк давр билан ҳозирги ҳаяжоннинг фарқи бор.

— Масалан, қандай?

— У пайтдаги ҳаяжонда тажрибасиз-

лик, ўзига ишончсизлик кучли бўлган. Ҳозир эса қўшиқларим уларга ёқяптими, уни дилдан тинглашяптими деб кўпроқ ҳаяжонланаман.

— Изланиш — ҳар бир санъаткорнинг доимий ҳамроҳи. Ҳозир нималар қиляпсиз?

— Бастакор Абдуҳошим Исмоиловга ҳурматим баланд. Албатта, уларнинг кўнгилларидагидек қилиб қўшиқларини ижро этсам, яна бир имтиҳондан ўтган бўлардим. Бу эса менга катта маънавий куч бағишларди. А.Исмоилов мусиқаларини тинглаб, кўнглимда ёрқин туйғулар туғилгандек бўлади.

— Навбатдаги саволим, фонограмма ҳақида, у бизга керакми?

— Сир эмас, ҳозирги кунда ҳар бир санъаткор хоҳ саҳнада, хоҳ телевизорда бўлсин, фонограммадан фойдаланади. Ҳаттоки тўйларда ҳам шундай ҳоллар учрамоқда. Фонограмма аслида гала концертлар учун мўлжалланган.

Жонли ижро ҳақида кўп гапирилди. Натижада аста-секинлик билан бўлсада, жонли ижрога ўтилмоқда. Республика миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларнинг асосий шартларидан бири ҳам жонли ижро бўлмоқда. Ўйлайманки, бу ишлар тезда оммалашиб кетади.

— Хонанда шеър ёзади, куй басталайди, ўзи ижро этади. Ижоднинг бу тури, айтайлик, янги тури сизга ёқадими?

— Йўқ, албатта. Хонанданинг вазифаси — куйлаш. Майли, шеърга куй басталасин, ижро этсин. Лекин унинг шеър ёзиши... мантиққа тўғри келмайди, назаримда.

Шеърият — бадиий ижоднинг тожи, шоирлик — нозик, сирли ижод. Ҳозир хонандаларимиз ҳам шоир, ҳам хонанда бўлиб ном чиқаряптилар. Фикримча, хонандалар ўзлари севган шоирлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб борсалар, яхши қўшиқлар яратсалар...

— Инсон доимо орзу-умид билан, мақсад билан яшайди. Орзуларингизнинг бир қисми рўёбга чиқди. Яна қандай режаларингиз бор?

— Асосийси, умрбоқий қўшиқлар ижро этсам, дейман. Эҳтимол танқиди хонанда бўларсан, лекин эл севмаслиги мумкин. Мен ҳам таниқли, ҳам эл севган хонанда бўлиш орзусидаман, орзули дунё-да, бу.

Ижод бир умр давом этадиган жараён. Ҳар бир қўшиқ осонлик билан яратилмайди. Хонанда ҳар бир қўшиқни ўзига хос жозиба билан, мўъжиза билан, ўзига хос гўзал туйғу билан куйламоғи, қўшиқни аввал унинг ўзи мазза қилиб, эшитмоғи, сўнгра мухлисларга ҳавола қилиши керак. Ижод ҳеч қачон мажбурийликни ёқтирмайди. Санъаткор ўз ишидан қониқмаслиги, устозлардан кўпроқ намуна, ўрнак олмоғи лозим...

Хонанда Баҳодир Раҳимов билан суҳбатимиз ана шундай фикрлар билан ниҳоясига етди.

Суҳбатдош:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Аслиятдан таржима

Маълумки, кўплаб Ғарб адабиёти намуналари ўзбек тилига асосан рус тили орқали таржима қилиниб келинган. Хомер, Данте, Бокаччо, Шекспир, Ф. Рабле, Д. Сервантес, Дефо, Свифт, Диккенс, Бальзак ва бошқаларнинг мумтоз асарлари шу тил орқали адабиётимизга кириб келди. Аммо, агар таржимон асл нусха тилини билса, уни бевосита таржима қилгани мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда аслиятдан ўгирадиган таржимонлар анча кўпайган бўлса-да, бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Мен ушбу масала бўйича хулосаларимни истеъдодли таржимон Янглиш Эгамова олмон тилидан ўгирган Бруно Апицнинг «Қашқирлар чангалида» романи асосида баён қилмоқчиман. Я. Эгамова ушбу асар (24 босма табоқ) таржимасига бу соҳада катта тажриба орттиргач киришган. Бугунгача олмон адабиётининг мумтоз намунаси бўлган Гётенинг «Ёш Вертернинг изтироблари» романини моҳирона ўзбекчалаштириб, китобхонлар ва танқидчиларнинг ижобий баҳосини олган эди. Гёте тили ва услуби билан мулоқот жараёнида қалами анча қайралган таржимон «Қашқирлар чангалида» романи таржимасида ҳам ижобий натижаларга эришолди. Романда Бухенвальд концлагерида ёзувчи ўзи гувоҳ бўлган воқеалар бадиий тасвир этилган (Бруно Апиц кўп йиллар концлагерь азобини тортган).

Роман 1975 йилда Берлинда «Ғалаба кутубхонаси» сериясида босилиб чиққан нусхадан ўзбек тилига таржима қилинган. Асар 1986 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида босмадан чиқди ва қисқа муддатда тарқалиб кетди. Мен ўзбекча нусхани аслиятга ҳамда русча таржимасига қиёслаб, шундай хулосага келдимки, рус таржимони қатор ҳолларда жумлаларнинг умумий мазмунини бериб қўя қолган, бундан ташқари элчиларнинг ҳарбий унвонларини билдирган сўзлар ҳам аслиятга мувофиқ келмайди. Масалан, асарда тасвирланишича, концлагерда хизмат қилувчи эсэсчилар лагерь коменданти Шваалга бўйсунишган, барча ишлар Шваал кўрсатмасига мувофиқ амалга оширилган. Клуттих ва Вайзанкнинг биринчи ва иккинчи ёрдамчилари, яъни лагерь бошқарувчилари (лагерфюрерлар) бўлишган. Райнебот эса рапортфюрер, яъни рапорт ва докладларни қабул қилувчи бошлиқ бўлган. Русча вариантда эса, Райнебот комендант, Шваал лагерь бошлиғи, Клуттих ва Вайзанк лагерь бошлиғининг ёрдамчилари деб берилган. Асл нусхага таянган таржимон Я.Эгамова Шваални комендант, Райнеботни рапортфюрер деб ўгирган ва матн остида бу сўзга изоҳ берган.

Бошқа тиллардан, хусусан, олмон тилидан ўзбекчага рус тили орқали ўзлашган жуда кўп географик номлар, кишиларнинг исмлари русча талаффузга мувофиқ айтилар эди: Ганс, Вилгелм, Герберт, Лейпциг, Ваймер ва ҳоказо. Эгамова бу номларни олмонча талаффузга мувофиқ Ханс, Вилхелм, Херберт, Лайпцих, Ваймар деб ўгирган.

Бундан ташқари, мутаржим бадиий таржимага ўзидан сўз қўшмаслиги, ёзувчи қўллаган ҳар бир сўз ва иборага хурмат-эътибор билан ёндошиши, уларни тушириб қолдирмаслиги керак. Чунки асардаги ҳар бир тасвирий воситага маълум маъно юкланган бўлади. Шу билан бирга сўзга, шаклга қул бўлиб қолиш ҳам ярамайди. Мақсад — ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрни, ғояни китобхонга эркин тарзда етказишдан иборат.

Ушбу романнинг айрим ўринлари русча таржимада тушириб қолдирилган. Асар аслиятдан ўгирилганлиги учун ўзбек тилида роман матни тўлиқ тикланган. Чунончи, романнинг 133-бетида бир абзац матн рус тилида берилмаган. Унда лагердаги яширин ташкилот етакчиси Боховнинг ички кечинмалари акс этганки, бу тасвир таржимада албатта берилиши керак эди. Ўша парча ўзбекчага қуйидагича таржима қилинган: «Боховнинг миясининг бошқа томонида барча сўзлар ва фикр-ўйлар акс-садо бермайдиган, жавоб қайтармайдиган тубсиз чуқурлик борлигини ҳис этди. Эҳтимол, Ҳёфел мана шу чуқурликка қараган-у сўраб-нетиб ҳам тўтирмай, бўладиган ишни қилган қўйган. Инсон деган номни кўтариб юришга қодир бўлган киши ўзининг бутун фаолиятида ҳар доим юксак ишларга журъат этиши керак» (135-бет).

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таржимондан катта истеъдод, маҳорат, сабр-тоқат ўз ишига меҳр-муҳаббат талаб этилади. Бундан ташқари, агар асар аслиятдан ўгирилса, кўриб ўтганимиздек, унга хос барча хиҳатлар таржимада ҳам тўла акс этади.

Дилбар АЮПОВА,
Гулистон давлат университети.

Ижоднинг жон томирлари



Ўткир Ҳошимов набираси билан

Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас, деган нақл бор. Ўткир Ҳошимов «Инсон садоқати» драмасида, публицистик мақолаларининг бирида, «Дафтар ҳошиясидаги битиклар»ида одамлар орол бўлиб эмас, қитъа бўлиб яшашлари керак, деган эътиқодни илгари суради. Бу фикр ёзувчилар авлодига ҳам тааллуқли. 60-йилларнинг биринчи ярмида адабиётимизга Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Иброҳим Ғафуров, Барот Бойқобилов, Гулчеҳра Жўраева, Худойберди Тўхтабоев, Миразиз Аъзам, Тўлқин Имомхўжаев, Низом Комил, Сайёр, Юсуф Шомансур, Хайриддин Салоҳ, Эътибор Охунова сингари ижодкорлар кириб келдилар. Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров сингари носирлар ижодида дастлаб ўзаро яқинлик кўзга аниқ ташланди. Буларнинг «Севгим, севгилим», «Чўл ҳавоси», «Тўлқинлар», «Одамлар» сингари лирик қиссалари, қатор ҳикояларини тилга тушди, қизғин мунозараларга мавзу бўлди. Бора-бора ҳар бир ижодкор ўзининг бетакрор, ҳеч кимникига ўхшамайдиган услубини, ижод йўлини яратди. 60-йилларда ёш ёзувчилар нафақат ёзувчилар уюшмасида, таҳририятларда, балки сафарларда, сайр-саёҳатларда бирга бўлишар, ижод, ҳаёт ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришарди. Шукур Холмирзаев «Ўлмас Умарбеков» номли воқеий ҳикоясида 60-йиллардаги адабий ҳаёт нафасини ишонарли тасвирлаган. Ёзувчи ўзи мансуб бўлган авлод намояндалари — Ўлмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Ботир Зокиров, Турғун Азизовлар ҳақида ажойиб ходиса, воқеаларни баён этади. Муҳими, ёзувчи ўз қурдошлари характерини яратади. Эътибор берилса, ёзувчи, шоир, санъаткор, танқидчилар бир-бирларига ёрдам беришга ҳаракат қилар, ижодий ютуқларидан беҳад қувонардилар. Ўткир Ҳошимов авлодига хос самимийлик, ўзаро яқинлик ҳамон давом этаётганлиги қувонарлидир.

Мен Абдулла Орипов ва Ўткир Ҳошимов орасидаги самимий муносабатнинг бир кўриниши ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Ўткир Ҳошимов, Абдулла Ориповлар бир-бирларига «Бўтам» дея мурожаат қиладилар, «сен»сираб гаплашадилар. Ўткир Ҳошимов «Баҳор қайтмайди» қиссасини ёзар экан, Алимардон Тўраевнинг бетакрор бир қўшиғи бўлиши лозимлигини тушунади. У Абдулла Ориповга ўз қиссаси, асосий қаҳрамони, унинг фожиаси ҳақида сўзлаб беради. Абдулла Орипов Алимардон Тўраев моҳиятини бус-бутун ўрганиб олади ва унинг «Кетмокдаман» қўшиғи матнини ёзади. «Баҳор қайтмайди» қиссасида ҳам, шу номли видеофильмда ҳам Алимардон қўшиғи китобхонни бефарқ қолдирмайди. 80-йилларга келиб Абдулла Орипов Алимардон Тўраев қўшиғи матнини ўз тўпламига киритди.

«Баҳор қайтмайди» қиссаси кўпчилик санъаткорлар тақдирида ҳам ўчмас из қолдирди. «Баҳор қайтмайди» видеофильмини Ўткир Ҳошимовнинг ижодий ҳамкори Мираббос Мирзаахмедов яратди. Шу санъаткор Ў. Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссасини, бир қанча ҳикояларини видеофильм қилди. Видеофильмдаги Алимардон Тўраев образини Ў. Ҳошимов тенгдоши Лутфулла Саъдуллаев яратди. Алимардон Тўраевнинг «Кетмокдаман» қўшиғини Ҳожиакбар Ҳамидов ижро этди. Ҳожиакбар Ҳамидов — Ўткир Ҳошимовнинг маҳалладоши, Абдувоҳид Ҳамидов исмли синфдошининг укаси, қолаверса, ёзувчи ижодининг ашаддий мухлиси.

«Баҳор қайтмайди» асари асосида яратилган пьеса Аброр Ҳидоятов номли театрда истеъдодли режиссёр Эргаш Масафоев томонидан саҳнага қўйилди.

Ўткир Ҳошимов драмаси асосида саҳнага қўйилган «Инсон садоқати» асарини Урганч театрида тамоша қилганман. Режиссёр Ибодулла Ниёзметов топқирлигига, Элёр образи талқинчиси Санъат Девонов, она образини ижро этган Султонпошша Раҳимова истеъдодига қойил қолганман. Муқимий номидаги театр Ў. Ҳошимовнинг «Тўйлар муборак» асарини марҳум режиссёр Рустам Бобохонов талқинида саҳнага олиб чиққанида, театр мухлислари орасида шов-шув бўлган, асарни кўришга иштиёқмандлар сони кўпайганданкўпайиб борган эди. «Қатағон» драмаси Ҳамза номидаги Академик театр саҳнасида қўйилди. Асардаги асосий ролларни Эркин Комилов, Толиб Каримов, Тўйчи Орипов, Жамшид Зокиров ва бошқалар маҳорат билан ижро этдилар.

Бундан ташқари, «Инсон садоқати» драмаси асосида видеофильм яратилганлиги, ундаги асосий образларни Ёқуб Аҳмедов, Толиб Каримов сингари санъаткорлар ижро этганликлари мухлислар ёдида.

Хуллас, истеъдодли ёзувчининг асари фильмда, саҳнада талқин этилар экан, бу мураккаб юмушни амалга оширишда ўнлаб санъаткорлар, актёрлар ўз ҳиссаларини қўшадилар. Бадиий асар ёзувчи «фарзанди» бўлиб туғилсада, ҳар хил санъаткорлар воситасида эл-юртга, оламга танилади. Бу ўринда Ўткир Ҳошимов асарларини рус, инглиз, қозоқ, тожик ва бошқа тилларга таржима қилган таржимонлар хизматини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Абдуғафур РАСУЛОВ.

Бобур замони мулкдорларининг маънавий қиёфаси

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодида киши диққатини тортадиган алоҳида жиҳатлар мавжуд. Бобур ҳам бошқа шахзодаларга хос таълим-тарбия олган, чунки мамлакатни бошқариш учун жисмонан бақувват, диний ва дунёвий билимлардан хабардор, ахлоқан етук бўлиш зарур эди. Шахзодалар тарбиясида мардлик, жасурлик билан бирга тўғрилик, ростгўйлик, адолат, ҳалол-покизалик, раҳмдиллик, сахийлик фазилатларига ҳам катта эътибор берилган. Темурийлар салтанати, хусусан, Бобур подшоҳлик даврида ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, адолатпарварлик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, мол-мулкнинг дахлсизлиги давлат томонидан ҳимояланган.

«Бобурнома»да ёзилишича, Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карвон Ўш тоғларида қор кўчкиси остида қолиб, ҳалок бўлади. Шунда у ўз одамларини юбориб, карвон юкларини назорат остига олдиради. Хуросон ва Самарқандга махсус одам жўнатиб, карвон эгаларининг меросхўрларини аниқлаб, молларини тўлалигича қўлларига топширади. Бобурнинг Кобул сари юриш жараёнида бир воқеа рўй беради. Бу воқеа «Бобурнома»да шундай тасвирланади: Хусрав шоҳнинг навкарлари камбағаллашиб қолган маҳаллий аҳолини талаш ва таҳқирлашга ўрганиб қолган эдилар. Бироқ Бобур Мирзога бош эгиб келиб қўшилганларидан кейин ҳам улар бу ярамас қилиқларини тарк этмаганлар. Қўшин Қорабоғ яқинидаги Оқсарой водийсига келиб, дам олиши учун тўхтаган пайтда, навкарлардан бири ерлик аҳолидан бирининг бир кўза мойини зўрлик билан тортиб олгани учун тутиб келтирилади. Бобур Мирзо айбдорни калтаклашни буюради. Ана шу воқеадан сўнг зўравонликни ўзига касб қилиб олганларнинг хатти-ҳаракати тартибга тушади ва аҳоли барча қатламлари ҳимоя остига олинади. Бобуршоҳ ҳукмронлигининг сўнгги давригача раиятни ҳимоя қилиш, мавжуд тартиб ва удумларни эътиборга олган ҳолда фарзандлари ва кўл остидаги амир ва бекларнинг барчасидан қонун-қоидаларнинг бажарилишини қаттиқ туриб талаб қилди. Мулкдор агар мансабдор шахс бўлса, ўзи ишлайдиган маҳкама ходимларидан ва хизмат тақозосига кўра ўзига тобе бўлган шахслардан совға ва ҳадялар олиши ман қилинган. Камбағаллик нима эканлигини яхши англаш катта мулк эгаси бўлмиш қозилар учун олий шараф ҳисобланган. Бобур подшоҳлик даврининг ўзига хос кўринишларидан бири шу эдики, йирик мулкка эга бўлган мулкдор вафот этса, мол-мулкини унинг меросхўрларига бериш (бунга қадар вафот этган кишининг мол-мулки давлат ихтиёрига олиб қўйилар эди), борди-ю, меросхўри бўлмаса унинг мол-мулкини оммавий иншоотлар, яъни шифохоналар, ҳаммомлар, кўприклар, масжидлар, карвонсаройлар қуриш, уларни таъмирлаш ишига сарфлаш тартиби ўрнатилган. Бобурийлар авлодларидан бўлган тижорат, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бойиган элимизнинг ишбилармон кишилари бухоролик, самарқандлик, хивалик, андижонлик, наманганлик, қўқонлик, тошкентлик катта мулкдорлар — Пўлат Хўжа, Убайдулло Хўжа, Ислом Хўжа, Миркомилбой, Тўхтабой, Орифжонбой, Иброҳим Ҳожи, Тўлаган Ҳожи, Комилжонбой, Обиджонбой кабилар халқимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилган жадидларга ҳар доим моддий ёрдам кўрсатиб келишган.

Ҳозирги даврда республикамизда олиб борилаётган ишларда, хусусан, ёдгорликларни таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, қарияларга катта ва кичик мулк эгалари бўлмиш банкирлар, тадбиркорлар, савдогарлар моддий ёрдам беришмоқда. Бу бизга Бобур ва унинг давлатини бошқаришда мулкдорлар синфини ўз ўрни борлигига ва уларга таяниб яшаш мумкинлигига ишонч уйғотади.

Рустам ЛАТИПОВ,
Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси.

Донолар бисотидан

Таниқлигу шарафинг отанг дандир,
Меҳрибонлик, мушфиқлик
онангдандир.
ЗАМАХШАРИЙ.

* * *

Ота пандига сен доим қилғил амал,
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал.
Отангни, онангни севинтир тамом,
Бу хизмат еткургай тилакка мудом.
Юсуф хос ҲОЖИБ.

* * *

Фақат она эмас менга қиммат зот,
Унинг мартабаси бундан ҳам зиёд.
Ишларим ривожи ўшандан кўрдим,
Бу тахтим ва тожим ўшандан
кўрдим.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

* * *

Фарзанд ота қуллуғин чу одат
қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки отаға кўп риоя қилғай,
Ўғлидан анга бу иш сироат қилғай.
Алишер НАВОИЙ.

* * *

Фарзанд меҳри аритар ғам зангини
кўнгулдин.
НОДИРА.

* * *

Сен отангга ҳар на қилдинг яхшилик,
Кут болангдан яхшиликка яхшилик.
Аҳмад ДОНИШ.

* * *

Ҳеч бир гап қолмади маълум
бўлмаган,
Жуда оз сир қолди маълум
бўлмаган.
Билимим ҳақида чуқур ўйласам:
Билдимки, ҳеч нарса маълум
бўлмаган.
Абу Али ибн СИНО.

* * *

Ҳар айб мард ўғлига бир панд эрур,
Ўз айбин билса донишманд эрур.
Ҳайдар ХОРАЗМИЙ.



Миллий тасвирий санъатимиз келажаги

Инсон азалдан гўзалликка интилиб келган, гўзаллик эса инсониятни баркамол, ҳурфикр қилади. Бу ўринда тасвирий санъатнинг роли қанчалик муҳим эканини сўз билан ифодалаш қийин.

Мустақил Ватанимизнинг тасвирий санъат ўқитувчиларини ҳар томонлама шакллантириш, уларга мукаммал билим бериш даврнинг долзарб масалаларидан.

Педагогика университетлари ва институтларида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашнинг янги муаммолари жамиятимизнинг замонавий талаблари асосида ҳал этилиши лозим.

Ўзбекистон шароитида рассом-педагоглар тайёрлашнинг янги тартиби, мактаб, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ўқитилиши ва эстетик тарбияланиши, ўзбек тасвирий санъати, халқ ижодлари усуллари билан амалга оширилади. Тасвирий санъатнинг бўлажак ўқитувчиларини умумпедагогик ва методик жиҳатдан тайёрлашнинг муваффақияти шундаки, Ўзбекистонда бадиий таълимнинг ривожланиши ва ўқувчиларнинг эстетик тарбиялари, тарбиявий тадбирларни ўтказиш ва ташкил этиш миллий тасвирий санъат қўлланмалари ва она-Ватан маданияти тарихи, санъатшунослик билимлари ёрдамида амалга оширилади. Таълим ва тарбия масалалари замонавий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда педагогика университетлари ва институтларининг бадиий-графика факультетларида тайёрланадиган бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини бадиий усталар сифатида тайёрлашда қуйидаги масалалар муҳим аҳамиятга эга:

— талабаларда атроф-муҳитнинг тасвирий санъат усуллари билан ғоявий эстетик муносабатларини шакллантириш;

— бадиий графика факультетининг маълум фанларини ўқитиш жараёнида миллий тасвирий санъатни ўрганиш;

— алоҳида курсларни ўқитиш, педагогик амалиётларни ва курс, диплом ишларини тайёрлаш жараёнида талабаларни методик тайёрлаш.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш борасидаги санаб ўтилган масалаларни амалга ошириш учун қуйидаги шартларни бажармоқ вожибдир:

— биринчи курсдан бошлабоқ, миллий-бадиий урф-одатлар, қадриятлар, халқ усталари ижодини ўрганиш;

— Ўзбекистондаги олий педагогика университети ва институтлари шароитида, тасвирий санъат ўқитувчиларининг тайёргарлик мезони устида ишлаш;

— умумий фанлар курсига миллий урф-одатлар, маданий хусусиятлар билан боғлиқ бўлган қўлланмаларни киритиш.

Учинчи курсдан бошлабоқ қуйидаги машғулот курсларини киритиш, мақсадга мувофиқдир: «Ўзбекистон миллий маданияти тарихи», «Ўзбекистон тасвирий санъати», «Халқ усталари ижодини ўрганиш», «Ўзбекистон тасвирий санъати усуллари бўйича талабаларнинг бадиий маълумоти», «Тасвирий санъат дарсларида ўйин тариқасидаги машғулотлар», «Халқимиз манзарали амалий санъати», «Она-Ватаннинг санъати ва маданий меросини ўрганиш».

Бадиий графика факультети талабаларининг педагогик амалиёт дастурига, тасвирий усулларига таянган илмий-тарбиявий топшириқлар тизимини киритиш. Педагогик амалиёт вақтида методик таклифларни ишлаб чиқиш ва тасвирий санъат дарсларида қуйидаги мавзуларда дарс ўтиш: «А.Абдуллаев ижоди», «Н.Қорахон ижоди», «Б.Ҳамдамий ижоди», «Ў.Тансиқбоев ижоди», «Р.Аҳмедов ижоди», «Р.Чориев ижоди», «Б.Жалолов ижоди», «А.Мирзаев ижоди» ва бошқалар. Бундай мавзуларни таълим тизимига киритган ҳолда, педагогик амалиётни ўтказиш дастури ва методикасини ишлаб чиқиш зарур. Буларни самарали ҳал этиш таълим тизимини юксак талаблар даражасида ўзгартириш, сифатини ошириш имкониятини яратади.

Ў.НУРТОЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

Диний эътиқодни тарғиб этишда, муқаддас китобларнинг моҳиятини одамларга тушунтиришда асосан икки хил адабиётдан фойдаланилади. Уларнинг бири диний-илмий, иккинчиси эса диний-бадиий асарларни ўз ичига олади. Диний-илмий асарларда шариат қонун-қоидалари тақдим ва талқин этилади. Диний-бадиий асарлар эса ана шу вазифани бевосита амалга оширади.

Умумжаҳоний динларда, хусусан, ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган исломда санъатга муносабат қандай? Ана шу ўзига хос мураккаб масалага тўхталмоқчимиз.

Оврўполиклар ва баъзи мусулмонлар орасида Ислом санъатни таъқиқлайди, деган фикр юради. Бу фикрни кўпроқ ханбалийлик мазҳабига хос мусулмонларга нисбат берилса тўғри бўлур эди. Мутаассибларнинг санъатга муносабатлари ҳозирги толиблар ҳукмронлиги остидаги Афғонистонда яққол кўзга ташланади: Оллоҳни мадҳ этувчи бадиий адабиётдан бошқа санъат турларига деярли рухсат йўқ. У ердаги маънавий шароитнинг моҳиятини афғонистонлик бир ўқитувчининг «Би-Би-Си» радиосига берган интервьюсидаги: «Яшашдан мақсадимиз тезроқ қаро ерга кириш бўлиб қолди, бошқа нарсанинг ҳаммаси таъқиқланган», — деган сўзлари равшан ифодалаб беради. Аслида инсон энг шарафли мавжудот. Инсонга берилган ихтиёр эркинлигининг, диний эътиқодга зарар етказмайдиган инсоний майл-истаклар ва ижодкорлик фаолиятининг бундай чекланиши исломнинг асл моҳиятига зиддир. Ахир инсон қўғирчоқ эмас, ундан фақат кўр-кўрона сажданигина талаб этиш, уни фикрлаш неъматидан маҳрум қилиш мумкин эмас. Маънавий неъмат бўлмиш тафаккурдан йироқлик, сўқир мутаассиблик инсоннинг асл табиати эмас: инсон Оллоҳни билиб, англаб севиши керак, ўзини англаб, Оллоҳга суюкли бўлиш учун тиришмоғи лозим. Оллоҳга суюкли бўлмоқнинг эса битта йўли бор. Бу йўл Қуръони Каримда «Ол-и Имрон» сурасининг 148 ва «Моида» сурасининг 93-ояти карималарида шундай кўрсатилади: «Оллоҳ чиройли амал қилгувчиларни севади».

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсонни Оллоҳга етказувчи муқаддас китоб — Қуръони Каримнинг ўзи ҳар жиҳатдан мутлоқ илоҳий санъатдир. Чунончи, «Юсуф» сура-

Абдулла ШЕР

Диний-бадиий асарнинг эстетик моҳияти

сидаги Юсуф алайҳиссалом қиссаси бадиий асар сифатида ҳам кишини танг қолдиради. М.Б.Пиотровский Юсуф қиссаси ҳақида сўз юритар экан, уни бир умумий оҳангга эга бўлган деярли бир қофиядаги яхлит бадиий асар деб таърифлайди. Дарҳақиқат, Қуръони Каримдаги Юсуф қиссаси исломий санъатнинг илк ва гўзал намунасидир.

Ҳадиси шарифда ҳам бевосита дунёвий бўлган «Умм Зар ҳикояси» бор. Имом ат-Термизий уни «Шамоили Муҳаммадия»да «Бу бобда жаннати Расули Акрам саллолоҳу алайҳи вассаламнинг кечқурун қилғон ҳикоялари ҳақида баён қилинур» деб номланган бобда алоҳида сарлавҳаланган ҳикоя тарзида келтирилади. Унда ўн бир аёлнинг ўз эрлари ҳақидаги ҳикояларини Пайғамбаримизга кечқурун ўз хотинларига айтиб берадилар. Ҳикоятни бадиий жиҳатдан жуда юксак, саж шаклидаги, ўхшатишлар, сифатлашлар ва қочиримларга бой бадиий асар дейиш мумкин.

Шеърга бўлган исломий муносабат Қуръони Карим «Шуаро» сурасининг сўнгги оятларида, шунингдек, бир неча ҳадисларда ўз аксини топган. Уларда эзгуликка, улуғворликка, қаҳрамонликка даъват этувчи, мушрикларнинг тубан одатларини, бузуқликларини ҳажв қилувчи шоирлар мақталади.

Қарангки, Пайғамбаримиз эзгу ғояларни тарғиб этувчи, ҳикматли, бадиий юксак шеърларни жон қулоғи билан тинглар эканлар. Бундан ташқари у кишининг ўзлари ҳам шеър ёзишга мойил эканликлари ҳақида Имом ал-Бухорийда қуйидаги ҳадис бор: «Убай ибн Каъб: «Расулуллоҳ (с.а.в.); «Шеърда ҳикмат мавжуд, — дейдилар. Асвод ибн Қайс». Набий (с.а.в.) йўлда кетаётиб бир тошга қоқилиб кетиб эрдилар, бармоқлари қонади, шунда қуйидаги шеърни айтдилар», — дейдилар:

«Қонни зое оқизган шунчаки бир бармоқсан,

Тўкмадинг қонингни Оллоҳ йўлида бироқ сан!»

(«Ал-Жомеъ ас Саҳиҳ», IV жилд, 121-бет)

Таржимадаги нуқсни ҳисобга олмаганда, бу байт ҳам мазмунан, ҳам бадиий юксаклигидан ташқари, кичик бир бадиий асар, нақадар катта ғояларни кўтара олиши ва тингловчига етказа билиши мумкинлигига далилдир.

Мусулмон Шарқида хусусан, бизнинг Туркистон — Мовароуннаҳр — Хуросон минтақасида санъатнинг деярли барча асосий турлари ривожланди; бадиий адабиёт, хаттотлик, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат, театрлашган саҳналар, нотиқлик санъати, қироат санъати ва бошқалар. Тасвирий санъат асосан миниатюра жанрида тараққий топган бўлса, театрдан диний ва тасаввуфий маросимларни амалга оширишда фойдаланилган.

Маълумки, Қуръони Каримда ҳайкал-санам ясаш ва уларга сиғиниш таъқиқланади. Сурат чизиш ҳақида Қуръонда бирор бир кўрсатма йўқ. Ҳадиси шарифда эса у ман этилади. Бироқ миниатюра жанрида жаҳонни ҳайратга соладиган асарлар ҳатто Абу Саид Мирзо даврида жангни тасвирловчи деворий суратлар бунёдга келди.

Диний-бадиий асарни диний рамзсиз, диний идеалсиз, инсоний қадриятларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фақат улар муайян санъат турида намоён бўлгани учун бадиийлик хусусиятларини касб этади ва диний-бадиий рамз, диний бадиий идеал, диний бадиий қонун деб аталади.

Диний бадиий тизимда рамз алоҳида ўринга эга ва қамрови нисбатан микёсли бўлган ҳодисадир. Рамзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз мазмунини эмас, бутунлай бошқа мазмунни англатадиган шакл, ўз моҳиятини эмас, балки бутунлай бошқа моҳиятни ифодалайдиган ҳодиса, қисқаси бутунлай бошқа ботинни ифодаловчи зоҳирдир. Шу боис ҳам у сирли, яширин ҳодиса, уни муайян билимга эга бўлмай туриб англаб олиш мумкин эмас. Чунончи нур — Оллоҳнинг моҳияти, доимий зиё сочувчи ва шу билан барча мавжудотга жон бахш этувчи адабий ҳамда мутлақ зиёнинг рамзидир. Арши аълонинг ва фаришталарнинг нурдан пайдо бўлганини эсланг.

Исломда ранг рамзийлиги ҳам мавжуд. Илк баҳор майсаси ва япроқчаларининг оч яшил, барги қарам рангидаги қадимий диний-тасаввуфий китоблар муқоваларини, мачит-мадрасалар ташқи деворлари ҳамда пештоқларидаги битиклар, гулбарг нусхали безакларни кўп кўрганмиз. Уларнинг ранги рамзий — Оллоҳ динининг абадий ёшлигига, Исломнинг инсон қалбини баҳорга айлантирувчи эътиқод эканига ишора.

Диний-бадиий рамз, айниқса, мусулмон меъморчилигида яққол кўзга ташланади. Мачитлар ёки мақбаралар устидаги гумбазларни, чунончи Гўри Амир гумбазини хаёлан тасаввур қилинг. Осмондан-да мовийроқ бўлган гумбаздан, силлиқ, тўқ зангори қобирғалардан нигоҳингиз пастга эмас, юқорига қараб сирғалади ва нигоҳ-руҳингиз осмонга чирмашиб чиқиб кетгандай туюлади. Чунки бу гумбаз «жамол» деб аталади, у — илоҳий гўзалликнинг, Оллоҳ жамолининг рамзи. Баланд минора — Оллоҳ қудратининг рамзидир. Масжидлар, мадрасалар, мақбаралар пештоқларига оч нилий рангда битилган муқаддас ёзувлар — Қуръони Карим оятлари «сифат» деб аталади ва Оллоҳнинг сифатидан, белгисидан бизга рамзий хабар беради.

Идеал муаммоси ҳам диний-бадиий асарда ўзига хос тарзда талқин этилади. Диний-бадиий идеал ҳаётий идеалдан кескин фарқ қилади — у ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳаётий идеал эса, ўзимиз ҳаётимиз давомида шоҳид бўлганимиздек, вақт, мафкура, давлат тузуми, миллий озодликни йўқотиш ёинки унга эришиш ва шу сингари омиллар туфайли ўзгариб туради.

Барча диний-бадиий асарлар муайян қатъий қонун асосида бунёд этилади. Қонун йиллар ёки асрлар мобайнида ишлаб чиқилган мустаҳкам, яъни қонунлаштирилган тизимга асосланади. Сўз санъатидаги диний-бадиий қонунни авлиёлар ҳаётига бағишланган қиссалар, достонларда кўриш мумкин.

Диний-бадиий қонун исломий меъморчиликда ҳам яққол кўзга ташланади. Соф диний асарга нисбатан диний-бадиий асарнинг инсонга таъсири кучлироқ. Зеро, уни идрок этиш жараёнида инсон диний эстетик жиҳатдан тарбияланади, ҳам эътиқодга, ҳам санъатга муҳаббат кучаяди.

Миллий тарбия зарурияти

«Нега миллий онг, миллий ғурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшилишига анча паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу ғояга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашимиз лозим».

И.А.КАРИМОВ

Республикамизнинг тараққиёт ва ўзгаришларга бой даврида ёш авлодни софдил, ҳалол, меҳнатсевар, бағри кенг, меҳр-мурувватли қилиб тарбиялаш ҳозирги кун талаби ва эҳтиёжидир. Мактабларимиз маънавий бақувват, билимли, мустақил Ватанимиз тараққиётига хизмат қилувчи, миллий истиқлол мафкурасига содиқ, миллий-маърифий қарашларга эга кишиларни тарбиялаши керак.

Давлатимиз келажаги бўлган ёш авлодни ушбу фазилатларга эга бўлиши учун «Тарбияни қандай услублар орқали шакллантириш керак?», «Мазкур фазилатларни қандай қилиб такомиллаштириш мумкин?», «Ушбу фазилатларнинг мезонлари нималардан иборат?» каби саволлар туғилади.

Бу саволларга фақат мустақиллик туфайлигина тўғри жавоб топиш имконияти пайдо бўлди. Шунингдек, бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш таълим-тарбия тизими, восита ва усулларини ҳам ўзгартиришни тақозо этди.

«Таълим — Ўзбекистон республикасида жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистон республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини, умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади», — дейилади Таълим тўғрисидаги қонунда. Таълим-тарбия соҳасидаги энг муҳим ўзгариш умуминсоний ва миллий, маданий қадриятлар устуворлигидир. Бу деган сўз ёш авлодга бой тарихий, миллий, маданий мерос, минглаб йиллар давомида шаклланган халқ педагогикаси анъаналари асосида таълим-тарбия беришдир.

Агар кундалик ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларга назар ташласак таълимнинг тарбиядан анча узоқлашиб кетганлигини кўрамиз. Болаларимизга замонавий техника воситалари асосида билимлар беряпмиз, аммо уларнинг тарбиясини бироз унутиб қўйибмиз. Биз фарзандларимизга Афлотундан тортиб, то космик фазогача бўлган билимлар бердик, лекин виждон, иймон, эътиқод, одоб каби инсоний фазилатларни яхши сингдира олмадик. Болаларимиз оила бағридан узоқлашиб кетмадимикан? Болалар умрининг учдан икки қисмини боғчада, мактабда, кўчада ўтказадилар. Шунинг учун ҳам улар оиладаги миллий хулқ-маданиятдан, урф-одатдан, удумлардан етарли озиқ олмаябди.

Инсонга баҳо беришда ижобий ва салбий сифатларга эътибор бериш Шарқ педагогикасига хос хусусиятлардан биридир. Ана шундай бой, синалган педагогик маданиятга эга халқимиз, давлатимиз собит қадамлар билан ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу йўл миллий қадриятларни тиклаш, сақлаш, ривожлантириш, бир юзу ўттиз йилдан ортиқ давомида мудраб ётган миллий ғуруримизни уйғотиш, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга содиқликка асосланган мафкура асосида истиқлолий камолотга эришишдир. Албатта бу мақсадга эришишнинг ўзига хос назарий муаммолари бор. Бунинг учун тарбия назариясининг миллий-истиқлолий, илмий асоси яратилиши керак. Ўзбекистон мустақиллигини амалга оширишга, мустаҳкамлашга тайёр фарзандларнинг маънавий қиёфасини белгиловчи тарбия тизими, дастури ва қўлланмалари мунтазам равишда ўқувчилар қўлига етиб бориши зарур. Зеро, дунёда инсон тарбияси ва камолотидан азизроқ неъмат йўқдир.

Шариф ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат университети



— Келажакда ўз касбимнинг устаси бўламан!

Инсон камолати

Инсон гўзаллигининг ягона, мутлоқ ва тугал тимсоли мавжуд эмас. Агар мавжуд бўлганда эди, у барча халқларга гўзаллик тимсоли сифатида намуна қилиб кўрсатилган бўларди.

Одамларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари турлича бўлиб, улар вақт билан ўзгариб боради. Кишиларнинг эстетик, хусусан, гўзаллик ҳақидаги идеали ана шу ўзгаришларнинг бирламчи сабабидир.

Аъмол (идеал) шахс ҳамда муайян ижтимоий гуруҳларнинг олий мақсадлар томон интилишидир. Шу боис аъмол шахсий (индивидуал) ҳамда ижтимоий (социал) хусусиятга эга. Айни пайтда, аъмол ҳуқуқий, ахлоқий, сиёсийлик касб этган ҳолда ижтимоий англашнинг барча кўрини,шларида иштирок этади. Эстетик идеалда ҳам ана шу хусусият мужассам. Бироқ, ижтимоий англашнинг бошқа шаклларидаги идеалдан фарқли ўлароқ, эстетик идеалда бу хусусиятларнинг барчаси гўзаллик призмасидан ўтади. Бундан ташқари, эстетик аъмол фақат шахснинг ўзигагина дахлдор бўлиб, у шахснинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари ҳамда ҳали рўёбга чиқмаган эстетик ҳақиқатни амалга оширишда уни ҳаракатга ва фаолиятга ундашнинг юксак намунасидир.

Аъмол билан бир қаторда дид тушунчаси ҳам инсон гўзаллиги моҳиятини англаб етишда ўзига хос аҳамият касб этади. Маълумки, эстетик дид эстетик аъмолга нисбатан кенг қамровли бўлиб, ўзида гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва тубанлик, кулгилилик ва фожиавийлик сингари инсон эстетик фаолиятига дахлдор саналган талайгина тушунчаларни бир-бири билан қиёслаш, фарқлаш ҳамда баҳолаш орқали шаклланиб боради.

Таъкидлаш ўринлики, инсоннинг зоҳирий гўзаллиги муайян ҳолатларда шахснинг ўзигагина эмас, балки бошқаларнинг фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Буюк донишманд Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» асарида баён этилган мана бу фикрлари диққатга сазовордир: «Айтадиларки, гўзал юз дунёга саодат сабабчисидир. Агар гўзал юз яна яхши хулқ билан уйғунлашса, бахт-саодатнинг энг юқори даражаси бўлади. Агар одам ҳам ташқи кўринишдан, ҳам табиати билан яхши бўлса, Худо ва одамлар учун севимлидир. Гўзал юз уни кўрган одамнинг шу кунини хайрли этади, иккинчидан, ҳаётдан бахраманд бўлиш онларини ширин қилади, учинчидан, у одамни очиқ кўнгилли ва олижаноб этади, тўртинчидан, бойликни кўпайтиради ва юқори мансаб ато қилади».

Инсоннинг хатти-ҳаракати, ахлоқийлиги, воқеликка эстетик муносабати унинг ботиний туйғуларига, қалб кечинмаларига боғлиқ. Мазкур кечинмалар одатда шахснинг фаолиятидаги яхши ишларга қараб фазилатлар, ёмон кечинмаларнинг пайдо бўлишига қараб эса иллатлар тарзида кўзга ташланади.

Маънавий оламини бойитишга интилган ҳар бир одам ўзидаги мавжуд иллатларни бартараф қилишга, эҳтиросларини жиловлашга, чинакам ҳақиқатни англашга, гўзалликни қалбдан севишга ҳаракат қилади. Инсон ўз борлиғи ёрдамида чинакам лаззатга интилувчи ақл, ихтиёр, туйғу соҳибидир.

Шундай экан, унинг хулқи бевосита ахлоқ ва нафосат бирлиги ё зиддиятини ифода этувчи руҳий меъёр вазифасини ўтайди. Хулқ икки кўринишда намоён бўлади: биринчиси — яхши, чиройли хулқлар. Бунга ҳалоллик, иффат, диёнат, ор-номус, нафсни тийиш, виждон, шижоат, сабр, билимдонлик, ғайрат, жўмардлик, қаноат, мунислик, ҳақиқатпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик ва шу сингари ижобий туйғулар киради. Булар ўз навбатида инсонда хулқий гўзалликни намоён қилади ва инсонни ахлоқий камолот сари етаклайди; иккинчиси — ёмон хулқдир. Унга худбинлик, ҳасадгўйлик, таъмагирлик, фирибгарлик, ичғоғарлик, тўхматчилик, баднафслик, бадниятлик, дилозорлик, андишасизлик, бевафолик, берахмлик, товламачилик, беҳаёлик сингари иллатлар киради. Булар инсонни тубанлик сари етаклайди ва маънавий қашшоқлаштиради.

Инсоний гўзалликни такомиллашувида чинакам муҳаббат қаторига эзгулик туйғуси ва тушунчасини ҳам киритиш мумкин. Эзгулик ижтимоий хусусият касб этувчи ахлоқий фазилат бўлиб, юксак ахлоқий тамойиллар даражасини белгилайдиган ҳамда моҳиятан абадий ижобийликка дахлдор бўлган тушунча. Эзгулик яхшилик тушунчасига нисбатан кенг қамровли ва ундан фарқли ўлароқ ҳеч қачон ёвузликка айланмайдиган ахлоқий ҳодисадир.

«Авесто»да эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал тўғрисида гапирилади. Зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик моҳиятини ташкил этувчи мазкур уч асос айни пайтда инсоний гўзалликнинг моҳияти ҳамдир. Бу борада файласуф олим Т.Маҳмудов қуйидаги фикрни билдиради: «Заратуштра таълимотига қанчалик чуқур кириб борсак, унда инсон гўзаллиги қанчалик юксак ахлоқий-эстетик нуқтаи назардан талқин этилганлигини кўрамиз. Инсон фикри, сўзи ва иши билан гўзалдир деган ғоя «Авесто»нинг бошдан охиригача асосий фалсафий-эстетик ғоя бўлиб ўтади. Худди мана шу фазилатларнинг муштараклиги инсон қалби ва амалларининг гўзаллигини белгилайди».

Шахс камолотида мазкур жараённи бошқаришни иймон ўз зиммасига олади. Агар чиройли сўзласа-ю, кишида иймон бўлмаса, бу ҳол ёлғончиликка олиб келади; чиройли фикрларга эга бўлса-ю, одамда иймон бўлмаса, бу иккиюзламачиликка олиб келади; инсон чиройли ниятлар қилса-ю, иймон бўлмаса, бу нарса боқимандаликка, дангасаликка олиб келади ва ҳоказо.

Гўзаллик жамиятнинг ҳам маънавий, ҳам моддий жабҳаларини қамраб олади. Инсоннинг фақат маънавий гўзаллигига эътибор бериш, унинг жисмоний гўзаллигига путур етказади. Айни пайтда, маънавий гўзаллик ҳисобига жисмоний гўзалликни улуғлаш инсониятни муқаррар тарзда муваффақиятсизликка олиб келади. Ана шундай хавфнинг олдини олиш учун: биринчидан, инсон гўзаллигининг маънавий ва жисмоний томонларини уйғунлаштиришга эришиш; иккинчидан, тарбиянинг ахлоқий, педагогик, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий шаклларини тарбиянинг олий шакли бўлган эстетик тарбия билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш; учинчидан, кишиларда эстетик маданиятни юксалтириш, ижобий ва ижодий фикрлашни шакллантириш эстетика фанини таълим тизимига чуқурроқ сингдириш лозим.

Баҳодир ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Миллий Университети
фалсафа факультети
«Этика ва эстетика»
кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Афандининг ўғлини жазолагани

(Ҳазил)

Афандини, бир кун қаранг,
Оловланди, бақирди.
— Тез кел, аҳмоқ, нодон! — дея
У ўғлини чақирди.
Сўнгра эса ғазабидан
У хезланди, кўкарди,
Во ажабки, ҳеч тинмайин
Ўз ўғлини сўкарди.
— Ўн беш ёшга тўлдинг ҳамки
Ақлинг асло тўлмади.
Бўйинг қара, осмон қадар,
Лекин одам бўлмадинг.
Шундай дея бақирди у,
Оловланди, хезланди,
Ўз боласин урмоқ учун
Қўл кўтарди, тезланди.
— Шу ёшгача ўрганмадинг,
Мана энди синдирдинг сен,
Не қилай сен - нодонни,
Расво қилдинг азонни!
Афандининг бу ҳолидан
Хотин ҳайрон, ўғил лол,
Тутоққанчун Афандига
Беролмасди ҳеч савол.
— Оҳ , баччағар, ўласанми,
Бундоқ қилиб ушласанг?!
Баландлатиб ташламасдан
Секингина ташласанг!
Шундай дея бақирди у,
Оловланди, хезланди.
Урмоқ учун ўз боласин
Қўл кўтариб тезланди.
Афандининг бу ҳолидан
Хотин ҳайрон, ўғил лол.
Тутоққанчун Афандига
Беролмасди ҳеч савол.
Афандичи, келмасди бўш,
Яна авжга минарди.
Қолдирмайин бирор ерин
Ўз ўғлини сўкарди.
— Битта қозон биласанми,
Ўн минг турар бозорда.
Бунча пулга сендай эшак
Бир йил ишлар гузарда!
Сен бўлсачи, нодон бола
Бир қозонни синдирдинг.
Кексарганда ўз отангни
Икки кўзин тиндирдинг.
Осон эмас қозон топмоқ,
Қўшнининг омонати.
Эл кечирмас, билгин нодон,
Бундайин хиёнати.
Афандининг сўзларидан
Хотин ҳайрон, ўғил лол,
Тутоққандин Афандига
Беролмасди ҳеч савол.
Афандичи, келмасди бўш,
Яна авжга минарди.
Ғазабланиб, оловланиб
Ўз ўғлини сўкарди.
Сўнгра эса ғазабидан
Юзга урди тарсаки,
Аҳвол ёмон жиддийлашди,
Хотини ҳам кўрсаки,...
Сўнгра эса кўнглин олиб
Афандини бошлади.
Хотинида мехри иниб
Эр елкасин қашлади.
— Нима бўлди?Сизга?- деди,
Тутоқдингиз бунчалик?
Дилингизга олов қўйиб
Ўт ёқдингиз бунчалик?
— Тутоққандан мақсадим шул
Мулла айтмай азонни,
Қўшнимиздан олиб келсин
У каттакон қозонни!
— Эҳ, Афандим, қизиқсизда
Феълингиз ҳам қизиқ, заб.
Ҳалитданоқ ўғлингизни
Ўтирибсиз жазолаб.
Қозон деган ким билади,
Балки синар, синмайди.
Ота деган ахир билинг,
Сира бундоқ қилмайди.
Ҳали қозон синмасданоқ
Ўғлингизни урдингиз,
Ҳайрон қолдим не сабабдан
Гапни бунча бурдингиз?
— Нодон хотин, қулоқ солгин,
Яхшилаб бил сўзимни.
Ўғилгинам қаратмасин
Ерга асло юзимни.
Шул боисдан синмай қозон
Ўғилни сазоладим.
Қозон сингач нима фойда,
Олдиндан жазоладим.
Шундай дея Афандибой
Мўйлов силаб қўйди у,
Сўнгра эса ушбу ҳолни
Ҳазилига йўйди у.
Ушбу ҳазил доно гапдир,
Фойда кўпдир билмоқдан.
Қозон сингач фойда йўқдир
Ўғлингизни урмоқдан.

Абдулла БОБОЁРОВ,
Қашқадарё



Guliston

5
2001

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан
На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Сирожиддин АҲМЕДОВ

Мусаҳҳиҳ
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА

Фотомухбир
Владимир ГРАНКИН

Компьютерда саҳифаловчи
Барно ҲОШИМОВА

Таҳририят манзили:
700029, Тошкент – ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир – 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари – 133-08-57
Масъул котиб – 133-07-94

Босишга рухсат этилди:
27.09.2001 йил.
Қоғоз ҳажми 60X84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 2304.
1534 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

© "ГУЛИСТОН" 5/2001.